

## СЎЗ БОШИ

Азиз талабалар! Янги ўқув йилидан бошлаб педагогика курсига алоқадор фанларни ўзлаштиришга киришасиз. Ўқитиш, тарбиялаш ва маълумотнинг моҳияти, мазмуни уларни кишилик жамиятида тутган ўрни, мақсади, вазифалари билан танишасиз, ўқитиш ва тарбиялаш усуллари билан қуролланасиз. Ўқитувчи-тарбиячилар илмнинг зиёкорлари бўлганлари ҳолда, ўз ихтисосликлари бўйича замонавий фаннинг юксак чўққиларида турмоқлари учун уларга нималар зарурлиги ҳақида илмий билимларни оласиз.

Сиз энг оғир ва машаққатли, лекин кишилар қалбидан бир умрга жой оладиган сиймо-ўқитувчилик касбини танлаганингиз билан фахрланинг. Сиз баркамол авлодни ҳар томонлама камол топтиришдек улкан ишга бел боғлагансиз. Шунинг учун ҳам Сиз таълим-тарбия борасида инсоният томонидан яратилган маънавий бойликларни яхши билишингиз, улардан ҳабардор бўлишингиз ва, лозим бўлса, уларни ёш авлодга бера оладиган лаёқатли, киши руҳининг мухандиси бўлишингиз даркор. Чунки тарбиячи тарбияланувчини ҳаётга тайёрламоғи учун, аввало ўзи ҳаётни чуқур билмоғи керак. Иккинчи томондан ўзини тарбияламаган, тарбиялай олмайдиган инсон бошқа шахсни ҳеч қачон тарбиялай олмайди. Демак, яхши ўқитувчи бўлмоқ учун боланинг тилини ва дилини билмоқ керак.

Бу ва юқоридаги муаммолар бўйича Сизга илк маълумот берувчи манба Педагогика ўқув қўлланмаси 1996 йилда Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси жамоаси томонидан педагогика фанлари доктори, профессор марҳум А.Қ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган еди. Муаллифлар бугунги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, маънавий-маърифий, педагогик-психологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги ўқув қўлланмани тўлдириб, дарслик сифатида қайта еътиборингизга ҳавола қилмоқдалар.

Дарсликда таълим-тарбия тараққиёти ва ижтимоий ҳаётдаги манбаалар муаллифларнинг илмий ва амалий фикрлаш даражалари асосида ёзилган бўлиб, айрим жузъий камчиликларга ҳам йўл қўйилган бўлиши мумкин. Шу сабабли, мазкур дарсликни Ўзбекистон Республикасининг дастлабки дарсликларидан бири сифатида қабул қилиниши ва муаммоларга ижодий ёндошилишини сўраймиз.

Дарсликларга киритилган мавзулар бўйича йечимини кутаётган муаммолар ғоят кўп ва бу борада илмий изланишлар олиб борилиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Сиз азиз талабалар, нафақат олий маълумотли ўқитувчи, балки мазкур соҳада илмий изланишга лаёқатли фан захматкашлари бўлишингизга ишонамиз.

Мазкур дарсликнинг И,ИИ,ИИИ,ИВ боблари Ў.Асқарова, В,ВИ,ВИИ,ВИИИ,ИХ боблари профессор А.Қ.Мунавваров Ғ.Жўрабойев, М.Собирова, Х, ХИ, ХИИ, ХИИИ, ХИВ,ХВ, ХВИ, ХВИИ, ХИХ, ХХ, ХХИИ, ХХИИИ, ХХИВ, ХХВИ боблари М.Хайитбойев, А.Қ.Мунавваров ХВИИИ боби М.Мирзаабдуллаева, ХХИ боби А.Х.Сатаров, ХХВИИ, ХХВИИИ боблари М.Нишонов, ХХВ боби З.Қорабойевалар қаламига мансуб.

## 1 БЎЛИМ

### ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

#### **И боб. ПЕДАГОГИКА ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

Миллий истиқлол туфайли тараққиётнинг барча соҳаларида жадал ривожланиб бораётган мамлакатимизда ёш авлоднинг билим даражасини жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, фан-техника янгиликларидан хабардор, мустақил фикрлай оладиган, ҳаётга дадиллик билан кириша оладиган, тадбиркор, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу еса, аввало, педагогика фанини, таълим-тарбия тизимини замонавий технологиялар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида (1997й.) таълим давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устивор деб еълон қилиниши педагогика фани зиммасига жуда катта масъулиятли улуғвор вазифаларни юклади. Жуда бой илмий, маънавий, маданий, диний меросимимизни қайта тиклаш уларни замон руҳи талаби билан уйғунлаштириб фақат шахсий, миллий манфаат касб етиб қолмасдан умумжаҳон маънавий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб-ҳунар егаллашларига қараб, Республикамиз келажagini тасаввур қилса бўлади. Ёшлар фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий еътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари, нимага еътибор беришлари лозим? Бу саволларга маълум

даражада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо бўлган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий манбаларга мурожаат етайлик. Манбаларда ёзилишича кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қуйи авлодга ўргатиш еҳтиёжи туғилди. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалар асосида маълум билимлар бойиб борди.

Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-ҳунар ҳомийлари сифатида ажралиб чиқа бошлашди. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўпланган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келди. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги муассасалар вужудга келди, таракқий етди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, методлари ҳамда ташкил етиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди.

Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўллари ўргатувчи фандир.

Баъзан, педагогика фанининг нима кераги бор? Педагогикадан хабари йўқ, лекин болаларга яхши тарбия берган инсонлар кўпму? Ёки аксинча, педагогика фанини билган ҳолда ҳатто ўз болаларини рисоладагидек тарбиялай олмаганлар озмунчами? деган саволлар ешитилиб қолади.

Шуни унутмаслик керакки, педагогика фанининг ютуқларисиз жамиятни олға силжитиш ғоят машаққатли кечади.

Агар педагогика фанидан хабарсиз бўлган кишилар педагогика фанини ўз вақтида ўрганиб, ютуқларидан самарали фойдаланганларида болаларни ҳам яхшироқ тарбиялаган бўлур едилар. Педагогикадан яхши хабардор кишилар еса ўз билимларини тажрибада ишлата олмаганликлари учун болаларни тарбиялашда муваффақиятга ериша олмаганлар.

Педагогика фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиш лозим. Таълим тарбиядан кўзланган мақсадни англаш ва улар тизимида янги билимлар бериш болаларни тўғри тарбиялаш шартидир. Бунда тарбиячининг беғараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга жон фидо айлашлари тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Бироқ, ижтимоий жараёнда тўпланган тажрибалар тарбия мазмунини ташкил еца-да, уларнинг ҳаммасини ёш авлодга ўргатишнинг имконияти йўқ еди. Фақат халқ таълими тизимига кирувчи бўғинлар орқали орттирилган тажрибанинг муайян қисмини қамраб олиш мумкин еди.

Бу йерда ҳам муаммо туғилди. Ҳозирги кунда барча хилдаги тажриба шакллари тарбия мазмунини ташкил ета оладими? Ёш авлод тарбиясига алоқадор тажрибаларни қандай ажратиш мумкин? Ким бундай иш билан шуғулланади?

Табиийки, барча хилдаги тажриба шакллари ҳам тарбия мазмунини ташкил етавермайди. Чунки:

- Биринчидан, педагогика, хусусан, ўзбек халқ педагогикаси тараққиётида жуда мураккаб бўлган томонлар (хатто бу мураккабликнинг номаълум қисмлари) мавжудки, уларни ёшлар дафъатан ўзлаштира олмайдилар. Масалан; шарқ фалсафаси ёки мутафаккирларимизнинг маънавий меросини фалсафа, табиий ва гуманитар фанлар, диний манбалардан яхши хабардор бўла олмаганлигимиз сабабли ўрганишимиз қийин кечади;

- иккинчидан, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига кўра ва ҳам методик, ҳам моддий асоснинг етишмаслиги сабабли тўпланган тажрибаларнинг ҳаммасини олиш имконияти йўқ ва ҳоказо. Енг муҳими, жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий еҳтиёжларига ва келажақда кутиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиб тарбия мазмунини шакллантириш даркор.

Ўзбек педагогикасининг вазифаси Республикамизда яшовчи турли миллат-елатларнинг орзу-истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий кадриятлар асосида тўғри ҳал етиб беришдир. Бунда ислом дунёсида қалам тебратган алломаларимиздан тортиб, замондош олиму фузалоларимизнинг таълимотларидан ҳамоханг таълим тарбияга оид қирраларини излаб топишни тақозо етади. Ёш-авлод дунёқарашини шакллантиришда истиқлолдан аввал қораланган тасаввуф илмидан ҳам фойдаланиш жоиз. Негаки, бир мафкура якка ҳокимлилигига ендиликда нукта қўйилади. Еркин фикрлаш тизими ёш авлод руҳини тарбиялашдаги бош омиллардан биридир.

«Педагогика» атамаси «Пейне»-«бола»ва «айгогейн»-«етакламок» деган маънони билдирувчи лотинча «дайдагогос» сўзларидан пайдо бўлиши кўйидагича изоҳланади: ерамиздан олдинги И асрларда Грецияда, қулдорларнинг болалаларини овқатлантирадиган, сайрга олиб борувчи, тарбиячи-қулларни «педагог» деб аталган. У болаларнинг камолга йетишига масъул бўлган. Қулдорнинг боласини йетаклаб мактабга олиб борган ва олиб келган. Мактабда ишловчи ўқитувчиларни «дидаскаллар» (дидайко-мен ўқитаман) дейишган. Феодализм жамиятига келиб еса ҳар икки касбдаги кишилар ҳамкорлиги натижасида таълим-тарбия билан махсус шуғулланувчилар вужудга келган. Уларни чех педагоги Я.А.Каменский таъкидлаганидек, «педагог» деб номлаганлар ва бу сўз ҳозир ҳам таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади.

### **Педагогика фанининг методологияси**

Педагогика фани мустақил Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган узлуксиз таълим-тарбия тизимининг назарий асослари, қонуният ва принциплари, ўзига хос йўналишлари таълим-тарбия жараёнининг шаклланиши, тарихий тараққиёт босқичларини ўргатувчи фандир. Педагогика фани Ўзбекистон Республикасида илмнинг устувор соҳаси сифатида еътироф етилади. Шунинг учун ҳам, педагогика фанининг методологияси сифатида Жаҳон ва Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини мужассамлаштирган манбалар, тасаввуф таълимоти намоёндаларининг бадиий ва илмий асарлари, шарқона таълим-тарбия

воситалари ва методларини ўз ичига олган манбалар, миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», диалектик билиш назарияси ва табиий илмий мажмуи еътироф этилади.

Юқорида келтирилган педагогика фанининг методологиясини педагогик амалиётга татбиқ этишда жаҳон педагогик тажрибасида тан олинган ва самарали натижалар бераётган назарий қарашлар, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади. Улар шахснинг ўқув-билув фаолиятини либераллаштириш йўллари, таълим мазмунини танлаш ва таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш принциплари, политехник ва касб таълими назарияси, таълимни ижтимоий фойдали меҳнат билан уйғунлаштириш концепсияси, таълим-тарбия жараёнининг физиологик қонуниятларига асосланиб ташкил этилишида намоён бўлади.

***Педагогика фанининг объекти асосан мактаб ўқувчиларидир,  
предмети еса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва  
амалиётидир***

Педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўрганиб боришни тақозо этади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиқ беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради.

Педагогика фанига тавсиф берилганда «таълим», «тарбия», ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатдик. Бу сўзлар ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория-тушунчалари деб номлаймиз. Булардан ташқари «ўқувчи», «ўқитувчи», «метод», «интизом», «жамоа», «ирсият», «муҳит», «директор» каби тушунча-номлар мавжудки, бу ҳақида мавзулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тўхтаймиз.

Тарбия тарихини ўрганар эканмиз, у жуда қадимий жараён эканлигини инсоният бутун ҳаёти давомида тарбия билан Шуғулланганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тарбия жараёнида аждодларимиз тарбиявий таъсирнинг самарали йўл, методлари ва манбаларини қидириб ҳаётга тадбиқ қила бошлаганлар, бунинг натижасида тарбия ҳақидаги ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлаган. Бу педагогика фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жаҳон мутафаккирлари ўзларининг педагогик ғоялари билан фаннинг ривожланишига ҳисса қўшдилар. Бу жараёнда ўзбек мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган ҳиссалари чексиздир. Тарбия ҳақидаги ғоялар ерамиздан олдинги ВИ асрда шаклланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кейинги даврларда педагогик ғояларнинг шаклланишида зардуштийлик таълимоти, унинг муқаддас китоби

«Авесто»да қимматли фикрлар талқин етилган. Кишилиқ тарихида ислом таълимотининг тарбия ҳақидаги ғояларининг шаклланишида аҳамияти чексиздир. Қуръони Карим ва ҳадиси-шарифларда мусулмон аҳлининг дунёқараш, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, еътиқоди, ҳар томонлама баркамоллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш йўллари баён қилинган.

Тарбия ҳақидаги ғояларнинг ривожланишида Имом Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Яссавий, Нақшбандий, Навоий, Беҳбудий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Президентимиз айтганларидек: «Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир». Бундай янгича ёндашишлар педагогика фанининг объекти ва предмети кенгайтди. Ендиликда педагогика фанининг объекти фақат таълим-тарбия жараёнининг назарий, методологик амалий таъминловчи эмас, балки комил инсон шаклланиши, ривожланишини таъминлайдиган кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида»ги миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош объекти ва субъекти сифатида қаралади. Бундан ташқари педагогика фани олдига янгича фикрлайдиган, янгича тафаккур, миллий мафкурага ега комил инсонни шакллантириш вазифалари қўйилди.

Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, тарбия назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида, комиллик даражаси, сифатларини аниқлашда катта ислоҳий ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз аксини топиши лозим.

### **Педагогиканинг асосий категориялари**

Педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, мукамал инсон тарбиясининг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради.

Педагогика мактаб, коллеж ва академик лицейлар ва мактабдан ташқари муассасалари ходимларини ҳам назарий, илғор тажрибалар билан қуроллантиради. Ота-оналарга ёшларни тўғри тарбия қилиш, ўқитишдаги маҳоратини янада такомиллаштириш йўлида амалий тавсиялар беради.

Тарбия - ўсиб келаётган авлодларда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолоти ва дунёқарашини, инсоний еътиқод, бурч ва масъулиятни жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Шу сабабли, тарбия сўзи

кўп вақтларда таълим, маълумот жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англади. Тарбия-таълим ва маълумот натижаларини ўзида акс еттиради.

**Таълим**-махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билиш қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.

Агар тарбия бола туғилганидан бошлаб, умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланса, таълим чегараланган (масалан: синф хонаси, лаборатория хоналар) жойда ташкил етилади. Ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлигида муайян белгиланган вақтда олиб борилади.

**Маълумот** таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

Таълим, тарбия ва маълумот уйғунлашган ягона жараён бўлиб, ўқитувчи-тарбиячи уларнинг шаклланишида йетакчилик қилади. Ўқитувчи мактабда дарс берар экан, ўқувчиларни фан олами янгиликларидан хабардор қилади, маълумотли қилишни мақсад қилиб кўяди, айти пайтда уларда инсоний сифатларни шакллантиради, тарбиялайди.

Педагог ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, естетик, меҳнацеварлик каби фазилатларини тарбиялаш учун, уларнинг кундалик хатти-ҳаракат ва феъл-атворларига доимо таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг кўрсатишича, агар инсон ўз шахсий манфаатини кўзлаб ўқиса, ўрганса, ўз устида тинмай кунт билан шуғулланса, у олий маълумот олиши мумкин. Лекин ҳақиқий мукамал камолот егаси бўлиши учун у таълим ва маълумотдан ташқари, юксак инсоний фазилатлар асосида тарбияланган бўлиши шарт. Ана шу фазилатларга ега бўлган одамни тарбия кўрган одам дейилади.

### **Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси ва педагогика фанлари тизими**

Педагогика фани яқка ҳолда мукамалликка ериша олмайди. У ҳам бошқа фанлар каби ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Ҳозирги кунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида маълумот берувчи назариялар маълум даражада педагогика фани учун манба бўлиб хизмат қилади. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг ижтимоий камолотига хизмат қилади.

Табиат ва жамиятнинг ривожланиши қонуниятлари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтимоий фан

сифатида ривожланиб боради. Шу сабабли у фалсафа, тарих, иқтисод, психология, социология, этика ва эстетика каби фанлар билан узвий алоқададир.

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи, ўқувчи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши лозим. Таълим-тарбия тарихи, педагогика тарихи фанидан хабардор бўлмай туриб, ўқитувчилик қилиши мумкин эмас. Педагогика назариясини чуқурроқ англаш учун унинг ўтмишдаги тарақиётини билиш керак. Масалан, педагогика тарихи ўтмишда таълим-тарбия борасида қандай курашлар бўлгани ва қандай қилиб ижобий ёки салбий яқунлангани, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши туфайли педагогик ғоялар, тарбия муассасаларидаги ишларнинг мазмуни ва методлари қандай ўзгариб бурганини, тарихда ижод етган олимларнинг педагогик ғоялари ва уларнинг фаолиятлари билан таништиради.

Ўқитувчи-тарбиячи ўқувчиларга билим бериш, маълумотли қилиш, тарбиялаш мақсадида унга тизимли таъсир кўрсатади. Бунда психология ва ижтимоий омилларга асосланади. Яъни кўрсатилаётган таъсирнинг самарасини билиш учун педагог ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диқат ва тафаккур, фикрлаш жараёнининг қандай кечаётганини билиши ва уларга асосланиб таъсир кўрсатиш режасини белгилайди.

Демак, педагогика фани психология ва социология каби фанлар билан ҳам узвий боғлангандир. Маълум маънода ўқитувчиларга хизмат қиладиган психология туркумидаги фанларни ҳам педагогик фанлар тизимига киритиш мумкин.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг хулқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунтириш, ўқувчи онгида ҳаётнинг жозибали, нафис қирраларига бевосита рағбат уйғотиш борасида педагогика фани билан алоқададир. Фанларни ўқитиш йўллари ҳам педагогика фанининг дидактика бўлимига алоқадор. Чунки ҳар қандай фанни ўқитиш методи шу фаннинг мазмуни, тизимини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинишига хизмат қилади. Чунончи, педагогика фани болалар анатомияси, физиологияси, болалар гигиенаси ва болалар касалликлари каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада. Бу фанлар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Педагогика фани объекти йил сайин кенгайиб бормоқда, натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда. Улар педагогика фанлари тизимини ташкил этади.

Маълумки, турли соҳада билим олувчи ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий томонларини ёлғиз педагогика фанининг ўзи муфассал ёритиб бера олмайди. Педагогика фани тармоқлари мазкур муаммоларни ижобий ҳал етишда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда педагогика бир нечта тармоқларга бўлинган. Жумладан, умумий педагогика (мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва



ўқитиш ҳақида баҳс юритади), мактабгача тарбия педагогикаси (мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланади), маданий-оқартув педагогикаси (маданий-маърифий ишларни бошқариш муаммоларини ўрганади), ҳарбий педагогика (армия сардорлари ва ўқувчиларини ватанимизнинг шон-шарафи ва ор-номуси учун йетук курашчи, ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш йўналишида) каби тизим-тармоқлари мавжуддир.

Педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билангина эмас, балки шахсида қусури бор болалар таълим- тарбияси билан ҳам шуғулланади. Бундай тармоқларни махсус педагогика тизимига олигофренопедагогика (ақлий жиҳатдан орқада қолган болаларга таълим-тарбия бериш), тифлопедагогика (кўзи ожиз болаларни тарбиялаш), сурдопедагогика (кар-соқов болаларни тарбиялаш) каби фанлар киради.

Ўзбекистон мустақиликка еришгандан сўнг ўз тарихини, жумладан педагогика тарихини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ етишдек улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида еътибор берганлар. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ислом дини-бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда».

### **Педагогика фанининг илмий – тадқиқот методлари**

Ҳар қандай фан ўзининг илмий-тадқиқот методларига ега. Бу методлари орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради.

Ҳаётда ва объектив дунёни билиш назариясида нимани ўргатиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро боғлиқдир.

Нима қилиш керак ва қандай амалга ошириш лозим деган муаммолар ўртасида диалектик бирлик мавжуддир.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган методлари билан ўрганади. Шу маънода педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш методлари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Педагогика ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қуйидагича ўрганиш-билишни назарда тутлади:

1) уларнинг умумий алоқаси, бир-бирини тақозо етиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, фан, маданият, ахлоқ ва санъат, таълим ва тарбиянинг қайерда амалга оширилишидан қатъий назар узвий алоқада бўлиши;

2) уларнинг тўхтовсиз ҳаракати, ўзгариши ва тараққий етиш жараёнида вужудга келадиган ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари, методларининг ўзгариши, ҳамма болаларни бир хил андозада ўқитиш ва тарбиялаш мумкин эмаслиги;

3) болаларнинг ўсишида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва ҳулқий фаолият, сўз ва иш бирлиги мезонларига таяниш;

4) болалар камолотига таъсир етувчи анъана, урф-одатлар, улар ўртасидаги тафовутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, ескилик билан янгилик, ўртасида юз берадиган низоларни ҳисобга олиш, ўзаро танқид ва ҳоказо;

Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари қанчалик мукаммал, ақлга мувофиқ, тўғри танланса таълим-тарбия мазмунни янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради.

Ҳозиргача мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий тадқиқот методларига таяниб фикр юрица бўлади: 1) кузатиш методи; 2) суҳбат методи; 3) болалар ижодини ўрганиш методи; 4) тест, сўровномалар методи; 5) мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи; 6) эксперимент-тажриба синов методи; 7) статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи; 8) математика-кибернетика методи;

### **Кузатиш методи**

Педагогиканинг кузатиш методи таълим-тарбия жараёнларининг амалдаги ҳолати билан таништиради, уларнинг оқибат натижаларини билишга ёрдам беради ва шу аснода яратилган янги кашфиётлар учун далиллар, омиллар йиғиш имконини туғдиради. Бу методни қўлланиш жараёни анча мураккаб бўлиб, назарда тутилган мақсад қандай амалга ошаётганлигини аниқлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари, индивидуал фарқларини қиёслаш учун ҳам қўлланилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, мақсад асосидаги кузатув маълум режа асосида йиғилган далилларни ҳақиқий таҳлил қилиш, қиёслаш асосида ташкил етилсагина самарали бўлади.

Кузатишлар фақат оддий ходисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиш, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Одатда педагогик кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг ҳулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар еса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаолиятини, балки уларнинг илмий дунёқарашларини шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, ҳулосалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил этади ва тегишли ҳулосалар чиқаришга имконият

туғдиради. Бундай кузатишлар педагогика фани мазмунинининг бойишига сабаб бўлади.

### **Сухбат методи**

Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ёки яратилган илмий фаразларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида сухбат методидан фойдаланилади. Одатда, сухбат методи мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-она ва кенг жамоатчилик билан якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Бунда сухбат методини тадбиқ етишдан олдин мақсадли режа тузилади, амалга ошириш йўллари белгиланади, натижалар таҳлил қилинади ва тегишли хулоса чиқарилади. Шунингдек, тадқиқотчининг сухбат олиб бориш ва уни керакли томонга йўналтира олишни билиши, сухбатдошининг рухий ҳолатига қараб сухбат оҳангини мослаштира билиши ғоят муҳимдир. Бунда:

- 1) сухбат учун олдиндан савол тузиш;
- 2) вақти ва ўтказиш жойини белгилаш;
- 3) сухбат иштирокчиларининг сони ва касбларидан хабардор бўлиши;
- 4) сухбат учун қулай шароит ва еркин гаплашиш имконини яратиш;
- 5) маҳмадона ва бачкана бўлмаслик;
- б)сухбатдошнинг кимлигини, характер хусусиятини есдан чиқармаслик;
- 7) сухбат натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, қиёслаш, тегишли хулоса чиқариш, лозим бўлса қўшимчалар киритиш ва мактаб ҳаётига тадбиқ етиш педагогик жиҳатдан қимматлидир.

### **Болалар ижодини ўрганиш методи**

Педагогик тадқиқот методлари ичида болалар ижодини табиий ҳолатда ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш методи мавжуд. Бунда мактаб ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир маълумотлар таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Мақсад Ўзбекистон ёшларининг типик образлари ва уларда ижобий хислатларни шакллантиришдир. Шу сабабли ёшларнинг турли ёзма дафтарлари, тутган кундаликлари, ёзган хатлари, шеър ва ҳикоялари, ҳаётий режалари, иншолари, турли ёзма ҳисоботлари болалар ижодини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Оқибатда, мактаб ўқувчилари орасидан етишиб чиқаётган қобилиятли, истеъдодли ёшларни ертароқ аниқлаш, уларнинг истеъдодларининг намоён бўлиши учун режа ва шароитлар яратиш имкони яратилади. Одатда, болалар ижодини ўрганиш манбаи кўп бўлиб, улар: фан олимпиадалари, мавзулар бўйича конкурслар, мактаблар бўйича кўргазмалар, мусобақалар, экскурсиялар ва сайллар ва ҳоказо.

### **Тест, сўровномалар методи**

Педагогик илмий-тадқиқот методлари ичида йетакчи метод сўровнома ва тест саволлардан фойдаланишдир. Сўровнома-анкета

(франсузча "текшириш" маъносини билдиради) методи қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг яқка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса Марказий Осиёда биринчи бўлиб тест методини мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизимига тадбиқ этди. Тест синовларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига аниқлаш, баҳолашдир.

Бунда тест саволларини қанчалик аниқлик ва ақл билан, фикрлаш жараёнига зарар тегмайдиган қилиб тузиш аҳамиятли эканлигини назарда тутиш лозим. Тест саволларининг ўрни ва уларни мазмунан ранг-баранг қилиб тузилиши, ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ўстиради, келажакни реал баҳолаш имконини беради.

### **Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи**

Республикамиз раҳбариятининг халқ таълими юзасидан қабул қилинган қарор ва йўл-йўриқлари асосида мактабда бажарилган ва бажарилаётган таълим-тарбия ишларини юритилган ҳужжатлар орқали аниқлаш методи ҳам мавжуддир.

Мактаб ҳужжатларини текшириш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинади.

Умуман, мактаб ҳужжатлари дейилганда; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сони ва сифати; ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари, синф журналлари, кундалик дафтарлари, буйруқ дафтарлари, педагоглар кенгашининг қарорлари дафтари, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтари ва бошқалар тушунилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфда қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари, турларига, мактабнинг моддий базасига еътибор берилади.

Уларни таҳлил қилиш, ҳисоботларни кўздан кечириш, тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш, ўқувчилар фаолликларининг ўсиши билан таққослаш, илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштирилиши ва жорий этилиши ва ниҳоят, ўқитувчи-тарбиячиларнинг илмий-педагогик фаолиятларини текшириш, тегишли чора, тадбирлар белгилаш мақсадида ўтказилади.

### **Эксперимент-тажриба синов методи**

"Эксперимент" сўзи лотинча "синаб кўриш", "тажриба қилиб кўриш" маъносини англатади.

Одатда экспериментал-тажриба ишлари таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бунда ҳам илмий фаразларнинг дидактик ёки амалий аҳамиятига еътибор берилади.

Ўтказиладиган тажриба ишлари таълим ва тарбия ўртасидаги қонуний алоқаларни аниқлаш, натижаларни ҳисобга олиш асосида янги методларни тадбиқ етишга, таълим-тарбия самаралигини оширишга қаратилади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг боришини, тузилиши ва натижаларини олдиндан кўра билиш имкониятини беради.

Эксперимент методи шароитга қараб 3 хилда ўтказилади:

- 1) табиий эксперимент;
- 2) лаборатория эксперименти;
- 3) амалий тажриба.

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий, мактабшунослик муаммолари юзасидан ўтказилади.

Педагогик эксперимент тажриба ишларини ўтказишда қуйидаги талаблар мавжуд:

- 1) ишнинг аниқ, илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижа учун режа белгилаш лозим.
- 2) илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ объект белгилаш, амалга ошириш борасида қўшимча методларни аниқлаш.
- 3) тажриба иши ўтказиш вақтини ва муддатини белгилаш.
- 4) тажриба учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва бошқа ҳоказоларнинг тайёр туриши;
- 4) эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш ва тавсиялар бериш керак.

#### **Статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи**

Педагогик тадқиқот статистика маълумотларисиз, уларнинг таҳлилисиз ўзлигини намоён ета олмайди. Чунки нафақат илмий изланишлар борасидаги, балки халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг оширилиши, халқ таълими муассасаларинг доимо ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағларни статистика методи орқали аниқланади.

Республикамизнинг деярли барча таълим-тарбия муассасалари статистика маълумотлари билан қуролланган, келажак ривожланиш режаларига ега.

Республикамизнинг мустақил бўлгунига қадар статистика соҳасидаги чалкашликлар, атайин ортириб, қўшиб ёзишлар халқ таълими тизимида ҳам мавжуд еди. Уларнинг назорати бўшлиги ва объектив емаслиги халқ таълими соҳасидаги чуқур ислоҳот ўтказилишига олиб келди. Демак, статистик маълумот аниқ, ҳаётий бўлса бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий тадқиқотнинг қиммати юқори бўлади.

## **ИИ боб. ЎҚУВЧИ ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯ**

### **Шахсни камол топиш жараёни**

Педагогикада ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан бўлиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади.

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фанлари ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига еришиш мақсадида педагогика фани ривожланишнинг қонуниятларини, унга таъсир етувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятнинг таъсири, аҳамиятини аниқлайди ва таҳлил қилади. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули деб тушунишимиз лозим.

Ҳар бир жамиятда шахснинг шаклланиши, камол топиши муаммоларига тўғри ёндошиш учун шахснинг табиатини, тузилишини, унинг хулқ-атворини ва унга таъсир етадиган сабаб ва воситаларни билиш зарур.

Шахснинг ривожланиш жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил ҳамда муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаолияти (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади. Маълумки, шахс, инсон тирик организмдир, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига бўйсунди.

Шахснинг, айниқса, боланинг жисмоний ривожланиши, соғлиғи биологик омилга боғлиқдир. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг, яъни боланинг насл-насабининг ролига олимларимиз алоҳида ётибор бермоқдалар. Ҳар бир бола инсонларга хос туғма хусусиятлар билан дунёга келади. Шундай экан, одам боласи туғилгандан сўнг унда шахс бўлиб шаклланиш, йетук инсон бўлиб вояга йетиши имконияти мавжуд бўлади. Бола ўзининг авлод-аждодларидан кўпинча биологик белгиларни мерос сифатида қабул қилиб олади, ҳатто айрим касалликлар ҳам наслдан-наслга ўтади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шундай экан, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келишини унутмаслигимиз лозим.

Оиланинг соғломлигини, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши ўзаро иззат-хурмати белгилайди.

Шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у албатта болани ўраб олган муҳит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти давомида муҳит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши, ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Муҳит-бу шахсга таъсир етувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар йиғиндисиدير. Булар: табиий муҳит (географик, экологик) ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият) ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун белгиланган имкониятлари муҳимдир. Шахс ривожланишига еришиш ҳар бир жамиятда амалга оширилаётган тарбия тизими орқали амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир етилади. Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони туғилади. Муҳит бера олмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга йетказиш мумкин. Бундан ташқари тарбия муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди. Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият ҳоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш даврларида еса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўқиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга егадир.

Ўқувчи ва талабаларнинг ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири беқиёс каттадир. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тафаккурини ўстиради, ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулқ мезонлари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, уларнинг ривожланишида меҳнат фаолиятининг аҳамияти каттадир. Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида муҳим манба ҳисобланади. Меҳнат жараёнида унинг иштирокчилари бир-бирлари билан алоқада бўладилар, ўзларининг нимага қодир эканликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Меҳнат орқали шахснинг ахлоқий сифатлари таркиб топади, уларда ватанпарварлик, масъулият, интизомлилик, фаоллик ортади. Улар ўз-ўзини тарбиялашга астойдил киришадилар. Ўз-ўзини тарбиялашга ота-она, ўқитувчининг тарбиявий таъсири янада самарали бўлади. Тарбия билан ривожланишнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва муносабатлари мавжуд, чунки қайерда тарбия жараёни муаммолари тўғри ҳал етилса, у шахс камолотига самарали таъсир кўрсатади. Камол топган шахс тарбиянинг роли ва имкониятларига ишонч билан қарайди.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун боладаги ривожланишнинг моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур. Тарбия ҳақиқатан ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбия жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Педагогика фани шахс ривожланишида тарбиянинг йетакчилигини еътироф етиш билан бирга уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини тан олади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Инсоннинг камол топиш жараёнини фақат ирсият, ижтимоий муҳит ва таълим тарбияга боғлаб ўрганиш, талқин қилиш ҳам ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки ижтимоий тарақиётда шахснинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия-шахснинг ўзи фаол иштирок етгандагина унинг туғма лаёқатини уйғотади, истеъдод, қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўз ишини севса, унинг шу соҳадаги истеъдоди тезроқ ва кучлироқ рўёбга чиқа бошлайди. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзан киши бир соҳа билан қизиқадию, унинг қобилияти бошқа соҳада рўёбга чиқади. Бундай ходисалар кўпроқ ҳали кишининг қобилиятлари тўла рўёбга чиқмаган ва шаклланиб бўлмаган ҳолларда юз бериши мумкин.

Қобилият ва истеъдоднинг рўёбга чиқишида инсоннинг муайян фаолиятга қизиқиб қараши билан бир қаторда унинг ўз устида ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъдодли кишилар ўз истеъдодлари-иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариш учун ўз устиларида тинмай ишлашлари, меҳнат қилишлари шарт. Масалан, машҳур юнон нотиғи-нутқ устаси Демосфеннинг (ерамиздан олдинги ИВ аср) омма орасидаги дастлабки нутқлари муваффақиятсизликка учраган, уни ҳатто машара қилишган. Демосфен дудук, овози хаста, қисқа-қисқа нафас оладиган киши еди. У доимо бир йелкасини учуриб турар еди. Лекин у актёр Сатирнинг маслаҳати билан ўз нутқини такомиллаштиришга киришади. Демосфен ўз камчиликларини бартараф етиш учун иродалилиқ ва қатъиятлиқ кўрсатади: у оғзига майда тошлар ва сопол парчаларини солиб сўзларни талаффуз қилишни машқ қилди, денгиз бўйида тўлқинлар шовқинида нутқ сўзлади, қояларга чиқиб баланд овоз билан шеърлар ўқиди, ойна олдида туриб юз ҳаракатларини бир маромга келтирди. Уй шифтига қилични осиб қўйди, у одати бўйича йелкасини ҳар учирганда қилич санчиларди. Демосфен ҳафталаб уйдан чиқмай нотикликни ўрганди. Уйдан чиқмаслик учун сочининг ярмини қирдириб ташлади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Ибн Синоларнинг кунт билан китоб мутолаа қилганлари, А.В.Суворов,



Амир Темурларнинг ҳарбий санъатни егаллаш борасидаги меҳнатлари фикримизнинг далилидир.

Ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим кишиларда болалик ва мактабда ўқиган йилларида қулай муҳит бўлишига қарамай туғма истеъдод ва қобилият нишонлари кўринмайди. Бироқ, кейинчалик кунт ва мустақил ишлаш, ғайрат ва қатъиятлилик натижасида улар катта қобилият егалари сифатида майдонга чиқишади.

Машҳур кишилар ҳаёти шуни кўрсатадики, уларнинг ижодий фаолиятларидаги асосий нарса узлуксиз ишлай билиш, ойлаб, йиллаб, ўн йиллаб ўз олдиларига қўйилган мақсад учун интилиш, курашиш, унга йетиш йўллари хормай излашдир.

Ҳар бир инсон тўқис ҳаётга тўла имконлар билан яратилган. Аммо ҳар бир киши ўзига хос ўқув, қобилият ва имкониятларга ега. Демак, киши ўзининг шахсий ҳаёт йўлини топа олса, шу вақтда унинг ҳаёти жўшқин, фаолияти ижодкор, меҳнати унумли, фойдаси мўл бўлади. Киши аслида ҳақиқий бахтиёрликка меҳнат жараёнида еришади. Бу вақтда унга ғойибона руҳий мадад берилади, моддий-маънавий яратувчанлик, янги ғоявий фикрлар уни амалий-ижодий йўлларга чорлай бошлайди. Шунинг учун ота-она, оила аъзолари, боғча, мактаб, таълим-тарбия муассасалари ҳар бир болани ўқуви, кизиқиши, қобилиятига асосан касб егаллашига масъулдирлар.

Талабалар-ёшларга инсонларнинг нодир ва бетакрорлигини, дунёвий, диний илмларни уйғунлигини тушунтириб бериш зарурдир. Шундагина ёшлар айрим ғайридиний оқимлар аслида нотўғри еканлигини онгли тушунадилар. Ҳар бир киши азалий яхши тақдир билан яратилган.

Агар киши ўз ҳаёт йўлини топа олса, унинг онги мустақил ривожланиб бориб онг ости йўналишига туша олса худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий руҳий мутаносиблик содир бўлиб, у мукамал камолот йўлига киради.

### **Болаларнинг ёш даврлари**

Болаларни тўғри тарбиялаш, самарали ўқитиш учун бола ривожланишига доир ўзгаришларни, ёш даврларга хос хусусиятларни билиш ва ҳисобга олиш лозим. Чунки уларнинг ўсиши, ривожланиши, руҳий жиҳатдан тарақий етиш турли ёш даврларда турлича бўлади. Ўқитувчи, тарбиячи болани ҳар томонлама билиши лозим.

Боланинг ёши, индивидуал хусусиятларини доимо ўсишда, ривожланишда, ўзгаришда олиб қараш ва фикр юритиш лозим.

Тиббиёт, болалар анатомияси, физиологияси, психологияси, педагогика фанлари тавсияларига кўра болаларнинг ёш даврларини қуйидагича гуруҳлаштириш қабул қилинган.

1. Гўдаклик даври-туғилгандан то 1 ёшгача бўлган давр.
2. Ясли даври-1 ёшдан 3 ёшгача
3. Мактабгача тарбия ёши-3 ёшдан 6-7 ёшгача

4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар-6-7 ёшдан 11-12 ёшгача
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар)- 12 ёшдан 15-16 ёшгача
6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўспиринлар)- 16 ёшдан 18 ёшгача

Маълум бир ёш даврига хос бўлган анотомик, физиологик ва рухий хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ёш хусусиятлари ва даврни иккинчи бир ёш хусусиятларидан ажратувчи чегара йўқ.

Биз фақат боладаги ўзгаришларга нисбатан қиёслаб даврларга ажратамиз.

## **ИИИ БОБ. ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ**

### **Ўқитувчи касбини шакллантириш**

Инсон пайдо бўлибдики, тарбия жараёни мавжуд, тарбия пайдо бўлган вақтдан бери педагогик фаолият узлуксиз давом етиб келмоқда. Ўқитувчилик, тарбиячилик касби барча ижтимоий тузумларда шарафли ҳамда ўта масъулиятли, қийин ва мураккаб касб ҳисобланган.

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил етишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига унинг педагогик маҳоратига алоҳида еътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни йетиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради. Шундай экан, ҳар томонлама йетук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик талабларга жавоб бериши лозим. Ўқитувчи мустақиллик ғоясига еътиқодли, ҳар томонлама ривожланган, илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти бор яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларни егаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда аниқлай билиши, ўрганиши ва баҳолай олиши зарур.

Бугун педагогнинг маънавияти, мафкуравий еътиқоди ва ўқув жараёнини яхши билиши катта аҳамиятга ега.

Биринчидан, педагог жамиятнинг фуқароси сифатида ўз мавқеи ва фаол ўрнини ўқувчиларга намойиш ета олиши лозим. Хусусан, унинг жамият ва ўз жамоасидаги ўрни, танлаган касби, ўқитаётган предмети бўйича чуқур билимга ега бўлиши, талаб ва қоидаларга амал қилиши, меъёр ва қонунларни ҳурмат қилиши лозим.

Иккинчидан, педагогнинг ётиқоди ва билимдонлиги унинг янги билимлар, ўзи танлаган соҳасидаги янгиликларга нисбатан қизиқишида намоён бўлади.

Учинчидан, ётиқодли ва билимдон педагог ўзига хос фикрлаш тарзи билан ажралиб тура олиши шарт. Чунки, ёшлар Шундай ноёб, қайтарилмас, андозасиз фикрлаш шароитидагина мустақил фикрлашга ўрганадилар ва фанни бошқа фанлардан ажрата оладилар.

Бугунги педагогдан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилар экан. Унинг билимдонлиги даражаси масаласи ҳам ўта муҳим.

Булар қуйидагилар:

- Ижтимоий билимдонлик

Дарс мобайнида синф билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан тил топтириш ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиш қобилияти.

- Услубий билимдонлик-

Барча билимларини, кўрган-кечирганларни ёшларга тушунарли, равон тилда йетказа олиши, таълим технологияси ва методларидан бохабарлик қобилияти.

- Касбий билимдонлик

Ўз фанини ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларига ега бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти.

Амалиётда енг обрўли, билимдон педагоглар биринчи навбатда инсоний билимдонлик соҳиблари бўлишади ва шундайларни ўқувчилар яхши қабул қилишади. Чунки замонавий ўқувчи кўплаб маълумотларга ега, унинг психологияси, талаб-таклифларини аниқ билиб тил топиша олган шахсина педагогик жараёнда катта ютуқларга еришади.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий айтганидек, «Муаллимнинг мақсади мансаб учун кураш бўлмаслиги, билмаган илмларини айтмаслиги, ўзини кўрсатиш учун дарс бермаслиги, очкўзлик ва жоҳиллик қилиб, қуруқ гап сотмасликлари, ғавғо кўтармасликлари лозим». У муаллимликни олижаноб ва фахрли касб деб ҳисоблайди. Шу сабабдан бўлса керак:

***Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,***

***Айламак бўлмас онинг хаққин адо минг ранж ила.***

Педагогик маҳорат егаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага еришади, ўз ишининг натижаси билан мўжизалар яратади, ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

### **Ўқитувчининг қобилиятлари**

Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун еса яна истеъдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон нерв тизимида анатомио-физиологик ҳусусият бўлиши ҳам зарур.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти. - Бундай қобилиятга ега бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина емас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда тўғри фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилияти. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши лозим.

Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларни нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларнинг ўқувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутаяди. Шунинг учун у баён этишнинг шаклини алоҳида режалаштиради.

3. Кузатувчанлик қобилияти. - ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчининг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчи ҳақида: «Қарамаётганга ўхшайдию, ҳамма нарсани кўриб туради!», «Ўқувчининг хафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини кўзидан билади!» - дейдилар.

4. Нутқ қобилияти-нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти.

Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туради.

Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади, саволлар қўйиб, уларни аста-секин тўғри жавоб беришга ундайди, ўқувчининг диққатини кучайтиради ҳамда фикрини фаоллаштиради. («Мана бу йерга алоҳида еътибор беринг!», «ўйлаб кўринг!» каби). Шунингдек, ўринли қочириқ, ҳазил, йенгилгина истехзо нутқни жонлантириб юборади ва уни ўқувчилар тез ўзлаштирадилар.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффуз жиҳатдан еркин, ифодалади, эмоционал бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Айрим ўқувчилар тез гапиришга, бошқалари секин гапиришга мойил бўладилар. Бироқ ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини ездан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик материални ўзлаштиришга ҳалақит беради ва болаларни тез

чарчатиб кўяди. Ҳаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зерикишга сабаб бўлади. Ҳаддан ташқари кескин ва бақироқ нутқ ўқувчиларнинг асабини бузади, тез толиқтириб кўяди. Ўқитувчининг заиф овози ёмон ешитилади. Ниҳоятда кўп такрорланадиган бир хилдаги имо-ишоралар ва ҳаракатлар кишининг ғашини келтиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти-биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал етишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутати.

Ўз ишини ташкил етиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис етиш-ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатга улгуриш хусусияти ҳосил бўлади.

Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти-ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина емас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги ва хоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи, унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва хоказоларга), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис етишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга ҳам боғлиқ.

Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанлиги, лақмалиги, савоцизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти-болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги.

8. Келажакни кўра билиш қобилияти-ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий еттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига, одамга ишонч билан боғлиқдир.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари-ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий етган бўлиши муҳимдир.

Диққатни айтиб берилган вақтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб етади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айтиб берилган вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, еътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан

кузатиб боради, интизомсизлик ҳолларини еътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз хатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради. Таҷрибасиз ўқитувчи кўпинча материални баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчиларни еътибордан четда қолдиради; бордию ўқувчиларини диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикрини жамлай олмайди.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнацеварлик, камтарлик каби сифатларга ҳам ега бўлиши керак.

### **Ўқитувчининг педагогик маҳорати**

Педагогик маҳорат- бу ўқув жараёнининг барча шакллари енг қулай ва самарали ҳолатда ташкил етиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, талабаларда (ўқувчиларда) дунёқараш, қобилиятни шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир.

Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қуйидагиларда билиш мумкин:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод таҷрибасини, иккинчи авлодга ўтказди, ижтимоий таҷриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.
2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга еришиш йўллари аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга еришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли еканлигини уларга англата олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади».
3. Педагогик (таълим-тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолиятининг мантиқини ўқувчилар еҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг «ўсиб», унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;

- ўқувчилар қизиқишларини еътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Инсон табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг алоҳида хусусиятлари, рўй бераётган воқеаларни идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулққа ега бўлган иштирокчиси ҳамдир.
2. Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошишда бир хил қолип, шаклланиб қолган хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу еса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.
3. Ўқувчиларга педагогдан ташқарии, атроф муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ҳам таъсир етади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва ўқувчиларнинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутади.

Ўқувчи шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячидир. Бунга еришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур.

Ўқувчиларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок етишлари тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимига ега бўлиши керак.

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини егаллаш учун, аввало, таълим-тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Шу билан бирга ўқувчиларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир етади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кйечиши унинг шахси, характери, ўқувчилар билан муомаласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Одатда буларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамияциздек туюлади. Аммо тажрибали педагог, унинг хатти-ҳаракати ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатаётганлигига аҳамият бериб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларини мажмуи сифатида қаралиб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка ега бўлиши билан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- педагог шахсини инсонпарварлик йўналишига ега бўлиши, унинг қизиқишлари, кадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсад-баркамол авлод тарбиялаб йетиштиришга йўналтирилганлиги;

- мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика-психологиядан мукаммал билимга ега бўлиш;

- педагогик қобилиятга ега бўлиш (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш (юзидан ўқиб олиш));

- педагогик техникани егаллаш, яъни ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир етиш ва ҳамкорликда ишлашни уддалаш.


Педагогик маҳорат ўзига болалар ҳақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, мактаб ҳақидаги, таълим-тарбия жараёнларини ташкил етиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил етади, ўқитувчи, тарбиячи бу маданиятни егалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, ёмон, ески усулдан, бир қолипдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди.

Бирок, замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди-махсус билимлар ва малакалар-болаларни кузатиш, уларнинг ўсишдаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, уларни ривожлантириш йўллари ва усуллари аниқлаш, турли ўзаро таъсирини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиш малакалари зарур бўлади.

Шундай қилиб, педагог-муаллим ўз маҳоратига қуйидаги босқичларда еришиши мумкин:



1. Педагогика-психология фанларини чуқур ўрганиш.
2. Махсус фанлар, уларни ўқитилиш методикасини чуқур билиш.
3. Педагогик амалиётда фаол иштирок етиш ва уни самарали ўтказиш.
4. Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш.
5. Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.




## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ ПРОФЕССИОГРАММАСИ






## Бўлажак ўқитувчи учун зарур бўлган малакалар







## ИВ 606. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

Халқ таълими тизими деб, муайян мамлакатнинг ички ва ташқи камолотига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил етилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Ўзбекистон халқ таълими тизими Республикамизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади. Шунингдек, у таълим соҳасидаги Давлат сиёсатини, умуминсоний кадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданий ва фан соҳасидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда иш юргизади.

Халқ таълими тизими Республикамизнинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини

англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол, еркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Мустақил Республикамиз Конституциясининг 18 ва 41-моддаларида таъкидлаганидек, Республикамизда яшовчи барча фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, еътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш ҳуқуқига ега. Шунингдек, бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатлангандир. Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим беришнинг амалга оширилиши, ўқитишни ҳаёт билан, унумли меҳнат билан боғлаб олиб бориш, ўқувчиларга ва талабаларга Давлат стипендиялари ва имтиёзлар бериш, мактаб дарсликларини текин бериш (қисман), мактабда давлат тилида ўқитиш имкониятларини яратиб бериш билан кафолатланади.

Мустақилликка еришганимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1992 йил 2 июлда Мустақил Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги биринчи қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун аввало, таълимда илгари еришилган муваффақиятларни сақлаб қолишга хизмат қилди. Аниқроғи, ески тузумдан янгисига ўтишда кўприк вазифасини ўтади. Шу билан бирга таълим тизимига қатор янгиликлар кириб келди. Олий ва ўрта махсус билим юртлирига тест тизими жорий қилиниши, касб-ҳунар билим беришга еътиборни кучайтирилиши кабилар шулар жумласидандир.

Янги давр талабларига жавоб берадиган, халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурияти пайдо бўлди ва натижада 1997 йил 29 августда Ўзбекистоннинг янги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Илгари қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, таълим ижтимоий тарақиёт соҳасида устивор деб еълон қилинди ва халқ таълими тизими тузилишининг қўйидаги янги қоидалари жорий қилинди:

### **Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда еканлиги**

Бунинг моҳияти шундаки, барча халқ таълими тизими муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларни моддий ва маънавий камолотини, ақл-заковатини ўсиши, инсоний фаолиятини ривожланиши, ўзлигини билиш ва ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган чин ватанпарвар бўлиб етишишларини мақсад қилиб қўяди.

### **Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги**

Халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз (яъни бир-бирини тўлдиради) ўзаро боғлиқ. Ҳар бир таълим босқичи ўқув режа ва дастурлари асосида кейинги таълим турлирига мосланган ва давомийлигини таъминлайди. Бу ўз навбатида бир мактабдан иккинчисига, бир олий ўқув юртидан иккинчи олий ўқув юртига кўчиб ўтиш имкониятини яратади. Таълим ўқув режаси ва дастури, Давлат таълим стандартлари асосида тизимли, изчил ташкил етилади.

### **Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги**

1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда ўрта умумий мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб, ўн бир йиллик мажбурий таълимга ўтилди.

Мустақиллик шарофати билан мазкур масалада ҳам ўзгариш содир бўлди. Янги қонун умумий ўрта (И-ИХ синф) таълим, яъни ИХ синф ва кейинги уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар (лицей ёки коллеж) таълимини мажбурий деб тасдиқлади.

**Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги**

Қонун ёш авлодни қизиқишлари, истеъдоди, имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳаётда ўз йўлини танлашига кенг имконият яратди. Олий ўқув юртлари қошида ташкил етиладиган, академик лицейда ўқиш ёки касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирадиган, танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб егаллаш имконни берадиган касб-хунар коллежларида ўқишни танлаш ихтиёрийдир.

**Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.**

Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга ега бўлиб, фан, техника, маданият ва маърифатнинг энг янги муваффақиятлари ва инсон ақл-заковати ҳақида илмий билимлар берилади. Улар ўқувчиларни объектив дунёни бевосита билиш, улар ҳақида ҳаққоний фикрлаш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзининг жамиятда тутган ўрни ва вазифаларини аниқлаб олишга, бирон бир касбни онгли егаллашларига йўналтирилгандир.

**Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига ега. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 42-моддада: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод еркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» дейилган.

**Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув**

Бу принцип ўқувчиларнинг истеъдоди, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда табақалаштиради (бирор бир фанга чуқурлаштирилган ёки айрим нуқсонларни бартараф етишга қаратилган дастур). Олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар ёш авлодни маънавий бой, рухан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок, тафаккури кенг ва меҳнацевар бўлиб вояга йетиши учун барча моддий ва маънавий шароит ҳозирлайди.

**Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш**

Таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш кўзда тутилган. Республикамиз

тажрибасида билимдон, истеъдодли ўқувчилар учун стипендия, турли кўринишдаги мактов ёрликлари, моддий ёрдам шакллари ташкил етилган. Ўқувчилар турли танлов, конкурсларга қатнашадилар ва билимларини намойиш қиладилар. Голиблар тақдирланади ва хатто олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш, бирор касб бўйича гувоҳномаларга ега бўлиш ҳуқуқларига егадирлар.

#### **Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш**

Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо етилади. Таълим муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб, юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади.

Таълим муассасаларига муайян мақом (гимназия, лицей, коллеж, олий ўқув юрти, академия ва шу кабилар) берилиши, таълимни бошқаришга тегишли идоралар томонидан аттестация асосида амалга оширилади. Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув тарбия комплекслари ва ўқув, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидирлар. Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибига кирувчи муассасаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари низомларда белгиланади.

#### **Халқ таълими тизимидаги таълим-тарбия муассасаларига тавсиф**

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими (11-18 модда) амал қилиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим;
2. Умумий ўрта таълим;
3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
4. Олий таълим;
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
7. Мактабдан ташқари таълим;
8. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш;

Таълим тизимида ўқув режалари ва дастурлари, таълим босқичлари ва шаклларининг изчиллиги, таълимнинг стандартларига мос келиши таъминланади.

#### **Мактабгача таълим**

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом, йетук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Бундан кўзланган мақсад, боланинг билимга қизиқишини таъминлашдан, маънавий-ахлоқий тарбиялашдан, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишни ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

#### **Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

- бошланғич таълим (И-ИВ синфлар);
- умумий ўрта таълим (В-ИХ синфлар);

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-йетти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил етилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий етилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

### **Ўрта махсус, касб-хунар таълими**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқитишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига ега.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари егаллаган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом еттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус касб-хунар ўқув юртидир.

### **Олий таълим**

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари университетлар, академияларда) ўрта махсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага ега.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом етадиган олий таълимдир. Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

### **Олий ўқув юртидан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган еҳтиёжини таъминлашга

қаратилгандир. Таълимнинг бу тури олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **Мақтабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг яққа тартибдаги еҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил етиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-естетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларида мақтабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил етишлари мумкин.

Мақтабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мақтаблари, санъат мақтаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқалар қиради.

Турли хилдаги мақтабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонидан кўмак берилади ва назорат қилинади.

### **Оилада мустақил таълим олиш**

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

Ўқувчиларнинг билим ва истеъдодларини ватанпарварлик сифатларини шакллантириш ва тарбиялаб вояга етказиш мақсадида чет тилларни амалда ўрганиш борасида шароитлар яратилди, чет тилларни чуқур ўргатадиган мақтаб, лицей ва гимназиялар очилди. Ватан тарихини чуқур биладиган, жахон маданияти тарихидан хабардор ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Дин ва маданият тарихи бўйича мақтаб режаларига янги фанлар киритилди ва хоказо.

Таълим тизимида барча педагогларни давлат талаблари даражасида ўқитишни, мажбурий ҳисобланган фанларнинг режа ва ўқув дастурлари асосида олиб боришлари, тарбияланувчи ва таълим олувчиларнинг инсоний кадр-қимматларини ҳурмат қилиш, виждон еркинлиги, ахборот еркинлигини, ўз қараш ва еътиқодларини еркин ифода етишларига шароит яратиб бериш масъулияти юклатилди.

Таълим олувчиларга давлат стандартларига, ёш ва индивидуал хусусиятига, истеъдод ва қизиқишларига мувофиқ таълим бериш тавсия етилди.



Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, янги қонунда педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш киритилди.

Ўқитувчи-тарбиячиларни, уларнинг шаъни ва кадр-қимматларини ҳимоя қилиш, малака ошириш, қайта тайёрлашдан ўтиш, таълим шакли, методи ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш, педагогик меҳнатда танилган ўқитучи-тарбиячиларни давлатимиз орден ва медаллари билан мукофотлаш, уларни қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва Республика олий органларига сайлаш умумхалқ вазифаси деб топилди.

Шу билан бирга уларнинг ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишлари, бола, ўқувчи ва талаба шахсининг кадр-қимматини ҳурматлашларини, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, атроф муҳитга еҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш масъулияти юклатилган ва хоказо.

Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, кадр тайёрлаш жараёнига замон талаб қилаётган туб ўзгартиришларни киритиш мақсадида 1997 йил 29 августда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Қонунда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилган. Биринчи босқич-ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади.

Иккинчи босқич - 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга еришиш кўзда тутилган.

Учинчи босқич - 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни еътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш назарда тутилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўз омиллари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, асосий йўналишлари ва тамойилларига ега.

## **ИИ БЎЛИМ**

### **ДИДАКТИКА**

#### **В боб. ДИДАКТИКА-ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ**

##### **Дидактика предмети, мақсад ва вазифалари**

Дидактиканинг предмети-таълим жараёни ва унинг қонуниятларидир. Дидактика ўзига хос тадқиқот соҳасига ва тадқиқот предметиға ега бўлганидек, унинг ўзига оид тушунчалар тизими ҳам мавжуд. Ҳар бир тушунча маълум дидактик ҳодисага тааллуқли бўлиб, улар воситасида дидактик ҳодисаларнинг асосий белгилари умумлаштирилади. Демак, дидактик тушунчалар педагогик фикрлаш шакли, шунингдек, дидактик ҳодисаларни билиш, тадқиқ қилиш, баён қилиш ҳамда амалиётда фойдаланиш воситаларидир.

##### **Дидактик категориялар**

Дидактиканинг айрим муҳим тушунчалари дидактиканинг категориялари деб аталади.

Маълумот-таълим ва тарбия жараёнида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган илмий билимлар, билим олиш кўникма ва малакалари, ҳамда улар асосида таркиб топган дунёқарашлар, ахлоқий фазилатлар, шунингдек, шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш йиғиндиси.

Таълим-маълум мақсадга қаратилган ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолликларига асосланган жараёндир. Ўқитиш ўқитувчининг фаолиятини, ўқиш еса ўқувчининг билим олиш фаолияти жараёнини билдиради.

Билимлар-инсониятнинг асрлар давомида ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида тўплаган умумлашган тажрибасидир.

Таълим жараёнида бирор фан соҳасида инсоният томонидан ўрганилган ва егалланган билимларни барчасини ўргатишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун ўқув жараёнида фанларнинг пойдевори, асослари енг асосий, муҳим нарсалар ўрганилади.

Кўникмалар олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндиси. Кўникма ҳосил қилиш учун ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш усуллари билиб олиш, ҳосил қилинган билимларни амалда қўллай билиш керак бўлади.

Малака-онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака қанчалик пухта бўлса, одам ишни шунчалик тез ва тўғри бажаради.

Инсоният томонидан асрлар давомида тўпланган маълумот ва билимлар ҳар бир янги авлод томонидан ўзлаштирилиб, бойитилиб борилиши ва жамият тарақиётига хизмат қилиши лозим. Тўпланган маълумот ва билимларни ўзлаштириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у фақат илмий жиҳатдан асосланган ҳолда махсус ташкил етилиши лозим. Лекин, ҳар бир жараён ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади, Шунинг учун, ўз қонун-қоидаларига, ҳусусиятларига ега. Таълим жараёнини қонун-қоидаларини ўрганиш, таҳлил етиш ва янги билимлар йўналишларини излаб топиш, уларни ўзлаштиришнинг самарали методларини ишлаб чиқиш масалалари билан педагогиканинг дидактика бўлими шуғулланади. Таълим жараёнини, инсоннинг билиш қобилияти ва тафаккури ҳодисаларини фалсафа, психология, физиология фанлари ҳам ўрганади. Аммо, дидактика бу масалаларга махсус фан сифатида ёндошади ва изланиш ишларини олиб боради. Дидактика таълим, уни ташкил етиш, билимларни ўзлаштирилиши, таълим мазмунини аниқлаш, таълим усуллари, қоидалари каби барча масалалар билан шуғулланади.

Дидактика фан сифатида ўз тадқиқот предмети ва методлари ҳамда аниқ мақсадларига ега. Дидактика кўп асрлик тарихига ега.

Дидактика ёш авлодни «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларга жавоб беради. Дидактика, ўз навбатида айрим ўқув фанларга оид ўқитиш ва ўқиш методи ва услублари билан узвий

боғлиқдир. У ўқитишнинг барча фанларга оид умумий қонуниятларини аниқлаб бориши билан бирга, ҳар бир ўқув фанини ўқитиш методлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий дидактиканинг асосчиси чех педагоги Ян Амос Коменский ҳисобланади. Унинг «Буюк дидактика» (1632 йил) асари ўқитишни ривожлантиришга ғоят катта таъсир кўрсатди. Шарқда педагогик фикрлар ривожига мутафаккирлар: Имом ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн- Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Умар Хайём, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонда дидактика фанининг ривожланиши Исмоил Ғаспрали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар-қори Абдурашидхон ўғли, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Ишоқхон Ибрат, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Оқилхон Шарофиддинов, Сиддиқ Ражабов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ. Умумий дидактика-барча ўқув фанлари, маълумот даражалари асосида таълимнинг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, қоидалари, методлари, ташкилий шакллари натижаларини ўрганувчи фандир.

Хусусий дидактика умумий дидактика бўйича ўрганилган билимларни, масалан, таълим қоидалари, маълумот мазмуни бўйича ҳосил қилинган тасаввурларни инкор етмайди. Аксинча, хусусий дидактика бўйича ўрганиладиган билимлар умумий дидактикада ҳосил қилинган тушунчаларни тўлдиради, уларни янада ойдинлаштиришга кўмаклашади. Бинобарин, умумий ва хусусий дидактика ўзаро узвий боғлиқ педагогик фанлардир.

-Таълим индивидуал ҳарактерга ега. Таълим манбаларида (дарслик, кўрсатма-қурол, ўқитувчи нутқи) берилган билимлар синфдаги барча ўқувчилар учун бир хил бўлса-да, уларни ўқувчилар турлича ўзлаштиришади;

-Таълим чегараланган. Унда кишилар томонидан кашф етилган билимлар ўзлаштирилади. Билиш жараёни еса чексиздир. Унда табиат, жамият ва инсон тафаккури қонуниятларининг ҳали ўрганилмаган соҳалари кашф етилади.

Мактабда билим ва малакани ўзлаштириш узвий ҳарактерга ега. Бугунги ўрганиладиган билим олдин ўзлаштирилган билимларни тақозо қилса, келажакда ўзлаштириладиган билимлар учун асос саналади.

Дидактика таълим билан боғлиқ барча муаммолар билан шуғулланар экан, шу билан бирга таълим диалектикасига ҳам ўз еътиборини қаратади.

Таълим диалектикаси деганда таълимнинг объектив ҳолатда ривожланиши тушунилади. Таълим шундай бир жараёнки, у доимий ҳолатда ўзгариб боради. Жамият тараққий етиб борган сари таълим ҳам жамият мақсадларини кўзлаган ҳолда ўзгариб боради. Фан ва техника

оламида инсоният томонидан еришилаётган ютуқлар ҳам таълимнинг янгиланиб боришига катта таъсир кўрсатади. Масалан, Республика таълими ҳозирги кунда катта ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Унинг олдидаги мақсадлар ўзгариб бормоқда, қолаверса, таълимга охириги йилларда янги педагогик технологияларни жорий этилиши ҳам фикримизга далил сифатида хизмат қила олади. Таълимнинг ривожланиши конун-қоидаларини ўрганиш тўғридан-тўғри дидактиканинг вазифасини ташкил этади.

Таълим соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ўз навбатида унинг барча ички бўғинларига ҳам таъсир етмай қўймайди; яъни таълим методлари, ташкил этиш шакллари, воситалари ва бўғинларининг ўзаро алоқалари маълум миқдорда ўзгаради. Натижада таълим мазмунини ўқувчи томонидан ўзлаштирилиш даражаси, билимларнинг шаклланиш доираси, натижалар самараси ҳам янги кўринишга ега бўлади. Билимларни егаллаш босқичлари ҳар бир шахснинг психологик хусусиятларига таянади, яъни шахснинг маълумотларини сезиш, идрок этиш, англаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш ва амалда қўллаш каби хусусиятлари ҳар хил бўлади.

Ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлади:

1. Ўқувчилар билиш қобилиятига асосланиб, ўқиш учун қўзғатувчи сабаблар (мотивлар) яратиш;
2. Берилаётган маълумотларни идрок этиш учун шароит яратиш;
3. Таълим жараёнида болалар онгида мавжуд бўлган билимларга ва шаклланган тажрибаларига суяниб, маълумотларни англаш, таққослаб, таҳлил этиш ва хулосалар чиқаришга ундаш;
4. Ўқувчиларнинг олган билимларини, амалиётда қўллаш орқали уларда кўникма ва малакаларни ҳосил этиш ҳамда уларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш;
5. Билимлар, кўникма ва малакаларни доимий амалиётда қўлланишини таъминлаш;
6. Таълим натижаларини таҳлил қилиш ва ўқувчиларнинг кейинги истиқболини ташҳис этиш ва режалаштириш.

## **ВИ боб. ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

### **Таълим мазмуни ҳақида тушунча**

Таълимнинг мазмуни унинг вазифаларидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизимидир. Ўқувчи илмий билим, кўникма ва малакаларни егаллаш жараёнида ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиради, дунёқараши, ахлоқи шаклланади, ҳаётга, меҳнатга тайёрланади. Таълим мазмунига инсоният тўплаган барча ижтимоий тажрибалар киради. Унинг мазмуни, ҳажми, ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва еҳтиёжлари, фан-техника тараққиёти даражаси билан белгиланади. Яъни унинг мазмунига табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури ҳақидаги билимлар, ҳозирги замон

фани, техникаси, маданияти, ишлаб-чиқаришдаги янгиликлар киритилади. Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгилашиб туради.

Бугунги кунда таълимнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» да белгиланган вазифалардан келиб чиқади. Таълим мазмуни жамият умумий ўрта таълим олдида қўяётган талаб-буюртма асосида белгиланиши керак. Яъни шаклланаётган инсон нимани билиши, ўрганиши, қандай инсоний фазилатларга ега бўлиши ҳақидаги саволларга жавоб бериши керак.

Таълим жараёни ўқувчиларда: билимдонлик, мустақил фикрлаш, ижодкорлик, тиришқоқлик, ташаббускорлик, зийраклик, интизомлилик, қизиқувчанлик каби хислатларни шакллантиради. Табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурига муносабати ҳам таълим мазмунини белгилашга, таълим олишга ёрдам беради. Ўқувчи ўзида шаклланган муносабатларга асосланиб теварак-атрофдаги нарсаларни, воқеаларни баҳолайди; оқ-қорани ажратади, илмий ва ғайриилмий ҳодисаларнинг фарқига боради.

Таълим мазмунига киритилган ўқув материали юқори илмий ва амалий аҳамиятга ега бўлиши, таълим жараёнининг имкониятларига мос бўлиши (таълимни ташкилий шакллари, қонуниятлар, тамойиллари, усуллари, ўқувчиларнинг умумий ривожланиши даражаларига, мактабнинг ўқув-методик ҳамда моддий ҳолати ҳисобга олиниши) лозим.

Шунингдек, таълим мазмунини белгилашда мактабда ўқитиладиган барча фанларнинг ўзига хос хусусиятлари ва фанлараро алоқа ҳисобга олиниши шарт.

Таълим мазмуни илмий асослаган ДТС, ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларида ифодаланади. Хусусий методика нуқтаи назари бўйича «таълим» айнан бир ўқув фани асосида ўқитиш ва ўқиш фаолиятларини биргаликда амалга оширишни англатади.

Педагогика фани нуқтаи назаридан қаралганда еса «таълим» ўқитувчи ва ўқувчи таъсирининг мажмуи бўлиб, унинг натижасида ўқувчининг ақлий салоҳияти (интеллект), руҳиятини ривожлантириш маъносини билдиради.

Билим-табиатда, жамиятда, инсон онгида амал қилинадиган қонуниятларнинг турли белгилар (масалан, ёзув) воситасида моддийлаштирилган кўринишидир. Билимлар қараш, ғоя, таъриф, қоида, аниқлик, аксиома, теорема, омил ва бошқа шаклларда берилади;

Таълим жараёни таркибига кўра, ўта мураккаб дидактик ҳодисадир. Агар бу жараёнга ўқитувчи фаолияти нуқтаи назаридан ёндошсак, «ўқитиш жараёни», ўқувчилар фаолияти нуқтаи назаридан, еса «ўқув жараёни» иборалари ишлатилади.

Ўқитиш енг қадимий фаолият турларидан биридир. У меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши натижасида алоҳида касб сифатида ажралиб чиққан. Кишилар ўқитувчилик касбига махсус тайёрланади.

Таълим маълум босқичлар асосида амалга оширилади: ўрганиладиган нарсасиз ҳодисаларни бевосита ёки билвосита идрок этиш; олдин ўрганилган билимларни хотирага, яъни есга тушириш; билимларни амалда қўллаш, фикрлаш, уларнинг умумий ва хусусий аломатларини ажратиш.

Ҳозирги анъанавий мактабда асосий еътибор билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилади. Бу ўқув- тарбия жараёнини ташкил этиш тажрибасининг энг заиф томонидир. Маълумот мазмунининг барча элементларига риоя қилиб, таълим жараёнини ташкил этиш йўли билангина ҳар томонлама ривожланган ёшларни йетиштириб чиқариш мумкин. **Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифалари ойдинлаштириб беради. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичига илмий ва техникавий билимлар, ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тугтан ўрни, таълим-тарбияси, одоб - ахлоқи ҳақидаги хикматли фикрлар борки, булар бугунги ҳалқ таълими тарақиёти учун ва миллий мактаб яратиши борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, имон-еътиқод, мурувват, ватанпарварлик, меҳнацеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қахрамонлик, мардлик сингари туйғуларини тарбиялайди.**

Таълимни стандартлаштириш-инсониятнинг ижтимоий онгида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли келиб чиққан заруратдир. Чунки, ахборотлар алмашинуви максимал чегарага йетган давримизда дунёнинг бир бурчагида яшаётган киши иккинчи қутбда содир бўлаётган воқеаларни билибгина қолмай, уларнинг не боисдан айнан шу тарзда рўй берганини англаши ва ҳис қилиши зарурдир. Бир сайёрада бир вақтда яшаб туриб, бир-бирини тушунмаслик баъзан инсонлар ўртасидаги муносабатларни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий ахволи ва тараққиёт даражаси турлича бўлган давлатларда яшовчи барча кишиларнинг фикрлаш даражасини иложи борича бир хил ҳолатга келтириш еҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ҳолат таълим стандартлари деб аталмиш тушунчани юзага чиқарди.

**Стандарт**-таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир. Стандартни ишлаб чиқишда ўқувчини ҳаддан ташқари зўриқтириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у ўқувчи ёшига мос, уни ўзлаштиришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Бунда албатта, таълим олувчининг қизиқиши, хохиши, еҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Таълим стандартларини ўзлаштиришда шахсга муҳим аҳамият берилиши, унга яқка тартибда ёндашилиши мақсадга мувофиқдир. Стандартларни ўқув жараёнига татбиқ этишдан олдин ўта пухталиқ билан тажриба-синовдан ўтказилади ва шу асосда босқичма-босқич ўқув жараёнига киритиб борилади.

Давлат ва жамият таълим муассасалари олдида муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр

егаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларининг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериши табиийдир. Тарбияланувчи ёки таълим олувчилар егаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ёхуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат-давлат таълим стандарти ҳисобланади. Стандартларда белгиланган натижаларга еришилмаса, ё ўша кўрсаткичларни егаллай олмаган бола, ёхуд ёшларда муайян миқдордаги билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларни шакллантира олмаган педагогикани мукамал деб бўлмайди.

Бундан кўриниб турибдики, давлат таълим стандарти (ДТС) назорат воситаси, айтилиши вақтда, таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир. Давлат таълим стандартларининг кўрсаткичлари қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир. Давлат таълим стандартларининг кўрсаткичлари амалдаги мавжуд таълим мазмунидан эмас, балки шакллантирилаётган ўқувчига сингдирилиши лозим бўлган сифатларнинг жаҳон бўйича зарур деб ҳисобланган миқдоридан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш лозим. Бундай стандартлар умумий ўрта мактабда ўқувчиларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумини ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми ўқув дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра ўқувчи муайян босқичда егаллаши шарт бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал миқдори белгиланади.

Таълим-тарбия жараёнига ДТС ни жорий этиш талаблари ривожланган ғарб мамлакатлари тажрибасига асосланади. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, ҳали дунёдаги бирорта жамиятда таълимни стандартлаштириш кенг қўламда амалга оширилаётгани йўқ. Чунончи, мазкур юмушга биринчи бўлиб қўл урган Францияда бу иш ханузгача синов даражасида, АҚШда еса ДТС яратишга ендигина киришилмоқда. Япония ва Германия таълим муассасаларида мазкур муаммони ҳал этиш режалаштириш босқичида турибди. Ўзбекистонда таълим стандартлари масаласига давлат миқёсида ёндашилди ва уни илмий йўсинда ҳал этишдан ташқари, таълим-тарбия амалиётига жорий қилиш мақсадида узок вақт изланишлар олиб борилди, тажриба-синовлар амалга оширилди.

**Ўқув режаси** - давлат ҳужжати дир. Унга барча умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қилади. Бу ҳужжатда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади. Бу ҳужжат мактабнинг ягона ўқув режаси ҳисобланиб, у ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Алоҳида аниқ бир фаннинг ўқув режаси - шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжати дир.

**Ўқув фан дастури** - ҳар бир алоҳида фан учун ўқув дастури тузилади. Дастур ўқув режасига асосланади. Фаннинг мақсадидан, ўқув режаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажми унинг тизими мавжуд жамиятнинг ғоявий-сиёсий йўналишини ўзида акс еттирадиган давлат хужжатидир.

Ўқув дастурида бир синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда фаннинг мазмуни, мавзу кетма-кетлиги иккинчи мавзу биринчини тўлдириши, изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўқув дастурида шу фан бўйича ўқувчиларга берилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар кичик мавзуларда ифодаланиб, мавзу мақсади қисқача изоҳланади.

Фаннинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда бобларга бўлинади. Боблар катта-катта мавзуларга, катта мавзулар еса кичик мавзуларга бўлиниб, шу мавзу юзасидаи ўқувчи қанақа билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши лозим бўлса, унинг мазмуни қисқача ифодаланиб берилади. Ўқув дастурининг ўзини амал қилиниши керак бўлган принциплари мавжуд,

1. Дастурнинг аниқ бир ғояга асосланганлиги.

Мустақил жамиятимиз тарақиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинган ҳар бир соҳадаги фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларда еришилган ютуқлар даражасини илмий асосда акс еттирши лозим.

2. Дастур илмийлик принципига асосланади.

Ҳар бир таълим ва тарбия ғоялари, илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида киритилади.

3. Ўқув дастури- аниқ мазмун ва мантиқий ғояларни ўзида акс еттириши лозим.

Дастурда фаннинг мақсад ва вазифалари ундаги билим асослари мисоллар ва масалалар орқали ўргатилади. Акс ҳолда ўргатилаётган билим асосларини назарий жиҳатдан тушуниш қийин бўлади.

4. Назария билан амалиётнинг бирлиги принципи. Талабалар олган назарий билимларини, амалда қўллай олиши кўникмасини шакллантириш назарда тутилади.

5. Ўқув дастурини тузишда фаннинг тарихий сабоқлари инобатга олинади.

Вақт ўтиши билан фан оламида янги-янги кашфиётлар, маълум бир илмий қонун-қоидалар пайдо бўлиб, фан такомиллашиб боради. Дастур фаннинг келажакдаги истиқболини ўзида қисқача ифодалайди.

6. Ўқув дастури давлат томонидан тасдиқланган режа асосида бакалавр, магистр, лицей, гимназия, коллежларга алоҳида-алоҳида тузилади.

**Дарслик.**



Дарслик ўқув жараёнининг асоси. Дарслик ўқувчининг уйдаги муаллими, ҳар бир фаннинг мазмуни, мақсади, вазифаси дарсликда ёритилади, дарслик, яъни фан объектив борлиқ ўртасидаги муҳим қонуниятли боғланишларини акс еттиради, дарсликдаги билимлар тизими ўзаро ички, мантиқий боғланишларга ега бўлиб, улар дидактика талабига мувофиқ равишда баён қилинган. Дарслик қуйидаги талабларга амал қилган ҳолда яратилади:

1. Ҳар бир ўқув фани учун яратиладиган дарсликда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми дастур талабларига синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асослари, ғоявий йўналишлари тизимли ва изчил бўлиши талаб қилинади. Улар ҳаётдан олинган, ишонарли бўлиши лозим. Келтирилган факт ва далилларнинг ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил, аниқ таъриф етилиши тегишли хулосалар чиқарилиши лозим. Шу ҳолдагина ўқувчилардаги илмий дунёқараш, енг яхши инсоний фазилатлар таркиб топтиради.

3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.

4. Дарсликда мавзу содда, раво тилда ёзилиши, ҳамда тегишли қоида ва таърифлари берилиши керак. Дарслик ичидаги ва муқовасидаги чизилган расмлар ва безатилиши ўқувчининг ёшига мос, фаннинг характериға монанд бўлмоғи зарур.

5. Мавзулардаги фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши, илмийликка асосланиши керак.

Мамлакатимизда педагогика илми ҳам, амалиёти ҳам янгиланиб бормоқда. Маълумки, ҳар қандай миллатнинг янгиланиши ёшлар тарбиясидан бошланади.

Педагогика ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний, генетик ва минтақавий ўзига хосликларини тўлиқ ҳисобга олгандагина юқори самарадорликка еришиши мумкин.

Ҳозирги даврда яратилаётган дарсликларнинг асосий камчилиги миллатимиз болаларининг психологик ўзига хосликларини, фикрлаш тарзини тўлиқ ҳисобга олишга ериша олинмаётганида, деб биламиз. Бизнинг мутахассисларимиз дидактик воситалар орқали ўқувчиларга ҳамма гапни айтиб беришга одатланиб қолишган. Ҳолбуки, ўқувчини ўқитиш керак эмас, уни ўзини ўқийдиган ҳолатга олиб келиш лозим. Токи боланинг ўзи изланмас экан, таълимда ютуқа еришиш мумкин эмас. Демак, яратилаётган дидактик воситалар жумбоқли характерга ега бўлиши, ўқувчиларни ўйланишга, изланишга, синаб кўришга даъват қиладиган тарзда тузилиши лозим.

### **Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш**

Кадрлар тайёрлаш миллий моделиға мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган давлат

таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланади. Бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлигини ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни таъминлаш лозим. Ўқув адабиётлари белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилади.

Ҳар бир таълим тури учун яратилаётган ўқув адабиётларига психологик-педагогик, услубий-дидактик, санитария-гигиенлик ва бошқа талаблар алоҳида белгилаб қўйилади.

Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмунни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва еркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

### **Ўқув адабиётларининг шакллари**

**Ўқув адабиётлари** – муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд етилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

- **Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар** – таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп етиладиган манба;

- **электрон ўқув адабиётлар** – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим етиш ва назорат қилиш имкониятларига ега бўлган манба.

### **Ўқув адабиётларининг турлари**

Узлуксиз таълим тизими ўқув тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, лекциялар курси, лексиялар

тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

**Дарслик** – давлат таълим стандарти, ўқув дастури услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

У ёки бу таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрстамалар берилади.

**Ўқув қўлланма** – дасрликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, «Механика»- физика фанининг механика қисмига бағишланган ўқув қўлланма. «Физикадан масалалар тўплами»- физика фани бўйича масала ва машқлар йechишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

**Луғат** – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

**Изоҳли луғат** – сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, етимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**Маълумотлар тўплами** – фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни йechиш намуналари келтирилиши лозим.

**Лексиялар курси** – фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

**Лексиялар тўплами** – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

**Методик (услубий) кўрсатма** – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

**Методик қўлланма** – ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар, ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Шарҳ** – жамият тарақиёти учун муҳим аҳамият касб етадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланилаётган нашр.

**Дайжест** – илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий, адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

**Электрон дарслик** – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мултимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;

- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

**Маълумотлар банки** - ахборот технологияларининг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режими тузилган, товуш

ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм, ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд етилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

### **Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар**

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;

таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини тадбиқ қилишда кўмак бериши;

тегишли ўқув фанининг назарий амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;

интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс еттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англаштиришга қаратилиши;

ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш;

маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;

билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга ега бўлиши;

билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;

юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар, ва ҳоказо) дан ташкил топиши;

иллюстрацияларга бой, кўرғазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;

билим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;

билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалаши;

таълим олувчиларнинг билими, уқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига ега бўлиши;

таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига етибор бериши;

фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалаши, илмий масалаларнинг мантиқий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён етилиши;

яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;

матн жозибали шаклда баён етилиши.

Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига еришиш.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

## **ВИИ боб. ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

### **Таълим қонуниятлари**

Таълим жараёнини изчиллик билан тизимли равишда ташкил етишга ўқитувчи томонидан ўз фаолиятини дидактик талаблар доирасида ташкил етишга таълим қоидалари ёрдам беради. Педагогик адабиётларда таълим қоидалари ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар сифатида изоҳланади. Аммо таълим жараёнида ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар иштирок етишади, шу сабабли таълим қоидалари жараёнининг иккала субъектига- ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчига дахлдор. Таълим қоидалари ўқув-тарбия жараёнига қўйиладиган ижтимоий талаблар, таълимни ташкил етиш ва бошқаришда риоя қилинадиган қоидалар сифатида амал қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълимни ташкил етиш, бошқариш ва назорат қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қўйилган педагогик талаблар таълим қоидалари, деб аталади. Таълим қоидалари таълим иштирокчилари томонидан сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган талаблардир.

Таълим қоидаларининг вужудга келиши, ривожланиши педагогика фани тарихи билан боғлиқдир. Илк бор таълим қоидаларини Ўрта Осиёда яшаб ижод етган буюк алломаларимиз Абу Наср Форобий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида учратиш мумкин. Мактаб тарихида шаклланган таълим қоидаларини изоҳлаш, тизимга солиш ва педагогик талаблар сифатида асослаш еса буюк чех педагоги Ян Амос Коменский номи билан боғлиқдир. У ўзининг машҳур «Буюк дидактика» асарида педагогик амалиётдаги қоидаларнинг кўпчилигини чуқур ўрганиб, тажрибадан ўтказиб изоҳлаб берди.

Буюк рўрсатган педагог табиатга мослаб ўқитиш ғоясидан келиб чиқиб, кўрсатмалилик, тушунарлилик, изчиллик, фаоллик билим малакаларининг пухталиги. Таълим қоидаларини тартибга солиш ва улардан амалиётда фойдаланишнинг мезонларини ўрганиш ҳали ҳам давом етмоқда.

У ёки бу дидактик ходисага оид қарашларини дидактик қоидалар қаторига киритишнинг ўзига хос мезонлари мавжуд. Шундай ўлчовларга қуйидагилар киради:

**Умумийлик.** Таълим қоидалари ўқув-тарбия жараёнининг барча турларига-таълимнинг мазмуни, воситалари, методлари, ташкилий шакллари, натижалари учун муштаракдир. Бинобарин, болаларнинг реал билиш имкониятларига мос келадиган таълим мазмунини белгилашда, таълимнинг турли меъёрий моделларини (ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмалари) яратишда, таълимнинг ташкилий шакллари, воситалари, методларини танлашда таълим қоидаларига риоя қилинади.

**Амалиёт учун яроқлилиқ.** Таълим қоидалари педагогик амалиётга йўналган. Таълимнинг ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил етиш, бошқариш ва назорат етиш еҳтиёжларига мос бўлмаган қарашларни, таълим қоидалари қаторига киритиш мумкин эмас.

**Таълимнинг самарадорлигини оширишга йўналганлик**  
Таълим қоидаларининг барчасига риоя қилиш ва уларни амалга ошириш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги оширилади.

Таълимнинг самарадорлигини оширишга оид тадбирлар ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ етиш йўли билан қўлга киритиладиган ютуқлар таълим қоидалари асосида олдиндан белгиланади.

**Таълим қоидалари мақоми.** Ҳар бир қоиданинг ўз ўрни бор. Уларнинг биронтасини бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлмаганидек, бирини иккинчиси ўрнида қўллаш ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, таълим қоидаларидан бири иккинчиси учун ўлчов саналади. Масалан, илмийлик қоидасини таълимнинг турли бўғинларида-бошланғич, ўрта, махсус ва ш.к.мактабларда амалга ошириш учун тушунарлилик қоидасига риоя қилинади. Тушунарлилик қоидаси, бир томондан, ўқув-тарбия ишларининг таълим даражаларига қараб аста-секин мураккаблаштириб ва қийинлаштириб боришни тақозо еца, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг ўз ички имкониятлари- фаоллик, онглилик каби қатор омилларни ҳисобга олишни талаб етади. Худди шундай, системалилик - изчиллиликка, мустақиллик - фаолликка, кўргазмалилик -онглиликка олиб келади. Юқоридагиларга кўра таълим қоидалари тизимини қуйидагича белгилашни маъқул, деб топдик:

- илмийлик- тушунарлилик;
- системалилик-изчиллик;
- мустақиллик-фаоллик;
- кўргазмалилик-онглилик;
- ҳаёт билан боғлиқлиги, алоқадорлиги-пухталиқ.

### **Таълимнинг илмийлиги ва тушунарлилиги**

Таълимнинг илмийлиги ва болалар учун тушунарлилиги қоидалари ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган дидактик тамойилдир.

Фан ва ўқув-фани ўртасидаги алоқадорлик ҳамда уларнинг фарқларини шарҳламасдан туриб, бу қоиданинг моҳиятини тўғри тушуниш мумкин эмас.

Мактабларда ўқитиладиган ҳар бир ўқув фанида ўзига оид фаннинг умумий асослари баён этилади. Фан ва ўқув фанлари ўзаро тубдан фарқ қилади. Фан ўзини ўрганувчи барча кишилар учун умумий ҳисобланади. Ҳақиқий фанда синфий, ирқий чегаралар бўлмайди. Ўқув фани еса ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятлари, аниқ билиш имкониятлари, қизиқишларини ҳисобга олиш асосида яратилади. Маълум ёшдаги ўқувчиларга мўлжаллаб тузилган ўқув фани, масалан, бошланғич синфларда ўзлаштириладиган физика элементларини, 8-синфларда ўтиш болалар учун зерикарлидир. Булардан кўринадики, илмийлик қоидаси амалга ошириш тушунарлилик қоидасидан келиб чиқадиган талабларга риоя қилишни тақозо қилади,

Таълимнинг илмийлиги ва тушунарлилиги қоидаларининг ўзаро алоқадорлиги асосида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини ҳозирги замон фан-техникаси, санъат ва адабиёти ютуқлари билан узлуксиз бойитиб, янгилаб туриш: ўқув фанлари, уларга оид ўқув материалларини ўқув йилларига рационал бўлиш; ўқув дастурлари дарсликлардаги ортиқча, иккинчи даражали нарсаларни бартараф этиш.

Илмийлик қоидаси ўқув фанларини ҳозирги фан ютуқлари заминида баён қилишни талаб еца, тушунарлилик қоидаси ўқув предметларини болаларнинг ёш, индивидуал ҳусусиятлари, ҳаётий тажрибалари, тайёргарлик даражасига мослаштиришни тақозо қилади.

Ўқув фанларини ўргатишда болаларнинг реал билиш имкониятларини ҳисобга олиш мақсадида қатор қоидаларга риоя қилинади: яқиндан-узоқа, оддийдан-мураккабга, осондан-қийинга қараб бориш. Бу қоидаларнинг биринчиси-яқиндан узоқа қараб бориш-вақт характеристикасига, оддийдан мураккабга қараб бориш-объектив, осондан қийинга-субъектив аҳамиятга ега.

#### **Таълимнинг тизимлилиги ва изчиллиги**

Тизимлилик ва изчиллик қоидалари таълимнинг илмийлиги ва тушунарлилиги қоидалари билан узвий боғлиқ дидактик тамойиллардир. Зеро, тизимлилик қоидасига ўрганилаётган ўқув фанининг тизимини (масалан, ўрта, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган биология курси тизим сифатида ботаника, зоология, анатомия фанларидан иборат) ҳисобга олиш асосида, изчиллик қоидасига бўлган билимларнинг болалар учун тушунарли бўлиши қоидасига боғланган ҳолда амалга оширилади.

Тизимлилик ва изчиллик қоидаларини ўзаро боғланган ҳолда амалга ошириш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

-Ўқув фани мантиғи ва уни ўзлаштириш қоидаларига қатъий риоя қилиш;



-Таълимни болаларнинг қизиқишлари, ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш;

-Таълимда ўрганилган, ўрганилаётган ва бундан кейин ўрганиладиган билимлар ўртасида ворислик ўрнатиш;

-Ҳар бир мавзу, ҳар бир ўқув фанига оид етакчи ғояларни ажратиш, ўқув фанлари бўлимлари, шунингдек ўқув фанлараро алоқани ўрнатиш;

-Таълимни болаларнинг шахсий тажрибаси, кузатишлари ва реал билиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил етишни бошқариш;

-Синфда, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ўқув ишлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш;

-Таълим жараёни бўғинлари, омиллари, кетма-кетлигининг ўзаро алоқадорлиги асосида ўқув-тарбия ишларини ташкил етиш, бошқариш.

### **Мустақиллик ва фаоллик**

Мустақиллик ва фаоллик ўзаро сабаб ва натижа шаклида боғланган дидактик ходисалардир. Таълимда болаларнинг мустақиллигини таъминламасдан туриб, уларни фаоллигига еришиб бўлмайди.

Таълимда ўқувчиларнинг фаоллиги мустақиллик орқали белгиланади, мустақиллик туфайли ўқувчи таълимнинг фаол субъектига айланади. Таълим жараёнидаги мустақиллик фаоллик учун шарт-шароит вазифасини ўтайди. Фаоллик еса ўз навбатида болаларда мустақилликни тарбиялаш учун асос бўлади.

Кишининг мустақил ақлий фаолият кўрсатиш, мустақил ўрганиш орқалигина фан асосларини пухта егаллаши ҳеч кимга сир емас. Ўқувчиларга китоб устида ишлай олиш малакалари, даставвал бошланғич синфларида ҳосил қилинган. Бу малакалар юқори синфларда янада такомиллаштирилади.

Ҳар қандай фаоллик заминида мустақил ақлий фаолият ётади. Фаоллик тўғрисида гапирилганда, ўқитувчи ҳикояси, суҳбати, тушунтирилиши, маърузасини диққат билан тинглаши: турли хил йўллар: кўрғазмали курол, мустақил иш, муаммолар, техник воситалар ёрдамида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ижтимоий ва маънавий ҳаётда фаол иштирок етиш: моддий неъматларни ишлаб чиқаришда маънавий бойликларни ўзлаштиришда ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатиш тушунилади. Демак, фаоллик тушунчаси хоҳ ўқув-тарбия, хоҳ ижтимоий ва маънавий ҳаёт тўғрисида бўлмасин, инсоннинг онгли ақлий фаолиятини ифодалаш учун ишлатилади.

Ўқувчиларнинг таълим жараёнида мустақиллиги ва фаоллиги кўйидаги қоидаларга риоя қилиш йўли билан таъминланади.

- Ҳар бир материални ўрганишга киришишдан олдин ўқувчиларга унинг мақсади, ҳаёт учун зарурлигини тушунтириш керак. Мақсад олдиндан англанинган натижа бўлиб, боланинг барча хатти-ҳаракатини, интилишларини ягона йўлга солади. Мақсадни англаш таълимнинг истиқболлигини таъминлайди.

- Ўрганилаётган ўқув мавзуларининг мазмуни, болаларнинг индивидуал хусусиятлари, реал билиш имкониятларини ҳисобга олиб муаммолар, муаммоли саволларни ўртага ташлаш, қўйилган муаммо, савол, топшириқлар моҳиятидан келиб чиқиб, таълимни ташкил етиш ва бошқариш болаларда мустақиллик ва фаолликни тарбиялайди.

- Ўқув материалларини ўргатиш жараёнида болаларга анализ ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқаришни ўргатиш. Бола ақлий фаолият методларини ўргана борган сари, ўз олдига қўйилган муаммоларни ҳам тезлик билан бажариш сирларини егаллайди. Бу ўз навбатида, болада ўзлаштирилган билимлардан амалиётда фойдаланиш қобилиятларини ўстиради. Таълимнинг барча босқичларида, дарснинг барча этапларида мустақил ишларни ташкил етиш, болаларга фан соҳасида қўлланиладиган методларни ўргатиш билан ўқувчиларда ўз кучига, ўз билиш имкониятларига ишончи тарбияланади.

### **Кўргазмалилик ва онглилик**

Кўргазмалилик-таълимда онглиликни таъминлаш воситасидир. К.Д.Ушинский «кўргазмали ўқитиш ҳақида» номли мақоласида «кўргазмали ўқитишнинг ўзи нима?» деган сўроққа шундай жавоб беради: «Бу шундай ўқитувки, у мавҳум тасаввур ва сўзларга эмас, балки болалар бевосита идрок қилган яхлит образларга асосланади, бу образларни болалар муаллимнинг раҳбарлиги остида ўқиш жараёнининг ўзида билиб олишгани, ёхуд илгари мустақил кузатиш натижасида билиб олишгани, барибир. Хуллас, мураббий боланинг қалбидан тайёр образлар топиб, ўз таълимини ана шу образлар билан асослайди».

Энди кўргазмалилик қоидасини онглилик қоидаси билан ёнма-ён қўйиб ўрганишга еҳтиёж борми, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Таълимда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, ўқувчининг тафаккур даражасига кўра белгиланади. Кичик мактаб ёшидаги (7-11 ёш) болаларда яхлит фикрлаш устун бўлиб, улар расм, жадваллар асосида нарсавоқеаларнинг моҳиятини чуқурроқ англайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда аниқ-образли, ҳаракатчан-образли фикрлаш шаклларини тарақий етганлиги таълимда кўргазмали қуроллардан кўпроқ фойдаланишни тақозо этади.

Боланинг ёши улғайиб, ижтимоий тажрибаси оша борган сари, унда тафаккурнинг абстракциялаш, умумлаштириш, ажратиш каби сифатлари ривожланади, бола индуктив ва дидуктив хулосалар чиқаришни ўрганиб олади. Катта мактаб ёшидаги (11 ва ундан юқори ёш) болалар билимларни таърифлар, аксиомалар, хулосалар, фаразлар шаклида қабул қила олади. Бу ёшдаги болаларда рационал, назарий фикрлашнинг ўсганлиги кўргазмали қуроллар турини ўзгартиришни тақозо этади. энди кўргазмали қурол сифатида турли чизмалар, символли белгилар, диаграммалардан фойдаланиш имконияти туғилади. Ана шуларни

барчаси кўргазмалилик қоидаси онглилик қоидаси билан узвий «боғлиқлигини исботлайди ва уларни ёнма-ён тавсифлашни талаб этади.

Кўргазмалилик қоидасига кўра нарса, ҳодисаарни ўрганиш, уларни кузатиш, сезишдан бошланади. Кузатиш, сезиш, онгда маълумотларни тўплаш, нарса-ҳодисалар тўғрисидаги ҳиссий яхлит тасаввурларни шакллантиришга олиб келади. Таълим жараёнида билиш ҳиссий яхлит тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди. Ўқитувчи болаларни қонун-қоида, таъриф, аниқликларни сезишдан уларнинг моҳиятини аниқлашга, тасаввурлардан ташқари тушунча даражасида ўзлаштиришга олиб боради. Демак, таълим жараёнида ҳам ҳиссий билишдан рационал билишга ва аксинча рационал билишдан ҳиссий билишга-омиллар тўплаш, тажрибалар ўтказиш орқали олиб борилади.

Дидактик адабиётларда онглилик деганда, ўрганилаётган мавзуга оид қонуният, таъриф ва омилларни асосли егаллаш, хулоса ва умумлашмаларни чуқур, атрофлича фахмлаш, мавзу юзасидан билимларни изчил ва тўғри баён қилиш, билимларнинг ишонч ва еътиқодга айланиши, ўргатилган билимлардан турмушда мустақил фойдаланиш, билиш кабилар тушунилади. Булардан кўринадики, онглилик кўп қамровли қоида бўлиб, у таълимда илмийлик ва тушунарлилик, мустақиллик ва фаоллик каби категориялар билан боғлиқ бўлиш билан бир қаторда ўқув-тарбия жараёнининг мақсади, воситалари, натижаларига ҳам алоқадордир.

Онглилик билимларни онгли ўзлаштиришга йўналган қоидадир. Билим ва малакаларни онгли ўзлаштириш қуйидагича хусусиятларга ега: таълимнинг мақсади, ҳаёт учун зарурлигини англаш; материалларни онгли егаллаш ва уларни ўзаро фарқлай билиш, билимларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги.

Бу қоидаларни педагогик амалиётга тадбиқ етишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

-таълимда болаларнинг ҳиссий билишдан рационал ва аксинча, рационал билишдан ҳиссий билишга ўтишларини таъминлаш;

-таълим жараёни унинг босқичлари, бўғинлари, омиллари, кетма-кетлигини, болаларни сезиши ва англашига еришиш;

-ўзлаштирилган билим, шаклланган малакаларни болаларга ўз сўзлари билан айтиб беришни ўргатиш;

-билимларни ўрганилган мавзуга доир омилларга, ҳаётга, ишлаб чиқаришга жорий ета билиш қобилиятини ўстириш;

-механик ёдлаб олишни чегаралаш;

-болаларда ўқув фанларига муносабатини тарбиялаш ва ниҳоят;

-таълим манбалари-кўргазмали қурол, дарслик, ўқитувчи нутқини уйғунлаштириш.

### **ВИИБОБ. ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

Баъзи дидактик методистлар таълим методларини ўқувчиларни билмасликдан билишга бориш йўли, айрим олимлар еса, уларни

ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро боғловчи методлар, деб қарашади. Таълим методларини ўқув ишлари мажмуи, шунингдек, таълим мазмуни шаклида қараш ғояси ҳам бор. Бу қарашларнинг қай бири асосида таълим методларининг моҳияти, ўқув-тарбия жараёнидаги функцияларини батафсилроқ тасаввур етиш мумкин? Дидактикада ҳали ҳам енг мунозарали муаммолардан бири таълим методлари таснифи масаласидир.

Уларни таълим манбалари, дидактик вазифалар, мантиқий фикрлаш шаклларига қараб тасниф етиш мойиллиги мавжуд. Таълим методларини тасниф етишда шу йўналишлардан қай бири маъқул? Ёки таълим методларини тасниф етишнинг бошқа мезонлари ҳам мавжудми? Адабиётларда «ўқитиш методлари», «ўқиш методлари» каби терминлар қўлланади. Шундай бўлгач, «таълим методлари» иборасини ишлатишга еҳтиёж борми? Метод термини юнончадан таржима қилинганда маълум бир мақсадга еришиш йўли, фаолият усули маъноларини англатади. Таълим методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга еришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият усуллари тушунилади. Уларга кўра таълим мазмунини ўзлаштиришга мос фаолият танланади.

Таълим методлари ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, уларсиз таълим мақсади, вазифаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш мумкин эмас.

Таълим методлари ҳам ўқув материали мазмунига, бинобарин, болаларнинг маълумоти, тарақиёти, тарбиясига, шунингдек, ўқитиш, ўқиш фаолиятларининг бир-бирига киришуви ва шу асосда ўзаро таъсирнинг юзага чиқишига йўналган. Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Таълим методи-ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълумот мазмунига йўналган фаолиятини тартибга солиш йўлидир. Таълим методлари таркибан ўқитиш методлари ва ўқиш методларидан иборат.

**1. Оғзаки баён методлари.** Ҳикоя, суҳбат, маъруза таълимнинг билимларни оғзаки баён қилиш методлари саналади. Бу методлар евристик суҳбатни ҳисобга олмаганда, асосан, ўқувчиларнинг хотирасига мўлжаллаб ташкил етилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, болалар тинглайди.

**Ҳикоя.** Ҳикоянинг бир неча хил тури мавжуд: кириш ҳикояси-ўқув материални ўрганишга болаларни тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Кириш ҳикояси бадий асарлар билан таништириш, янги мавзуга оид омилларни еслаш, уларни дастлабки таҳлил етиш билан дахлдор методдир; баён шаклидаги ҳикоя- янги ўқув материални бевосита идрок етиш билан алоқадор методи саналади. Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали ҳусусиятларини изоҳлайди; яқунловчи

хикоя-ундан дарснинг охирида ўрганилган мавзуга яқун яшаш мақсадида фойдаланилади.

**Маъруза.** Маъруза ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, коллежларда, олий ўқув юртларда фойдаланиладиган таълим методи бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчининг баёни ва болаларнинг тинглаши, айрим омиллар, асосий ғоя ва боғланишларни ёзиб олиш шаклида амал қилади. Маъруза учун вақт болаларнинг тайёргарлик даражаси, ўқув материали хажмига кўра белгиланади.

Маъруза жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўرғазмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради. Ўқув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хулоса чиқаришни таклиф этиш талабаларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарасини оширади.

**Сухбат.** Сухбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади.

Сухбат моҳияти жиҳатидан икки турли бўлади: евристик сухбат; катехезистик сухбат. евристик сухбат ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган метод бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари болаларнинг жавоблари шаклида амал қилади. евристик сухбат узок тарихга ега бўлиб, ундан қадимги Грецияда Сукрот моҳирона фойдаланган.

У ҳозирги илмий-дидактик тадқиқотларда «изланиш сухбати» ҳам деб юритилади. Евристик сухбатнинг қатор ижобий томонлари мавжуд; ижодий йўл билан ўқув материалини ўрганиш; ўзлаштиришнинг индивидуал ҳарактер касб этиши.

Катехезистик сухбат ўқувчиларнинг хотирасига, бинобарин, қайта есга тушириш фаолиятига мўлжаллаб ўтказилади. Ўтказиш мақсадига кўра катехезистик сухбатнинг қуйидагича турлари мавжуд:

**Яқунлаш сухбати.** Бундай сухбатда машғулотда қилинган ишлар бўйича умумий ва яқуний хулоса чиқарилади.

**Мустаҳкамлаш сухбати-янги мавзу тушунтирилгандан кейин ўтказилади,** сўнгра янги мавзу интеллектуал ва амалий топшириқлар бажарилади.

**Такрорлаш сухбати** икки ёки ундан ортиқ мавзу бўйича ўтказилади. Такрорлаш йўли билан малакалар такомиллаштирилади. Умумлаштирувчи сухбат катта бўлим ўтилгандан сўнг, ўқув бошида, охирида ташкил этилади.

**Кириш сухбати** янги мавзунини ўрганишдан олдин ўтказилади. Назорат сухбати билимларни синаб кўриш мақсадида ташкил этилади.

### **Кўрғазмалилик методи**

Кўргазмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўргазмали методларнинг қуйидагича турлари мавжуд:

-Иллюстрация методи оғзаки баён қила туриб, расмлар, чизмалар, жадваллар, доскадаги ёзувларга диққатни тортиш.

Демонстрация методи-киноаппарат, ЛЕТИ каби техник воситалар асосида, шунингдек, телевизор кўрсатувларидан, видеотасвирлардан фойдаланиб, турли тасвирларни намойиш қилади.

Табиий кўргазмалар-нарсаларнинг ўзи, предметлар, турли жониворларнинг муляжларини кўрсатиш. Кўргазмали методлар ешитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли улардан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини оширади.

### **Муаммоли изланиш методлари**

Муаммоли изланиш туридаги методлар ўқувчиларнинг тафаккурига, бинобарин, уларнинг ижодий фаолиятига йўналган таълим методидир. Бу методлар асосида ўқув-тарбия ишлари ташкил этилганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсири қуйидагича умумий кўринишга ега бўлади.

#### **Ўқитувчи фаолияти**

турли топшириқлар асосида

иштирок

муаммоли ҳолат яратиш;

қилиш;

муаммони ҳал этишга оид

фаразларни айтишни таклиф этиш;

фаразлардан мосини муаммони

муаммони

бажаришга татбиқ этиш; сўраш

этиш;

хулосалар чиқаришга кўмаклашиш;

чиқарилган хулосаларни

амалиётга татбиқ этиш йўллари

рени кўрсатиш;

#### **Ўқувчи фаолияти**

-муаммоли ҳолатда

этиш ва муаммони қабул

-фаразларни айтиш;

-танланган фаразни

бажарилишига татбиқ

-хулосалар чиқариш;

-хулосаларни амалиётга

тадбиқ этиш;

Муаммоли изланиш методлари ҳам мактаб тажрибасида соф ҳолда қўлланилмайди. Муаммоларни қўйиш, уларни изоҳлашда суҳбат, ҳикоядан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, маъруза ўқиб турган пайтда турли ўқув топшириқлари, муаммолар ҳам ҳал этилади. Кўргазмали қуроллар воситасида болаларга экспериментал (синов) топшириқлар берилди. Ана шуларга кўра муаммоли-изланиш методларининг қуйидаги турлари фарқланади.

Муаммоли ҳикоя ўрганилаётган мавзу доирасида ҳикоя бошида, ҳикоя давомида, ҳикоя охирида болалар олдига муаммолар қўйиб, уларнинг мавзуга қизиқишларини ошириш йўлидир.

Муаммоли маъруза: маърузадан олдин ўқувчиларни мавзуга қизиқтириш мақсадида ёки маъруза охирида ўқувчилар олдига муаммолар қўйиш йўли билан таълим мақсадига еришишдир.

### **Мустақил ишлар методлари**

Мустақил ишлар таълимнинг барча босқичларида ўтказиладиган, ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, аммо унинг кўрсатмалари, раҳбарлигида бажариладиган интеллектуал ва амалий топшириқлардир. Ҳозирги пайтда мустақил ишларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади.

***Дарсликдаги қоидалар ва таърифлар устида мустақил ишлаш:*** дарсликдаги қоида ва таърифни ўқиш ва уларга оид омилларни ажратиш; ўқитувчи топшириғига кўра тўпланган омилларни таҳлил етиш ва хулоса чиқариш; дарсликнинг айрим саҳифаларини танлаб ўқиш ва шу билимлардан амалиётда фойдаланиш йўллари тўғрисида қисқача хисобот тайёрлаш; қоида, таърифларни мантиқий қисмларга ажратиш ва терминларга қўшимча адабиётлардан ўрганилган мавзу доирасида материал тўплаш; маъруза, ҳикоя, суҳбат пайтида ўқитувчи чиқарган хулосаларни дарсликдаги қоида, таърифларни солиштириш.

***Дарсликдаги амалий материаллар устида мустақил ишлаш:*** дарсликдаги машқ, мисол ва масалалар вариантларни ўзаро мусобақалашиб бажариш; дарсликдаги амалий материаллар асосида турли диаграмма, жадвал, чизмалар тайёрлаш; лаборатория машғулотларини ўтказиш режасини тузиш.

Машғулотларда турли мустақил ишларни бажариш болаларда мустақилликни тарбиялайди. Мустақиллик еса шахсий сифат ҳисобланади. Мустақил ишлаш методларидан фойдаланишда қатор қоидаларга риоя қилинади; ўқувчиларни мустақил ишлашга тайёрлаш; мустақил ишларнинг тушунарли бўлиши; мустақил иш учун йетарли вақт ажратиш; мустақил иш натижасини текшириш.

### **Дидактик ўйин методи**

Кейинги йилларда илғор ўқитувчилар тажрибасида дидактик ўйинлардан таълим методлари сифатида фойдаланиш одат тусини олиб бормоқда. Дидактик ўйинларнинг самарадорлиги шундаки, улар воситасида ўқув-тарбия ишлари ҳаётга яқинлаштирилади, шунингдек, уларнинг ҳар бирида билимларни оғзаки баён етиш, кўргазмали, амалий методларнинг элементлари қўлланилади. Шу хусусиятларига кўра дидактик ўйинлар синтетик ҳарактерга ега. Уларнинг қуйидагича турлари мавжуд:

Симулятив ўйин-таълимни ҳаётда бўлиб ўтгани ижтимоий воқеаларга тенглаштириш, уларни қиёсий тарзда ташкил етиш ва бошқариш методидир. Бу ўйиндан тарих, география дарсларида унумли фойдаланилади; бир ўқитувчи Амир Темур, бошқаси Боязид, қолганлари

саркардалар, аскарлар ролида иштирок этади, шу йўл билан таълим бўлиб ўтган тарихий воқеага қиёслаб ташкил етилади.

Симулятив ўйинларнинг бир кўриниши инсценировка (ролларга ажратиб ўқиш) методидир. Бошланғич синфларда бадиий матнлар, юқори синфларда бадиий асарларни ролларга ажратиб ўқитиш анъанаси мактабларимиз тажрибасида узоқ тарихга ега. Адабиёт ўқитувчилари «Туя билан бўталок» асарини ўқитганда бир ўқувчи ёзувчи, иккинчи ўқувчи туя, учинчиси еса бўталок сўзларини ўқиб иштирок етишади.

Ситуатив ўйинлар ҳам аста-секин мактаб тажрибасида ўз ўрнини олиб бормоқда. Меҳмон кутиш, касални даволаш, харид қилиш каби турли ҳаётий вазиятлар моҳиятидан келиб чиқиб, таълимни ташкил етиш ва бошқариш ситуатив ўйинлар сирасига киради.

### **Амалий методлар**

Таълимнинг амалий методларида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири болалар олдида қўйиладиган топшириқлар ҳамда уларни қабул қилиш шаклида амал қилади.

Амалий методларнинг қуйидагича турлари мавжуд:

Лаборатория тажрибаси ўқув устахонасида турли топшириқларни бажариш, ўқув-ишлаб чиқариш цехида, ўқувчилар бригадасида ишлаш ҳам амалий методлар сирасига киради. Ўқувчилар турли меҳнат курулларидан қайчи, пичоқ, чизғич, циркуль ва бошқалардан фойдаланиб қирқиш, ўлчаш каби ишларни бажарадилар.

Электрон ҳисоблаш машиналари, овозни ёзиб олиш ва ешиттириш аппаратлари билан ишлаш, ўқув материаллари асосида компьютерларда дастурлар тузиш амалий методларнинг янги турлари саналади.

Амалий методларнинг энг қадимий тури машқдир. Машқ-ўрганилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ етиш йўлидир. Машқ воситасида турли малакалар-интелуктуал ва ақлий, хусусий (масалан, математика бўйича) ва умумий (масалан, барча ўқув фанларига оид) малакалар таркиб топтиради.

### **ИХБОБ. ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЕТИШ ШАКЛЛАРИ**

Таълим тарихида таълимни ташкил етишла турли шакллардан фойдаланилган. Марказий Осиё ҳудудида қадимдан шаклланган мачитлар ҳузуридаги мактабларда ўқув машғулоти асосан руҳонийлар томонидан ташкил етилиб, таълим гуруҳли ёки якка тартибда амалга оширилган. XVI аср охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) таълим тарихида биринчи бўлиб синф-дарс тизимини ишлаб чиқди. Я.А.Коменскийнинг янги таълим тизими қисқа вақт ичида барча мамлакатлар таълимидан ўрин олди. Ҳозирги даврда синф-дарс шакли таълимни ташкил етишнинг асосий шакли сифатида қўлланмоқда.



Дарс-бевосита ўқитувчи йетакчилигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган ўқув машғулотиدير.

Дарс машғулоти асосан 45 дақиқага мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади.

Дарснинг асосий белгиларидан бири илмийликдир. Дарсда ўрганиладиган билимлар ҳозирги замон фани ютуқларини ўзида акс еттириши, таълим жараёни мақсади ҳамда болаларнинг реал билиш имкониятларига мос бўлиши зарур.

#### **Дарс ижодий жараён**

Дарс-жамоа меҳнати жараёни. Дарсни ижодий ташкил етиш, вақтдан унумли фойдаланиш, машғулотларни ўз вақтида ўтказиш болаларда жамоа бўлиб ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш, ўзаро ёрдам ва болалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш йўллари билан машғулотлар жамоа меҳнати жараёнига айлантирилади.

Дарс таълимнинг бошқа шакллари билан ўзининг ички ва ташқи хусусиятларига кўра фарқ қилади. Муайян ёшдаги ва маълум тайёргарликка ега бўлган ўқувчилар гуруҳи, режим, дарс тартиби, машғулотларни маълум хонада ўтказиш каби дарснинг ташқи хусусиятлари, дарснинг мақсади, таълим мазмунини ҳис қилиш, қизиқиш, англаш, тушуниш унинг ички хусусиятлари саналади. Дарс ана шу икки хил ташқи ва ички хусусиятларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил етилади.

#### **Дарсга қўйиладиган талаблар**

Дидактик ёки илмий талаблар сирасига қуйидагилар киради.

1. Ҳар бир дарснинг мақсадини аниқ белгилаш
2. Дарсларнинг оптимал мазмунини, ўрганиладиган билимлар кўлами, шакллантириладиган кўникма ва малакаларни олдиндан аниқлаб қўйиш.
3. Дарсни ташкил етишга оид таълим методларини, воситаларини танлаш, ўқувчилар билиш фаоллигини рағбатлантириш, ўқув топшириқлари, мустақил ишларни таълимга татбиқ етиш.
4. Таълим қоидаларини (илмийлик, фаоллик, изчиллик, фанлараро алоқа ва ҳ.к) оғишмай амалга ошириш.

Дарсга қўйиладиган тарбиявий талаблар қаторига қуйидагилар киради:

1. Дарсда ўрганиладиган ўқув материаллари бўйича тарбиявий хулосалар чиқариш.
2. Назарий билимлар асосида илмий дунёқарашни ривожлантириш.
3. Болаларда ўқишга оид ижодий мотивларни уйғотиш, билиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас иштиёқ, қизиқишни шакллантириш.
4. Дарс жараёнига, педагогик такт қоидаларига риоя қилиш.

Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар жумласига қуйидагилар киради.

1. Дарс учун пухта йўналган конспект ёки режа тузиш.

2. Дарснинг босқичларига (дарс босқичларининг ўзаро боғлиқлиги, дарсда амалга ошириладиган ишлар, ўқув топшириқларининг ўзаро алоқадорлигига) риоя қилиш.

3. Дарс тезлигини ўқувчиларнинг тайёргарлигига мослаштириш.

4. Дарс учун ажратилган вақтдан тўлақонли фойдаланиш.

### **Янги ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш дарслари**

Янги ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш дарслари таълим жараёнининг енг кўп қисмини ишғол қилади. Бу дарс турининг асосий вазифаси турли ўқув фанларига оид қонуниятларни, ғояларни, омилларни ўргатиш ва уларни дастлабки мустаҳкамлашдир.

Билимларни ўзлаштириш кенг тушунчадир. Ўзлаштиришнииг уч хил даражаси мавжуд: билимларни идрок етиш, маъносига тушуниш, хотирада сақлаш даражасида ўзлаштириш; билимларни ўхшаш шароитларга татбиқ ета олиш даражасида ўзлаштириш. Ўқувчилар янги ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш дарсларида билимларни ўз сўзлари билан айтиб бера билиш, ўрганилган билимларга доир омил келтира олиш, бугун ўрганилган билимларни олдин егаллаган билимлардан ажрата билиш даражасида ўзлаштирамоғи лозим.

Бу дарс турида куйидагича вазифалар ҳал етилади; ўқув материалининг асосий ғояси, мақсадни англаш; шу билимларнинг инсон фаолиятидаги аҳамиятини фаҳмлаш; янги ўқув материалга оид билимларни идрок етиш; уларнинг асосий хусусиятларини тушуниш; ўрганилган билимни қайта есга олиш йўлини, уни амалиётда қўллаш йўлларини егаллаш.

### **Янги билимларни ўрганишда дедуксия ва индуксия**

Ўқув материаллари, асосан, икки хил йўл билан ўрганилади; дедуктив йўл, индуктив йўл.

Янги ўқув материали дедуктив йўл билан ўргатилганда боланинг аклий фаолияти таъриф, қоида, хулосалар, умумлашмалардан амалиётга қараб боради. Аввал асосида материалнинг умумий томонлари изоҳланади, кейин материалнинг хусусий томонлари изоҳланади. Ўқув фанлари (масалан, математика)га оид материалларни изоҳлашда дедукциядан фойдаланган маъқул.

Янги билимларни ўргатишнинг иккинчи йўли индуксиядир. Бундан олдин омиллар асосида ўқув материалининг хусусиятлари алоҳида таҳлил етилади. Сўнгра қоида, қонуният, таъриф, аксиома шаклида хулосалар чиқарилади.

Янги ўқув материални ўрганишда ўқувчиларнинг олдин ўрганган билимлари, ҳосил қилинган малакалари, ҳаётий

тажрибаларига таяниш таълимнинг самарадорлигини оширади. Ўрганилган билимларни, малакаларни, тажрибаларни есга тушириш ва ундан билимларни онгли ўзлаштириш воситаси сифатида фойдаланиш турли йўллар билан амалга оширилади: янги мавзуни ўрганиш учун керакли билимларни, малакаларни ўқитувчининг ўзи еслатади ва янги билимлар ўзлаштирилган мавзунинг давоми сифатида тушунтирилади: олдин ўрганилган материални ўқувчилардан биронтаси есга тушириб айтиб беради, ўқитувчи ўқувчи фикрига боғлаб ўз тушунтиришларини бошлайди; ўтилган мавзу юзасидан синф жамоаси билан суҳбат ўтказадилар, кейин янги мавзуни тушунтиришга ўтилади; ўтилган мавзуга оид мустақил иш ташкил етилади, бажарилган мустақил иш устида суҳбат ўтказилади, сўнгра мавзуни изоҳлашга киришилади.

### **Муаммоли дарслар**

Янги ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш дарсинг яна бир тури муаммоли дарслардир. Ўқувчиларнинг мустақил ақлий фаолияти бундай дарсларнинг психологик замини саналади. Бу дарсларга ҳам анъанавий дарсларга ўхшаб қатор педагогик талаблар кўйилади. Илмийлик, системалилик, изчиллик, онглилик ва дидактик талаблар саналади. Шу билан бирга, муаммоли дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Муаммоли дарс таълимнинг бошқа турлари, тизимларини, методларини тамомила инкор етмайди. Унинг асосий хусусияти таълим жараёнининг маълум бўлимида янги билимларни ўрганиш жараёнида янгича билим, янгича фаолият кўрсатиш методларни ижодий егаллаш билан ҳарактерланади.

Муаммоли дарслар қуйидагича ташкил етилади: -дарсинг бошланиши, бу босқичда болаларнинг ўқув материалига қизиқишларини оширишга оид ишлар қилинади, мавзуга доир муаммо ёки муаммолар кўйилади;

-қўйилган муаммо устида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда ишлаши. Бу босқичда ўқувчилар муаммо, уни бажариш бўйича ўз фикрларини ўртага ташлашиб фикрлашади;

-муаммони йечиш методини танлаш. Бу босқичда болалар айтган методлар(фаразлардан) бири танланади;

-танланган метод асосида кўплаб муаммо бажарилади;

-муаммо юзасидан хулоса чиқарилади, чиқарилган хулоса янги ўқув шароитига татбиқ етилади.

### **Ўтганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарслари**

Ўқув фанлари бўйича ўрганилган билимларнинг пухталиги кўп жиҳатдан такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарсларини ташкил қилишга боғлиқ. Бундай дарсларда олдин ўрганилган билимларга, қоида ва таърифларга такрорий дуч келинади. Ўрганилган ўқув материалига такрорий қайтиш ва шу мавзуга оид омил тўплаш, таҳлил етиш, солиштириш асосида олиб борилади, мавзу бўйича йетарли машқ қилинади. Машқ

қилиш, билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ етиш йўли билан ўрганилган билимлар такрорий тасаввур етилади. Ана шунга кўра бу дарс тури олдин ўрганилган билимларни қайта есга тушириш ва есга туширилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ етиш шакли саналади.

### **Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши**

Ҳар қандай дарснинг самараси унинг натижаси, яъни ўқувчиларда шаклланган билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади, лекин бу натижа кўп жиҳатдан дарс ўтувчи шахс-ўқитувчининг тайёргарлигига боғлиқдир.

Дарсга бўлган ўқитувчининг пухта тайёргарлиги таълимнинг самарасини таъминлайди, шунинг учун дарсга киришдан олдин ўқитувчи ҳам психологик, ҳам фани бўйича пухта тайёргарлик кўриши лозим.

Психологик жиҳатдан тайёргарлик деганда куйидагиларни тушунишимиз лозим. Дарс мураккаб жараён бўлиб, унда турли психик хусусиятларга; характерга, иродавий ҳислатларга, хотирага, диққатга, тафаккур ва темпераментга ега бўлган ўқувчилар иштирок етишади. Дарс давомида юқорида қайд етилган хусусиятлар у ёки бу кўринишда ўқувчилар томонидан намоён етилади. Қолаверса, дарснинг ҳар бир дақиқасида ҳеч ким, ҳеч қайси йўл билан олдиндан режалаштира олмайдиган вазиятлар юзага чиқади. Аммо, ўқитувчи психик жиҳатдан ҳар қандай вазиятда ўзини йўқотмасдан муаммони тўғри йўл билан ҳал етишга тайёр бўлиши лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи бўлажак дарснинг муҳитини тасаввур етиши ва унга ўзини олдиндан тайёрлаши лозим бўлади.

Фан бўйича тайёргарлик деганда еса куйидагилар тушунилади; дарсни ташкил етишдан олдин ўқитувчи белгиланган синфда ўз фани бўйича ўқув дастуридан қайси мавзунини ўтиши лозимлигини кўриб олади. Сўнг ушбу мавзу бўйича Давлат таълим стандартларига мурожаат етиб, нима тўғрисида ўқувчиларга билим беришни аниқлаб олади. Мавжуд дарслик ёки адабиётлар, шунингдек, кўрғазмали ёки бошқа таълим воситалари ўқув дастури талабларига қанчалик жавоб беришини аниқлаб, мавзунини ёритишга ёрдам бериш имкониятларини билиб олади. Дарсликда баён етилган ўқув материали билан танишиб, уни бугунги кун вазифалари ҳамда синф ўқувчиларининг билим даражасига мослаштириб, зарурият бўлса ўзгаришлар, тузатишлар киритади. Ўқувчиларни машқ қилдириш учун амалий вазифаларни белгилайди, сўнг мавзу юзасидан хулосалар чиқариш, қонун-қоидаларнинг таърифини белгилаб олади. Ўқувчилар дарс давомида ва уйда олиб бориладиган мустақил ишлари учун вазифалар тайёрлайди. Дарс тури ҳамда унинг давомида қўлланиладиган методлар аниқ белгилаб қўйилади. Шу билан бирга дарс мавзусини олдинги ўтилган мавзулар билан ҳамда фанлараро алоқаларни айрим ўқувчилар билан яқка тартибда олиб бориладиган ишлар режалаштирилади ва дарс режасини ёзишга киришилади.

Кундалик дарс режаси (конспекти) ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсга алоҳида ёзилади.

### **Янги педагогик технологиялар**

Педагогик технология нима? Нега бу сўз бирикмасига «янги» сўзини кўшимча қилиб, «янги педагогик технология» деб атаймиз? У нима учун бугунги таълим-тарбия жараёнида заруратга айланди? Нега энди шунча йиллардан бери кунимизга яраб келган таълимни ташкил этиш амалиётидан воз кечиншимиз керак, ўқув жараёнида қўллаб келинаётган лойиҳалашга янгича ёндашиш нима учун зарур бўлиб қолди?

Бу каби саволларга жавоб бериш учун, энг аввало, мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишларини аниқлаб олмақ лозим. Бу йўналишлар:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- ва ниҳоят, бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи - янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Хулоса қилиб айцак, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, уни янгича ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, биз «Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар егаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш, хусусан, таълим мазмунига нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил етувчи - ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб кўйилди.

Бу ғояни, фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар.);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилаётган бойликлар).

Дарс жараёнида, таълим-тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёнининг субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак.

Ўқитувчининг вазифаси еса ўқитишдан ўқишни ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларини мустақил егаллашларига кўмаклашишдан иборат бўлиши керак. У ўқувчида еҳтиёж туғдириши, муҳит яратиши ва уни масъулиятни ҳис қилишга йўллаши керак. Ҳар бир дарс олдида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган учёқлама мақсадлар қўйилади. Дарсни ташкил қилиш шакли ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсадларга, ўқув материаллари хусусиятларига, таълим методларига ва ўқув имкониятларига боғлиқ, бунга еришиш учун ўқитувчи раҳнамолигида ўқувчилар билан биргаликда ҳаракат қиладилар. Худди мана шу жараёни дидактикада «ўқув жараёни» дейилади. Ўқув жараёнининг таркиби уч қисмдан иборат деб қаралади;

1. Мотивация.
2. Билиш фаолияти.
3. Бошқариш фаолияти.

Ўқув жараёнига бундай янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чиқиш керак. Ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч - ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши керак.

Ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принцип-бу таълимдаги фаолликдир. Фаоллик мезонлари онглилик принципи билан бевосита алоқадор. Чунки фаоллик бор жойда онглилик бўлади.

Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир ўқувчининг билим ва қобилиятини, индивидуал еҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат «баҳоловчи» емас, балки янги билимлар йетказувчи манбага айланади.

Жаҳон педагогик лексикони қаторидан аллақачонлар «инновация» тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча «янгилик», «ислох» тушунчаларини англатади. Кенг маънода қараганда таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш бу - педагогик инновациядир. Дастлаб бу тушунчалар ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўлланар еди, сўнгра таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Педагогик янгиликларнинг технология деб аталиши боиси ҳам шунда. Ҳозирги даврга келиб педагогик инновация фани шаклланди. Педагогик инновация-педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот сифатида қаралади.

Бу таълимот уч йўналишни ўз ичига олади. Биринчиси, педагогик неология (юнонча «нео» — «янги» ва «логос» — «таълим»), яъни янгилик

ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда педагогика соҳасида ҳар қандай янгиликлар ўрганилади, умумлаштирилади.

Иккинчиси, педагогик аксиология (юнонча «аксиома» - «исботланмайдиган таълимот» маъносини англатади) деб номланиб, бунда педагогик янгиликлар ичидан енг самаралилари танлаб олинади.

Учинчиси, педагогик праксология (юнонча «пракс» - «ҳаракат» ва «логос» - «таълим»), яъни «амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот» маъносини англатади) дейилади. Бунда танлаб олинган педагогик янгиликларни амалиётда қўллаш, муайян самарага еришиш масалалари тушунилади.

Ҳар қандай педагогик янгилик замирида бирон-бир ғоя ётади. ғоя асосида еса ўқитувчининг болалар билан ўзаро ҳаракати ётади, яъни: синфда психологик бирлик вазиятини яратиш; ҳар бир ўқувчи ўз шахсини ўзи намоён етишини таъминлаш; ҳар бир методик ёндашув учун ўзига хос мулоқот йўлини танлаш; ўқувчилар ташаббусини зимдан бошқариб бориш ва бошқалар. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчи қалбига кириб бориш учун ўзининг дидактик усуллари, ташкилий шакллари орқали йўл топади. Дарсдаги ўқувчилар фаолиятига нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам раҳбарлик қилади. Аввало аълочи ўқувчи, кейин бошқа ўқувчилар ҳам ўқитувчи топшириғига биноан нима иш қилганини айтади ва қолган ўқувчиларни орқаларидан ергаштирадилар. Бундай «изоҳли бошқарув» ўқувчи мактаб остонасига қадам қўйган кундан бошланиши керак.

Буларнинг ҳаммаси дидактик топилмалар, педагогик кашфиётлар, бир сўз билан айтганда, янги педагогик технологиялардир.

Педагогик технология, ўқувчилар қай тарзда, қандай усуллар билан ўқитилса, натижа самарали бўлади, деган саволга жавоб беради. У ўзининг муайян тизимига ега бўлиб, бунда компонентларнинг кетма-кетлилиги, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланади.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш ва ўзгаришлар киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага еришилади, вақт тежалани, бу еса педагогик технологиянинг самараси демакдир. Педагогик технологиянинг жўнлиги-ишланган модел бошқа педагоглар қўлланганда ҳам худди ўшандай самара бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ етилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

-боланинг талаби, мойиллиги, истак-ҳоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ошади;

- билимларни мустақил егаллаш малакалари шаклланади;

- шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олиши учун муҳит яратилади.

Бунинг учун бугун биз ўқувчига «сен буни билишинг керак» деган мажбурловчи даъватдан «менга бу зарур ва мен буни билишга, уни ҳаётга

кўллашга қодирман» деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак.

### **Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш**

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожлантириш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган.

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга егадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёнини ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини ривожланишига ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйилган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таассуротлар қолдирганини, улар ўртоқларининг ўқишдаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш лозим. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув йили давомида мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, баъзан, тасодифан текширишларнинг олдини олади ва тартибли, доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб беради.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб Давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилинади ва вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи, талабаларда билимлар янада кенгайди. Бу билан ўқув юртлиари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида унинг ёзма, оғзаки ва амалий методларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқитувчи ўқувчини фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўللарни, метод, ўқитиш шакллари ва воситаларини такомиллаштириб боради. Шу боисдан ҳам, «педагогик технология», «дидактик технология», «таълим технологияси» атамалари қаторидан «педагогик инновациялар» атамаси мустаҳкам ўрин олмоқда.

### **Вақтга кўра назорат методлари**

Ўзаро таъсир натижасида назорат етиш вақт нуқтаи назаридан уч турли бўлади. Жорий назорат-ҳар бир дарсда узоқ ва яқиндан ўтилган ўқув материалининг ўзлаштирилишини текшириш демакдир.

Унда назорат саволлар бериш, қоидалар, таърифларга оид маълумотлар келтириш, берилган материалларни таҳлил етиш,



мавзуларнинг мазмунини очиб бериш, қисқа муддатли мунозаралар ташкил этиш, ўқув топшириқларини бажартириш каби методлардан фойдаланилади. Жорий назорат қисқа муддатда ўтказилиши билан характерланади.

Оралиқ назорат-ўқув фанининг бир бўлими, катта қисми ўтиб бўлингандан кейин ташкил этиладиган текширишдир. Унга алоҳида ўқув соати ажратилади. Оралиқ назоратда ўрганилган бўлим мазмунига мос саволлар тизимига жавоб олинади, ўқув тизими топшириқлари бажартирилади, узоқ муддатни оладиган мунозара ўтказилади. Саволлар, ўқув топшириқлар тизими, узоқ муддатли мунозара, оғзаки ёки ёзма ҳисобот кабилар даврий назорат методлари ҳисобланади.

Якуний - назорат - ўқув фани тўлиқ ўрганилгач, чорак охирида, ўқув йили сўнгида ташкил этилади. Унда ўқув фани мазмунини ўзига тўлиқ қамраб оладиган методлардан фойдаланилади. Ўқув фани доирасида қўлланган термин ва тушунчаларга (оғзаки ёки ёзма) изоҳ ёзиш, ўқув фанига оид йетакчи ғояларни ҳаётга, ишлаб чиқариш, амалиётга татбиқ этиш, ўқув фанининг инсон ҳаётида тутган ўрнини баҳолаш, ўқув фани доирасида ўрганилган назарий ва амалий билимларига ўз муносабатини билдириш каби методлар назоратнинг самарадорлигини оширади.

### **Ўқувчилар миқдорига кўра назорат методлари**

Ўқувчилар миқдорига кўра назоратнинг уч хил кўриниши фарқланади: индивидуал текшириш-алоҳида ўқувчига мўлжалланган назоратдир. Аълочи ўқувчига мўлжалланган ўқув топшириғи ўртача тайёргарликка ега бўлган бола учун қийин бўлганидек, ўрта ўзлаштирадиган ўқувчи учун тузилган ўқув топшириғи аълочи ўқувчи учун жуда кўп саналади. Кўринадикки, индивидуал назорат ҳар бир ўқувчининг билими, тайёргарлик даражасига қараб тайерланади. Демак, индивидуал назорат методи сифатида танланган суҳбат, савол, топшириқ, мустақил иш, лаборатория машғулоти ва Шу кабиларнинг бажарувчиси-ижрочиси олдиндан белгиланади.

Табақалашган назорат-синф жамоасини билим, малакаларни ўзлаштириш даражаси, реал билиш имкониятларига қараб кичик жамоаларга ажратиш ва жамоаларнинг ҳар бирига мос метод, восита танлаб текширишни ўтказишдир. Синф ўқувчилари, уларнинг индивидуал хусусиятлари асосида кичик жамоаларга ажратилади. Енг юқори ўзлаштирувчи болалар ўта мураккаб, яхши ўқийдиган ўқувчилар жамоаси нисбатан осон, паст ўзлаштирувчилар жамоаси еса янада осонроқ топшириқларни, мустақил ишларни бажаради.

Ялпи назорат-синф жамоасининг барчасига мўлжалланган текширишдир. Масалан, диктант шундай методлар сирасига киради.

### **Ривожланган хорижий давлатларда таълим тизими**

Республика таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, ривожланган хорижий давлатлар таълим даражасига олиб чиқиш муҳим вазифа бўлиб

колмоқда. Ушбу вазифани бажариш мақсадида биз охириги йилларда чет давлатларда шаклланган таълим-тарбия тизимини ўрганишимиз, уларнинг ютуқларини таҳлил етиш ва қўшимча манбаларга ега бўлишимизни замон талаб етмоқда. Кейинги йилларда бу муаммони ҳал етиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда: чет елларга чиқиш, таълим олиш, уларнинг вакилларини бизнинг Республикамизга бўлажак ташрифлари ҳамда фаолиятлари, қатор чет ел тизимини ўрганувчи муассасаларнинг ташкил етилиши ва ҳоказо. Ҳақиқатан ҳам, бир қатор чет елларнинг таълим тизимидаги еришилган ютуқлар жаҳон аҳли томонидан тан олинмоқда ва ўзига қизиқиш уйғотмоқда. Ривожланган хориж давлатларнинг таълим тизимида еришилган ютуқларнинг сабаби шуки, бу давлатларда таълим давлатнинг ички сиёсатига фаол таъсир етувчи куч деб қаралмоқда ва таълим еҳтиёжини қондиришга қаратилган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. АҚШ собиқ Президенти Р.Рейгон, Буюк Британия бош вазири М.Тетчер, Франция Президенти Ф.Миттеранларни оламда «мактаб ислохотларининг ташаббускорлари» деб айтишади.

Чет ел таълими яна бир хусусияти билан ажралиб туради, яъни педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган илмий муассасалар кўплиги билан. Масалан, Германияда уларнинг сони 2000 га яқин, Франция, АҚШ, Япония давлатларида ҳам давлат, ҳам хусусий ташкилотлар шуғулланишмоқда. Натижада, юқорида қайд етилган давлатларда таълим тизими доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар интеграциялашган ўқув дастурларини таълим тизимига киритишмоқда. Яна бир еътиборли масала, ривожланган хорижий давлатларда - таълим тизимини табақалаштириш енг долзарб масала деб қарашмоқда. Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш асосан бошланғич курсидан кейин амалга оширилади. Ўзбекистоннинг МРД ҳам бу масала ИИ босқичга қўйилган.

Франсия педагоглари синф ўқувчиларини уч табақага ажратиб ўқитишни афзал кўрадилар. Булар қуйидагилар:

1. Гомогенлар - математика ва гуманитар йўналишдаги ўқувчилар.
2. Ярим гомоген – табиий фанларни ўзлаштираётган ўқувчилар.
3. Гегерон – барча фанларни ҳар хил савияда ўзлаштираётган ўқувчилар.

Табақалаштириш жараёнининг янги муҳим йўналиши – тўлдирувчи таълим ҳозирги кунда шаклланиб келмоқда. Тўлдирувчи мактабларнинг пайдо бўлишининг сабаби – фанларни ўзлаштира олмаётган ўқувчиларнинг кўпайиб бориши (АҚШ, Ғарбий Европа). Тўлдирувчи таълим мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб ва лицейларда амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда иқтидорли болалар билан ишлаш ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, АҚШ олий тоифали болалар боғчалари очилган, уларда 4-5 ёшли болалар мактаб дастурлари доирасида ўқитиладилар. «Мерит» дастури асосида юқори синф ва коллежлардан ҳар йили енг қобилиятли 6000 та бола танлаб олинади. Тест орқали улардан 35000 та

ўқувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар, стипендиялар, яхши турар-жойлар берилади, энг олий университетларга қабул қилинади.

Айрим давлатларда (Германия) ўқитиш сифатли ўқувчилар сонига боғлашмоқда, яъни синфда ўқувчилар сонини қисқартириш йўлини танлаб олишди.

### **АҚШ - таълим тизими**

АҚШ да таълим тизими қуйидагича: 3-5 ёшдаги болалар мактабгача тарбия муассасаларига қатнайдилар.

1-8 синфларда иборат бошланғич мактаблар;

9-12 синфлардан иборат ўрта мактаблар;

Кейинги таълим босқичи олий таълим, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ва университетлар, аспирантура ва докторантура.

АҚШ да мажбурий таълим 16 ёшгача. Ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Боғча тизими АҚШ унчалик ривожланмаган ягона дастур ҳам мавжуд эмас. Тарбиячи ёнлаш 1 ҳафтада 200 долларга тушади. Бошланғич таълим турли штатларда турлича (4,5,6,8) йил бўлиши мумкин. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат бўлиб уларда 4 та йўналишда касбкор асослари берилади.

Олий таълим 4 босқичда амалга оширилади.

I- босқич – 2 йиллик коллежларда – кичик мутахассис.

II- босқич–бакалавр 4 йиллик коллежда ёки университетда.

III-босқич – 1 2 йиллик магистрлик босқичи.

IV- босқич аспирантура ва докторантура.

Олий таълимда 2 та йўналиш мавжуд.

1. Таълимни индивидуаллаштириш.

2. Талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Барча ўқув муассасалар АҚШ да юқори даражада турли воситалар билан таъминланган; телевидение, қўлда олиб юрадиган электрон тил лабораторияси, компьютер ва ҳоказо.

XXI аср арафасида АҚШ янги «2000-йилда Америка таълим стратегиясини» дастурини ёшон қилди; бу дастурда аҳолининг 90 % ни олий маълумотли бўлиши, барча фанлардан жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқиш каби мақсадлар қўйилган.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар учун ажратиладиган маблағнинг 48% давлат томонидан, 50% еса фирма, консеринлардан олинади.

Ўқитувчи кадрларни тайёрлаш 4-5 йиллик дастур асосида амалга оширилади, педагогик амалиёти 4-6 ойгача режалаштирилади.

### **Япония таълим тизими**

Япония таълим тизимида 9 йиллик мажбурий таълим босқичи ўқитилади, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан

фойдаланадилар, юқори (3 йиллик) босқич мактабларининг кундузги, кечки ва сиртки турлари мавжуд. Бу мактабларда ўқиш ихтиёрийдир.

Университетлар, кичик коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Япония олий таълим тизимини ташкил этади. Япония мактабларида ўқиш 1-апрелдан бошланади. Дарслар 7 соат. Ўқувчилар ҳафтасига 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репетитор ихтиёрида бўладилар.

Японияда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатига катта талаблар қўйилади. Ўқитувчилар 4 йиллик университетларда ва 2 йиллик коллежларда тайёрланади. Япония ўқитувчиларининг жамиятда тутган обрў – еътибори катта, бошқа касб егаларига нисбатан юқори маош билан таъминланганлар.

Японияда жами 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 331 таси хусусийдир.

1- тоифадаги университетларда 1 та ўқитувчига 8 та талаба, 2- тоифали 20 та талаба тўғри келади.

Университетларга қабул қилиш 2 босқичда амалга оширилади;

1-босқич турар жойда тест орқали;

2- босқич университетнинг ўзида;

Хусусий университетларга тўғридан-тўғри тест топширилади.

Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин емас, лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (5-6 йил).

Коллежлар; 1. Кичик коллежлар

2. Техник коллежлар

3. Махсус коллежларга бўлинади.

Коллежларни битирган талаба бакалавр дипломига ега бўлиб, университетнинг 2-3 кустарига қабул қилинади. Ўқиш давомида 140-150 синов топширилади, баҳо мезони-«аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз».

Олий маълумотли мутахассислар сони жиҳатидан Япония жаҳонда 2-ўринда туради. Минг кишига 190 олий маълумотли тўғри келади (АҚШ да 294).

### **Франсия таълим тизими**

Ушбу мамлакат таълим тизимида болаларни мактабга тайёрлаш масаласига катта еътибор берилади. Мактабга тайёрлов гуруҳлари 100%. Болаларни қамраб олган.

Бошланғич синфлари 3 босқичдан иборат.

1. Тайёрлов босқичи (1 йил)

2. Элементар курс (2 йил)

3. Чуқурлаштирилган босқич (1 йил).

Ўқув дастурининг мазмунини ўқитувчи ўзи белгилайди. Болаларнинг билимига қараб ўқиш жараёни табақалаштирилган.

Франсияда талабалар педагогика, политехника институтларига кириш учунгина имтихон топширадилар. Бошқа университетларда бакалавр дипломи билан имтихонсиз қабул қилинаверади. Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар сони мингдан ортиқ. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиёти ҳам кўзда тутилган.

## **ИИИ БЎЛИМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ**

### **X боб. ТАРБИЯ ЖАРАЙОНИ**

#### **Тарбия жараёни, унинг моҳияти**

Тарбия назарияси педагогика фанининг бир қисми бўлиб, у тарбиявий жараённинг мазмуни, методи ва ташкил етилиши масалаларини ўрганadi. Жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тарақиёти ўсиб келаётган баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо етмоқда.

Тарбия назарияси Ўрта Осиё файласуфларининг тарбия ҳақидаги фикрларига ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, естетика, физиология, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир - бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Тарбия ақлли, одобли, меҳнацевар, билимли, соғлом, еттиқодли, дили пок, руҳи комил, ҳар томонлама маънавий ривожланган, ватанпарвар, байналминал, инсонпарвар баркамол шахсни шакллантиришни кўзда тутadi. Тарбия маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, миллий анъаналар ва минтақалараро хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, характери, ғоявий, ахлоқий, иродавий, естетик ҳислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Бола катталарнинг тажрибаларини суст ҳолда эмас, балки фаол равишда ўзлаштиради: бу ўзлаштиришда унинг онгли ҳаракати, тиришқоқлиги аҳамиятга ега бўлади. Тарбияланувчилар муайян даражада фаол фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билимни ўзлаштира олмайдилар. Боланинг ёши улгайиб борган сари бу фаоллик тобора кўпроқ мустақиллик хусусиятларига ега бўлиб боради: тарбияланувчилар ўзларида дунёқарашни таркиб топтиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, табиат,

жамият ва турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда идрок етилган нарсаларга танқидий муносабатда бўлишга кўника борадилар.

Ҳамма даврларнинг илғор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишмандлари ва мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлоний инсон камолотини илм-фан ва тарбияда деб билдилар.

Тарбия жараёнида катталар, тарбиячилар ва тарбияланувчилар жамоаси ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабат ўзаро тушуниш, ишонч, ҳамкорлик асосида қурилиши лозим.

Мактаб бутун тарбия ишини ҳаёт билан ҳамоҳанги, ўқувчиларга ўтмиш, тарих, санъат ҳақидаги маълумотларни чуқур ўргатиши, халқ педагогикаси асосида иш юритиши, буюк алломаларнинг фарзанд тарбияси борасидаги педагогик қарашлари, инсон руҳини чуқур ўрганиб, шарқона урф-одатлар, анъаналар асосида ёшларга меҳнат малакасини сингдириши лозим.

### **Тарбия жараёнининг қонуниятлари**

Тарбиянинг мақсадини педагоглар ҳам, ота-оналар ҳам яхши билишлари лозим.

Умумтаълим мактабларида тарбиянинг асосий мақсади сифатида шахснинг ҳар томонлама камолотга еришуви асос қилиб олинади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга еришуви, бу унинг айрим қирралари ёки ҳислатларининг тўлақонлиги, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, естетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Тарбия моддий бойликларни ишлаб чиқариш усулига, жамиятнинг ижтимоий тузилишига, сиёсий тизимга, мафкурага боғлиқдир.

Тарбиянинг шахс ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги унинг муҳим қонунияти ҳисобланади.

Шахснинг ривожланиши тарбиянинг сифатига боғлиқдир. Айни чоғда тарбиянинг мазмуни, шакли ва методлари шахснинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тарбия жараёни мураккабдир. Шунинг учун ҳам у тарбиячидан боланинг руҳий ҳолати, ақлий ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, меҳрибонлик билан ёндошишни талаб қилади. Тарбиячи тарбияланувчи шахсини диққат билан ўрганиши, уларни тушуниши, ҳурмат қилиши лозим.

Тарбияланувчиларнинг ҳаётий фаолияти жамият учун қанчалик фойдали, мақсадга мувофиқ ва уларнинг муносабатлари оқилона ташкил қилинар экан, тарбия жараёни шунчалик самарали амалга оширилади.

Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар: оила, ота-онаси, мактаб, дўстлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Шахснинг ривожланиш ва шаклланиш жараёнини бошқариб бориши керак. Шахсларро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасида бир-

бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига еътибор бериш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш лозим.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумхалқ иши ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларининг шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мужассамлашиши таъминланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва еркинлиги еътиборда тутилиши зарур.

Тарбия муайян мақсад билан режали равишда амалга ошириладиган давомли ишдир.

Ёш авлодга ҳар бир тарихий даврдаги жамиятнинг ўзига хос ишлаб чиқариш методи ва ижтимоий муносабатларга мувофиқ тарбия берилади. Бу тарбиянинг асосий қонуниятидир.

Тарбия жамият ҳаёти билан боғлиқ, жамият ўзгариб ривожланиши билан тарбия ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Тарбия жараёни ҳаётининг амалий ҳусусият касб етмоғи лозим. Тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари; педагоглар, ота- оналар, жамоатчилик, ёшлар ташкилотлари ва меҳнат жамоатлари- ҳамма касбий- педагогик тайёргарликка ега бўлишлари лозим.

### **Тарбия жараёни қонуниятлари ва қоидалари**

Тарбия назариясида ҳам педагогика фанида бўлгани каби, янги вужудга келаётган қарашлар билан ескириб бораётган қарашлар ўртасида кураш кетган. Тарбия назариясидаги ва амалиётидаги муҳим йўналишларни танқидий ўрганмай туриб, тарбия назариясининг асосий масалаларини тушуна олиш қийин. Кенг тарқалган бири авторитар (бошқаларга кўр-кўрона бўйин суйиш) тарбия назарияси еди. Авторитар тарбия ХВИ асрда пайдо бўлиб, ҳозирда Испанияда, Лотин Америкасининг баъзи мамлакатларида яққол ифодасини топган. Авторитар тарбияни илмий равишда асослаб беришга уринган немис педагоги Фридрих Гербарт (1771-1841) бола туғилганда «ёввойи шўхликка» хос бўлиш фикрини олға суради. Шу билан у тартиб бузган ўқувчилар учун жарима журналинини ташкил етишни таклиф этади. У тартиб бузган ўқувчиларни овқациз қолдириш, бурчакка турғизиб қўйиш, карцерга қамаш, жаримага тортиш каби жазолашни турларини жорий этади.

Авторитар тарбияни биринчи бўлиб Ж.Ж.Руссо танқид қилди ва ўзи еркин тарбия назариясини илгари сурди.

Ўзбек мактабларида таълим-тарбия бир-биридан ажралмас деб ҳисобланади. Синфдаги ҳар қандай иш доимо тарбиявий ишдир., бироқ тарбиявий ишларни таълим бериш билан чеклаш мумкин емас.

Тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама ўстириш, унинг онги ва хулқ-атворини таркиб топтириш жараёнидир.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва еҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия – тарбиячи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчига сингдириш учун тарбияланувчининг руҳиятига муайян суратда маълум бир мақсадга қарата ва мунтазам суратда таъсир қилишдир. Бу хилдаги таъриф тарбия тушунчасига кирадиган ҳамма нарсани, чунончи: муайян дунёқараш, ахлоқ, ижтимоий хулқ-атвор қоидаларини сингдириш, муайян ҳарактер ва ирода, одат ва ахлоқ яратишни ўз ичига олади.

Тарбия – шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир етиш имконини беради.

Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни – ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида ўқувчининг онги шакллана боради, ҳис ва туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган хулқий одатлари ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир.

Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички еҳтиёжи ва хоҳишларини ифодалайди.

Психологлар ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (ҳоқ ижобий, ҳоқ салбий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Боланинг шахсий тажрибаси еҳтиёжлари ташқи таъсирга муносабатини белгилаб беради ва унинг хулқида акс етади. Шунинг учун бола фаолиятини уюштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри тарбиялаш учун тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбида пайдо бўлаётган муносабатни, турли хил кечинмаларни қандай англашни, баҳолашни, ҳис қилишни ҳамда улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганини билиш зарур. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, буларнинг барчаси турли кишилар билан алоқа қилиш, жамоадаги муносабатлар асосида рўй беради. Бола улғая бориши билан бу хил алоқа ва муносабатлар мураккаблашиб боради ва бола шахснинг камолга йетишида ё ижобий ёки салбий таъсир етади. Шунинг учун тарбия мақсадга мувофиқ мунтазам таъсир етишни кўзда тутаяди, зероки шу йўл билан жамиятнинг шахсга қўядиган талаблари тарбияланувчининг хулқини идора қилиб турувчи ички еҳтиёжга айланади.

Тарбия жаарёнида ўқувчининг онгинигина емас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келади хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга еришиш учун ўқувчининг онгига (таълим жараёни асосида), ҳиссиётига (дарсда ва синфдан ташқари ишларда) ва



иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жаарёнида) мунтазам таъсир етиб борилади. Агар ўқувчини тарбиялашда булардан бирортаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) етибордан четда қолса, мақсадга еришиш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккабдир. Мактабдаги тарбия жараёни тўхтовсиз давом этадиган жараён бўлиб, унга ўқитувчи тарбиячи раҳбарлик қилади ва у тарбиянинг айна вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал қилишга хизмат этадиган фаолиятини белгилайди. Ўқувчиларнинг шу фаолиятига иштирок етишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа ва ўртоқлик алоқалари ва муносабати учун шароит яратади.

Ўқувчиларни фаолиятда қатнашишлари орқали уларнинг мустақиллиги ижодий ташаббускорлиги ўсиб боришига еришилади. Ана шу жараёнда боланинг қарашлари, етиқодлари ва воқеа ходисаларга ўз нуқтаи назари вужудга келади ва мустаҳкамланиб боради. Булар боланинг атроф-муҳитнинг таъсирига нисбатан қандай муносабатда бўлишини белгилайди.

Шундай қилиб, мактабдаги тарбия инсон шахсини таркиб топтириш ва камолга етказиш жараёнидан иборат бўлиб, унинг мазмуни таълимдагидек алоҳида предметларда эмас, балки ўқувчиларнинг ҳаёт-фаолиятлари ва ўзаро муносабатларидан ташкил топади. Мана шулардан тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқади.

### **Тарбия жараёнида педагогик талаб**

Педагогик талаб тарбия жараёнида бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчининг муайян фаолиятини рағбатлантиришни ёки тўхтатишни ва аниқ амалий ҳамда инсоний сифатларни намоён қилишни таъминлайди.

Талаб қилиш усули ўқувчиларнинг кўпгина ахлоқий сифатларини шакллантиришга ёрдам беради, шу билан бирга тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Ягона педагогик талабларни қараб чиқар еканмиз, фақат бизнинг жамиятимиздагина халқнинг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда педагогик талаб тарбия жараёнининг таъсирчан усулига айланиши мумкин.

Ўқитувчи ўқувчилар билан ишлар екан, уларни фаолиятини ташкил етар екан, ўз кўрсатмалари билан ўқувчиларнинг айрим ҳаракатларини рағбатлантиради. Ўқув ва тарбиявий ишлар жараёнида уларга муайян мулоҳазалар билдиради, танбеҳ беради ёки рағбатлантиради, яқун ясайди. Унинг айрим буйруқлари қисқа ва лўнда бўлиб, сезилар-сезилмас мажбур қилишга ўхшаб кеца-да бошқалари ача кенг тушинтириш йўл-йўриқлар шаклига ега бўлади. Бир хиллари ўқувчиларни фақат ишга жалб қилиш зарурияти туфайли, бошқалари болаларнинг айрим кўникма ва малакаларини ўзлаштиришга тузатиш киритиш еҳтиёжи билан вужудга келган; айримлари ўқувчиларнинг кераксиз ва нотўғри ҳаракатларини

тўхтаца, бошқалари муваффақиятли ҳаракатларни мустаҳкамлайди ва кўллаб қувватлайди. Педагогнинг талабисиз ўқувчиларнинг ўқув ва ижтимоий фойдали фаолиятини ташкил етишни тасаввур етиб бўлмайди.

Тажрибали педагог болалар ҳузурига кенг ҳаракатлар дастури билан бирга боради., ўз тарбияланувчиларидан ҳар бири қачон нима қилинишини аниқ муайян тарзда билади. Зеро, талаблар ана шу дастурни уларнинг ишлари ва хатти-ҳаракатларида амалга ошириш воситасидир, холос. Тарбия жараёнида педагогик талабларнинг асосий турлари ва шакллари қараб чиқамиз.

Педагогнинг талаблари воситасиз талаблар бўлиши мумкин, бунда тарбиячи улардан муайян ҳаракатларга еришишни кутади.

Педагогнинг талаблари воситали талаблар бўлади, бунда ўқитувчи ўз талаблари билан болаларда ўз дўсталрига нисбатан навбатдаги талабларни келтириб чиқаради. Талабларнинг асосий шакллари, бу усулнинг у ёки бу шаклини танлаш педагогик вазиятни иккита асосий шартдан, икки омилда вужудга келади.

Биринчи омил – кимдан талаб қилинса, ўшанинг талаб қилувчига муносабатидир.

Иккинчи омил – бу тарбияланувчининг педагог рағбатлантирадиган фаолиятига муносабатидир. Умуман олганда, бу муносабатларни биз ижобий, бетараф ва салбий муносабатлар деб таърифлаймиз, холбуки амалда бу муносабатларнинг жуда кўпдан-кўп кўринишлари ҳам бўлиши мумкин.

Енди талаб шаклларига тўхталиб ўтамиз.

Талаб тўппа-тўғри бўлиши мумкин, бунда ўқитувчининг мурожаати катъий, дадил оҳангда ифодаланган аниқ кўрсатмага ега бўлиши мумкин.

Тўппа-тўғри талаб ўқувчилар билан ишлашнинг биринчи кунларида айниқса таъсирчан бўлади. Самимий, ошқора, ишонарли, қизгин ва қатъий талаб бўлмаса, тарбиявий жараёни бошлаб бўлмайди, бинобарин, кимда-ким иккиланувчилардан берилган ваъдани шуваб кетувчилардан иш бошлашни ўйласа, у хато қилган бўлади. Шунини ҳам айтиб ўтамизки, тўппа-тўғри талаб кўпинча ўқувчининг педагогга ёки у бошланган фаолиятга бетараф муносабатда бўлиши шароитида ишлатилади. Бундай вазиятда тўппа-тўғри, воситасиз талабнинг қуйидаги қоидаларига риоя қилиш айниқса муҳимдир.

Биринчи қоида: одатда талаб, ижобий бўлиши, яъни мутлақо муайян хатти-ҳаракатни келтириб чиқариш, болаларнинг у ёки бу ҳаракаларини шунчаки таъқиқламаслиги, тўхтатмаслиги лозим.

Албатта, ўқитувчининг таъқиқлашларидан айниқса ўқувчилар белгиланган хулқ-атвор қоидаларини ҳар-хил тарзда бузган ҳолларда фойдаланилади. Бироқ педагоглар талабларнинг асосий мазмунини таъқиқлашлар ташкил етмайди.

Иккинчи қоида: тўппа-тўғри талаб йўл-йўриқ тарзда, яъни бир хил маъноли, аниқ ва тушинарли бўлиши лозим. Дастлабки пайтларда

ўқувчиларнинг янги ҳаракатларини рағбатлантирганда талаб йўл-йўриқ бериш билан қўшилиб кетгандай бўлади, уларни аниқ таърифлаб беради.

Учинчи қоида: педагог ҳар қандай оқилона, аниқ ва тайёрланган тўппа-тўғри талаби албатта бажарилиши, охиригача етказилиши керак.

Шуни есда тутиш керакки, ўхшаш педагогик ҳаракат қонуннинг намоён бўлиши натижасида ҳар бир янги талабнинг бажарилиши педагогни кейинги талабларининг кучли ва таъсирчанлигини оширади, ўқувчида тарбиячига ақл-идрок билан аниқ бўйсунуш одатини шакллантиради. Ва аксинча: ҳар бир бажарилмаган талаб шундан кейинги талабларнинг самарадорлигини пасайтиради.

Талаб мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам ривожланиб боради. Педагогик вазият қандайдир ўзгармас бир нарса емас. У ёки бу усулларни татбиқ етиб, болалар фаолиятида муваффақиятга еришиб, педагог шу билан бирга вазиятнинг зарур йўналишида ривожланишни бошқаради. Педагог тўппа-тўғри талабларни қўяр экан, болалар билан муайян муносабатларга киришади ва айна вақтда уларда бажариладиган фаолиятга муносабатни шакллантиради.

Воситали талабларда тарбиячининг мақсади тўғридан-тўғри ифодаланмайди, пардаланган шаклда бўлади ва рағбатлантирувчи омил сифатида фақат талабнинг ўзидан емас, балки психологик омиллардан-боланинг турли кечинмаларидан, ҳис-туйғуларидан фойдаланади. Воситали талабларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ педагогнинг тарбияланувчига бўлган ижобий муносабатини ифодалаш билан боғлиқдир. Булар илтимос, ишонч, маъқулладир. Уларни ижобий талаблар деб атаёмиз.

Иккинчи гуруҳ тарбиячининг болаларга бўлган муносабатини яққол ифодалайди, балки тарбияланувчиларнинг рағбатлантирувчи муносабатларига асосланади. Булар маслаҳат, шаъма, шартли талаб ва ўйин шаклидаги талабдир. Уларни баргарф талаблар деб ҳам атаёмиз.

Воситасиз талабларнинг учинчи гуруҳи тарбияланувчининг фаолиятига, унинг у ёки бу ахлоқий сифатларнинг намоён қилишга салбий муносабатни намоёиш қилади. Булар – фош қилиш, ишончсизлик билдириш ва дўқ қилишдир.

Илтимос – у педагоглар билан ўқувчилар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга асосланади ва умумий ишда уларни ҳамкорлигини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Илтимос қилиш муомаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладики, ишни боланинг ўзи батамом ўз хоҳишига қўйиб беради. Ўқувчи ҳар қандай вазифани педагогнинг мажбур қилиши орқали емас, ўз ихтиёри билан бажараётганини ҳис қилсин.

Ишонч билан талаб қилиш – енг кучли тарбиявий воситадир. У инсон фаолиятининг қудратли омилларини ҳаракатга келтиради: ўзининг бошқа кишилар учун фойдали эканлигини ҳис қилиш, ўртоқлари

ишончини оқлаш истагини пайдо қилади. Кўпинча бу - анча мураккаб ва масъулиятли баъзан фахрли топшириқ бўлади.

Талаб маъқуллаш муайян сифатда болалар фаолиятининг кучли омилига айлантиради. Баъзан тарбияланувчи алоҳида мураккаб вазифаларни ҳал қилишда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади, педагогнинг маъқуллаши дастлабки қадамлардаёқ унинг муваффақиятини таъминлагандай туюлади, ўз кучига ишонч уйғотиб, бундан кейинги интилишлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Талаб-маслаҳат-илтимос каби, маслаҳатни ҳам мажбур қилиб, тиқиштирамайдилар, танлаш ҳуқуқи боланинг ўзида қолади. Бу шакл ишга онгли муносабатни ривожлантиради, педагогни катта ёшдаги ўртоқ деб билишга ўргатади. Унинг обрўси кенг билимларда, катта ҳаётий тажрибада, маҳоратда яшириниб ётганлигига асосланади. Шу билан бирга маслаҳат – бу ҳамма нарсани ипидан игнасигача тасвирлаб берадиган йўл-йўриқ эмас, балки кўпинча йечимларни мустақил излашга ундашдан иборатдир.

Воситасиз талабнинг бу шакли яна шуниси билан фойдалики, у болаларни муайян вазиятларда, айниқса қийинчиликларда ўқувчилар билан маслаҳатлашишга ўргатади. Ўз навбатида педагоглар ўзларига болалар маслаҳат учун мурожаат қилишини кадрлашишини, ўзаро алоқани кучайтиришга хизмат қилади.

Талаб-шаъма – болаларни муайян хатти-ҳаракатларга рағбатлантиришнинг яширин шаклидир. Шаъма илгари ишлатилган, яхши таниш бўлган талабларни, маъноси очиқ берилмайдиган талабларни ўзига хос шартли қисқартиришидир. Муайян шароитда шаъма талабнинг «яширин»шакли бўлиб, у фақат икки кишига аён бўлади холос. Бошқаларнинг диққатини жалб қилмайди.

Тарбия жараёнида мақсадни амалга ошириш учун фойдаланадиган асосий педагогик талабларни шакли ана шулардан иборат у ёки бу талабнинг танлаш педагогнинг ўзбошимчалик билан иш кўришга боғлиқ бўлмай, балки, педагогик вазиятни қандай содир бўлишига боғлиқдир.

## **ХИ БОБ. ТАРБИЯ ҚОИДАЛАРИ**

### **Тарбия қоидалари тавсифи**

Тарбия қоидаси- педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил етиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар бўлиб ҳисобланади, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф-донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика еришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил ҳарактерга ега бўлиб, у тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс еттиради. Тарбиявий жараёнда бу тамойилларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил етилиши, методлари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб бормоқда.

Тарбиявий жараёни яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун деярли барча қоидаларни, методларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқишимиз, бола шахсига еътиборни қаратишимиз, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланишимиз зарур.

Тарбия қоидаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократия, ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги, тарбияда илмий-маданий ва умуминсоний кадриятларнинг устиворлиги, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидалари ва бошқалар.

### **Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги қоидаси**

Тарбиянинг асосий мақсади, ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва методлари шу мақсадга еришишни кўзда тутади.

Умумий таълим мактабининг асосий вазифаси-шахснинг ақлий, ахлоқий, ҳис-туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш учун имкони борича қулай шароитлар яратишдан иборат. Шунингдек, ўқувчиларда миллий ғурур ва миллий ахлоқ одобни шакллантиришни кўзда тутади.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу еса кўпинча ўқувчилар жамоасини ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Мақсадга интилиш ва мақсад бир хил нарса емас. Яхши бир мақсад изҳор қилинган бўлсада, аммо бу мақсадни амалга ошириш учун ҳеч қандай иш қилинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун аниқ равшан мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилиш лозим.

Шахснинг шаклланиш манфаатлари ҳар бир педагогик тадбирни тарбияни умумий мақсадлари билан кўникишни, уни режали тарзда ва қатъий суръатда амалга оширишга ҳаракат қилишни талаб этади. Ёшларда жамиятимиз ғояларининг кучига ишонтириш, янги жамиятни барпо етишда ўз ҳиссаларини кўшишга, ижтимоий-фойдали меҳнатда бевосита иштирок етишга интилишни рағбатлантириш жуда муҳимдир.

Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлик қоидаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради.

Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсиндирилган бўлса, унинг ғоявий-

сиёсий даражасини кўтаради, танланган метод ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

### **Тарбияда инсонпарварлик ва демократия қондаси**

Умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур егаси, муносиб шахс ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож.

Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тарақиётга елтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни езулик сари йўналтириши керак.

Тарбияни инсонпарварлаштириш-бу мактабнинг, ўқитувчи-тарбиячиларнинг бола томон юз буришлари, унинг шахсини ҳурмат қилиш учун мумкин қадар йетарли шароитлар яратиб бериш, турли ёш босқичлари руҳий-физиологик мустақилликни ҳисобга олиш демакдир.

Мактабда руҳий хизматдан фойдаланиш болалар кайфиятини, қизиқишини, интилишини ва қобилиятларини аниқлаш, таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндошишга имкон беради.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб «Қуръони карим», «Ҳадис»и шарифдан фойдаланиш жуда муҳим. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон ва Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Шундай экан мактабда ўқувчиларга гуманитар-ижтимоий фанлардан таълим беришда тарбияга кўпроқ еътибор бериш лозим. Айниқса, ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, адабиёти, маданияти ва бошқаларни ўқитиш жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга, миллий руҳ, урф-одат ва шунингдек умумбашарий кадриятларга алоҳида урғу бериш зарур.

Ўқитувчи ўқувчи қалбига йўл топиш учун билими ва иши билангина емас, айти пайтда одоб-ахлоқ, маданияти, ростгўйлик ва ширинсуханлиги билан намуна бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳақиқий дўстона муносабат қарор топади. Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзини диққат билан тинглайди, уларга далда беради, тинчлантиради, тўғри баҳо қўяди, ҳаммани тенг кўради, болаларни севади.

Тарбияни демократиялаш - бу маъмурий еҳтиёж ва қизиқишлардан шахснинг еҳтиёж ва қизиқишларини юқори қўйиш, демакдир. Бу тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

Шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар

фикрига еътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш лозим. Мактаб осойишталик, инсонга меҳр-муҳаббат бешиги бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўқувчига, аввалгидек, тарбия объекти эмас, худди ўзи каби субъект деб қараши керак. Яъни ўқувчига фақат менинг буйруғимни бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан тенг ҳуқуқли, бирга ишловчи, ҳамкорлик қилувчи деб қараши керак.

Бола бутун қалбини дарсга бағишласа, уни оғир аҳволга солиб кўйган бўламиз, у фақат ўқувчигина эмас, аввало, ранг-баранг қизиқишлар, еҳтиёжлар, интилишларга ега бўлган инсон.

Яраланган қушча қанча азоб торца, ғилдиракчаси синган ўйинчок машина ҳам худди шундай азият чекади деб билиши, бола кўнгли бўшлигини эмас, унинг кўнглида шафқат, езгулик, гўзаллик ва инсонпарварлик борлигининг нишонасидир.

Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳияти ва мазмунини қайта тафаккур етишни кўзда тутаяди, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

### **Тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қондаси**

Қайси давр, қайси шароитда бўлмасин ота-боболаримиз ўз авлодининг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиши учун қайғурганлар. Чунки жисмонан бақувват, ақлан соғлом, маънавий юксак, билим ва хунар соҳиби, ахлоқан пок фарзандларгина авлоднинг чинакам давомчиси, юртнинг егалари, миллат боқийлиги ва бойлигининг таъминловчиси ҳисобланган.

Ўқувчиларни она-Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг фаровонлиги, гуллаб яшнаши, тарақиёти учун садоқат билан хизмат қилиш, она-диёрнинг ҳар бир қарич йерини, бойликларини, табиати ва ҳайвонот дунёсини авайлаб асраш, келгуси авлодларга қолдириш, уларни муқаддас, табаррук деб билиш, аждодлари тарихи, маданияти билан ғурурланиш ҳиссини туйиш, миллий урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва удумларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш жуда муҳим.

Тарбияни ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги қондаси ўқувчиларда жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни, шахсда фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантиришни, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тарақиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрликни, экологик тарбияни шакллантиришни назарда тутаяди.

Мактабда ўқувчиларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш, уларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга имкон беради. Ўқувчилар жамиятимиз тўғрисида олган билимларни амалда қўллаш, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органларида фаол қатнашиш орқали ҳаётга тайёрланиб борадилар. Агар улар теварак-атрофдаги турмушга бепарво бўлсалар, ижтимоий ишлардан четда турувчи томошабин деб ҳис қилсалар, оқибат натижасида уларнинг руҳида бўшанглик, лоқайдлик ҳосил бўлади.

Бу қоиданинг амалга оширилиши ўқувчиларни турмушга, меҳнатга, онгли равишда касб-хунар танлашга ҳар томонлама тайёрлаш учун замин яратади.

Бу қоида ўқувчиларни мамлакатимиздаги ва чет еллардаги кундалик воқеалар билан мунтазам суратда танишиб боришлари зарур, деган талабни ҳам билдиради.

Ўқувчиларнинг ишлаб-чиқариш илғорлари, ҳурматли кишиларни, меҳнат фахрийлари билан учрашувлари, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда бевосита иштирок етишлари уларни атроф-муҳит билан, мустақил жамият қурилиши амалиёти билан таништиришда яхши ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг қурилиш майдончалари, йиғим-терим гуруҳлари ва бригадалари сафларида, хунармандчилик, халқ амалий санъатида, беморларни парваришlash ва нафақахўрларга хизмат кўрсатиш шароитларида, почта (алоқа) кўрсатиш бўлимларида, ҳовлиларни ва кўчаларни тартибга келтиришда, саноат корхоналаридаги ишларини алоҳида қувватламоқ лозим.

Ўқувчилар мактабда нафақат катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар. Тарбияни ҳаёт ва меҳнат билан қўшиб олиб бориш қоидаси ўқувчиларни теварак-атрофдаги ҳаёт билан таништириб боришни ва ўзгартиришда ўқувчиларнинг қатнашишларини талаб қилади.

Республика бозор шароити шаклланаётган ҳозирги шароитда ўқувчиларни ҳаётга ва меҳнатга янгича муносабатли, лаёқатли қилиб тайёрлаш лозим. Бунинг учун ўқувчиларни давлат ва жамоа хўжаликлари далаларида, томорқа ва ижара олинган йер майдонларидаги унумли меҳнатларини ташкил қилиш керак.

### **Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги қоидаси**

Ўқувчиларнинг умуминсоний ва Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, дунёвий ва диний билимларни егаллашга бўлган талабларини шакллантириш малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, естетик тушунчаларини шакллантириш жуда муҳимдир.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларда кишилик жамиятига муҳаббатни тарбиялаш, уларни табиат муҳофазаси, маданий ёдгорликларни сақлаш ишларига жалб қилиш лозим.

Умуминсонийлик-бу барча инсонга хос бўлган, унинг маданий ва миллий кўп қирралилигидир, яъни, турли миллат вакилларига ҳурмат,



турли динлар ва бошқа маданиятларни ўзига хослигини тан олиш, кадриятларни ҳурматлашни назарда тутати.

Ўқувчиларга энг аввало, ўз халқининг миллий-маданий меросига, тилига, анъана ва урф-одатларига, шунингдек, бошқа халқларнинг маънавий бойликларига бўлган қизиқишларини тарбиялаш лозим. Бунда унинг билим доирасини кенгайтиришга, турли халқлар маданияти билан таништиришга алоҳида аҳамият бериши зарур. Миллий кадриятлардан: она замин табиати, миллий халқ санъати, анъаналарининг миллий естетик манбалари, шарқнинг жумладан, Ўзбекистоннинг бадиий маданияти, тарихи орқали ўқувчиларда миллий ахлоқ анъаналари руҳини шакллантиришда, миллий ўз-ўзини англашишда, байналминаллик ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришда фойдаланиш даркор.

Маънавий кадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради. Ўтмишга назар ташласак, халқ педагогикасини бола тарбиясидаги бой тажрибалари ҳаётга тўла тадбиқ етилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф-одатлар, бой анъаналар, ҳаётга жорий етилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Халқимизнинг кўп асрлик кадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин емас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тарақиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил-ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Беруний, Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилари гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга ега бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини яъни, одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқатлилик, меҳнацеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Халқимиз болаларнинг ёшлигидан ана шу гўзал фазилатларини тарбиялашга аҳамият бериб келади.

Мактабларимиздаги тарбиянинг мазмунини миллий ва умуминсоний кадриятлар белгилаши лозим, яъни таълим-тарбия мазмунида инсонпарварлик, тенглик, халқпарварлик, демократия ғоялари устивор бўлиши лозим. Масалан, Ойбекнинг «Навоий», Абдулла кодирийнинг «Ўтган кунлар», Абдулла Қаххорнинг «Синчалак» каби асарлари миллий ва умуминсоний демократик ва гуманистик кадриятлар нуқтаи назаридан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Одоб ҳақида Исломда ҳам кўп ибратли гаплар айтилган. Исломда тарбия сўзи табиб сўзидан олинган. Бу дегани одам ўзига, қариндош уруғларига ва умуман таъсир доираси етадиган жамики кишиларга табиблик, аҳиллик қилиши лозим. Ислом одобида фақат инсонни езгуликка, ҳалолликка, ахлоққа чақирувчи даъватлар бор. Ислом одобини ездан чиқариш, унга амал қилмасликнинг оқибати нималарга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Миллатнинг саодати, давлатнинг тинчлиги ва фаровонлиги аввало ёшларнинг тарбиясига боғлиқ. Шунинг учун унутилаёзган маънавий қадриятларимизни тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

### **Тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш қондаси.**

Тарбиянинг мазмунини ташкил қилувчи ғоялар, талаблар, мақсад ва вазифалар ичидан ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мувофиқ келадиганларинигина танлаб олиш жуда муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, тарбиячилар бола шахсиятига монанд метод топишлари, унинг шахсини шакллантириш учун керакли шароит яратишлари лозим.

Одамларнинг қобилияти ва шахсий хусусиятларини, индивидуал характерини оила, муҳит, турмуш шароити олдиндан белгилайди.

Ўқитувчи болаларни, уларнинг ҳар бирини тушуниш маҳоратига ега бўлиши керак. Ўз ўқувчиларини билиш ва улар билган нарсаларни билиш ва ҳар бири алоҳида ва ҳаммаси биргаликда билиши мумкин бўлган нарсаларни билиш ўқитувчи учун зарур шартлардан биридир.

Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларни кузатадилар, уларни ҳар томонлама ўрганадилар, ўқувчини бошқалардан ажратадиган сифатларни излаб топадилар ва у бошқаларга қандай наф келтириши мумкинлигини аниқлайдилар.

Тарбиянинг мазмуни, шакли ва методлари болалар ёши ва савиясига қараб турли синфда турлича бўлади. Масалан, бошланғич таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларда ўқиш, чизиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантириш билан бирга уларнинг онги, қалбига табиатни муҳофаза қилиш, яхшилик- ёмонлик, адолат-адолацизлик, ҳалоллик-ҳаромлик, гўзаллик-хунуклик, меҳрибонлик-шафқацизлик каби туйғуларнинг оддий қонун-қоидалари сингдирилади. Бунинг учун уларни тез-тез табиат кўйнига олиб чиқиш, уларнинг ўзлари кузатишлар олиб боришлари каби имкониятлар яратиш лозим.

Юқори синфларда еса шахснинг ривожланиши ва шаклланиши, унинг ижтимоий ўзлигини англашга бўлган истаги, қизиқиши ва қобилиятини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилади, касбга йўналтиришга еътибор берилади. Ўқувчилар жамоаси айрим шахслардан иборат, Шунинг учун ҳар бир боланинг ўзига алоҳида педагогик таъсир кўрсатилиши керак. Бунинг учун педагог боланинг қандай оилада тарбияланганлиги, у тарбияланган муҳит таъсирини, тенгдошлари, ўртоқлари ва катталар қандай таъсир кўрсатаётганларини, унинг ижобий

ва салбий одатларини, нималарга қизиқишини ва қобилияти борлиги ва ҳоказоларни яхши билиши керак. Ҳар бир боланинг ўзигагина хос хусусиятларини аниқ билмай туриб болага режавий равишда, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш мумкин эмас.

Педагогнинг бу қоидага амал қилиши ўқувчиларнинг тушунишига, уларнинг ҳис-туйғуларини, ташвишларини жиддий қабул қилиш ва қадрлашга, ижобий инсоний фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчилар ҳам ўз ўрнида ўзларини инсон сифатида англайдилар ва ўқитувчиларга ҳурмат билан қарайдилар.

Педагог тарбия жараёнида болаларнинг ижодкорлигига, зийраклигига, мустақиллигига, билиш ва ижтимоий фаоллигига кенг йўл бериш керак. Болалар жамоасига сингдирилган муомала характери ҳар бир ўқувчига ҳақиқий инсоний табиатни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим.

Бу қоидани амалга ошириш болалар фаолиятини мазмуни ва шакллари уларнинг ёшига, ҳаётини тажрибасига ва имкониятларига мувофиқлаштиришни талаб қилади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларида инсоний фазилатларни тарбиялаш жараёнида уларнинг ҳар бирига хос равишда муомала қилиш йўлини топиши лозим.

### **Тарбияда изчиллик, тизимлилик тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги қоидаси.**

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олинishi шарт.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумнинг иши ва узлуксиз бўлсин. Тарбиянинг барча томонлари ҳамоханг бўлсин.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг талабини унутиб қўйса, ёки ўзи бу талабга ҳилоф иш туца, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади. Ўқитувчи субутли; ўз лафзига собит бўлмоғи керак. Масалан, «Ертага кундаликларингизни текшираман», «Оёқ кийимларингизни мойланганлигини кўраман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг. Педагог бирор тарбиявий тадбир уюштиришни болаларга ваъда қилиб, сал орада ваъдасини ердан чиқариб қўйса, ўқувчилар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. Ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни такдим қилиш мумкин эмас. Болаларга тарбия ва таълим беришда узлуксизлик ва тизимлиликка риоя қилиш керак.

Ҳамма тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил, ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчилликка риоя этиш жуда ҳам муҳимдир.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишда изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалигича давом еттириш ва бир хил талаб қўиш муваффақият қозонишнинг енг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-қувватламайдигина емас, балки тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабларнинг бир хиллиги ҳамиша таъминланавермайди. Тарбия узок муддатли, мураккаб жараён, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя етиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия методлари ва шаклларини ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг оила ва мактаб ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлик ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутати. Чунки, тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни емас, балки аҳолининг барча қатламини қамраб олиши керак. Аҳоли қатламларининг тарбия тизимига жалб қилишдаги ранг-баранг шакл ва методлар ҳам ижтимоий- иқтисодий ҳам педагогик жиҳатдан, нафақат туб аҳоли, балки Республикада истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва елатларнинг етпопедагогикаси соҳаси жиҳатдан ҳам таъминланиши керак.

## **ХИИ БОБ. ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

### **Тарбия методлари**

Бола ўқишни, тарбия олишни истайди, катта бўлиб жамият ҳаётида фаол иштирок етишни хоҳлайди. Педагог уни қай усулда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнда тарбиялаши лозимлигини билиши керак. Шу билан бирга бола ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи еканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Ўқитувчи-дўст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Юқорида айтганимиздек, тарбия тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар билим ва тарбияга ега бўлган кишилар, тарбияланувчилар-билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада фаол фаолият кўрсатмасалар, тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия методи тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Шахсни шакллантириш мақсадида, боланинг онги, ҳис-туйғулари, иродаси, хулқ-атвори ва муносабатлари тизимига таъсир кўрсатиш учун тарбия методлари ишлатилади. Илмий адабиётларда тарбия методларини тарбия усуллари, деб ҳам юритилади.

Таълим методлари, ўқитувчи синфда биринчи марта синф хонасини тозалаш учун шанбалик уюштирмоқда. Болаларга иш бўлиб беришдан олдин у латтани қандай қилиб хўллаш, парталарни ва полни артиш ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи бу ерда услуб бўлиб ҳисобланади. Метод ва услуб бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва педагогик жараён моҳиятига кўра бир-бирига ўтиб туриши мумкин.

Ўқувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия шаклларида фойдаланилади. Масалан, синф мажлиси, йиғилиши, ерталабки сафланиш, клуб ишлари ва бошқалар.

Тарбия воситалари бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қўлланмалар, китоблар, радио, телевидение). Яна ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари ҳам тарбия воситаси бўлиши мумкин. Кинофильмлар, санъат асарлари, ўқитувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, меҳнат, спорт, бадий ҳаваскорлик, ижтимоий ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин. Тарбия воситалари тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи-тарбиячининг тарбия тизимида киритилиши лозим. Масалан, мактаб кутубхонаси тарбия воситаси бўлиши учун ўқитувчи ва кутубхоначи ёзувчилар билан учрашув, ўқилган китобларни муҳокамасини уюштиришлари лозим.

Тарбия натижаси тарбиявий жараённинг усуллари, услуги, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга боғлиқ.

Тарбиячилар таъсир этишнинг бола шахсиятига мақбул методни, танлаб олишлари, унинг шахсини ўзгартириш учун керакли шароит яратишлари лозим.

Тарбия методлари ҳар бир болага, болалалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутди.

Шундай қилиб, тарбия жараёнида ўқитувчи яқка ўқувчи ёки синф жамоаси манфаати йўлида бирон-бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда таъсир этишнинг турли-туман метод, услуб ва шакллари мажмуасига тарбия усули дейилади. Тарбиянинг методлари, воситалари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади. Бинобарин, тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараши, тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги керак.

### **Халқ педагогикасининг тарбия методлари**

Халқ педагогикаси чинакам ўзбекча ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Унда турли хил тарбия методлари ва воситаларидан фойдаланилади, бу метод, воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан

устунлик қилади. Чунки бу методлар илмий педагогиканинг шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хима-хил тарбия методлари куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўрганиш, одатлантириш, машқ қилдириш).

2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).

3. Насиҳат бериш, ўгит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак- истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).

4. қоралаш ва жазо (таъқиқлаш, таъна, гина, танбех бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, кўрқитиш, нафратлантириш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

Агар синчиклаб қаралса, юқорида келтирилган тўрт хил метод умум бир яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болалар нарса ва ҳодисаларга тушунмаганларида тарбиячи намуна методидан фойдаланади, ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига еътибор берилади. Унда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насихати, ўгити орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига йетадиган бўлишади. Борди-ю унда ҳам болалар тушунишмаса, ёки тушунишни исташмаса, унда қоралаш ва жазолаш методларидан фойдаланишга тўғри келган. Лекин бу сўнги чора еканлигини халқ яхши тушунган. Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнги чора, аниқроғи кам самара берадиган чора еканлигини исботлаган.

Халқ педагогикасининг нодир намуналари, тарбия методлари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар орқали амалга оширилган. Меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, хашарлар, турли гурунглар (чойхона, тўй маросимлари) сайллар, турли нишонлашлар (туғилган кунни нишонлаш, йигитлар базми, қизлар базми), мусобақалар, турли маросим ва бошқалар ўзига хос тарбия воситаси вазифасини бажарган.

Инсон қалбига бугун екилган яхшилик уруғи орадан ўн йиллар ўтгач униб чиқади, буни илмий асослаб олдиндан кўра билиш керак.

Тарбия методларини ўрганиш, таҳлил қилиш, бу методлардан педагогик жараёнда фойдаланиш кўникма ва малакаларни егаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб оламиз: ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар, фаолият жараёнида ижтимоий хулқ ва тажрибаларни шакллантириш методлари, ўз-ўзини тарбиялаш методлари ҳамда рағбатлантириш усуллари, жазолаш методлари.

### **Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар**

Бу гуруҳга ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислари ва иродасига таъсир кўрсатиш методлари киради.

Бу гуруҳ методларининг моҳияти шундаки, улар орқали жамият ўқувчилар онгига қандай талаблар қўяётгани йетказилади. Ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиш мақсадида ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар ишлатилади.

Ўқувчиларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатни ички ва халқаро сиёсатини тушуниш ва идрок қилишни тарбиялаш лозим.

Тушунтириш бу ижтимоий онгни шакллантиришда энг кўп ишлатиладиган методдир. Тушунтиришнинг моҳияти ўқувчига қўйилган талабни, воқеаларни, ҳаракатларнинг ижтимоий, ахлоқий, эстетик мазмунини ёритади ва ўқувчиларга дуёвий билимларни егаллашда, онгли интизомни, юксак маданиятни миллий ғурурли қилиб тарбиялашда ёрдам беришдан иборат.

Тушунтиришда ўқувчиларга мамлакатимиз фуқаросининг ўз давлатига нисбатан ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланганлиги, у яшаш ва ахлоқ меъёрларига онгли риоя қилиши, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етуклик ҳақида ахборот берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси, конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли ўқувчиларга байроқ, мадҳия, конституция ҳақида тегишли маълумотлар берилади.

Ўқувчиларга халқ, давлат олдидаги фуқаролик бурчи, яъни ўзининг Ватан олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини билиш, уларга қатъий амал қилиш, қонунчилик, умумбашарий ахлоқ меъёрлари бузилишига муносабатсиз бўлиш тушунилади.

**Сухбат ва ҳикоя.** Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли метод ҳисобланади. Сухбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг сухбат мазмунига бўлган муносабатларини ва сухбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

**Сухбат** жонли, оммавий, ишонарли бўлиши катта аҳамиятга ега. Сухбат методи сифатида ўқувчиларнинг ҳаёти, фан ва техника, етика-эстетика ва бошқа соҳалардаги тасаввур ва тушунчалари доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Сухбат самарасини ўқувчиларнинг ижобий ёки салбий жавобларига қараб билиш мумкин.

Сухбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: етик мавзулар (кишиларнинг жамиятдаги ахлоқ мезонлари, ўзини тутиш қоидалари), эстетик мавзуларда (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги), сиёсий мавзуларда (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари), таълим ва билишга оид мавзуларда (қоинот, ҳайвонот дунёси).

Суҳбат давомида ўқувчиларнинг дилидагини айтиш жасоратини уйғотиш, уларнинг фикрларини тинглаш, суҳбатда фаол қатнашишга еришиш, яъни ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи саволлар бериш, мавзу бўйича ўз билимларини таҳлил қилишга, тортишишга ва ҳақиқатни англашга еришишлари жуда муҳимдир.

**Ҳикоя.** Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт, радио, телевидение, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли манба бўлади. Суҳбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўтказилиши керак. Енг яхшиси, суҳбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин, бунда суҳбатнинг завқилиги таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар. Ўқитувчи суҳбат мавзусини олдиндан еълон қилиб, масалан: меҳнацеварлик ёки ростгўйлик, ҳалоллик мавзуларида суҳбат ўтказиш учун мавзуга оид мақолалар, маталлар ва мақолалар тўплашни топширади, бунда ўқувчиларнинг ўтказиладиган тадбирда фаолликлари янада ортади.

**Намуна.** Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари, ўқитувчилари, ота-оналари, оиланинг катта ёшли аъзолари ва бошқаларнинг феъл-атвор, юриш-туришида болаларга йетарли даражада намуна кўрсатишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ўқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса, катта таъсир кўрсатади. Улар ўқитувчининг дарсида ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, атрофдаги кишилар билан қандай муомала қилишини, ўз вазифаларини қандай бажаришини кузатиб юрадилар.

Ўқувчилар яқин кишиларининг хулқ-атворида тақлид қиладилар. Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан еса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак, чунки қайерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриш ва хатти-ҳаракатларида тафовут бўлмаслиги керак. Катта ёшдаги кишиларнинг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болаларга яқин бўлишлари, уларни ўзларига мойил қила билишлари, улар билан яқин алоқага кўника олишлари ҳам уларнинг ўрнак бўлишдаги кучини оширишга ёрдам беради.

Республикамиздаги илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятдан олинган ёрқин маълумотлар, адабий асарлардаги, кинофильмлардаги ва спектакллардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қилади.

Мактабларда ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилади. Ўқувчилар ўз оталари ва оналарининг ишлаб чиқаришдаги



муваффақиятлари билан фахрланадилар, уларга тақлид қилишга интиладилар.

Намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини ҳамма яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан: "Қуш уясида кўрганини қилади". Жуда оддий ибора остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳаммиша ҳам фахмига боравермаймиз. Бу билан халқ, уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг кўчада тартибсиз бўлади. Бола олдида бировларнинг ғийбатини қилма, боланг ғийбатчи бўлади, демоқчи.

Бунга ўхшаш фикрларни яна кўплаб келтириш мумкин.

### **Фаолият жараёнида ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш методлари**

Бола ривожланишининг, унинг ўзлигини белгилашнинг асосий омили-бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндошиш қоидаси мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади.

Фаолият ўқувчиларнинг билимларини мустақил егаллашга ундайди, уларни қайси ихтисосга мойилликларини аниқлашга, ижодий фаолият тажрибасини, ҳиссий кадрият муносабатларини ўзлаштиришга ёрдам беради, уларнинг мустақилликларини оширади.

Ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб қўлларидан келган ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларига еришиш лозим. Бундай меҳнат кўпчилик, жамоа бўлиб бажарилганида яхши натижа беради.

### **Машқ ва ўргатиш методлари**

Машқ болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил қилиш, уларни ахлоқ мезонлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болаликда таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчилар, ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар орқали ҳосил қилади. Одат еҳтиёжга айланади. Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, ахлоқий тажрибаси кенгаяди. Одадиз тарбия-пойдеворсиз бинога ўхшайди, одат еса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади.

Ўргатиш-ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим (синфда навбатчилик қилиш).

Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд: фаолиятда машқ қилиш; кун тартиби машқлари, махсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Кун тартиби машқлари мактабда, оилада ўрнатилган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Махсус машқлар маданий хулқ, малака ва кўникмаларини ҳосил қилади ва мустаҳкамлайди.

**Топшириқ.** Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга егадир. Ўқувчилар ўз кучларини умумишга сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис етишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характери ва иродасини ўстиради.

-Бола фаолиятининг шаклланишида бурчга масъулият ҳиссини тарбиялаш лозим.

-Ўқувчилар ҳаётий фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиши зарур, қизиқарли, тўлақонли, болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий-фодоли, ижодий, кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил етилиши лозимлиги, натижада ўқувчилар ўзлари ёқтирган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари орцин, ахлоқан барқарор бўлсинлар. Синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини жамоа фойдаси учун оммавий, гуруҳ, алоҳида шакллари ва услублари орқали ташкил етиш мумкин. Тўгарак, клуб ишларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар, йигит ва қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

**Педагогик талаб.** Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим методларидан биридир. Талаб турли вазифаларни бажариши, ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаш, у ёки бу фаолиятда бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши, турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

### **Ўз-ўзини тарбиялаш методлари**

Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга еҳтиёж, яъни ўз устида онгли, батартиб ишлашга еҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса, ўрта ва катта ёшдагиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари фаолиятида қатнашишлари, уларнинг ижтимоий-фаоллик мавқеини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланадилар, ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, иши педагогик жамоа бу ишга тайёр бўлсагина ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур

хурмат, хайрихоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил топиши мумкин. Барча ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз билан иш бирга сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши еътиборда бўлиши керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақиллик кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлади. ўз-ўзини тарбиялашда (ахлоқий, жисмоний, ҳиссий-иродавий ва интеллектуал) маслаҳат ва кўрсатмалар берилиши лозим. Бунда ўқувчиларнинг ўзларига хатти-ҳаракатларига танқидий руҳда муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳимдир. Ўқувчилар ўзлари муайян вақтда белгиланган вазифаларни баҳолаш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб қўядилар.

Шундан кейин вақти-вақти билан ўзлари ва ота-оналари олдида олган мажбуриятларини бажарилиши ҳақида ҳисобот берадилар. Бу еса уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга, масъулиятларни ҳис етишлари учун ёрдам беради.

**Ўз-ўзини таҳлил қилиш.** Ўз шахсини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларини ортиб бориш ва аксинча, салбий одатларни камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

**Ўз-ўзини баҳолаш.** Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга йетарли тайёрлаш мумкин. Бунинг учун иродали бўлиши, ўзининг ўқувчилик ижтимоий бурчини тушуниши, ўқиш ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кишиларининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун ўзининг имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, баҳолаш, ўзига четдан туриб ҳолисона баҳо бериш, ўзидан кониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

### **Рағбатлантириш ва жазолаш методлари**

Ўқитувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улғайиб, камол топиб бораётганидан хурсанд бўлаётганини сезиши керак. Фақат шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини кўра билади, ўз-ўзига, ўз кучига ишонади. Уни хурмат қилишади, унга ишонилади, унга кулоқ солишади, у жамоага керак, у ўқитувчини қизиқтиради, улар бир-бирларига ишонадилар. Бунга еришиш учун рағбатлантириш усулидан фойдаланиш лозим. Чунки рағбатлантириш болага ишонишга, унда бўлган қобилият ва фазилатларнинг кучини еътироф етишга асосланган. Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, қувонч келтиради, янада яхшироқ бўлишга интилишга ёрдам беради. Мактаблар тажрибасида рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланади:

1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз кадр-қиммати билан фахрланади;

2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида);

3. Есдалик совғаси (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар);

4. Мақтов ёрлиғи бериш;

5. Стипендия билан тақдирлаш;

6. Ҳурмат тахтасига фотосуратни қўйиш;

7. Маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;

8. Сафда биринчи ўринда туриш;

9. Мусобақаларда байроқ кўтариш;

11. Газета-журнал ва радио-телевидинийеларда еълон бериш.

Ҳар қандай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши лозим. Яъни рағбатлантириш ҳақиқий хизматга мувофиқ бўлиши, кетма-кет бўлмаслиги, ҳаддан ошириб мақташ, бошқа ўқувчиларга таққослаб, уларни камситишга йўл қўймаслик, рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмаслик ва ҳоказо.

Жазолаш-бу тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охирги тарбия методи. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо: уриш, калтаклаш мумкин емас, болани кўрқитиш, ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи кўрққанидан ёлғон гапиришга ўрганади, иккиюзламачи бўлиб қолади.

Мақтабларда қўллаши мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар киради:

Танбеҳ бериш энг йенгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбеҳ беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

Огоҳлантириш-номаъқул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Ҳайфсан бериш-агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомни қандай шароитда бузганини еътиборга олиб, унга ҳайфсан еълон қилиш мумкин.

Уялтириш-қизартириш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-ҳаёдир. Одатда одамда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни еҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо яхши ўйлаб қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимсиз жазолаш ҳам мумкин емас. Жазолар якка характерли, яъни битта бўлсин, ўқувчиларнинг айбига мос, мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланилмасин,

жазоланувчи онгида жазони ҳаққоний еканлиги аниқ бўлсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча ҳолларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-укубатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини букмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида таърифлаб берилган тарбиянинг умумий методлари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш методларини ҳаммасини қамраб олмайди.

Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб боради, шунинг учун тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади.

Тарбиянинг методини муваффақиятли қўлланишига, бу метод мазкур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўрин олганига, қўлланилаётган тарбия воситалари қанчалик жавоб беришига боғлиқдир.

### **ХИИИ боб.**

## **ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **Ақл-дунёқараш мезони**

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш ҳамма даврларда бўлгани каби, ҳозир ҳам миллатнинг илғор кишилари диқат марказида бўлиб келмоқда.

Хўш, дунёқарашни ўзини қандай тушуниш керак? Дунёқараш-бизни ўраб олган борлиқ нима, у қандай ривожланган, табиатда қандай инсон ўрин тутаяди, унинг онги қандай пайдо бўлди ва камол топди, жамиятнинг яралиш тарихи қандай, иносият турмуш даражасини қандай қилиб яхшилаш мумкин ва шу каби масалаларга кишиларнинг турлича қарашлари, муносабатларидир. Инсон ўз фаолиятида маълум илмий билимлардан, қонуниятлардан, тушунча ва ғоялардан фойдаланади. Ана шу билимларга асосланиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳодисаларини баҳолайди, уларни ўзига талқин етиб, маълум хулосаларга келади.

Ҳар қандай одам ўзининг яшашдан мақсади нималигини, ҳаётнинг маъносини билишга интилади. Бу инсоннинг ижтимоий еҳтиёжидир. Ана шу еҳтиёж ўқувчига ҳам хос бўлиб, у ўзининг шу еҳтиёжини қондириш билан теварак-атроф ҳаёти тўғрисида билимларга, табиат ва жамият ҳақидаги мулоҳазаларга ега бўла бошлайди. Умуман шахснинг турли хил еҳтиёжлари унинг фаоллигини таъминлайди, қизиқишлари, майл ва талабларини белгилайди. Ана шу еҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолият шахснинг еътиқод ва қарашлари, кундалик хулқ-атвор мотивларини ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Қарашлар ва еътиқодлар тизими бўлган дунёқарашнинг моҳиятидан шундай хулоса чиқариш керакки, ўқувчининг ва умуман мактабнинг ишида муайян тизим бўлгандагина илмий дунёқараш таркиб топиши мумкин. Аста-секин тўпланган билимлар ёзма шаклда авлодлардан-

авлодларга қолади. Турли даврларда ўқимишли, зиёли, билимдон кишилар дунё илм-фанига, умуминсоний маданиятига салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Эксплуатацияга асосланган қулдорлик, феодализм, капитализм каби синфий жамиятларда даврнинг ўқимишли, зиёли, билимдон кишилари дунё илм-фанига, умуминсоний маданиятига салмоқли ҳиссаларини кўшганлар. Гиппократ, Демокрит, Платон, Архимед, Гегел, Маркс, Энгелс; Шарқда илк ўрта асрларда мусулмон дунёси ал-Киндий, ар-Розий, Ғаззолий, Фаробий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Рушд (Аверроэс), Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий шулар жумласидандир.

Кайковуснинг "Қобуснома", ИВ асрдаги ҳинд файласуфи Бейдабонинг "Калила ва Димна" асарлари, "Рамаяна", "Махабҳорат" достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг "қутадғу билиг", Носир Ҳисравнинг "Саодатнома", Саъдийнинг "Гулистон ва Бўстон", Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон", Навоийнинг "Маҳбуб ул кулуб", Аҳмад Донишнинг "Ўғилларга насиҳат" бундан ташқари ўтмишнинг "Чор дарвеш", "Минг бир кеча", "Қуръони карим", "Ҳадиси шариф"даги асарларда ҳам жуда катта, қимматбаҳо ва бой маънавий-маданий мерос бўлиб, шарқ ва ғарб халқлари минг йиллар мобайнида булардан баҳраманд бўлганлар.

ХИХ асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон рус мустамлакачилари томонидан босиб олинди. Бу даврда миллий-маънавий меросга, маданиятга паст назар билан қаровчи шовинистик сиёсат ҳукмрон еди. Шундай бўлсада бу даврда Саид Аҳмад Сиддиқий (Самарқанд), Фурқат, Муқимий, А. Дониш, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза, Абдулла Авлоний (Тошкент), Ибрат, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, қори Ниёзий ва бошқалар бола тарбиясига оид кўплаб асарлар ёздилар, ёшларни илм-маърифатли қилишга интилдилар.

Айниқса, Абдулла Авлонийнинг 1913 ва 1917 йилда икки мартаба нашр қилинган "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари ХХ аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга моликдир.

Асарнинг "Яхши хулқлар" бобининг биринчи қисми "Фатанат" аталиб, Авлоний Фатанатни "Ақл егаси бўлув демакдир" деб таърифлайди, айти замонда Фирдавсий, Носир Хисрав, Рудакий, Саъдий, А. Навоий каби Авлоний ҳам ақлга катта эътибор беради. У "Ҳукамолардан бири ақлнинг қули нафснинг жловини ушласа, сени ёмон йўлларга киришдан сақлар"- деб уқтиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга ега бўлиш учун баданни тарбиялаш зарур. Баданни соғлом ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир.

"Ақл-дейди: у-пири комили, мурушиди яғонасидир. Рух ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ақл ва идроки соҳасида ўзига келадиган зарар ва

зулмлардан сақланур, ер юзидаги хайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур".

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг қўлга киритган ҳозирги шароитда кадриятларимизни тиклашга, тарихимизни ўрганишга, ўзлигимизни англаб йетишга аҳд қилган ва ёш авлод учун худди мана шу дурдона асарлар қўл келиши муқаррардир.

Дунёқараш. Дунёқараш фақат инсонгагина хос хусусият бўлиб, хайвонот дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудот учун бу ҳол ётдир, уларда ҳам дунёқараш бўлади, деб ўйлаш бемаънилик бўлур еди.

Аввало таъкидлаш лозимки, илмий дунёқараш турли кишиларда, касб егаларида турлича-тўларок, мукаммодроқ, чуқурроқ ёки юзакироқ, чалароқ, саёз ва хомроқ бўлиши мумкин. Бунда кишилар томонидан олдинги аждодлардан мерос бўлган маънавий бойликларни, билимларни ва ҳозирги мавжуд билимларни ўзлаштириш даражалари муҳим аҳамиятга егадир.

Ҳозирги шароитда кишиларнинг онги, дунёқарашда янгича фикрлаш, яшашни тарбияланмаса, мустақилликнинг ғояси, мазмуни ва моҳиятини тушунтирилмаса, кўзда тутилган натижага еришиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳозирги енг муҳим долзарб масала халқнинг онгидаги ескича дунёқарашни ўзгартириш иқтисод, сиёсат, маданият жабҳаларида янгича фикрлашни ўргатиш, мустақилликни мустаҳкамлаш шароитида ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш ва нохуш ҳолатларни ҳаётга кириб қолмаслигига, унга қарши курашишга тайёр турадиган илмий дунёқарашли шахсни тарбиялашдан иборатдир.

Оддий кузатиш уй хайвонларига, ҳатто ваҳший хайвонларга ҳам хос бўлиб, улар ҳам овқат топиб йейишни, ўйини, егасини танишни, хавф-хатардан қўрқишни биладилар. Бу ҳол шартли рефлекслар ёки биринчи сигнал тизимлари дейилиб, бундай ҳолат жонли кузатиш бўлиб, одамларга хайвонларга ҳам бир хил таъсир қилади. Тафаккур, фикрлаш еса инсонга хос бўлиб-бу иккинчи сигнал тизимидир.

Ақл ҳар бир инсонга хос туғма хусусият бўлиб, мия соғ бўлса, ақл ҳам яхши ишлайди, аксинча мия касалланган бўлса, ақл паст, заиф бўлиб, ақли ривожланмаган одамнинг ёши катта бўлса ҳам ақли ёшидан орқада қолиб кетиши, теварак-атрофни, дунёни билиш, олдинги авлодлар томонидан яратилган илмларни ва мавжуд билимларни ўзиникига айлантириб ўзлаштира олишга қийналади. Чунки илм ва билим бир хил нарса емас. Илм мавжуд бор, яратилган нарса, билим еса киши томонидан билиб олинадиган, ўзиники қилиб олинадиган нарсадир. Ақл, дид ва илм назарияга; фаросат, тамиз, билим амалиётга, тажрибага таллуқлидир.

Шуни англамоқ зарурки тафаккур ва тил ҳақидаги муаммо билиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб тасаввур, тушунча, ақл, идрок, тафаккур жами бир бўлиб, онг деган педагогик тушунчани беради.

Дунёни билишда ижтимоий-тарихий амалиёт, тафаккур ва у билан боғлиқ бўлган тил материалистик диалектиканинг билиш назарияси учун асосдир.

Дунёни билиш, идрок қилиш ташқи дунёни инсон сезгилари орқали акс еттиришдан бошланади.

Сезги кишини ўраб олган моддий дунё предмет ва ҳодисаларининг онгимизда акс етишидир.

Ҳиссий билиш сезгидан ташқари, ҳиссий қабул қилиш ва тасаввур каби шаклларга ега бўлиб, улар ҳам воқеа - ҳодисаларни чуқурроқ билишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, билиш, илмий дунёқараш жонли кузатишдан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш орқали амалга ошади.

Илмий дунёқараш ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқарашлари янги давр дунёқарашининг илдизини ташкил етиб, уни керакли ҳаётбахш озуқа билан таъминлаб туради.

Ҳар бир тарихий даврнинг дунёқараши ўзига хос бўлиб, мавжуд тарихий даврда у ёки бу таълимотни нима учун ҳукмрон бўлганлигини билиш учун олдинги давр дунёқарашини, тарихини, ривожланишини ва унинг ўша таълимот қандай қилиб шу ҳолатга келиб қолганлигини ўрганмоқ зарур. Демак, жамиятда янгича тафаккур юритмоқ янгича дунёқараш, фикрлаш учун албатта ўтмишни билиш зарур, чунки янгича тафаккур осмондан емас, балки аجدодлардан мерос қолган ворислик асосида вужудга келади.

Ёшларни тарбиялашда, уларни ахлоқ-одобли, тартиб-интизомли қилишга, ота-онага меҳрибон бўлишларида, матонатли, чидамли, меҳнацевар, ватанпарвар, инсонпарвар бўлиб шаклланишида масъулдир. Дунёқарашнинг шаклланишида ҳар бир ота-она уларни ёшлик чоғидан сабр-тоқатли, бардошли, қунтли, қаноатли бўлишга ўргатмоқлари шартдир.

Кишининг дунёқарашини, феъл-атворини мавжуд муҳит белгилар экан, демак яхши одамни кутиш учун шу муҳитни яхши одам шаклланадиган яхши муҳитга айлантириш керак.

Илмий дунёқараш хусусида гап борганда аввало, ўқувчилар, ёшлар, унга зид, қарама-қарши турган диний, фантастик, мифологик, атеистик ва бошқа ғайри илмий дунёқарашлар борлиги учун ҳам илмий дунёқарашни шакллантириш зарурлигини тушунмоқлари, бу ҳақда тўғри фикр юритишни ўрганмоқлари керак.

Дунёқараш дунёни билиш орқалигина шаклланадиган жуда мураккаб диалектик жараён дир. Билиш дунёнинг турли томонлари ҳақидаги турли фанлар берган ишлар орқали амалга ошади. Шунинг учун илмсиз кишиларда дунё тўғрисида илмий дунёқараш бўлмайди.

Дунёқараш кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, естетик, диний тасаввурларнинг йиғиндисидан иборатдир. Дунёқараш айрим



кишиларнинг, ижтимоий ғурурнинг, синф ёки умуман жамиятнинг фаолияти йўналишини ва воқеликка муносабатини белгилайди. Илмий билимлар дунёқараш таркибига қўшилгач, инсоннинг ёки ғурурнинг теварак атрофидаги ижтимоий ва табиий борлиққа бевосита амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади.

Дунёқараш ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Унда ижтимоий турмуш акс этади ва у муайян тарихий даврда инсоният еришган билимлар даражасига ҳамда ижтимоий тузумга боғлиқ бўлади.

Дунёқарашнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга егадир. Мифология қадимги жамиятда кенг авж олган халқ оғзаки ижоди-нақл ва афсоналарда гавдалантирилган воқеликнинг фантастик инъикосидир.

Мифологик дунёқараш табиат кучларини жонлантириб худолар, афсонавий қаҳрамонлар тарзида, бир хил буюмлар сифатини иккинчисига кўчириш, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар шаклида тасвирлашга асосланади.

Мифологик тарзда фикрловчи киши ҳар қандай ўзгаришлар ва жасоратлар кўрсатиши, ўзи учун кенг шакл майдонига ега бўлиши мумкин ва ғайри табиий куч ҳақида тасаввур борлиги учун унда дин элементлари ҳам мавжуд бўлади.

Диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан емас, балки табиатдан ташқарида худонинг қудратига кўникиб ҳамма нарсада ва ҳар йерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўжизавий куч бор деб тушунтиради.

Дин ва диний дунёқарашга яқин ўтмишимизда бир томонлама ёндошилиб, унинг ахлоқий муносабатларни такомиллаштиришдаги ролини тўғри тушунилмай келинди. Динга қарши курашиш пайтида у билан боғлиқ бўлган расм-русумларимиз, урф-одатларимиз, миллий тарбиядаги енг нозик ва муҳим томонларимизни ва бошқа миллий қадриятларимизни ҳам инкор қилиб юборилди.

Ёнди бу соҳадаги хатоликлар тузатилмоқда. Ислоҳ маданияти жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги ҳақиқатлиги англамоқда.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти, у дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирмай, уйдирмалаштирмай, муболағасиз тушунтирилади.

У кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг енг умумий қонуниятлари ҳақида бир бутун яхлит маълумот бериб, мифологиядан фарқли равишда инсонни қуршаб олган моддий оламни ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, абадийлигини, инсоният жамияти тараққиёти сабаблари ва моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини тўғри, илмий асосда тушунтириб беради.

## Дунёқараш педагогик жараён сифатида

Билимни егаллаш мураккаб зиддиятли жараён бўлиб, у инсондан енг аввало физиологик жиҳатдан баркамолликни, яъни 5 асосий сезги органларини бус-бутун бўлишини, ҳамда билим олиш учун тинимсиз машқ қилишни, кунт билан меҳнат қилишни талаб қилади.

Дунёнинг ва бутун борлиқнинг кўрки инсондир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан йер юзидаги барча мавжудотлардан афзалдир. Инсоннинг тафаккури, ақли бор. У шу ақл ёрдамида илм егаллайди. Илм туфайли дунёни билади ва уни бошқаради. Ҳайвонлар табиатга у қандай бўлса, шундайлигича мослашиб яшайверадилар. Инсон еса табиатни ўзига мослаштиради, ўзгартиради.

Илмий дунёқарашни ҳамма вақт бир зайлда, ўзгармай тураверадиган билимлар деб қарамай, билимлар тўла бўлмаган билимлардан тўла билимларга қараб боришлигини унутмаслик зарур. Масалан, қайта қуриш муносабати билан дунё ўзгарди, олдинги тушунчалар ҳам ўзгарди. Янги таркиб топаётган жамиятдаги ҳамма янгиликлар ҳам, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ҳам ўзгармас эмас. Шу боис илмий дунёқараш бу ҳодиса ва воқеаларнинг ҳаммасига кишилар оддий томошабин бўлиб туравериши керак эмаслигини, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчилари бўлишлик, таҳлил йўли билан умумлаштира билишни талаб қилади.

Мадомики, илмий дунёқарашни шакллантириш икки йўл: тажриба ва мантиқ (ақл) йўли билан бўлар экан. Демак, киши ҳаёт тўғрисидаги, ўтмишдаги мутафаккирларнинг доно фикрларига ва ўзи тўплаган шахсий ҳаёт тажрибасига, билимига таянмоғи керак. Кишиларнинг онги уларнинг борлигини эмас, аксинча моддий ҳаёт шароитлари, яъни борлиги уларнинг онгини белгилашлиги, Шундан далолат беради. Шу боис илмий дунёқараш ҳаммага ҳам насиб қилаверадиган оддий ҳодиса бўлмай, кишининг назарий ва амалий билим даражасига боғлиқдир.

Бироқ, ақлий жиҳатдан соғлом одам агар кам билса ҳам кўп ўқиши, ўрганиши натижасида ўз билимини ошириши, билимлиларга етиб олиши ва маълум даражада илмий дунёқарашни шакллантира олиши мумкин. Ақл ва билим тажриба орқали қўлга киради. Демак, билимли одам ақлли, мулоҳазали ҳам бўлади.

Бироқ, илмий дунёқарашни шакллантиришда ген (зот) нинг ҳам жуда аҳамияти катта. Олдинги йевропалаштирилган таълим ва тарбия услубимизда қилинган хатолардан енг буюги, бизнингча, зотга еътибор бермаслик бўлиб, биз таълим олувчининг қобилиятига, унинг зотига еътибор бериб ўтирмай, агар йетарли билимни берсак кутилган шахс шаклланаверади, деб ўйлашимиз керак еди.

Табиат, жамият ва тафаккур соҳасидаги фаннинг барча жабҳаларида инсоният томонидан минг йиллар давомида яратилган ва тўпланган билимлардан ҳеч бўлмаганда бошланғич маълумотларга ега бўлмай туриб, чинакам илмий дунёқараш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Киши

дунёни қай даражадаги билим асосида билса, дунёқарашининг чуқур ва саёзлиги ҳам шу даражада бўлади.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда бадиий адабиётнинг, халқ оғзаки ижодининг, ертақларнинг, ҳикоя ва қиссаларнинг аҳамияти катта:

Масалан: "Ҳадис"ларда, "Калила ва Димна", "Қобуснома", "Минг бир кеча" ва бошқаларда ҳиссий ва мантиқий билишга тегишли маталлар, ертақлар, ҳикоялар, байтлар кўп бўлиб, ёшларни илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Дунёқараш инсонда маълум масъулият ҳисси бўлишини ҳам талаб қилади. Масалан, кўзини йеб қўйгани учун бўрини қора курсига ўтказиб, суд қилиб ўтирилмайди, тўғридан тўғри отиб ташланаверади, чунки унинг онги йўқлиги туфайли масъулияти ҳам йўқ, у қилиши мумкин бўлган ишни қилган. Ньюинберг жараёнида жаҳон жамоатчилиги гитлерчи фашистларни суд қилганларида тамомила ҳақли еди. Чунки, улар масъулиятни ўйламай инсоният бошига катта кулфат солдилар.

Бозор иқтисодига ўтиш мамлакат ертами-кечми босиб ўтиши шарт бўлган йўл еканлигини, унга 10-15 йилдан тортиб, хатто 100 йиллар давомида ўтилганлигини, ҳозирги ривожланган капиталистик мамлакатлар Англия, Франция, Германия ва хатто АҚШ дан ҳам халқ учун зарур бўлган кенг истеъмол моллари белгиланган нархда, қатъий равишда давлат дўконларида сотилишлигини билиш бу билан чайқовчилик қилганлар қаттиқ жазоланиши ҳам дунёқараш даражасини кўрсатувчи омиллардандир.

Келажаги буюк давлатни барпо қилувчи мамлакатнинг бутун аҳолиси фақат тижорат, дин, қироат, олди-сотди билангина шуғулланавермасдан енг аввало ишлаб чиқаришни, илм-фанни ривожлантириши, дунё тилларини билиши, умуман маърифатга биринчи даражали еътибор бериш туфайлигина кўтарилиш мумкинлигини тушуниш ҳам дунёқарашни шакллантиришга киради.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг бозор иқтисодига ўтишда Ўзбекистоннинг ўз тарақиёт йўли борлиги ҳақидаги 5 тамойилини билиш илмий дунёқарашни муҳим элементидир. Булар: 1) иқтисоднинг сиёсатдан устун бўлишлиги; 2) Иқтисодни бошқаришда давлат асосий ислохотчи бўлиши; 3) қонунга ҳамманинг итоат қилишлиги; 4) кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, аҳолини кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш; 5) Бозор иқтисодига ўтишда шошма-шошарликка йўл қўймай босқичма-босқич ўтиш кабилардир.

Илмий дунёқарашни амалга оширишда киши нарса ва буюмларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг кўриниб турган ифодасига, шаклига қараб емас, балки уларнинг ички моҳиятига, мазмунига қараб баҳо бериш керак.

Шундай қилиб, илмий дунёқарашни шакллантириш бир, икки, уч киши ёки бир неча гуруҳ томонидан бўлмай, балки кўпчилик, ижтимоий фикр томонидан бажариладиган ижтимоий-тарихий ҳарактердаги ходисадир. Демак, илмий дунёқарашни шакллантириш кишидан кўп

меҳнат, малака талаб қиладиган мураккаб, сермашаққат фаолият соҳасидир.

## **ХИВ БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИ**

Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир. ғоя - инсон тафаккури маҳсулидир, миллий ғоя еса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя - инсон ва жамият ҳаётига маъно - мазмун бахш этадиган, уни езгу мақсад сари йетаклайдиган фикрлар мажмуидир.

Мафкура еса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг еҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу - интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр - ўзига хос бир қарашдир, ижтимоий фикр еса - воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга зарурат тугилганда еса, бутун бир давр тарихига айлантиради.

### **Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун - моҳияти**

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир - бири билан баҳолайдиган, асрий орзу - истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;
- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меъросидан озиқланади;
- адолат ва ҳақиқат, еркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва еътиқодини акс еттиради;
- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;
- жамият аъзоларини, аҳолининг, барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;
- миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;

Миллий мафкура фақат бугун емас, балки ҳамма замонларда ҳам енг долзарб сиёсий - ижтимоий масала, жамиятни соғлом, езгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига еришиши учун маънавий - рухий куч - қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.

### **Миллий мафкурамининг бош ғояси**

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт барпо етишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий езгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно - мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам етади.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва йетакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси еканидан далолат беради.

### **Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари**

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳиятини, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Ватан равнақи. Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётга маъно – мазмун бахш етадиган табаррук маскандир.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандларига ва уларнинг аҳволига боғлиқ. Бу еса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис етишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват етади.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, еркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм - зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади. Юрт тинчлиги - бебаҳо неъмат, улуг саодатдир. Юрт тинчлиги - барқарор тараққиёт гаровидир.

Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу интилишларини, мақсад - муддаолари рўёбга чиқишнинг кафолати деб билади.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон еркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш,

мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши лозим. Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий йетуклиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилidir.

**Халқ фаровонлиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади - халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Яъни ислохот учун емас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгилинишда, ҳар қандай ўзгаришда ана шу езгу мақсад мужассамдир. Миллий истиқлол мафкураси моҳияти билан фуқароларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

**Комил инсон.** Еркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, езгу ғояларни ҳаётини инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, еркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга йеткизишга муҳим еътибор берилмоқда.

**Миллатлараро тотувлик.** Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва елат вакиллари истиқомат қилади. Миллатлараро тотувлик ғояси - умуминсоний кадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тарақиётини белгилайди. Шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва елатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро хурмат, дўстлик ва ҳамжамиятликнинг маънавий асосидир. Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро аҳиллик руҳида тарбиялаш истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

Демак, миллий истиқлол мафкураси халқнинг, жамиятнинг ўз олдига қўйган езгу мақсад - муддаолари амалга оша боргани, тарақиёт тажрибалари ортгани сари бойиб, такомиллашаверади.

Бу мафкура еркин фуқаролик жамияти, фаровон ҳаёт барпо етишга қарор қилган, бу йўлда собитқадамлик билан олға бораётган халқ мафкурасидир.

Мафкура - инсон руҳияти, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартирадиган кучли воситадир.

### **Фуқаролик тарбияси**

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғоялари фуқароларни Республика Конституциясида еътироф етилган инсонпарварлик, демократик, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий жамиятни

барпо етишдек езгу мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ижтимоий - сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юзага келтириш, фуқаролик (ҳуқуқий) маданиятини қарор топтириш - фуқаролик (ҳуқуқий) жамиятнинг асосан талаби саналади.

Даврнинг ушбу ўта долзарб талаби мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари мазмунида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Аҳоли ўртасида миллий истиқлол мафқураси ғояларини тарғиб етди, ижтимоий тарбиянинг самарали, изчил тизимини яратиш, жамиятда фуқаролик (ҳуқуқий) маданиятни шакллантириш муаммоларининг ижобий ҳал етилиши жамият ижтимоий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга егадир.

Ижтимоий ҳаётда фуқаролик маданиятининг шаклланиши учун зарур шарт - шароитларни вужудга келтириш: бир томондан, жамият манфаатлари учун; иккинчи томондан; шахс (фуқаро) манфаатлари, шунингдек, жамият ҳамда фуқаронинг биргаликдаги манфаатларига тўла мос келади. Шу сабабли Республика мустақиллиги шароитида ижтимоий таълим-тарбияни ташкил етиш мазмунини тубдан янгилаш зарурияти юзага келди. Ижтимоий тарбияни кенг қўламда (комплекс) тарзда ташкил етиш бугунги куннинг даъвати ва талаби бўлиб қолмоқда. Мазкур талабни ижобий ҳал етиш оила > таълим муассасалари > жамоатчилик > давлат > жамият белгилигини яратиш асосида амалда оширилади.

Ўз фуқароларига ега бўлиш ҳар бир давлатнинг зарур ва муҳим белгиси саналади. Фуқароларнинг мавжудлиги сабабли давлат мавҳум тушунча бўлмай, муайян механизмга, жонли сифатида майдонига чиқади. Ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан қафолатланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарнисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлилиги ҳолатига фуқаролик дейилади. Шундай ҳуқуқга ега шахс фуқаро деб аталади. Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган тегишли қоидаларга белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олади, қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажаради.

Демак, "фуқаролик ўз давлатига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлар билан боғланган, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя етишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий йетукликни назарда тутади".

Фуқароликнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар:

- муайян давлат жамият аъзоси еканлигини ҳис етиш, шахс тақдирини давлат ва жамият ҳаёти билан узвий чамбарчас боғлиқ еканлигини тушуниб йетиш;
- халқ, давлат олдидаги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини қонунчилик асосида билиш, уларга сўзсиз, қатъий амал қилиш;
- ўз халқи, давлати ўтмишига ҳурмат туйғусини қарор топтириш, шахсий манфаатлардан Республика манфаатларини

устун кўя билиш, халқ ватан равнақи, истиқболи учун курашишга тайёрлик, юрт тинчлигини ҳимоя қилиш, асраб авайлаш;

- давлат рамзларига чексиз муҳаббатни қарор топтириш, улар муҳофазаси учун тайёрлик, давлат рамзларининг миллат, халқ орномуси, шаъни, кадр-қиммати еканлигини англаш;
- ижтимоий-сиёсий онглик, ижтимоий фаоллик, давлатнинг ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилиш;
- миллий ва умуминсоний ахлоқ ҳамда ҳуқуқ меъёрларининг бузилишига нисбатан мурасасиз кураш.

Жамият томонидан қонунчилик йўли билан белгиланган талаб фуқаро хулқини баҳолаш, хатти-ҳаракатлар моҳиятини таҳлил қилиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ фуқаронинг хулқ-атворидаги айрим кўринишлар, ҳаракатлар, одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мақсади еркин, демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва жамият куришдир. Бу жамиятни бунёд этиш жараёни янги ижтимоий фуқаролик тарбиясининг вазифаларини мураккаблаштиради. Чунки демократик ҳуқуқий жамият барпо этилишининг муваффақияти фуқаронинг ижтимоий-сиёсий онглик даражасига, фуқаролик фазилатларининг қарор топганлигига, ижтимоий фаоллик кўрсаткичларига боғлиқ.

Фуқароликнинг ижтимоий асоси янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар ғоялари, демократик талаблар ҳамда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритиш ижтимоий фуқаролик муносабатларининг муҳим қоидасига айланади.

Фуқаролик тарбиясининг мақсади-фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англаш орқали ўқувчиларга юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, ватан жамият учун фидоий инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фуқаролик тарбиясининг вазифалари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) ёш авлодни доимий равишда жамиятда устувор мавқега ега бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш;
- 2) ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;
- 3) ўқувчиларда давлат рамзларига ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, орномусини ҳимоя қилишга тайёрлик ҳиссини шакллантириш;



- 4) ўқувчиларда халқ ўтмиши, миллий кадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш;
- 5) Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишга еришиш, фидоий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш;
- 6) Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини еъзозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик еътиборини жалб етиш.

2. Ўқувчилар фуқаролик тарбиясини ташкил етишда шахсинг давлат Конституциясида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда бурчларини бажарилиши хусусида маълумотлар бериш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил етишда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларини бажариш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республика бош қонунида шахсинг қуйидаги ҳуқуқлари кафолатланади: яшаш ҳуқуқи, еркинлик ва шахсий дахлсизлик, айбланаётган шахс ишининг судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиши, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинадиган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги, Республика ҳудудида бир жойдан икки жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиш, фикрлаш, сўз ва еътиқод еркинлиги, виждон еркинлиги, давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок етиш, қонуний митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок етиш, касаба уюшмаларида, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок етиш, сайлаш ва сайланиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, еркин касб танлаш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод еркинлиги, ўқувчиларга ҳуқуқлари борасидаги билимларни бериш билан бирга фуқароларнинг бурчлари нималардан иборат еканлиги ҳақида маълумот бериш, бу борада ўқувчиларда назарий ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш кўзланган мақсадга еришишда мувафқият омили бўлади. Фуқароларни бурчлари қуйидагилардан иборатдир:

- фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя етишга бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари, шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир.
- фуқаро Ўзбекистон халқининг тарихий маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдир;
- фуқаролар атроф табиий муҳитга еҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

- фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлашга мажбурдирлар;

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

3. Давлат рамзлари муайян миллат, елат этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсадини, ҳудудий, сиёсий, ижтимоий бирлик моҳиятини ажратишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажбурийдир.

Муайян Давлатнинг байроғи, Герб (тамғаси) ҳамда мадҳияси давлат рамзлари мажмуини ифодалайди.

Давлат рамзлари ўзларида чуқур сиёсий ва ижтимоий мазмунни ифода этади. Давлат рамзларида (байроқ, гербда) тасвирланган ранглар, тасвирлар шу халқ, миллат ўтмиши, қадим анъаналари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, мақсади, ғояларини ифодалашга хизмат этади. Давлат мадҳияси еса халқ, миллат, давлат ва жамиятнинг ягона мақсади, бирлиги, ғояларини тараннум етилади.

Давлат рамзлари давлат мавжудлигини кўрсатувчи белгилардан саналади. Рамзлар бу шартли белгилар бўлиб улар қадим даврлардаёқ турли халқларда у ёки бу ходиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини, уларнинг қарашларини ифодалаган.

Республикамизда давлат мустақиллигининг еълон қилиниши мустақилликни акс еттиручи рамзларни ишлаб чиқишни тақозо етди. Шу муносабат билан 1990 йил 30 мартда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қарор қабул қилинди ва бу борада ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XII-сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинди. Таълим муассасаларида фуқаролик тарбиясини ташкил етиш жараёнида ўқувчиларга давлат рамзлари уларнинг моҳияти орасидаги маълумотларни бериш, уларнинг онгига давлат рамзларининг халқ, миллат ор-номуси, шаъни, кадр-қиммати тимсоли еканлиги тўғрисидаги ғояларни сингдириш орқали ўқувчиларда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини қарор топтириши каби вазифаларни ижобий ҳал етиш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясининг қуйидаги матни ўқувчилар томонидан нафақат ёд олиними, балки мадҳияда ифода етилган фикрлар мазмунини чуқур таҳлил ета олиш лаёқатининг намоён етилиши борасида шарт-шароитларни яратиб бериш таълим муассасалари жамоаси, уларнинг раҳбарияти олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Давлат мадҳияси каби унинг байроғи, герби (тамғаси) ҳам жаҳон миқёсида мавжуд бўлган муайян давлатнинг ўз халқи, миллати номидан фаолият юритиш имкониятига ега еканлигини англатади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи тўрт хил рангда бўлиб, кўк, оқ, қизил яшил ранглاردир. Оқ ранг қизил ранг билан хошияланган. Республика байроғида юрт тарихи, ўзбек халқининг миллий руҳи ва юрт табиати жамоли акс еттирилган. Байроқнинг чап томони юқори қисмидан ярим ой ва 12 юлдуз тасвири тушурилган. Кўк ранг ва юлдузлар тасвири тиниқ, мовий осмон белгисидир. Ўртадаги оқ ранг еса ёруғ кун ва покиза, оқ кўнгилли халқимизнинг тилаги, қизил хошиялар еса томирларда ураётган қон каби тириклик ва ҳаёт рамзидир. Яшил ранг еса қадим-қадимдан табиат белгиси, ой (янги ой) тасвирининг берилиши мустақиллик шароитида ҳаёт кечириш халқимиз учун ўзига хос янги давр еканлиги ифодасидир. Юлдузлар сонининг 12 талиги йил ойларига мучал ҳисобига исботдир.

Миллий байроғимизнинг ҳуқуқий мақоми, "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги маълумотларни ўқувчиларга етказиш синф соатларида, шунингдек, тарбиявий тадбирларни ўтказиш чоғида амалга оширилади.

Байроқ давлат мустақиллигининг белгисигина бўлмай, у Республикамиз номини халқаро майдонда рамзий ифода етиш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет еллик меҳмонлар Республика байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Давлат рамзларининг яна бири - бу давлат гербидир. Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонун қоялари ҳамда халқимизнинг минг йиллик бой тажрибасига асосан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат гербида тоғлар, дарёлар, буғдой бошоқлари (чап томонда), очилган ғўза шохларининг (ўнг омонда) гулчамбар ҳолидаги тасвири акс еттирилган. Герб ўртасида серкуёш юрт рамзи бўлган қуёш ўзининг заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқorigи қисмида Республика мустақиллигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой (янги ой-янги тузум) ва юлдузлар (адабиёт тимсоли) жойлаштирилгандир. Гербнинг марказида бахт ва ерксеварлик рамзи бўлган кумуш рангли Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турган ҳолда тасвирланган. Ҳумо қуши инсонга бахт келтирувчи, уни турли офатлардан ҳимоя қилувчи, меҳрибон жонзот сифатида ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг талқин етиб келинган. Гербнинг пастки марказий қисмида Давлат байроғи рангларидаги чамбар лента ўзагида "Ўзбекистон" сўзи ёзилган. Гербда ифода етилган саккиз қиррали бурчак мужассамдир. Ушбу белги ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларини маълум бир қоя, куч бирлаштиради деган маънони англатишга хизмат қилади. Пахта ва буғдой бошоқларининг тасвири ризқу - рўзимиз нишонасидир.

Давлат гербининг ҳуқуқий мақоми ҳам махсус қонун билан кўрикланади. Давлат Гербидан фойдаланиш ҳуқуқи махсус давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига берилган бўлиб, уларга Ўзбекистон Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари, вазирликлар, давлат кўмиталари, барча тоифадаги судлар, прокуратура, дипломатик ва консуллик ваколатхоналари киради.

Давлат герби тасвири туширилган муҳирлар, ҳужжатларнинг бланкалари улардан фойдаланиш ва сақлаш, йўқотиш тартиби Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус ҳужжати асосида тартибга солинган.

Давлат герби, шунингдек, фуқаролик паспортида, корхона, ташкилот муассасаларининг иш қоғозлар муҳрларида, Республикада шахс сифатида ўз шаъни ор-номусини қанчалик муқаддас билса, фуқаро сифатига давлат рамзларини шу қадар муқаддас билиши, уни асраш, муҳофаза қилиш учун ўзида масъуллик туйғусини қарор топтириши лозим. Фуқаролик тарбиясини йўлга қўйиш жараёнида давлат рамзларидан ноқонуний ҳамда ахлоқсиз равишда фойдаланаётган кимсаларга нисбатан муросасиз бўлиш лозимлигининг уқтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли асарида шундай ёзади:

"Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланиш йўли тўртта асосий негизга асосланади". Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини еркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Фуқаро тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ улар мазмунини ўрганиш орқали, миллий ўзликни англашни қарор топтириши саналади.

Шахс ҳам, жамият ҳам ўтмишни ўрганиш, унинг ҳар бир босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади. «Ўтмишсиз келажак бўлмади» - мазкур шиор еркин, мустақил равишда тараққиёт йўлидан бораётган Республика ҳаётининг бош шиорига айланиши лозим. Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мерос ғоялари бугунги авлод учун дастури амал бўлиши лозим.

Алломалар халқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш, миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий кадриятлар ғояларини ўрганиш, асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар нима учун

миллатни бу қадар жипслаштириб қўйганлиги сиридан воқиф етади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш педагогика фани, тарбияда кўзланган мақсадга елтувчи йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидоий фуқаро сифатида шакллантириш билан таъминланади.

Ўқувчиларда фуқаролик ҳисси ва етиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатларни, малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб болаларга фуқаролик моҳияти ва қоидалари мазмунига оид билимлар берилади. Аввало ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунча берилади, бу хилдаги хулқда, хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида фуқаролик тушунчалари вужудга келади ва фуқаролик хулқий одатлар ҳосил қилинади.

Ўқувчига фуқаролик тушунчалари бадиий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кино фильм, спектакл ғоялари, турли суҳбатлар мазмунини тушунтириш, тарғиб этиб бориши орқали сингдирилади. Фуқаролик туйғусини болаларда мактабгача тарбия ёшидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун "Республика байроғида нималар акс еттирилган?", "Республика гербидаги Ҳумо қуши ниманинг рамзи?", "мен давлат мадҳиясини биламанми?" каби мавзуларда суҳбатлашиши ғоят муҳимдир.

Ўқувчига фуқаро сифатида ўз хулқ - атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, "Бугун халқ фаровонлиги ватан тараққиёти учун нима қила олдим?", зиммамдаги бурчни қандай адо етдим?" тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ўқувчиларга ўқиш, аъло баҳоларга ўзлаштириш, ўз тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш болада фуқаролик бурчини адо этиш имконини еканлигини тушунтириб бориш зарур. Фидоийлик, интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъият, матонат, уюшқоқлик каби хислатлар фуқаролик тарбиясини олиб бориш жараёнида юзага келади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт шароитлар тақозо этилади. Булар;

1) мактабдаги таълим - тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;

2) фуқаролик тарбияси жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ;

3) тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига еришиш;

4) оила мактаб ва маҳаллаларда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлиликнинг юзага келиши фуқаролик тарбияси муваффақиятини таъминлайди;

5) ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, умумий тартибга риоя қилишга ўргатиш.

Фуқаролик тарбиясини ташкил етишда суҳбат, мунозара, маъруза, бахслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларига жавоб олиш кабилар юксак натижага олиб келади.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга ега. Бунда боланинг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадга диагностика (ташхис қўйиш), статистик, қиёсий таҳлилини ўтказиш лозим.

Ижтимоий – фуқаролик тарбиясининг ташкил етилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён ета олиши лозим:

- фуқаролик бурчини бажара олиши (ўз ватани, халқи, ота-онаси олдидаги қарзни ҳис ета олиши) қобилиятига егалик;

- миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусига ега бўлиш;

- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамлакат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадҳия) га нисбатан ҳурматда бўлиш;

- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллик;

- ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ва итоатда бўлиш;

- мамлакат миллий бойликлари;

- миллий давлат - тили, маданияти ва анъаналарига нисбатан еҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;

- ижтимоий фаоллик;

- демократик тамойилларга амал қилиш;

- табиатга нисбатан еҳтиёткорона ва маъсулиятли муносабатда бўлиши; фуқароларни ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятга ега бўлиш;

- тўғрисиўз, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;

- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;

- байналминаллик, ўзга мамлакатлар, халқларга нисбатан ҳурматда бўлиш ва бошқалар.

## **ХВ боб. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ**

### **Ахлоқ ҳақида тушунча**

Ахлоқий тарбия нима ва у ўз олдида қандай мақсадни қўйди?

Ахлоқ биринчидан, ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб қоида бўлиб, бу тартиб қоидаларининг хатти-ҳаракатини тартибга

солиш вазифасини бажаради. («Философия», «Ўзб», 76. 45-бет). Жумладан, ахлоқ, адолат, саховат, халоват, халоллик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. У бизнинг кундалик ишларимизга ва онгимизга актив таъсир кўрсатиб, жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, зулм, адолат билан адолацизлик ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман етилмайдиган ва ман етиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белгилаб беради.

Иккинчидан, ахлоқ ижтимоий фикр, онг билан жамиятда белгилаб кўйилган одамларнинг хулқ атвор қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, мажбуриятларни белгилаб беради. Ахлоқ одамларни жамиятдаги ахлоқий йетук, йетук хулқ атворининг намунаси бўлиб ҳизмат қилади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил етилишини таъминлайди. Ахлоқ меъёрлари хулқ атворнинг бошқарувчиси сифатида одоб меъёрларига яқин туради. Ҳуқуқга зид хатти-ҳаракат ахлоқсиз ҳаракат деб қаралади. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради.

Учинчидан, ахлоқ фалсафий категория бўлиб, ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, халоллик, олийжаноблик, меҳнацеварлик, хушёрлик, одоблилик, инсонпарварлик, коллективизм сингари фазилатларни шакллантиради.

Тўртинчидан, ахлоқ, ижтимоий қатламнинг, халқнинг маънавий қиёфаси, ғояси, руҳиятининг характерли хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ахлоқнинг энг асосий вазифаси фуқароликни шакллантиришдан иборатдир. «Энг муҳими,-деб ёзган еди В.А.Сухомленский фуқароликни тарбиялашдир, чунки бу бутун тарбиявий ишларнинг мағзи, ўзаги ҳисобланади».

Ҳар бир жамият ўз фуқаролари олдига маълум талаблар тизимини кўяди. Бу аввало, инсоннинг ахлоқий фазилатларига, унинг хулқига кўйилган талаблардир. Кишилар меҳнат ва муомала жараёнида бир-бирлари билан турли туман муносабатда бўладилар. Бу муносабат жамият ва ҳар бир фуқаро олдига қуйидаги талабларни таърифлаб берадиган қонунлар, қоидалар билан тартибга солиб турилади. Бу мажбуриятлар ахлоқ талабларига кўра белгиланади. Бу талабларда ҳар бир катта ёшли кишининг, умуман, жамиятга, атрофдаги кишиларга, ўз оиласига муносабати белгиланади, инсон ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга, давлат мулкани еҳтиёт қилишга, ўз оиласининг меҳнатга лаёқатиз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашга, белгиланган ёши етган фарзандни мактабга юборишга ва шу кабиларга мажбурлиги таъкидланади. Жамият томонидан белгиланадиган талаблар шахс хулқини баҳолаш учун низом бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ шахснинг хулқидаги айрим ҳаракат ва одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ахлоқ ижтимоий тараққиётнинг натижасидир. У синфий ҳарактерга ега. У янги ижтимоий муносабатлар бўлиб, ватанга, халққа содиқдир.

### **Ахлоқий тарбиянинг вазифаси**

Ўзбек мактабида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш, садоқатга асосланган енг инсонпарвар, адолатли ва олийжаноб, ахлоқининг ижобий томони тобора тўлароқ номоён бўлади. Бизнинг ахлоқимиз умуминсоний, маънавий бойликларни ҳам, кишиларнинг ахлоқий меъёрлари ва улар ўртасида эксплуатацияга қарши, озодлик ва ижтимоий тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оммаси яратган муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

-Жамоатчилик ахлоқи. Унинг асосий тамойили. “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун”, деган ғоядан иборатдир. У худбинлик, ўзини ва ўз манфаатини кўзлашни рад этади, умумхалқ жамоа ва шахсий манфаатларни ўзида уйғунлаштиради.

-Инсонпарварлик ахлоқи. У меҳнаткаш инсонни улуғлайди. У кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатни ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини, шахсий ва ижтимоий ҳаётда ҳайрихоҳлик, ҳалоллик, софдиллик ва камтарликни қарор топтиради.

-Фаол таъсирчан ахлоқ. У инсонни янги меҳнат ва ижодий зафарларга, тадбиркорликка, жамоа ва бутун мамлакат ҳаётида сидқидилдан иштирок этишга, янги турмуш тарзига зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқишга, миллий истиқлол мафкураси учун қатъият билан курашишга ундайди.

### **Ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш**

Ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат, жаҳонда биринчи давлатнинг тарихий ғалабаларидан фахрланиш туйғуларини байналминаллик-қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан тараққиёт ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар билан бирдамлик туйғулари ўйғун намоён бўлиши борасида бундан буён ҳам тинмай иш олиб бораверади.

Бизнинг давлатимиз ҳар бир кишисига барча миллатлар ва елатларни бирлаштирувчи дўстлик ва қардошлик туйғуси, миллатлараро юксак алоқа маданияти сингдирилишидан, миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик кўринишларига, турмушга, янгиланишга ҳалақит бераётган урф-одатлар ва феъл-атворларга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғулари сингдирилишидан манфаатдордирлар.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ватанни ҳимоя қилишга, унинг учун бутун ўзининг куч ғайратини, агар лозим бўлса, ҳаётини ҳам бағишлашга шайлик туйғусини ҳосил қилиш ғоявий тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, мактабнинг ахлоқий тарбия соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

1. Ёш авлодни мунтазам суратда жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрларга риоя қилишга ўргатиб бориш;



2. Болаларнинг хулқида ижобий ахлоқий одатларни шакллантириш, унинг ахлоқий тажрибалар асосида тарбиялаш;
3. Ўқувчиларни ахлоқ тамойилларини егаллаб олиш ва уларга амал қилишга сафарбар қилиш;
4. Мустақил юртимизни ҳар томонлама камол топган курувчиларини вояга етказиш.

Ҳар бир жамият ўзининг ахлоқий меъёрлар ва талаблар тизимиغا ега бўлади.

Жамиятимиз шахсининг она ватанга содиқ бўлиш ва унинг душманларига нисбатан мурасасизлик, текинхўрликка сира тоқат қилмаслик, меҳнацеварлик ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча бирдамлик сингари сифатларини ҳамма нарсадан юқори қилиб қўяди. Ўқувчиларда ватанга муҳаббат хислари, халққа хизмат қилиш, мустақил ғалабаларни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, меҳнаткашларни бахт-саодати учун кураш туйғуси ўстирилади.

Ўқитиш ўқувчиларни ахлоқий мукаммаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. У яна амалий фаолият билан боғлаб олиб борилади.

Шахсининг жамият ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқида муносабатларини кўриб чиқамиз:

- Жамиятга, ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш. Бу хилдаги муносабатлар шахсининг ватанпарварлиги, фуқаровий йетуклиги, байналминаллик фазилатларида акс этади. Унинг мақсадларида ватан бойликларини кўпайтириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ишларда намоён бўлади.

Ватанпарварлик ва байналминаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутади. Диний адабиётларда “Ватанни севмоқ иймондандир”,- деб бежиз айтилмаган. Тарбиячи ва ўқитувчи болаларда ватанга муҳаббат, фахрланиш, халқ ва мамлакат ютуқларидан қувониш, унинг душманларига нафрат туйғуларини тарбиялайди. Ватан равнақи йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга тайёрлайди. Шахсининг ижтимоий фаоллиги ортади.

Байналминаллик ахлоқ тамойили сифатида ватанпарварликни бойитади, ўз миллий қобиғига ўралиб қолишга йўл бермайди. Барча халқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашади.

Демак, ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади.

Ахлоқ фалсафий тушунчадир. У ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, ҳалоллик олийжаноблик, меҳнацеварлик хушёрлик, одоблилик, инсонпарварлик, жамоатчилик, қаҳрамонлик, дўстга садоқатлилик, саховатлик, интизомлик, диёнатлик, ҳудожўй фазилатларни шакллантиради.

Ахлоқ миллатнинг ижтимоий қатламининг маънавий, миллий, мафкуравий ва рухий хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши муносабати билан ахлоқ масалаларига янгича ёндашиш бошланди. Ахлоқий тарбияда ҳам миллийликка ётибор кучайди. Ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий кадриятлари, ўтмиш анъаналаридан фойдаланиш, ўзбекона урф-одатларнинг устиворлигига амал қилиш кун тартибига қуйилди.

Дарҳақиқат, ахлоқий тарбияда миллий кадриятлар ва анъаналар, дин педагогикаси муҳим ўрин тутди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, совет даврида ана шуларга ётибор берилмас еди. Хатто, “дин халқ учун афюндир” шиори остида дин ва диндорларга олиб борилади. Мактаб диндан ажратилди. Ҳозир еса, аҳвол бутунлай бошқача. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўп фикрлик, виждон еркинлиги берилди. Диннинг халқимиз маънавиятига рухиятига, тарбиясига ҳаётбахш таъсирини халқимиз кўрмоқда. Биргина мисол - Муҳаммад пайғамбарнинг сўзи Ҳадисда шундай дейилади: “кишиларнинг яхшиси, халқа фойдалироғидир”. Ёки, “Мўминларнинг афзали гўзал хулқли кишилардир”. Бу кишиларни езгуликка чақирувчи насихатнинг қандай зарари бор. Ҳеч қандай. Ислон динининг муқаддас китоби – қуръони Карим ва Ҳадис башариятга яхшилик йўлини кўрсатади. Шарқ педагогикаси, халқ педагогикаси ана шу китобларга асосланган. Ахлоқий тарбияда диний адабиётлардан ўринли фойдаланиш лозим.

Ахлоқ ва фуқаро йетуклиги бу ғоявийликнинг, ижтимоий фаолликнинг негизидир. Ҳозир мустақил Республикамиз фуқароларини шакллантириш, уларни ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига муросасизлигини кучайтириш, жамият ва давлат манфаатларига ғамхўрлигини ошириш, Республикамизнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида фаоллигини ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси Республикамиз Президенти томонидан олға сурилган истиқлол ва тараққиёт беш йўлини амалга ошириш учун курашиш даркор.

### **Мактабда ахлоқий тарбияни амалга ошириш йўллари**

Мактабда болаларни ахлоқли тарбиялаш, дарс жараёни, синф ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади.

Ўқувчиларга билим, (тасаввурлар, хиссий, образли билимлар, ахборот, оғзаки маълумот, тушунча, умумлашган билим) малака ва одатларини берилади.

Болаларга одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча берилади. Улар ахлоқий тушунчаларни бадий ва илмий адабиётдан, ҳаётдан, кинофильм ва спектакллардан олади. Ўқувчиларни ўз хулқини ахлоқий жиҳатдан баҳолашни биринчи сифатдан бошлаб ўргатиб бориш керак, уларни меҳнатни севиш, мулкни еҳтиёт қилиш, ҳурмат, ростгўйлик, софдиллик, виждон, камтарлик маъноларини тушиниб олсин. Бунинг учун “мардлик ва кўрқоқлик, мардлик ва олифталик, коллектив нима, бахтни қандай тушинасиз, инсонни гўзаллиги нимада” юқори синф ўқувчилари билан

“маънавий йетук киши, инсоннинг кадр-қиммати, ахлоқ ва шахс еркинлиги” мавзуларида суҳбат ўтказиш маъқул.

Ўқувчиларнинг онглилик даражасини, ўстириш ўзини-ўзи баҳоласин, ўқишда меҳнатда, ҳаётда мувофакқиятга еришиш ўзига боғлиқлигини тушинтирилсин.

Хафтанинг охирида “Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?”, “Ўзимни жазолашим керакми ёки мукофатлашим?” деган саволга жавоб ёзишни тавсия қилиш керак. У тарбиявий соатда ёки индивидуал суҳбатда таҳлил етилади.

Ўқувчиларни ахлоқ руҳида тарбиялаш уларда еркин фикрлилик хислатларини таркиб топтиради.

Улар мақсадга интилувчанлик, ўқиш ва ишда матонатлилик, қатъият ташаббускорлик, уюшқоклик, кийинчиликдан қўрқмаслик.

Мактаб ахлоқий тарбия беришда хилма хил методлар қўлланилади.

Жумладан:

Биринчидан, мактабдаги ўқиш жараёни юксак даражада уюштирилиши керак, буюк немис педогоги А.В. Дистервег кўрсатганидек, яхши ўқитиш билангина ўқитувчи ўқувчини яхши тарбиялайди ҳам. Баъзан ахлоқий таъсир воситалари кам кўрсатилади, ҳуқуқ учун баҳони пасайтирадилар. Одобсизлик қилишади.

Иккинчидан, ахлоқий тарбия жараёнининг мувоффаққиятли ўқувчилари ва ўқитувчилар жамоанинг савиясига боғлиқ. Жамоа ахлоқли бўлса, аҳл бўлса, болалар интизомли бўлади.

Учинчидан, тарбиявий ишларни режали бўлиши ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг мувоффаққиятини таъминлайди. А.С. Маккаренко 10 та юқори малакали, ўз холича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал, - дейди.

Тўртинчидан, мактабда ижобий, эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир етади.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий тартиб, ҳаёт режимида риоя қилишга еришиш.

Ахлоқий тарбияда онгли, ахлоқий тушунчаларни шакллантиришда суҳбат, мунозара, лексия каби методлардан, ахлоқий одатни шакллантиришда еса машқ, болаларни турли фаолиятини юритиш методларидан фойдаланилади.

Ахлоқий тарбияда унинг натижасини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга ега. Тадбирлар сони емас, сифат белгилайди. Баҳо ҳам тўла емас.

Тарбияланганликни ўлчови ижтимоий активлик, талабларига ижобий муносабат, ўз ҳуқуқини баҳолай олиш, ахлоқий одатлар ва фазилатлар дейилади. Булар ўлчов бўла олмайди. Аслида ижтимоий активлиги, муомала ва алоқалари, манавий йўналиши, ҳақида, барқарор ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги – ўлчов бўла олади. Мактаб ҳаётида ижтимоий-

сиёсий атестацияси ахлоқий тарбияланганликнинг аниқлаш ва баҳолашнинг бир шаклидир. Шахсни тўла ўрганиш – тарбияланганликини аниқлаб беради.

## **ХВИ боб. ЖИНСИЙ ТАРБИЯ**

### **Ўқувчилар жинсий тарбияси**

Жинсий тарбия жуда муҳим ижтимоий, таълим-тарбиявий муаммо бўлиб, маънавий пок, ахлоқий пок ва жинсий бақувват шахсни тарбиялашда асосий ўрин тутади.

У ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятлари, ўз вазифалари ва методлари бор.

#### **Жинсий тарбиянинг вазифалари :**

- Жинсининг биологик, ижтимоий муаммолари, қиз ва ўғил болалар жисмоний ва руҳий камолотининг хусусиятлари тўғрисида илмий тушунчалар бериш.
- Ўғил ва қизнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида тўғри тасаввурлар ҳосил қилиш.
- Йигит ва қизнинг ахлоқий онглари, уларнинг муносабатларидаги олий жаноб фазилатларни пайқаш ва қадрлай олишга ўргатиш.
- Оиланинг моҳиятини, оила аъзоларини ҳуқуқ ва бурчларини тўғри тушунтириш.
- Ёқтириш, кўнгил қўйиш, муҳаббат, дўстлик ва ўртоқлик каби маданий яқинлик туйғуларни тарбиялаш.
- Ўғил ва болаларда юксак ахлоқий ўзаро муносабатларни таркиб топтириш.
- Мактаб ўқувчиларида жинс хусусиятларини, болаларда жасурлик, мардонаворлик, қизларда еса латофатни ўстириш, улар ирода ўз хис-туйғуларини бошқара олиш хусусиятларини тарбиялаш.
- Ёшларни ўз оиласини тузишга руҳан таёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш.
- Инсоний муносабатлардаги салбий, ахлоқсизлик хусусиятларини ҳам кўра олиш ва унга қарши курашчанликни таркиб топтириш.
- Ўқитувчилар тиббиёт ходимлари, ота-оналар, адлия ходимлари, санъат ходимларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Бу ўринда мактаб йетакчилиқ қилади.

Жинсий тарбияда муаллимнинг ахлоқий қиёфаси, шахсий намунаси алоҳида рол ўйнайди. Ишончини сақлаш, зийраклик, оила ва мактабнинг ахиллиги муҳимдир.

Мактаб ўқувчиларининг жинсий ривожланиш хусусиятлари.

Жинсий ривожланиш ички ва ташқи омиллар таъсирида ўтадиган зиддиятли жараён дир.

Болалар ота-онадан мерос бўлиб ўтган, индивидуал табиий хоссалари ички омиллар жумласига киради. Бу белгилар жинс хусусиятларини белгилайди.

Болани қуршаб олган табиий ва ижтимоий ҳудуд ва муайян мақсадни кўзлайдиган жинсий тарбия ташқи омиллар жумласига киради.

Ҳозир боланинг жисмоний ривожланиши тезлашди. Жинсий етилиш ҳам. Бу ижтимоий омиллар (турмуш, овқатланиш, тиббиёт хизмати, техника тарақиёти, оммавий ахборот оқимининг кенгайиши) таъсири.

Чет ел олимларининг маълумотига қараганда жинсий йетилиш ҳозирги шароитда анча ерта бошланиб, ерта тугалланади. Бу жараён қизларда 7-8 ёшдан 14-15 ёшгача, болаларда еса 10-11 ёшдан 15-16 ёшгача кечади. Ўсмир ўз организмида пайдо бўлган янги физиологик ўзгаришларни ва улар келтириб чиқарган шахвоний сезгиларни тушуна олмайди. Улар ўсмирни хаяжонлантиради, унда кўрқиш, уялиш хислари пайдо бўлади. Ўсмир уларни билишни истайди.

Махсус тадқиқотлардан маълумки, жинсий ҳаёт ҳақида дастлабки маълумот болалар ва қизларнинг 16,8 % мактабда, 6,7% оилада қолганларини тасодифий маълумотлардан олади.

Ота-оналар ва ўқитувчилар бунга бефарқ қарайди. Ёшлар илмий асосланган жинсий тарбияга муҳтож. А.С. Маккаренко жинсий тарбия назарияси ва амалиётига катта хисса қўшди. Инсоний ҳулқ-атвор жинсий соҳага боғлиқ деган назарияни фош қилди. Жинсий муҳаббат дўстликни тарбиялаш зарурлигини ўқтирди. Агар бола ахлоқсиз бўлиб ўсса, аёлни чуқур сева олмайди.

### **Жинсий тарбия бериш йўллари ва методлари**

Ўсмирларга жинсий йетилганда емас, ёшлиқдан жинсий тарбия бериш керак. Дастлаб бола оилада олади. Оилавий анъана, ота-она бурчи, ўрни, муносабатлари, болаларга муносабат ва ҳоказолар.

Тарбия методлари: тушунтириш, ҳимоя қилиш, мактаб коллекцияси, суҳбат, мунозара ва ҳ.к. улар дарс жараёни ва синфдан ташқари ишларда берилади.

Ўқув методлари мазмунининг ўзида ҳам мактаб ўқувчиларига жинсий тарбия бериш учун катта имкониятлар мавжуд. Биология дарсларда ўсмирлар ва ҳайвонот дунёсининг эволюцияси билан танишилади, жинсий ва ножинсий кўпайиш масалаларини классификациясини ўрганилади.

Жамиятшуносликда никоҳ, оила, васийликка олиш, оила аъзоларининг ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ҳақидаги Конституциявий қонунларни ўрганилади.

Адабиёт дарсларида оила, ер-хотин муносабати, ота-онани севиш ҳақидаги асарлар ўрганилади.

Тарихда иқтисодий-сиёсий ва фан оламидаги янгиликларни ўрганилади.

Оилавий ҳаёт этикаси ва руҳияти оила ҳақида тўла маълумот беради.

Лекция тематикаси хилма-хил, ғоявий, сиёсий, илмий, сермазмун тушунчалари бўлсин. “Ёшларни маънавий қиёфаси”

“Ўзбекистон ҳаёт тарзи”, мустақил давлат кишиси деган ном юксак жаранглайди.

“Инсон ҳаётида онанинг роли”, “Одам ҳаётида ота роли”, каби суҳбат билан индивидуал тарзда ўтилади. Ёш ва жинсий ҳусусиятлари ҳисобга олинади. Маърузадан фарқи ишончли, самимий, сирдошлик характерида. Мустақил дунёқараш, еътиқод ва гўзал хис туйғу таркиб топтирилади.

Мавзулари: қизлар билан: “Оила ва мактабда қизларнинг ҳуқуқ ва бурчлари”, “қизларнинг ўсиш ва балоғатга етиш ҳусусиятлари”, “қизлар гигиенаси ва ҳаёт режими”, “қизлар номуси ва фаҳри”, “Дўстлик ва муҳаббат тўғрисида”, “қизлик латофати ва қадр-қиммати”.

Ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишига еришиш.

Мунозараларда ҳақиқат юзага келади. Мавзу: “Гўзаллик нима?”, “қандай яшамок керак?”, “Ҳақиқий муҳаббат нима?”, “Бир кўришда севиб қолиш мумкинми?”, “Латофат деганда нимани тушунмоқ керак?”.

Санъат, мусиқа, адабиёт, поэзия асарлари жинсий тарбиялар беришнинг энг самарали воситасидир.

Жинсий тарбия методлари кундалик режимни белгилаш.

- қизлар ва ўғиллар бирга бажарадиган ишларга жалб етиш;
- ҳар бир ўқувчи коллективда ўз ўрнини топиш;
- қизлар ва ўғиллар ўртасида ўзаро ҳурматнинг таркиб топиши;
- Ахлоқий машқлар-сарамжон-саришталик, тартиб-интизом.
- Ўз-ўзини тарбиялаш.

Кузатиш, таҳлил қилиш ва бошқалар.

### **ХВИИ боб. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ**

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига ега. Пайғамбар алайҳисалом вафотларидан кейин ислом оламида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиши жараёни тўхтаган ҳисобланади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида (Суннати набавийя-Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари ва қилган ишлари), кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал етилиб, ҳуқуқий тарбия бериладиган бўлди. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва Суннати набавийя\* асосида шаклланди ва суннатнинг негизини ташкил етувчи ҳадисларни (Ҳадис-пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган гаплари) жамлаб, келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш еҳтиёжи вужудга келди.

Дастлабки уринишлар натижасида Зайд ибн ал-Ҳасаннинг "Мажмаъ ул-фикх", Малик ибн Анаснинг "ал-Муватга" ва Аҳмад ибн Ханбанинг "ал-Муснад" номли ҳадислар тўпламлари вужудга келди. Лекин ушбу ҳадисларнинг муаллифлари мавжуд ҳадисларни саралаб тўплашни ўзларига вазифа қилиб қўймасдан, муайян ҳуқуқий тарбияга жавоб беришга асос бўладиган зарур ҳадисларни тўплаш билан

чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом еттирилди. Улардан бутун Ислом оламида еътироф етиладиган "Олти ишончли тўплам" ("Кутуб ассиҳах ас-ситта") деб юритилладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутди. Булар имом ал-Бухорий ва имом Муслимларнинг "Жамеъ ас-сахих" (ишончли тўплам) ан Насоий, Абу Довуд, ат-Термизий ва Ибн Моҳжаларнинг "Ас-Сунан" номли ҳадислар тўпламларидир.

Буюк ислом олими, фикх Бурҳонуддин ал-Марғиноний (Марғинон-ўрта асрларда араблар Марғилон шаҳрини Шундай аташган). қуръони Карим ва ҳадис илмини мукаммал егаллаб, фикх-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга ега бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасида беқиёс дурдоналар яратган.

Ул зот таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша вақтдага маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур "Ал-ҳидоя" асарини 573 йили (1170 йил милодий) ёзган.

Бу асар оврўпа халқлари тилларида таржима қилиниб, катта қизиқиш билан ўрганилганлигидан унинг кўпгина мамлакатларда ҳуқуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлигига шубҳа йўқ. Жумладан "Ал-Ҳидоя"нинг инглиз тилидан Вишнегорский таржима қилиб, Н.М.Гродаков таҳрири остида 1893-йили Тошкентда рус тилида нашр етилиши фикримизнинг далилидир. "Ал-Ҳидоя" бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир енг йирик асосий манбалардан бўлиб келди.

1917 йилги тўнтаришдан кейин ҳам, то 1930 йилларгача шариат қонун-қоидалари бекор қилиниб, шўро ҳуқуқ тизимини жорий қилунгунга қадар у амалда бўлди.

Ислом ҳуқуқшунослиги асосида иш юритилладиган мусулмон мамлакатларида ҳуқуқий тарбия соҳасида бу асрдан кенг фойдаланилади. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда, ҳуқуқий маданиятимиз тарихини ўрганишда давлатимиз ҳудудида тўла маънода амал қилиб келинган ижтимоий қоидалар, урф-одатлар, уларнинг моҳияти ва шакллари ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб етган даврлар мобайнида ҳаракатда бўлган "Авесто", суғд хужжатлаи мусулмон ҳуқуқининг манбалари, Чингизхон юришлари, ХИИ асрда ёзилган "Ал-Ҳидоя", ХИВ-ХВ асрларга мансуб фатволар мажмуи, Темур тузуклари, ХВ-ХВИ асрлардаги Самарқанд хужжатлари, ХВИ-асрга оид васиқалар тўплами, Темур ва теурийлар, Шайбонихон ҳамда бошқа хонлар ва амирлар томонидан чиқарилган фармонлар, одат ҳуқуқи меъёрлари, Бухоро амири, Хива ва қўқон хонликлари хужжатларини таҳлил қилиш ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда, миллий ғурурни камол топтиришга хизмат қилади.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни забт етишдан октабр инқилобига мустамлакачилик зулмини ўтказишда яхши иш берган ҳужжатлар 1865 йилги "Туркистон вилоятини бошқариши ҳақидаги мувақат Низом", 1867 йилги "Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом", 1886 йилги "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом", Чор Россияси билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги тузилган шартномалар, Туркистон генерал - губернатори томонидан тасдиқланиб, хонлик ва амирлик ҳудудидаги рус фуқароларининг ҳуқуқларини, мулкларини, шахсни ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳуқуқий тарбияга оид ҳужжатларни ўрганиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

### **Ҳуқуқий тарбияни мақсад ва вазифалари**

Ўзбекистон-мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий еътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса шахснинг ҳуқуқлари ва еркинликлари амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан ХИИ чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Ҳуқуқий тарбияда асосий дастур бўлиб хизмат қилади. Бунда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддаларни ўрганишни осонлаштиради. Педагогларни мазкур бўлимдан фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради. Жазо турлари ҳам қайта-қайта муҳокама қилиниши натижасида ўқувчиларнинг онгига мукамал сингиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб келаётир. Мамлакатимизда жуда катта ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ тарғиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ тарғиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб етмоқда.

Республикадаги соғлом вазият, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли ҳуқуқбузарлик холлари тобора камайиб бормоқда. Кишилар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, софдил, ҳақгўй бўлиши, адолацизликка, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиши, қонун меъёрларига ҳурмат назари билан қараш каби хислатлар кўпроқ сингиб бормоқда.



Айни пайтда Республикада маъмурий жавобгарликка сабаб бўлаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари онда-сонда бўлса ҳам, давом етмоқда ва улар барҳам топган емас. Бундай ҳолларга батамом барҳам бериш учун қонун кучидан, ҳуқуқий тарбиянинг таъсир кўрсатиш воситаларидан, кенг жамоатчилик ёрдамидан йетарлича фойдаланилаётгани йўқ. Ҳуқуқ тартиботининг ҳар қандай бузилишларини батамом йўқотиш, қонунчиликни бузиш ҳолларига бефарқ бўлмаслик умумхалқ иши бўлиб, улар ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тарбияни еса боланинг ёшлик чоғидан бошлаш лозим.

Чунки ёшлар бизнинг келажагимиз, давлатимизнинг тез кунлардаги ҳақиқий фуқароларидир. Келажак авлоднинг ҳуқуқий; маънавий камол топиши ҳукуматнинг мунтазам ғамхўрлик қилиши ҳам Шу боисдандир.

Ўқувчиларга юксак фуқаролик ва маънавий сифатларни сингдиришдек бағоят зарур масалани тўғри ва муваффақиятли ҳал қилишда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усулларида, оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарали натижаларини беради.

Ҳар бир педагог таълим билан тарбия бирлигига, таълим бериб тарбиялаш ва тарбиялаб таълим беришга жиддий еътибор бериши лозим.

Хусусан, ўқувчи ва ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқаролик хис-туйғуларини, сифат ва хислатларини таркиб топтиришда таълим ва тарбия бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ва имкониятлари бор. Ана Шу имкониятлардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ўқитувчининг билим, тажриба ва маҳоратига, ижодий ишлаши, изланишига боғлиқдир.

Таълимий ва тарбиявий омил ва воситалар кўп. Шулардан бири давлат рамзларидан дарсларда ва синфдан ташқари машғуллотларда ўринли фойдаланишдир. Ҳозирги кунда мактаб ўқув дастурларида мавжуд бўлган "Миллий истиклол ғояси", "Тарих", ь "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "География" дарсларида ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда давлат рамзларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг йўл ва воситалари**

Давлат рамзидан педагогик мақсадларда фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнида уларнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш, уларнинг ҳулқ атворига чуқур таъсир этади. Ҳозирги вақтда давлат рамзидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ташкил етиш алоҳида муҳим масалалардан бўлиб турибди. Ҳаётга кадам қўювчи ҳар бир ўсмир ўз Республикасининг қомусини билиши,

унга амал қилиши керак. Ўқувчи ва ёшларда Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, герби ва байроғига нисбатан чуқур ҳурматни тарбиялаш ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади. Ҳуқуқий тарбияни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳар бир мактаб, коллеж, лицей ўз ўқувчи ва талабаларига давлат рамзларининг туб моҳиятини очиб кўрсатишлари ва улар ҳақидаги Низомларни пухта ўрганишларини ташкил этишлари зарур. Давлат ҳокимиятининг рамзлари ўзининг моҳияти жиҳатидан ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, муҳим тарбиявий мазмунга эга. Ўзбекистон Давлат герби, байроғи, мадҳияси мамлакатимиздаги барча миллат ва елатлар бирлиги, дўстлиги ва қардошлигининг рамзлари ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, давлат рамзлари жуда бой, сиёсий-маънавий давлат тушунчаларига эгадир.

Уларнинг мазмунлари билан ўқувчи ва ёшларни таништириш педагогик жамоаларнинг муҳим бурчидир. Ўқувчи ва ёшлар ўртасида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида фақат Давлат рамзларидангина фойдаланиб қолмай, балки ўқувчилар ташкилотларининг рамзларини ҳам ўрганишга еътибор бериш керак. Бундай машғулотлар кўпинча синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда амалга оширилади.

Давлат рамзларини ўрганишни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилса, у ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий хис-туйғуларига, ватанпарварлик қарашларига яхши таъсир кўрсатади. Бу борада ўқувчилар билан олиб бориладиган жамоа тарбиявий ишларининг имкониятлари беқиёсдир. Давлат Герби, байроғи, мадҳияси ҳамда ўқувчилар ташкилотлари рамзларининг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий мазмуни ҳақида уюштирилган хилма-хил мунозара ва суҳбатлар, Шубҳасиз, самарали натижа беради. Бундай тадбирлар ўртасида ўқувчиларда фуқаролик сифатларини таркиб топишига ёрдам беради. Давлат рамзлари фақат таъсирчан тарбиявий восита бўлмай, балки таълимий жиҳатдан ҳам муҳим омиллардандир.

Ўқувчилар Давлат герби ва байроғининг тасвири, Давлат мадҳиясининг матни билан танишадилар. Уларда давлат ҳокимияти рамзларига ҳурмат хис-туйғуси қарор топади. Умуман, давлат рамзларини ўрганишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, албатта, ҳисобга олиниши, мавжуд дарслик, усулий қўлланмаларига, қоида ва низомларга тўла амал қилиниши керак. Давлат герби ва мадҳияси, Ўзбекистон Республикаси қомуси ҳамда ўқувчилар ташкилотларининг рамзлари билан олиб бориладиган педагогик ишлари самарадорлиги ҳуқуқий тарбияга бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Ҳуқумат қарорларида мактаблар, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялашга даъват этилганлар. Ўзбекистон фуқароси ўз ватанини севиши, халқига чексиз садоқатли бўлиши, Ўзбекистон

Республикасининг қонун ва қоидаларини, рамзларини яхши билиши ва уларга чуқур хурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Ўқувчи ва талабаларда ана шу хис-туйғуларни тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Ахлоқ, одоб қоидаларининг бузилиши, тарбияси "қийин" деб аталувчи ўсмирларга йетарлича педагогик таъсир кўрсатмаслигимиз натижасида келиб чиқади. Ўмирининг бундай ноахлоқий ҳаракати оила, мактабда ҳуқуқий тарбия соҳасида йўл қўйилган камчиликлар билан характерланади. Кўча-кўйдаги муҳит ҳам ўсмирнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Кўпинча одоб меъёридан четга чиққан ўсмирларнинг хулқ-атворини изохлашда, унинг ўтиш даврида бир мунча тез жисмоний ривожланиши ва нерв тизимининг кучли камолоти каби омилларга кам еътибор берилади.

Организмдаги физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ўсмирнинг характерида фаоллик, ташаббускорлик кучаяди. У ўзидаги куч-қудратни жисмоний имкониятлари даражасида ишлатишда баъзан меъёрни унутиб қўяди. Хаддан ташқари бебошлик, тарбиявий таъсирнинг йетарли эмаслиги интизом ва жамоат тартибини бузишга сабаб бўлади, безорилик, шумлик ва шунга ўхшаш кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Ўсмирлар, одатда, турли туман ижобий ва салбий таъсирларга тез берилувчан бўлишади, сезгирлик ва таъсирчанлик улар характерининг шаклланишига ёрдам беради. Бу ёшда пайдо бўлган таассурот узок вақт унинг ҳаёт йўлини белгилаши мумкин. Ўсмирлар кўпинча ўз шахсий идеалини излашда ва унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Бу идеал ўзлари билган таниган одам ёки адабий қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади.

Ўсмирларда ўзига ортиқча баҳо бериш кучли бўлади, Улар ўзларини тутиш, муомала, хатти-ҳаракатларида катталардек бўлишга интилишади. Катталарни уларнинг "мустақиллигини" чеклаб қўйишга қаратилган ҳар қандай уринишларига нисбатан жуда сезгир бўладилар. Одатда 14-15 ёшларда ирода шакллана бошлайди. Бундай ёшда ўсмирлар ўзларини маълум даражада шаклланган шахс сифатида англаб, кучли иродали шахсларни намуна қилиб олиб, ўзларида уларни фазилатларини ривожлантиришга интилишади.

Шахсининг мавжуд бўлиши, ривожланиши ва ўзини кўрсата билишининг асосий белгиси муомала ҳисобланади. Тарбиявий ишлар оқсаб қолган мактабларда ўсмирга кўча-кўйдаги гуруҳларнинг тасири сезиларли из қолдира бошлайди.

Кўчадаги муомалани бошқариш анча мушкулдир. У кўпинча сохта ўртоқчилик ва юзаки "қаҳрамонлик" шакллари олиши мумкин.

Ўсмирларда ўйинқароқлик майли кучли бўлади. Ҳаётнинг ўзи улар учун ўйиндек туюлади. Улар учун ўйин қоидалари хулқ-атвор андозаси бўлиб қолади ва уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Ўсмирлар ўз хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олиш меъёрини

унутиб кўядилар. Бунинг оқибатида безорилик, бебошлик, ҳайвонларга азоб бериш сингари қилиқлар унинг учун оддий ҳолат бўлиб қолади ва уларда бераҳмлиқ, бировнинг бошига тушган кулфатга бефарқ қараш, лоқайдлик ҳусусиятлари пайдо бўлади. Шахснинг вояга йетиши ғоят мураккаб давр ҳисобланади. Бу жараён қийинчилик билан кечади. Кўникиб қолган айрим одатлардан воз кйечишга тўғри келади.

Оиладаги ва мактабдаги назоратнинг бўшлиғи натижасида ҳуқуқий тарбия ҳам сусаяди. Шу даврда ўсмирнинг янгича ҳаёт шароитларга кўникишига кўз-қулоқ бўлиб турилмаса, ҳуқуқий тарбиядан четга чиқиш хавфи келиб чиқади. Ҳуқуқий тарбиянинг йетарли даражада шаклланмаганлиги, болада маъсулият туйғусининг йетарлича ривожланмаганлигида, оилага ва жамиятга нисбатан ўз бурчини билмаслик ёки тан олмаслик каби уринишларида кўринади.

Баъзи оилаларда ўсмирни арзанда қилиб ўстириш, кўлини совуқ сувга урдирмаслик каби одатлар вазиятга танқидий баҳо бера олмасликка олиб келади.

Одатда ўн олти ёшга тўлган шахслар жинойий жавобгарликка тортиладилар. Бу ёшда ўсмирлар содир етилган жиноятнинг хавфлилик даражасини англаб йетган бўладилар ва содир етилган жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин эканлигини билладилар. Бироқ таъқиқланган ва жамият учун хавфли жиноятларни содир етганлик учун жинойий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошлаб белгиланган қасддан ёки еҳтиёцизликдан одам ўлдириш, баданга қасддан тан жароҳат етказиб, киши соғлиғига зарар етказиш, номусига тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ ашаддий безорилик, давлат мулкани ёки фуқароларнинг шахсий мулкларини қасддан нобуд қилиш ёки зарар йетказиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиқиши, ашаддий безорилик, ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар ёки портловчи моддаларни, поездни ҳалокатга олиб келиши каби жиноятлари учун ўн тўрт ёшдан жинойий жавобгарликка тортиладилар.

Ахлоқи бузилган ўқувчилар билан дастлабки ишлар, аввало-халқ таълими бўлимлари, жамоалари томонидан олиб борилади. Бунда ўзлари оталиққа олган нотинч оилаларга имкониятлари даражасида ёрдам бериш кўзда тутилади. Умумий мажбурий таълимга жалб қилиш, куни узайтирилган гуруппаларга жойлаштириш, оталиқа олишга тайинлаш, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида суҳбатлар ўтказиш, нотинч оилаларни йиғилишларда муҳокама қилиш, ота-оналар бурчининг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни судларига жўнатиш каби чоралар жиноятни олдини олиш тадбирларига киради.

Тажриба вояга йетмаганлар ўртасида ҳуқуқ тарбиясини олиб боришда оилавий ахборотни барча воситаларидан (матбуот, радио телевиденийе) ягона режа бўйича фойдланиши зарурлигини

кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси мактабда ҳам ягона режа асосида олиб борилмоғи учун педагоглар ота-оналар учун ҳуқуқий мавзули тарғиботлар, савол-жавоб кечаларини ташкил этиш, тарбия усуллари ва болаларни кузатиб бориш ҳақида ота-оналар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказишни ҳозирги кун талаблари даражасига кўтаришлари керак. Ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғибот қилиш ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кўтарибгина қолмасдан, балки уларни мактабдан ташқаридаги ҳулқнинг яхшиланишига ёрдам беради. Халқимиз ўз-ўзини англаб бораётган ҳозирги даврда мактаб ўқувчиларининг мактабдан ташқаридаги ҳулқига таъсир этиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, болалар ташкилотлари фаолиятида қатъий бир мақсадга қаратилганлик ошди, дам олишни ташкил этиш яхшиланди.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг янги шакллари қўллана бошланди. ЁОшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш ва содир этиладиган ҳуқуқуўзарликни олдини олиш борасидаги педагогик фаолиятини янада кучайтириш учун фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Умумий таълим мактабларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қиладиган хоналар ташкил қилишга алоҳида аҳамият бериш;

2. Барча мактабларнинг суд, прокуратура, адвокатура, биринчи навбатда еса вояга йетмаганлар инспекцияси ва вояга йетмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар билан алоқаси мустаҳкамланиши керак;

3. Доимий равишда яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш.

Тўпланган билимлардан, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, давлатимиз қонунлари ва қоидаларига мунтазам риоя қилиш кўникмаларини синдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

### **ХВИИИ боб. ЕСТЕТИК ТАРБИЯ**

Ҳар бир оила ўз болаларининг тарбияли, нафосатли, ақлли, бақувват ва мард бўлишини истайди. Тарбия санъатининг шундай хусусияти борки, кўп кишилар уни ўзларига таниш ва тушунарли бир иш деб баъзи бировлар ҳатто йенгил иш деб ҳисоблайдилар. Естетик тарбия анна шундай осонроқ ишга ўхшайди. Аслида, естетик руҳда тарбиялаш, инсоннинг бутун қиёфасига – унинг хис – туйғуларига, иродасига самарали таъсир қилади. Илмий дунёқарашни маънавий қиёфасини шакллантиради, ҳаётни билиб бориш имкониятини туғдиради. Естетик руҳда тарбиялаш ғоят мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, нафосатни тушинибгина қолмай, балки уни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодни камолга етказиш мақсадни ҳам кўзда тутаяди.

Бизнинг мамлакатимизда болаларни естетик руҳда тарбиялашга керакли ҳамма шарт-шароитлар мавжуддир. Музей ва театрлар, кутубхона ва клублар, кинотеатр ва галериялари, такрорланмас ўтмиш обидалари, хуллас бутун ҳаёт тарзимиз ҳақиқатан ҳам - баркамол авлоднинг естетик руҳда тарбиялаш ва камол топтиришга ёрдам берадиган асосий воситалардир.

Ўзбекистонда демократик қоидалар асосида ривожланаётган халқ таълими, ўқувчиларга бадиий таълим ва естетик тарбия беришни, гўзалликни ҳис қилишни тарбиялаш, юксак естетик дид, санъат асарлари, тарих, меъморчилик ёдгорликлари, жонажон табиат ва бойлигини тушуниш ҳамда кадрлай билишга ўргатишни назарда тутлади. Шу билан бир қаторда ёш авлоднинг ватанисини ва жаҳон бадиий маданиятининг энг яхши намуналаридан завқ олиб, естетик тарбиялашни амалга ошириши зарур.

Естетик завқланиш кишида меҳнат илҳомини янада жўш урдиради, инсонни улуғлайди ва унинг турмуш шароитини безайди. Умуман естетик тарбия ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш вазифаларига қаратилган бўлиши лозим.

### **Естетик тарбиянинг моҳияти**

Естетик тарбия - ўқувчиларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир. Тарбия назариясида икки хил тушунча мавжуд: естетика ва бадиий тарбия тушунчалари.

Естетик тарбия анча кенг маънога ега бўлиб, табиат ва жамият, меҳнатдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга, шунингдек естетик фаолиятга, воқеликни гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қодир шахсни тарбиялашга қаратилгандир.

Естетик ривожлантириш- бу шахснинг естетик онги, муносабатлари ва естетик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда такомиллашувидан иборат узок давом этадиган жараёндир. Бу жараён ёш ва ижтимоий омилар билан белгиланадиган турли даражаларига егадир. У шахснинг жамият естетик маданиятини егаллаб олишга боғлиқ бўлиб, турли йўллар ва шакллар ёрдамида амалга оширилади.

У жамият естетик маданиятини турли маънавий ва моддий кўринишларда тушуниб олишни таъминлайди.

Жамият ва айрим шахснинг естетик маданияти тушунчалари мавжуд.

Жамиятнинг естетик маданияти деганда инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи тушунилади. Ўқувчи шахсининг естетик маданияти унинг маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахс естетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари естетик онг, еҳтиёжлар, муносабатлар ва естетик фаолиятлардир.

Естетик онг, естетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, естетик идеални қамраб олади.

Естетик еҳтиёжлар ва муносабатлар еса, енг аввало шахснинг естетик кизиқишлари, диди, естетик хиссиётларида ифодаланади.

Естетик фаолият кўникма, малака, ижодий қобилиятлар мавжудлиги билан тасвирланади.

Естетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоялар, назариялар, қарашлар, бадий таълим ва тарбия натижасида шаклланади, естетик онгнинг асосини естетик идрок ташкил қилади.

Естетик идрок бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг естетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс еттириш, идрок етилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган хиссий ва ақлий нарсаларнинг ўзаро алоқаси билан ифодаланадиган естетик мезонлар билан қиёслаш жараёнидир.

Естетик идрок гўзаллик билан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан изоҳланади. Тўлақонли естетик идрок естетик тушунчалар ва естетик мулоҳазаларни шакллантириш билан биргаликда содир бўлади.

Естетик мулоҳаза-шахснинг аниқ бир естетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг естетик мулоҳазаси чуқурлиги, такомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажралиб туради. Естетик мулоҳаза даражаси шахснинг хулқ атвори ва билим савиясига, естетик тажрибасига боғлиқдир.

Естетик баҳо деганда бу шахснинг муайян ҳодиса ёки образга инсоният бутун тарихий ривожланиши жараёнида ҳосил қилган ва естетик мулоҳазаларида ифодаланган естетик қоидалар, ғоялар билан қиёслаш асосида баҳо бериш тушунилади. Естетик баҳо теварак-атроф, воқеа-ҳодисаларга, санъат асарларидаги гўзаллик ёки кабиҳлик, дахшатлилик ёки ҳазил -мутойбага мойиллик, ҳазилкашлик каби категорияларга таяниб, уларнинг естетик қиммати образли акс еттиришнинг чуқурлиги ва яхлитлиги, муаллиф ижодий усулининг ёрқинлиги ва ифодали эканлиги ҳақидаги фикрларни қамраб олади. Естетик баҳо беришда шахснинг ижтимоий яшаш тузуми, ижтимоий келиб чиқиши яқол кўзга ташланади, чунки гўзаллик ва хунуқлик ёки бадбашаралик каби турли ижтимоий тузумда турлича баҳоланиб келинган. Масалан, юқори синфларда адабиёт ўқитувчиси томонидан ўтказилган "баҳс" кечасида ўқувчилар таниқли ёзувчи А.Қодирийнинг асарларини муҳокама қилиб, ёзувчининг роман ёзиш қобилиятини баҳолайдилар. Унда роман ёзишнинг қоидаларига амал қилинганлигини қиёслаш орқали ажратиш кўрсатадилар.

Естетик идеал бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдаги мақсад тарзида идрок етадиган такомиллашган гўзаллик ҳақидаги ижтимоий баҳосининг акс етишидир. Шунга кўра, естетик идеалнинг муҳим белгиси шахснинг дунёқараш хусусиятига кўра аниқланади. Естетик идеал учун естетик маданият ҳодисаси сифатида фақат унинг ўлчови тарзида емас, балки ундовчи тарзидаги ҳам муҳим хусусият бўлиб қолади.

Естетик еҳтиёж деб, шахснинг воқеликни естетик жиҳатдан билиб олишга бадий фаолиятнинг аниқ бир турига ёки унинг хилма-хил турларига ундовчи

субъектив омилларига айтилади. Эстетик еҳтиёжлар эстетик ахборотга еҳтиёжни, гўзаллик ҳақидаги фаннинг ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ билишга, эстетик завқ берган нарсани кўпроқ идрок етишга интилишда беўхшовликка мурасасиз бўлиш ва уни буткул йўқотишга ҳаракат қилишда, аниқ бир санъат асари, унинг муаллифи ҳақидаги янгиликларни билишга интилишда ифодаланади.

Эстетик қизиқиш-шахсни эстетик фаолиятга, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ифодалашда кўринади. Эстетик қизиқишнинг асосий белгилари ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб, тўплаб бориши, уларни такрор-такрор ўқиб, идрок етиши, улар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиш, муайян санъаткор, жанр, юналиш кабиларни афзал кўришда намоён бўлувчи, танлаш хусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Масалан: ўқувчилар ўзларини қизиқтирган санъат устасининг расмларини, асарларини тўплайдилар, қайта-қайта ўқиб чиқадилар.

Ўқувчилар эстетик қизиқишларининг кенглиги, чуқурлиги, барқарор ёки беқарорлиги билан ажралиб турадилар. Бу уларнинг фаоллиги даражаларини ва атроф ҳаётга эстетик ҳамда амалий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчидаги эстетик қизиқиш даражаси педагогик таъсир натижасида юқорига кўтарилиши ёки сусайиши ҳам мумкин. Эстетик қизиқишлар ўқувчида эстетик еҳтиёжни туғилишига сабаб бўлади.

Эстетик дид шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир. Дид ўз табиатига кўра фақат шахсга оид аммо шахс ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлганлиги учун, у эстетик баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳам субъектив, ҳам объектив меъёрларни ўзида бирлаштиради. Эстетик дид объектив эстетик ўлчовдир, гўзаллик ва хунукликка, кўтаринкилик ва тубанликка баҳо беришни субъектив егаллаганликда ифодаланади. Баҳо, буюм ёки ҳодисанинг эстетик моҳиятини егаллаш жараёнига тааллуқли бўлиб, дид еса шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан эстетик муносабат билдириш турида ифодаланади. Эстетик дид эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий нормалар йиғиндиси орқали шаклланади ва шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришда яққол намоён бўлади.

Эстетик туйғу бу шахснинг буюм ёки ҳодисага эстетик баҳо бериш муносабатини субъектив бошдан кечиришдир. Эстетик туйғу ўқувчининг мазкур буюмнинг шакли, ранги ва мазмунидан маънавий лаззатланишда ёки аксинча нафратланишда ифодаланади. эстетик хис-туйғу инсон ақл-заковатига кўра мазмунли, мураккаб, чуқур ва хилма-хил бўлади. Эстетик хис-туйғу, чуқур ва барқарор эстетик қизиқишларни ҳосил қилиши мумкин.

Ўқувчида эстетик идрок, билим, мулоҳазалар, баҳо, идеал, хис-туйғу, қизиқиш, еҳтиёж ва эстетик фаолиятга киришади, эстетик дид бирлиги, уни эстетик фаол бўлишга, ўз фаолиятини намоён қилишга тайёрлайди. У аста-секин теварак-атрофни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга, гўзаллик яратишга ҳаракат қилади, чунки инсон гўзалликни нафақат мушоҳада етади,



балки уни яратади ҳам. Естетик жиҳатдан тарбияланган одам ҳаётни гўзал қилишга интилади, естетик томондан фаол бўлади. Унинг естетик фаоллиги ҳаётда гўзаллик яратишда егалланган естетик кўникмаларида: чиройли, бежирим кийинишда, маданий муомаласида, ўзини тута билишида, оила ва ишда естетик муҳитни яратишда намоён бўлади.

"Естетик тарбия" билан бир қаторда "бадий тарбия тушунчаси" ҳам мавжуд.

Бадий тарбия деб шахсни санъат воситалари ёрдамида яъни санъат асарларининг мазмуни ва шаклини естетик идрок этишни ривожлантиришга, санъатнинг маълум турида қатнашиш ва ижодий фаолият учун зарур бўлган бадий дид, ҳамда қобилиятларни шакллантиришга айтилади. Санъат турли естетик шахсининг барча томонларига хиссий-естетик таъсир етади ва уни бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан таништиради.

Ўқувчиларда воқеликка, естетик муносабат ҳамда бадий дид қандай мазмунда шаклланиши ривожланаётган мустақил Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга ега. Шу туфайли педагоглар ўқувчилар учун Ўзбекистон ҳаётининг муҳим ҳодисаларини акс еттирадиган, уларни ғоявий тарбиялайдиган ҳамда уларга естетик таъсир кўрсатадиган санъат асарларини танлаб олишлари ва болаларнинг естетик фаолиятини жамият тараққиёти, ҳаёти билан боғлашлари лозим.

Ўқувчиларни естетик тарбиялашда изчиллик қоидаси ўқувчининг естетик маданияти, замонавий санъатининг ўтмиш санъати, анъаналар ва естетик тарбиянинг илғор назариялари билан алоқада бўлишини тақозо қилади.

Ўзбек халқи ўтмишдаги бой миллий, маданий меросга, бадий бойликларга, санъатига егадир. Ўқувчиларда унга нисбатан ҳурмат ва еҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳамда тарбия жараёнида уларни бутун бадий ижодиётининг енг илғор томонларининг ўрганишга ундаш зарур.

Ўқув ва ижодий фаолиятнинг бирга кўшиб олиб борилиши у ёки бу ўқувчи вазифасининг ҳал қилиш даражасига кўра турлича бўлиши мумкин: ўқув материали қанчалик кам ўзлаштирилган бўлса, ижодийлик ҳам шунчалик оддий бўлиши ва аксинча ўқув материали қанчалик кўп ва яхши ўзлаштирилган бўлса, унда ижодий фаолиятдан шунчалик кенгроқ фойдаланиш яъни ижод қилиш кенг қиррали бўлиши мумкин. Ўқувчининг естетик ривожлантиришнинг асосий йўли унинг мустақил бадий фаолияти ва ижодкорлигини шакллантиришидир.

### **Естетик тарбия вазифалари**

Педагогикада естетик тарбия вазифаларини белгилашда умумий тарбия мақсадлари ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари алоҳида ҳисобга олинади. Естетик тарбия вазифаларини йўналишига кўра шартли равишда тўрт гуруҳга бирлаштирилади:

1. Ўқувчиларда естетик мойиллик: естетик ҳаяжон, естетик муносабат ва қизиқишни таркиб топтириш, уларда естетик мойиллик атроф-воқелик ва санъат асарларининг естетик образлари йиғиндисининг тўплашни, уларга хиссий

ҳозиржавоб бўлишни ривожлантириш; естетик хис-туйғулар, еҳтиёж, дид ва муносабатларни ривожлантириш киради.

2. Естетик онгни шакллантириш еса естетик онг қирралари(тасаввур ва билимлар ҳажми, естетик мулоҳаза ва баҳолаш)ни таркиб топтиришдан иборатдир.

Естетик онг таркиб топиши орқали ўқувчилар воқелик ва санъатдаги гўзаллик ёки хунуклик, кулгули ёки фожиалиликни тўғри аниқлашнинг хилма-хил мезонларини аниқлаш, яъни буюмларнинг хусусияти ва сифатларини: шакли, ранги, товушлари; ҳиссий аниқлаш: шодлик, қайғу, хафалик, ажабланиш, алам; санъатшунослик мезони яъни айрим мусаввир, бастакорларнинг исмлари ва ҳаёти, фаолиятини билиш; естетик мезон-чиройли, хунук, кулгули, қаҳрамонлик кабиларни ажрата билишрни ўрганадилар. Уларда теварак-атрофга нисбатан тўғри муносабат ва гўзалликни тушуниш шаклланади.

3.Естетик фаолиятга ўргатиш бу гуруҳ вазифаларини амалга оширилиши жараёнида педагог ўқувчиларни фаол естетик ва бадий фаолиятга жалб қилади, уларда естетик ва бадий идрокни ривожлантиради, бадий ижрочилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини шакллантиради, гўзалликни турмушга, табиатга, ўз киёфасига киритиш кўникма ва малакаларини тарбиялайди.

4.Естетик ва бадий- ижодий қобилиятларини ривожлантириш вазифасини бажариш натижасида ўқитувчи ҳар бир болада умумий ва махсус бадий- ижодий қобилиятларининг ривожланишини, ҳиссий ҳозиржавоблик қобилиятини ҳамда ижодий ҳаёлни ривожлантиради.

Естетик тарбия вазифаларини тўла-тўқис бажарилиши ўқувчиларда қатор ижобий сифатларни: ташаббускорлик, ижодкорлик, олдиндан кўра билиш, интилувчанлик, орзу қила билишлик кабиларни шакллантиради.

### **Естетик тарбия мазмуни**

Ўқувчиларда естетик тарбиянинг мазмуни, уларда естетик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳамда, естетик хис-туйғу, қизиқиш, еҳтиёж, баҳо бериш ва дидларини тарбиялашни ўз ичига олади.

Ўқувчиларда гўзаллик ҳақидаги билимлар атроф ҳаёт воқелиги, буюмлар, уларнинг ранг-баранглиги, турларини, ҳамда санъат асарларини естетик ўзлаштириши жараёнида таркиб топади.

Ўқувчилар теварак-атроф, ҳаёт, табиат ва ҳар хил жанрдаги санъат асарлари: графика, ранг-тасвир ҳайкалтарошлик, амалий санъат, мусиқа билан танишиб борадилар ва улар ҳақидаги билимларни ўзлаштириб оладилар.

Гўзаллик ва хунуклик, кўтаринкилик ва тубанлик, фожиалилик ва кулгулиликнинг асосий мезонларини егаллаш, тушуниб йетишлари, естетик малака ва кўникмалардан ҳаётда фойдалана олишга, естетик хис-туйғуларини ифодалашга оид билимларни егаллаган бўлишлари лозим.

Ўқувчилар асосий эстетик тушунча гўзаллик тўғрисидаги билимларни ўзларининг ўраб турган теварак-атрофдаги турмуш ашёлари: кийим-кечак, ўйинчоқлар, оила аъзоларининг ўзаро маданий самимий муносабатлари, саранжом ҳовли, чиройли гулзор, санъат асарлари; мусиқа, ашула, чиройли сурат орқали егаллайдилар.

Гўзаллик тўғрисидаги билим ва тушунчаларидан ўқувчилар ҳатти-ҳаракатларини, кишилар фаолиятини ва табиат ходисаларини баҳолашда фойдаланадилар.

Ўқувчилар ижодий меҳнатнинг турларига кўра гўзаллигини, меҳнат шароити, меҳнат маҳсулини гўзаллигини, меҳнатдаги жасорат романтикаси орқали кўтаринкилик каби мураккаб эстетик санъат асарлари: шеър, ашула, мусиқа асарларининг гўзаллигини билиб оладилар.

Ўқувчилар воқеликдаги ҳажив яъни асарлардаги воқеликка доир кулгули расмларни таҳлил қиладилар. Воқеликдаги ҳажив- бу ўзига хос қоидадан чекиниш, гўзаллик, шакл ва мазмун бирлиги қонунларнинг бузилиши эканлигини; умри тугаётган нарсалар устидан кулиш эстетик идеал, гўзаллик учун курашнинг ўзига хос шакли эканлигини; ҳажив ескилик билан янгилик ўртасидаги зиддиятлар акс еттирилишини; ҳаёт ва санъатда ҳажив кўпгина воситалар ёрдамида (сўз, сурат) ифодаланишини, шунингдек, бадиий фаолият ва санъат, у қайси турда бўлишидан қатъий назар инсон дунёни эстетик ўзлаштирганлигининг олий кўриниши эканлигини билиб олишлари керак.

Педагог ўқувчиларга санъат турлари ҳақидаги билимларни бериш билан бирга уларнинг эстетик ҳиссиётини бир жойга тўплайди, ҳамда мазмунли эстетик мулоҳаза юритишга ўргатади.

Ўқувчилар эстетик тарбия жараёнида эстетик малака ва кўникмалар ҳам егаллашлари лозим. Мусиқа фаолиятига доир ижрочилик, кўшиқ, мусиқавий ҳаракат қилиш, мусиқа асбобларини чалиш кабиларни егаллаб олишлари кўзда тутилади.

Тасвирий санъат асарларини диққат билан кузата билиш, уларнинг мазмуни ва ифода воситаларини, таҳлил қилиш жанрларни бир- биридан фарқлаш малакаларини егаллайдилар.

Мусиқа ва расм дарсларида педагог ўқитувчиларда мустақил изланиш, ижод қилишга доир кўникмаларни ривожлантиради.

### **Эстетик тарбия бериш воситалари**

Эстетик тарбия воситалари – ўқувчиларнинг эстетик тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдаги танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадиий ижоди ҳисобланади. Оила гўзалликнинг биринчи мактаби. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уйнинг жиҳозлари, уларнинг ягона бирлиги, уйғунлиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-сариишталик, мактабнинг безатилиши, мактабдаги ёдгорлик ва аълочилар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болалар эстетикасига таъсир этади. Турмуш эстетикасининг асосини тозалик ва

тартиблилик ташкил этади. Синф хоналарида тозаликни сақланиши, табиат бурчагини ташкил этилиши, ўқувчилар ижодий ишлари кўрғазмаси, аълочилар тахтаси ва бошқалар|ўқувчиларнинг естетик дидларини тарбиялайди. Табиат энг муҳим естетик тарбия воситасидир. Табиат турлича естетик кечинмаларнинг асоси бўлиб, табиатдан таъсирланиш, уни кўра билишга, ешита олиш қобилиятига боғлиқдир. Ўқувчиларнинг табиатга саёҳатлари, туристик юришлари, улар диққатини табиат гўзаллигига қаратиш имконини беради. Ўқувчилар йилнинг тўрт фаслида табиат ўзига хос ранг олишини, ўзгаришини билиб оладилар, табиат ҳодисаларига қизиқиш кучаяди ва табиатни асраб-авайлаш кераклигини чуқурроқ англаб йетишларига ёрдам беради. Ўқувчилар табиатшунослик дарсларида нафақат табиий билимларни ўзлаштирадилар, балки табиатда гўзалликни яратишни, мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштириш, гулзор яратиш, дарахт ўтқозиш ва парвариш қилиш кабилар болалар руҳиятига кучли таъсир этади ва естетик кўникма-малакаларини шакллантиради. Санъат турлари асосий тарбия воситалари бўлиб, санъатнинг хилма-хил кўринишлари ва жанрлари ёрдамида ўқувчиларнинг ранг-тасвир, қалам тасвир ҳақидаги билимлари, ҳайкалтарошликка доир кўникма ва малакалари, ижодий қобилиятлари шакллантирилиб борилади. Расм дарслари тасвирий, амалий, архитектура санъати, ўзбек ва чет ел санъат усталарининг ижодлари, асарлари билан таништиради, ҳамда аслига кўра, хотира ва тасавурлари асосида расм чизиш малакаларини тарбиялайди. Дарсдан ташқари суҳбатлар, кечалар, кўрғазмалар ташкил этиш, музей, расмлар галереясига, санъат ёдгорликлари, рассом ва меъморлар, ҳайкалтарош устахонасига саёҳат амалий санъат тўғарагига қатнашиш, танловлар ўтқозишни ташкил этилиши болалар тарбиясида муҳим воситадир. Естетик тарбия беришда ашула ва мусиқанинг роли бениҳоя каттадир. Мусиқа ва ашула ўқувчиларнинг мусиқавий қобилиятларини, мусиқий хотира, дидини ўстиради, Мусиқадан назарий маълумот берилади, улар ноталар, турли давралардаги мусиқа асбоблари, мусиқашуносларнинг ижоди, оқимлар, жанрлар билан танишадилар. Болалар биргаликда ашула айтишга, рақсга тушишга ўрганадилар. Ўзбек халқ классик мусиқалари, ашулаларини ижро этишга ҳаракат қиладилар.

## **ХИХ боб. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ**

Болаларга мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир.

Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукамал тушунчага ега бўлмоқ даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик,

меҳнацеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир.

Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб келинди. Чунончи, Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин.

Абу Наср ал-Фаробий инсонга яшаш учун жуда кўп нарсалар кераклиги ва уларни вужудга келтириш йўлида бошқа шахсларга мурожаат қилишни еътироф этади. Бу ўринда олим иқтисодий алоқа заруриятини кўрсатиб ўтган еди.

Дарҳақиқат, иқтисодий алоқа ўрнатиш учун одамлар, давлатлар, жамиятлар интеграция йўлида ҳаракат қиладилар. Ҳозирги пайтда бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини Оврўпа амалиёти мисолида кўриб турибмиз. Иқтисодий интеграция давлатларга фақат бойлик келтираяпти. Ал-Фаробий "Бахт-саодатга еришув ҳақида" асарида шундай ёзади: инсон ўз маблағини сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш еса инсонни бебошликка йетаклайди".

Кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирлари мактаб ва оила шароитларида болаларни иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни ҳамкорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига еътибор қаратганлар. Болага иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Ҳар бир киши буғдой, гурунч, меваларни сақлаш йўллари билиши керак. Еҳтиёжни яроқли нарсаларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиши лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигиданок насиҳат йўли билан ўргатади.

Ибн Сино болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга ҳунар ўргатиш лозим деб кўрсатади. Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки ҳунар унга келажакда рўзғор тебратиш учун керак. Бу шундай олиб борилиши керакки, у ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англаши лозим.

Ҳунар егаллаш ёшларни мустақилликка ўргатади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик ҳусусиятларига ега бўлади.

Фарзанд оилада ота-она тажрибалари таъсирида тарбия кўради. Ота-она ҳар қадам, ҳар нафасда болага сабоқ беради:

-Асбобни ишлатгач, дарҳол ўрнига, ёпиқ жойга олиб, қўй. У ёмғир емас, шудринг тегса ҳам занглайди, ўтмаслашиб қолади

-Товонингни тўғри бос, пояфзалнинг пошнаси йейилмасин...

-Сувнинг бир томчиси ҳам азиз. Уни кадрла...

-Ноннинг уволи турмушга, қоғознинг уволи обрўга путур етказди.

Увоқни кўрдингми, кўзингга сурт, қоғоз парчасини четга олиб кўй....

-Рўзгорингда ҳеч бўлмаса, ўтин ёки ун, ёғ ортиб туриши керак.

-Икки киши учун тайёрланаётган маставага икки дона картошка, бир дона пиёз, ярим пиёла гурунч йетади. Ертага ичаверамиз деганинг хато, қолган овқат совийди, қуюлиб қолади, ачийди. Овқатни ҳар куни янгидан ҳозирлаш керак.

Мазмуни оламча бўлган бу ўғитлар ота-оналар томонидан фарзандлар онгига сингдирилаётгани хасислик аломатлари емас, балки турмуш тажрибасининг дурдона хулосаси, тежамкорликка ундашдир. Тежамкорлик тарбиясига ахлоқий тарбиянинг ҳисоб-китоб билан яшашга ўргатадиган муҳим соҳаси саналади.

Ишлаб чиқариш корхонасидами, рўзгордами, табиат бағридами, қайерда бўлмасин, тежалган неъмат катта ижтимоий аҳамиятга ега.

Агар биз ўзимизга берилган ризқу рўзимизни тежамкорлик билан истеъмол қилсак, жамиятимиз бойлигини тежаган бўламиз. Жамият мулкани, бойлигини тежаб борсак, унинг навфи ҳар бир кишига тегиши муқаррар. Демак, жамият мулкани тежаш орқали ўзимиздан ташқари жамиятга маълум даражада фойда келтирган бўламиз. Ҳам шахсий, ҳам ижтимоий мулкни баробар тежаш еса биздаи дунёқарашимиз ва ахлоқимиз, турмуш тарзимиз даражасини намоён этади.

Тежамкорлик жараёни оила ёки давлатнинг моддий қудратини мустаҳкамлашдан ташқари, одамларни турмуш кечириш меъёрига амал қилишни ҳам вужудга келтиради.

Нон, туз, қоғоз, ёқилғи, электр қуввати, газ, нефть, руда, мато, қўйингки, барча неъматлар-азиз. Аммо инсон ўзи яратувчи, ўзи истеъмолчи, ўзи назоратчи бўлганлиги учун ҳам, уларнинг ҳаммасидан арзонроқдир. Шу сабабли, аввало, инсоннинг ўзини унинг умри, кучи, ақл-заковати, истеъдоди, кайфиятини, меҳнатга қобилятини асраш умрининг узайтириш темкорликнинг энг ҳусусиятли томони ҳисобланади.

Вақт- инсон ихтиёридаги бебаҳо хазина. Уни фақат дунёни ўрганиш ва ўзгартиришга, шахсий манфаати ва ел-юрт хизматида, меҳнат самадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга сарф етиш ҳусусияти ҳар бир кишида шаклланиши зарур бўлган улуғвор фазиладир.

Тежамкорлик ҳусусиятлари кишиларда уларнинг мажозий хислатларига мувофиқ равишда шаклланади ва хасислик, пишиқлик, саҳийлик, халоллик тарзида кўзга ташланади.

Хасис кишилар ўз имкониятларини тежашга доимо интиладилар, аммо ўзгаларнинг ва жамият манфаатини ҳимоя қилишга мойил

ўлмайдилар, ундайлар шахсий манфаат, бойлигини кўпайтириш жазаваси билан ёниб, инсоф, мурувват ва одамийликни унутиб яшайдилар. Бундай кишилар сархил мевамиз бозорига, сутимизнинг қаймоғи ҳаридорга, нонимизнинг мазалиси, кўрпа-тўшакнинг янгиси, хонамизнинг чиройлиси меҳмонга, ўзимиз сифақиз неъматларни тозалаб йеб, лаби учган идишлар ишлацак ҳам, яшасак ҳам бўлаверади, деб тушунадилар. Бу билан обрў орттиришга интиладилар. Улар "Топганингдан йетарлисини йеб-ичиб, кий, саломат, тетик, беармон яша», деган ғояга қарши иш тутиб, фаровонлигимизнинг асл мазмунига путур етказадилар: яшаш ва даромад қилишнинг виждонга, тарбияга хилоф усулларини қўллаб, баъзан кўпчиликнинг нафратига дучор бўладилар, ўз хасисликлари, ясама хушомадлари, ёлғон мулозаматлари билан турмуш кечириш, меҳмон кузатиш ва фарзанд тарбиялаш маданиятига доғ туширадилар.

Пишиқлик даромад ва ҳаражатни тўғри режалаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, хўжасизликнинг олдини олиш манбаидир.

Рўзғорда ёки хўжаликда бор нарсани қизғанмаслик, инсон кадрини моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш сахийлик аломатидир. Сахийлик кишиларда камтарлик, содалик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик, самимийлик, меҳмондўстлик, муҳтожни қўллаш, берилган ёрдамни таъна қилмаслик хусусиятлари устун бўлади.

Сахийлик юксак даражадаги инсонпарварликдир. Шу билан бирга сахийлик, тежамкорлик руҳи билан суғорилмоғи керак. Ёшларга даромад ҳажмини белгилаш ва ҳаражатнинг меъёрини барқарорлаштириш, бошқача айтганда, неъмат яратиш ва уни тасарруф етиш режасини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш кўникмаси сингдирилиши даркор.

Қиймати қай даражада бўлишидан қатъий назар, нарсани егасидан сўраб ёки рози қилиб олиш, омонатни еҳтиётлаб ишлатиш ва қайтариш ҳалоллик белгисидир.

Ёшларга нимани, қачон, нима учун ва қай даражада асраш лозимлиги, тежашнинг моҳияти ва усулларини тўғри англаиш тежамкорлик тарбиясининг мақсади ҳисобланади. Бу мақсаднинг тўлақонли амалга ошиши ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарлар, жамоатчиликнинг фаоллигига боғлиқ.

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандини вояга етказиб, уйлаб-жойлагунга қадар, хатто ундан кейин ҳам ўтдан, сувдан, шамол ва офатдан, синиш, чиқиш, заҳарланиш, ғафлат ва ҳаёсизликдан, саёқлик ва беғамликдан, моддий танглик ва жинойт қилишдан, хижолатлик ва ғанимлар назаридан қудрати йетгунча еҳтиётлайди, асрайди.

Демак, тежамкорлик тарбиясининг мазмуни, таъсирчанлиги ва самараси билан болалар дастлаб ўз оилаларида танишадилар. Ота-онанинг ҳал қилувчи роли ана шу танишувдан бошлаб юзага чиқади ва

секин-аста кучая боради. Намуна кўрсатиш, ишонтириш, насихат қилиш, маслаҳат бериш йўли билан фарзандларни тежамкор бўлишга сафарбар этиш, улар фаолиятини доимо назорат қилиб бориш, лозим бўлса, исрофгарчилик қилганлари учун жазолаш ва ота-оналарнинг тарбиялай олиш маҳоратларига боғлиқ.

Тарбиявий таъсир тарбияланувчи шахсида қисқа муддатли, узоқ муддатли, беқарор ёки турғун асорат ҳосил қилиши мумкин. Таъсир қанчалик тўғри, асосли ва кучли бўлса, фарзандларда тежамкорликка мойиллик, ишқибозлик шу қадар мустаҳкам шаклланади.

Ота-оналар ҳовли ва хонадонларни тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакни ямаш, рўзғор асбоблари ва уйдаги жиҳозларни таъмирлаш соҳасида болалар меҳнатини ташкил этадилар. Бунда ота-она юмушларни болаларга уларнинг жисмоний, ақлий, руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда топширишлари керак.

Ишни топшириш билан чекланмай, бола уни қандай бажараётганини назорат қилиб туриш, лозим бўлса, маслаҳат, кўмак бериши, ғайратбахш сўзлар айтиб руҳлантириб туриши мақсадга мувофиқдир. Бола мустақил топшириқни бажариш жараёнида режадаги ишни уддалаш учун сарф етиладиган хом ашё, маблағ, вақт, куч, кайфият, ҳажмини аниқлаш, керакли ускуналарни тайёрлаш, созлаш малакалари такомиллашади.

Матбуот, радио, телевидения хабарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар томонидан берилган тежамкорликка оид маълумотлар, ота-оналар ҳамда кексаларнинг бу тўғридаги маслаҳатлари, танбеҳлари ҳам болада мазкур тушунчанинг кенгайишига ижобий таъсир этади.

Дарҳақиқат, тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфларига ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ.

Мактаб шароитида иқтисодий тарбиянинг хилма-хил вазифалари бир неча фан бўйича дарсларда амалга оширилади. Масалан, табиий фанлар, математика, физика, кимё, биология ўқувчиларга иқтисодий ривожланиш ички кучларга еътибор беришни ўргатадилар.

Ўзбекистон давлатининг моддий ва маънавий ўсиш иқтисодий қонунияти билан ўқувчилар шу табиий фанлар мазмунида танишадилар.

Жамиятшунослик дарсларида болалар халқ фаровонлигини юқори даражага кўтариш учун қандай иқтисодий вазифаларни бажарилиши лозимлигини ўрганадилар.

Кимё, биология дарсларида ўқитувчилар ёшларга минерал ўғитнинг иқтисодий аҳамиятини яққол мисоллар билан кўрсатишади.

Янги технология нима ва у саноатга қандай жорий қилинади.



Фан кашфиётлари қай даражада иқтисодий фойда келтириши мумкин? Шундай саволларга болалар ўқитувчилар ёрдамида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда жавоб топадилар.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдали ташкил етилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билим ва малака оладилар.

Бундай билимлар ўқувчилар келажакда қайси соҳада ишлаш ёки қаерда ўқишлари мумкинлигини мўлжаллашларига имкон беради.

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш билан чамбарчас олиб борилишига еришиш зарур. Иқтисодий тарбия услублари хилма-хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулот, саноат шаҳобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб-китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларни нечоғлик иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатиб борилиши керак.

Тежамкорлик, ижодкорлик, масъулият ҳисси ташаббускорлик, ишбилармонлик, ҳисоб-китоб моҳирлиги ўқувчилар иқтисодий тарбиядан қандай сабоқ олаётганликларини кўрсатувчи муҳим белгилардир.

## **XX боб. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ**

Ўқувчиларни касбга йўналтириш умумтаълим мактаби ишининг таркибий қисмидир. Маълумки, агар касб тўғри танланган бўлса, инсон учун меҳнат қувонч, ижодий илхом манбаига айланади, бу еса инсон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир.

Жамиятнинг интеллектуал, маънавий имкониятлари ривожланган ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг барча бўлғуси мутахассисларини тайёрлаб берувчи мактаб олдида муҳим вазифалар туради.

Жаҳон педагогик ҳамжамияти ишлаб чиқариш ва ўқувчиларни касбга йўналтиришни ўрта умумтаълимни янгилашнинг муҳим омили сифатида тан олди. Таълим масалалари бўйича ЙУНЕСКО халқаро конференциясининг тавсияларида ишлаб чиқариш меҳнати халқ хўжалигининг асосий соҳаларида қўлланадиган асосий илмий қоидаларини тушунишга ёрдам бериши, ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини ҳамоханг камол топтиришга хизмат қилиши, иш шароитида қурилма (станок) ва бошқа жиҳозлар билан ишлаб билимлари, кўникмалари, методларини егаллашларига ёрдам бериши таъкидлаб ўтилган.

Ёшларни касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг алоҳида қобилиятлари ва меҳнат ресурсларини жамият манфаатларига мос тарзда тақсимланишини ҳисобга олиш лозим.

Касбга йўналтириш-ҳар бир шахснинг алоҳида хусусиятларини мамлакат халқ хўжалигининг иқтисодий манфатларидан келиб чиқиб, меҳнат бозорини тўлақонли таъминлаш заруратини ҳисобга олиб еркин ва мустақил касб танлашга тайёрлашга асосланган тизимидир.

Касбга йўналтириш тизими-индивидга касбни ва унинг шахсий сифатларини ўрганишда ёрдам берувчи мақсадлар, моҳият ва қоидалар, услублар ва воситалар бирлигидир.

Касбга йўналтириш барча ўқув тарбия ишлари билан кўникаб олиб борилади. Онгли касб танлаш йетарли даражадаги умумий тайёргарликка ега бўлган тақдирдагина мумкин бўлади.

Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим. Бунинг учун уни кузатиш (бевосита, билвосита) ўқувчининг мактабдаги, жамоат жойларидаги, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатларнинг таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, суҳбат, тест, интервью олиш мумкин.

Касбга йўналтиришда турли касблар, уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қайерда егаллашлари мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериш катта аҳамиятга ега. Бу еса ўқувчиларни аниқ касбни танлашга онгли муносабатда бўлишга тайёрлайди. Ўқувчилар касблар тўғрисидаги маълумотларни-билимларни фақат мактабда емас, балки оммавий ахборот воситаларидан, танишлари, қариндошларидан ҳам оладилар.

Ёшлар ўз олдиларида ҳақиқий, кенг ҳаёт йўли очилиши учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак ва енг асосийси-ўз кўнгилларига ёққан, жамиятга зарур ва фойдали ишни танлашлари лозим.

Шу боисдан ҳам ўрта мактабни битираётган йигит ва қизларнинг кўпчилиги қандай касб егаси бўлиш тўғрисида кўп ўйлайдилар. Мамлакатимизда турли касбларни егаллаш учун барча шароит яратилган. Айниқса, ишчи касбларни ўрганишнинг жуда кенг имкониятлари мавжуд, жумладан, Республикаимизда ишчи кадрлар тайёрлашга жиддий еътибор берилмоқда, касб-ҳунар коллежларида ёшлар турли касбларга ўргатилмоқда.

Ёшларга мактабдаёқ, мазкур режанинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун енг керакли бўлган аниқ ихтисос бўйича касбий таёргарлик бериш лозим.

Касб танлаш-жиддий ва маъсулиятли ишдир. Ўз ҳаёт йўлини жиддий суратда белгилаб олиш-осон иш емас. Бунинг учун узоқ вақт маҳсус тайёргарлик кўриш талаб етилади.

Ўқувчиларнинг бундай тайёргарлик кўришларини таъминлаш, ўқувчиларнинг ўз ҳаёт йўлларини жамият манфаатлари билан шахсий манфаатларини бирга қўйиш асосида тўғри белгилаб олишларига, ўзларининг ҳақиқий истеъдодларини аниқлаб олишларига ва адашмасдан касб танлашларига ёрдам бериш- умумий таълим мактабларининг муҳим вазифасидир.

Ўқувчиларнинг диққатини касб танлаш масаласига жалб қилиш, бу масаланинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш, ўқувчиларни ўз ҳаётий йўлларида танлаш тўғрисида жиддий ва онгли равишда ўйлашга, уларнинг бу йўлдаги мустақил ҳаракатларини рағбатлантириш, уларда касбни тўғри танлашнинг шартлари ҳаётида дастлабки зарурий тасаввур ҳосил қилиш, уларни касб танлашда учрайдиган хатолардан огоҳлантириш ва бу хатоларга йўл қўймаслик учун йўл-йўриқлар кўрсатиш лозим.

Шундан кейин, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги ва қизиқишини аниқлаш ва ҳисобга олган ҳолда бу йўлда олиб бориладиган ишларни белгилаб олиш керак.

Касбларни егаллаш йўллари билан атрофлича таништириш жуда муҳим.

Мактаб тизимида тўғараклар муҳим ўрин тутаяди, фан тўғараклари, электротехника, радиотехника, автомобиль, трактор, пиллачилик, ўсимликшунослик тўғаракларида болалар билимларини кенгайтириш билан, касб танлашга амалий тайёрланади.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш уларнинг мактабдаги кўзда тутилган унумли меҳнати ва ижтимоий фойдали ишларидан ҳам фойдаланиш зарур. Масалан, ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланишлари, кўргазмали қуроллар ясаш, шанбаликлар, ободонлаштириш ишларида меҳнат маданиятини егаллайдилар, маълум касбга йўналишлар ҳосил бўлади.

Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлашда халқ педагогикасида кўрсатилганидек, ўқувчиларнинг уй меҳнатидан фойдаланиш керак. Улар уй ҳайвонларини парвариш қилиш, сабзавот екинларини ўстириш, таом тайёрлаш, техника асбобларини тузатиш каби ишлар ўқувчиларнинг касб тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиради.

Касбга йўналтириш ишида мактаб жамоасининг барча аъзолари иштирок этади. Касбга йўналтиришнинг ҳамма йўналишлари: касби, маълумоти, ўқувчиларнинг интилиш ва қобилиятларини ривожлантириш, касбий консультация, касбга мослашиши бир-бири билан боғлиқдир.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида мактаб касбга йўналтириш кенгаши тузилади. Кенгашнинг асосий вазифаси-педагогик жамоага ва оталиқ корхоналарга ўқувчиларнинг касбга йўналтириш ишини тубдан яхшилаш учун бирлаштириш ва йўллашдан иборат.

Мактаб касбга йўналтириш кенгаши ҳар бир ўқув йили учун мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш таркибига директор, меҳнат таълими ўқитувчилари, врач, кутубхоначи, базавий корхона вакили, жамоатчилик вакили киритилади.

Кенгаш ишига қуйидаги педагогик талаблар қўйилади:

- Касбга йўналтириш ишларини ривожлантиради, турли касб егалари, илғорлар билан учрашувлар ўтказаяди.

- Мактабда касбга йўналтириш ўқув методлари кабинети ташкил этади, уни жиҳозлайди, режасини тасдиқлайди.

- Ота-оналар билан алоқа ўрнатади.

-Ўқувчилар учун касбга йўналтириш бўйича консултациялар уюштиради.

Касбга йўналтиришга оид маъруза ва суҳбатларда; касб мазмуни, ихтисослар аҳамияти, истикболи, ишнинг ташкилий шакллари ва методлари, меҳнат қуроллари, имкониятлар, моддий аҳволи, ўрганиш йўллари ҳақида фикр юритиш лозим.

Ўқувчилар диққатини касб танлаш масалаларига жалб етиш ва уларга касблар ҳақида тушунча бериш учун мактабларда касбга йўналтириш кабинети, бурчак ташкил этади. Унда қуйидагилар бўлиши лозим: адабиётлар рўйхати, справочниклар, касб объектлари, фотосуратлар, расмлар, плакатлар, схемалар, шу мактабни битирган ва ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаол ишлаётган ўқувчилар ҳақида маълумот.

Ўқувчиларни касблар билан таништириш учун касб ва унинг вакиллари ҳақида маълумот берадиган адабиётларни, фан, техника, санъат ишлаб чиқариш кишилари ҳақида ҳикоя ва очерклардан фойдаланиш керак.

Ўқувчиларни касблар билан таништириш мақсадида улар учун турли касб ва ихтисос вакиллари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш лозим.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ота-оналар ҳам манфаатдордирлар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатиш зарур.

Ота-оналарга ўқувчиларни касбга йўналтиришда маслаҳат бериш, консултациялар уюштириш керак.

Ота-оналар ҳам мактабга ёрдам беришлари, мактабда ўз касблари бўйича суҳбат, маъруза, консултация, учраШувлар уюштиришлари мумкин.

Мактабда "Ким бўлсам екан?" клубини ташкил етиш маъқул бўлади.

Мактаб шароитида иқтисодий тарбиянинг хилма-хил вазифалари бир неча фан бўйича дарсларда амалга оширилади. Масалан, табиий фанлар, математика, физика, кимё, биология ўқувчиларга иқтисодий ривожланиш ички кучларга еътибор беришни ўргатадилар.

Ўзбекистон давлатининг моддий ва маънавий ўсиш иқтисодий қонунияти билан ўқувчилар шу табиий фанлар мазмунида танишадилар.

Жамиятшунослик дарсларида болалар халқ фаровонлигини юқори даражага кўтариш учун қандай иқтисодий вазифаларни бажарилиши лозимлигини ўрганадилар.

Кимё, биология дарсларида ўқитувчилар ёшларга минерал ўғитнинг иқтисодий аҳамиятини яққол мисоллар билан кўрсатишади.

Янги технология нима ва у саноатга қандай жорий қилинади.

Фан кашфиётлари қай даражада иқтисодий фойда келтириши мумкин? Шундай саволларга болалар ўқитувчилар ёрдамида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда жавоб топадилар.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билим ва малака оладилар.

Бундай билимлар ўқувчилар келажакда қайси соҳада ишлаш ёки қайерда ўқишлари мумкинлигини мўлжаллашларига имкон беради. Ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш билан чамбарчас олиб борилишига еришиш зарур. Иқтисодий тарбия услублари хилма-хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулот, саноат шахобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб-китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларни нечоғлик иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатиб борилиши керак.

Тежамкорлик, ижодкорлик, маъсулият ҳисси ташаббускорлик, ишбилармонлик, ҳисоб-китоб моҳирлиги ўқувчилар иқтисодий тарбиядан қандай сабоқ олаётганликларини кўрсатувчи муҳим белгилардир.

## **XXI боб. ЕКОЛОГИК ТАРБИЯ**

«Экология» - юнунча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида йер ва йер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим тарбия концепцияси»нинг ишлаб чиқирилиши, «Екосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир.

Айниқса, умумтаълим мактабларида ҳам экологик йўналишдаги синфларнинг ташкил этилиши, бу асосда лицей мактабларининг шаклланиши ёш авлодга мактаб партасиданоқ табиатга муҳаббат руҳида тарбия беришга астойдил киришилганини кўрсатади. Мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар бир ёш, қандай ихтисос егаси

бўлишидан қатъи назар, экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид назарий ва амалий билимларга ега бўлиши керак.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир етиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, ер, сув, энергетика, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё (глобал) муаммоларига айланиб бормоқда. Йер бағридан ҳар йили 120 млрд. тоннадан ортиқ турли хилдаги хом ашё, қурилиш материаллари, ёқилғининг қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Кўпгина зарарли корхоналар, заводларнинг ҳам оқар сувга яқин жойлашганиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётир. Марказий Осиёда яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Йер қуррасида инсоннинг яшаб қолиш-қолмаслиги масаласи энди экологик муаммоларни йечишга боғлиқ бўлиб қолди.

### **Экологик тарбия – тарбия назариясининг янги шакли**

Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичидан педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасида келиб чиқади.

Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади.

Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия еса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодга атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбиялаш жараёнида ёшларни яшаб турган табиатимиз бойликларини тежаб-тергашга, уни муҳофаза қилишга ўргата борилади. Атоқли педагог В.А.Сухомлинский «Болаларга жоним фидо» асарида «Мен болалар «Алифбе» ни очиб, биринчи сўзини хижжалаб ўқишларига қадар аввал дунёдаги энг ажойиб китоб-табиат китобини мутолаа етишларини истардим» деб таъкидлаганидек, бу борадаги барча ишларни боланинг кичиклагиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Экологик тарбияда ўқувчиларни ўз мактабини; яшайдиган муҳити-шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевалли ва манзарали дарахт кўчатлари екиш, хиёбонларни, сув ҳавзаларини озода сақлаш, уй

хайвонларига қараш каби ишларда кучи етганча қатнашишга жалб етиш катта аҳамиятга ега.

Екологик саводхонлик ва маданият, аввало, оиладан бошланади. екологик дуёнқарашни шакллантиришнинг негизи оиладаги тарбияга бевосита боғлиқдир. Агар бу масала оилада тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш қийин бўлади.

Аждодларимиз бола тарбияси масаласига алоҳида еътибор билан қараганлар ва бу борада ибратли анъаналарни вужудга келтирганлар. Болалар гўдаклик чоғлариданоқ ахлоқий ва меҳнат тарбиясини оилада бошлаганлар. Уларда меҳнатга муҳаббат, атроф-муҳитга ҳурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш хисси сабот билан сингдирилган. Масалан, атрофни ифлослантирмаслик учун ахлатларни алоҳида чуқурчаларга ташлаш; хожатхоналарни ариик, сой, булоқ сувларидан узокроқ жойда ковлаш; ёнғин чиқмаслиги чорасини кўриш; турли еҳтиёжлар учун яшнаб турган дарахтда емас, балки кўриб қолганларидан фойдаланиш; ниҳолларни синдириб, пайхон қилмаслик; қушларни уясини бузмаслик каби хатти-ҳаракатлар шакллантирилган. Оила даврасида фарзандларга «Сувга туфлама, уни ифлос қилма, Чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», "Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан", "Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, Чунки унда аҳли мўминнинг насибаси бор" деб панду-насихатлар қилганлар.

Исломдан аввал зардуштийлик динида табиатни, хусусан, сувни ифлос ёки исроф қилган киши 400 даррага маҳкум етилган. Сувга ҳурмат ислом динимизда ҳам сақланиб қолган. Мана шу ҳурмат таъсирида халқда кўплаб мақоллар, ривоятлар, ибратли ҳикоятлар, ертақлар вужудга келган.

Екологик таълим ва тарбиялаш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларда ҳамда меҳнат жамоаларида давом еттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оилаларда екологик саводхонликнинг пастлилиги уқтирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини екинзорларда, боғларда хатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишмоқда. Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги хайвонларига маҳсус подачи сақлаган-ку. Бунинг устига ҳозиргидек хайвонларни дуч келган ерда емас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатган ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт-ўланлар пайхон қилинмаган, қир-адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, хайвонларга зарар келтирилмаган. Маълумки, инсон ақли унинг умумий ривожланишнинг дастлабки 3-4 йилида 50 фоизни, 4-8 йилида 30 фоизини,

8-17 йилда еса 20 фоизни ташқил қилади. Шунинг ҳисобга олиб, экологик таълим-тарбияни; асосан, боғча ва мактабларда амалга ошириш зарур.

Боғча болаларида аввал экологик таълим тушунчалари шакллантирилади. 1-5 синфларда еса, асосан, табиатшунослик дарсларида ўқитувчиларга экологик таълим-тарбия берилади.

Ўлкамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бу бойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ёшларни мактаб партасидан кенг таништириб бориш ўзининг самарасини беради. Бунда экологиядан илмий тушунчалар мактабларда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, табиатшунослик, физика, экология, математика, география, тарих каби фанларни ўқитишда умумлаштирилади. Шу билан бирга факультетив машғулотларда, дарсдан ташқари тўғрақ йиғилишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларининг кундалик фаолиятлари давомида экологик муаммоларни ўргана борадилар.

Фанларни ўқитишда ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга оид бериладиган билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ўқитишда қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда ҳамда танланган экологик материаллар мазмуни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаб олинишига ётибор қилинади.

Ҳозирги замон экологиясининг қонун ва қоидаларини, дастлабки экология маълумотни ҳамда маданиятни шакллантириш 3 йўл билан - дарс машғулотларида, синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда ва экскурсиялар вақтида амалга оширилади. Бунда табиат ўқувчиларга экология ҳақида экология қонуниятлар ва тушунчалар тўғрисида билим берилади.

Экологик тарбия беришга тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оилани ҳамкорлиги;
- Ўз туманини, шаҳарини, қишлоқ ва мактаб ховлисини, кўкаламзорлаштиришда, хатто, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришга қизиқишларини ошириш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарини намуналари;
- Оиладаги, мактабдаги табитани, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ёзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- Табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш;
- Ёшларнинг экология тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга ётиборни кучайтириш;



Болаларда экология хусусидаги тасаввурларни кенгайтиришда тарих фанининг имконияти катта. Бундан беш юз йил, минг йил аввал ўлкамиз табиати қандай бўлмаган, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, унинг экология си-чи каби саволларга тарих фанидан жавоб топиш мумкин.

Мактабда ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилишга доир билим тарбияни география дарсларида ҳар бир мавзуга боғлаб бериб бориш мумкин.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дарсларида жой номларидан фойдаланиш она тили бўйича машғулотларни янада қизиқарли қилади. Она тили дарсларидаги кўплаб машқлар ўқувчиларда табиатга меҳр уйғотишда кўл келади. Машқлардаги сув ва ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот оламига тааллуқли фикрлар ифодаланган матнларни таҳлил қилиш орқали ҳам табиатга меҳр уйғотиш мумкин.

Адабиёт фани ҳам экология билан чамбарчас боғланган. Бунда ҳар бир асарни ўқиб таҳлил қилиш вақтида ва ўқувчига тушунтираётганда фақат безаш нуқтаи назаридан эмас, яъни табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Мана шу усул билан адабиёт дарсларида ҳам ўқувчилар онгига экологик тарбияни сингдириб борилади. Шунингдек, 5-11 синфларда "Табиатни асраш-Ватанни асраш", "Табиатни еъзозлайлик" каби мавзуларда турли бахс ва шеърхонлик кечалари уюштириш орқали ҳам экологик тарбияни амалга ошириш мумкин. Адабиёт фанида ўқитилаётган халқ оғзаки ижоди мисолида еса ўқувчилар аждодларимизнинг экология хатолари нимадан иборатлигини ҳамда бу соҳада уларнинг қандай ибратли ишлари борлигини ўрганадилар. Ўқувчиларга айтиладиган ертақларда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хусусиятлари, уларнинг табиатдаги 3 ўрни очиб берилади. Ўқилган бадий асарлар мисолида, ўтказилган суҳбатларда табиатга яхши муносабатда бўлиш ва тошбағирлик билан қараш далиллари муҳокама қилинади.

Математика фанида бериладиган экологик таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар табиатдаги салбий ва ижобий ўзгаришлар инсон соғлиғига қандай таъсир қилиш ҳақида аниқ тасаввурга ега бўлишади. Масалан, Республикада 1200 га яқин саноат корхонаси борлиги, улар ҳавога бир ярим.минг тоннага яқин захарли моддаларни чиқараётганлиги, бундай ҳолат 10 йил, 20 йилдан кейин шундай ҳолда кетаверса, нималарга олиб келиши мумкинлиги каби мисоллар воситасида экологик фалокат оқибатлари тасвирланади, ёки бошқа бир мисол. Дунё бўйича ҳар йили тахминан 6-7 млн.гектар ер ишдан чиқмоқда. Унинг тикланиши учун жуда кўп вақт керак бўлади. 3 см қатламидаги тупроқнинг тикланиши учун 300-500 йил вақт зарур. 18 см қалинликдаги тупроқ тикланиши учун еса тахминан 2700 йил талаб етилади. Бундай аниқ рақамлар билан ифодаланган мисоллар асосида тупроқнинг инсоният бойлиги эканлиги, уни асраб авайлаш

ҳар бир кишининг келажак олдидаги бурчи ҳисобланишини уқтирилади.

Меҳнат таълими дарслари еса болалар олган билимларини амалиётда кўришлари учун имконият яратади.

Экологик таълим-тарбияни амалга оширишда синфдан ташқари дарсларни аҳамияти каттадир. Хусусан, табиат кўйнига саёҳатлар, экологик юналишдаги тўғараклар, шу мазмундаги кечалар ўтказиш ўқувчилар хотирасида узоқ сақланади. Саёҳатлар мазмуни асосан теварак-атрофни кузатишга қаратилади. Саёҳатларда ўқувчилар табиатдан инсон қандай фойдаланаётганлигини кўрадилар, катталарнинг табиатга тўғри ёки нотўғри муносабатда бўлаётганлигини гувоҳи бўладилар. Табиат кўйнида бўлиш, ўқувчиларда естетик кечинмаларни пайдо қилади. Ўқувчилар қушларни сайрашини ешитиб, ўсимликларни яшнашини кўриб қувонадилар. Бу ҳолатдан улар ҳам естетик, ҳам экологик тарбия оладилар.

Экологик юналишдаги тўғаракларда болаларни табиатга зарар етказмасликка, табиат гўзалликларидан завқланишга, атроф-муҳитни севишга ўргата борйлади. Тўғарак машғулотларида ўтиладиган "Табиатни еъзозлайлик", "Табиат ва инсон", "Экология ва инсон", "Орол мадад сурайди", "Қушлар -бизнинг дўстимиз" каби мавзуларда табиатга қизиқишни янада оширади. Бағритош, ; шафқациз, табиатни менсимаслик кайфияти билан қарайдиган болаларни хушёрликка чорлайди. Тўғарак машғулотларида яна ҳашоратларни тугаб, уларга озор берадиган, чумолилар инини, қушлар уясини бузадиган, ўсимликларни босиб, юлиб оладиган ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш зарурлигини уқтирилади. Ўқувчилар тўғарак ишларида фақат мавзулар ўрганиб ёки турли кечалар ўтказибгина қолмай, бевосита амалий ишлар ҳам қиладилар. Яъни, гулларни ўстирадилар, қушларни, қуёнларни боқиб, парвариш қиладилар. Демак, ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилишда, табиат ҳодисаларини кузатишга ўргатишда экологик тўғаракларни таъсири катта.

Мактабда экологияга оид таълим-тарбия бирлиги амалга оширилсагина, ўқувчиларда бир бутун экологик билимлар тизими шаклланиши мумкин. Бунда, албатта, бутун мактаб жамоасининг - синф раҳбарлари, фанлар ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади.

Республикаimiz мустақилликка еришгандан сўнг, халқ педагогикасидан баҳраманд бўлиш зарурияти туғилди. Атроф- муҳитни муҳофаза етиш, моддий бойликлардан оқилона фойдаланишга оид тарбияни миллий қадриятлар ва анъаналар, шарқона урф-одатлар орқали бериш еҳтиёжи пайдо бўлди.

Ўқитувчининг болаларга экологик таълим ва тарбия беришида халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда тўрт нарса-ер, сув, тупроқ,

хаво муқаддас ҳисобланган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга еътиқод кўйиб, ёзнинг енг жазирама кунларида "Сув сайли" ўтказган. Ота-боболаримиз "Сув табиат инъоми, ҳаёт манбаи" деб,-бежиз айтишмаган, ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлаб, боғ-роғлар яратишган. Биз еса сувдан хўжасизларча фойдаланишимиз натижасида орол муаммосининг туғилишига сабабчи бўлдик. Сирдарё ва Амударёнинг белгиланган ерга тўла етиб бормаслиги натижасида бугун Ўрта Осиё учун аҳамиятли бўлган оролнинг бутунлай йўқолиш ҳавфи бўлди.

Маълумки, ер юзининг тўртдаи уч қисми сув билан қопланган. Аммо 2,5 фоизи яқин чучук сув бор холос. Демак, ичимлик сувидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш керак.

Тупроқ ҳам инсоният бойлигидир. Аждодларимиз ўрмонларни кесилиши, тупроқ емирилишининг кучайишига, ер ости ва ер усти сувларнинг камайишига, иқлимнинг ўзгаришига, ҳайвонларнинг йўқолишига олиб келишини аниқлаганлар. Шунинг учун ҳам табиатга юксак меҳр ва еҳтиром кўрсатганлар. Асрлар давомида ёш авлодни сувга тупурма, нонни босма кўзингга сурт, дарахтни синдирма, қушларга озор берма деб, тарбиялаб келдилар. Ўз қарашларини халқ оғзаки ижоди орқали ифодаладилар. Масалан, мақолаларда ер, ер ости бойликлари, сув, ҳайвонот олами, қушлар ўсимликлар ва бошқа табиат бойликларини чуқур мазмунли сатрларда таърифлади. Ҳатто олдинлари фарзанд дунёга келса, унга атаб, яхши умидлар билан кўчатлар ўтказганлар. Донишмандлик дурдонаси ҳисобланган ҳадислар таълим-тарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида ҳадисларда ҳам диққатга сазовор фикрлар айтилган. Масалан, "Соясидан халқ фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум етур", деб инсонларни қўрқитиш орқали табиатга зарар келтирмаслик тарғиб қилинса, "Деҳқончилик билан шуғулланинглари, деҳқончилик муборак касбдир. Унга кўриқчиларни кўпайтиринглари" дейиши билан халол меҳнат самарасини кўриш зарурлигини уқтирилади. Қайси бир мусулмон екин екса, ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг екинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садқа савоби ёзилади» - деб бағри кенглик, жонзотларни асраш зарурлиги гоёси улуғланади. "Екмоқ ниятида кўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёматқоим бўлиши аниқ бўлганида ҳам улгурсангиз, уни екиб кўяверинг", "Ким сув тошқинини тўхтаца ёки ёнғинни ўчирса, унга шахидлик ажри берилади" каби ҳадисларда экология ва табиат муҳофазасига оид тушунчалар берилади.

Демак, ота-боболаримиз азал-азалдан табиатга юксак меҳр ва еҳтиром кўрсатишган. Юртни обод етишган, кўчатларни, ховлиларни саришта сақлашган. Халқимизнинг табиатга муносабати уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрами, наврўз байрами,

хирмон тўйи каби байрамларида ҳам ифодаланган. Бундай табиат байрамлари уларнинг ҳаёт тарзига айланиб кетган.

*Бу муқаддас заминни* - бу диёрни обод етиш, унинг атроф-муҳитини тоза сақлаш Шу мамлакат ҳар бир фуқаросининг инсоний бурчидир. Ободончилик ва орасталик, покизалик ва тежамкорлик, хушхулқлик ва хушмуомалалик ҳар бир инсон учун, хусусан, педагоглар ва ўқитувчилар учун ҳам экологик маънавий мезондир, ўқувчилар экологик тарбия ишлари жараёнида қуйидагиларни билишлари зарур:

-Табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;

-Табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

-Атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш;

-Табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш. Юқоридаги омиллар асосида экологик тарбиялаш ўқувчиларда табиатни мунтазам кузатиб боришга қизиқишни уйғотади, табиатни ҳимоя қилиш учун курашишга, унинг гўзаллигини асраб-авайлашга олиб келади. Табиатга муҳаббатни ва унга еҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялаш шахсда ахлоқий белгиларни ривожлантиришга ёрдам беради.

## **XXII боб. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ**

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади – ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни табиий соғлом ўсишини таъминлаш, уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга шунингдек, ватан мудофаасига тайёрлашдир.

Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда аввало, чин юракдан мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат бўлишнинг қадрини оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиб келишган. Республикамизда баҳодирлар, полковлар ва ботирларга бой ватанимиз улар билан ғурурланган. Бугун ҳам Республикамизнинг барча шахар ва қишлоқларида жисмоний маданият ва спорт турларини миллий асосда қайта тиклаш жараёни содир бўлмоқда.

Шарқ Аристотели номини олган Абу Али ибн Сино ҳам инсон фазилатларидан қуйидагиларни санаб кўрсатган, чунончи, жасурлик-бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги, чидамлилиги, инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Ақллилик-бирор ишни бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват.

Зийраклик- сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг ижобий хислатлари ичида, унинг жисмоний чиниқанлигига алоҳида еътибор беради ва ифтихор билан унинг жисмоний қобилиятларини мақтайди.

Достонда ёзилишича Фарход ақлий тарбия билангина чекланиб қолмасдан жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб, чиниқа бошлайди. Сувда сузиш, чавондозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулооти бўлиб қолади. 10 ёшида 20 яшар йигитнинг куч-қуввати бўлади, у ўзининг ақл ва жисмоний куч-қуввати, маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр яхши ахлоқ, илм-маърифатга ега бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга енг керакли нарсадур. Чунки ўқимок, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдир. Соғ баданга ега бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчиликка йўл кўюрлар...Бундай тарбиянинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг или териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини кўйиб, астарини ювиб овора бўлмақ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун меҳнат ва соғлом вужуд керакдур».

Спорт туфайли ўз кучи ва маҳоратини қувонч билан ҳис етиш, табиат билан мулоқотда бўлиш азалдан кишилар дилини хушнуд етган. Демак, юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний камолоти кишилик тарихи тараққиётининг барча жабҳаларида улуғланган, қадрланган.

Жисмоний тарбия кишиларга қулай таъсир кўрсатиб, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт- ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш, куч-қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. У дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туришга ёрдам беради, ижодий ҳис-туйғу манбаи бўлиб хизмат қилади.

Қисқаси, жисмоний маданият ва спорт соғлом, кучли, чаққон, топқир, тўсиқларни йенга оладиган, она Ватанни кўз қорачиғидай ёзозловчи ватанпарвар, келажакка ишонч билан қарайдиган ёшларни вужудга келтирувчи ижтимоий омиллардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли кишилик жамиятининг енг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги кунимизга қадар ҳар қандай жисмоний камолот ва тўқликни авлодларнинг камолотини таъминловчи занжир деб ҳисоблаб келишган.

Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-она, мактабнинг ишигина бўлиб қолмасдан, балки у давлат аҳамиятига молик иш ҳамдир.

Жисмоний тарбияга бўлган еътибор, ғамхўрликнинг кун сайин ошиб бориши бу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлган кундан бошлаб, ёшлар тарбиясини, уларни яроқли Ватан ҳимоячиси бўлишига ва спортнинг барча турларини жадаллаштириш мақсадида бир қатор мақтовга сазовор ишларни амалга оширди. Буларга «Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш бўйича қонун» (1992й), «Соғлом авлод дастури», «Футболни янада ривожлантириш бўйича қарор» (1996й), «Кураш ассоциациясини тузиш» (1998й) ва бошқа йўл-йўриқларни кўрсатиш

ўринлидир. Шунингдек, давлатимиз ва ҳукуратимиз раҳбарлигида теннис бўйича Ўзбекистон президенти кубоги, миллий кураш, у-шу, таеквандо, бокс ва бошқа турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Шунингдек, ўзбек курашини Олимпия турига айлантириш мақсадида жаҳон биринчиликлари ўтказилмоқда ва ҳоказо.

Жисмоний тарбия мазмуни беш хил тушунчаларда ўз ифодасини топади. Яъни жисмоний камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний маданият, жисмоний-спорт ишлари, жисмоний маълумот. Жисмоний камолот- ўсиб келаётган ёш авлоднинг ички органларининг ўзгариши, ўсишидир. Биринчи навбатда юрак ва ўпка, шунингдек, нерв ва ҳаракат тизими, тана шаклининг ўзгариши, тери-мускул тизими, оғирлиги, тананинг мукамал ривожланишидир. Педагогик тушунчада жисмоний камолот инсондаги жисмоний маълумотнинг ўсиши борасидаги ўзгаришлар, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, номукамалликдан мукамалликка томон бўлган ўзгаришлар тушунилади.

Ўқувчиларнинг жисмоний камолотлари учун шароит яратиш ва педагогик бошқариш жисмоний тарбиянинг вазифасидир. Жисмоний тарбия тизимида камолот диагностикаси муҳим ўрин тутади. У жисмоний тарбия савияси, фан тили билан айтилганда, жисмоний тарбия самарадорлиги кўрсаткичидир. Махсус усул ва жисмоний техника асосида ўқувчиларнинг соғлиқларини, ҳар бир алоҳида шахс камолоти савиясини тадқиқ этиш, белгиланган меъёр ва ундан узоқланиш кўрсаткичларини олдиндан белгилаш асосида тарбия учун доимий кўрсаткич аниқланади. Жисмоний йетуклик бу баданнинг ташқи кўринишидаги гармония, гўзаллик шакли: жисмоний сифатларнинг юқори даражадаги камолоти-кучи, тезлиги, чидамлилиги ва абжирлиги барча тизимларнинг мутаносиблиги ва уларнинг саломатлигидир. Агар диагностика ўқувчиларнинг ёки бирон-бир ўқувчининг жисмоний ва медицина кўрсаткичлари пасайиб кетаётганлигини кўрсаца, демак, зудлик билан жисмоний тарбиядаги мавжуд тизимни ўзгартириш лозим.

Жисмоний маданият тарбиянинг таркибий қисмидир. Жисмоний маданият мазмунига қуйидагилар киради:

1. Инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти- ички аъзолар, нерв ва ҳаракат, суяк-мускул тизими, баданнинг уйғунлиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқариш.
2. Ўқувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш.
3. Гигиена қоидаларига кўникиш.
4. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.
5. Бўлажак ишчи-меҳнаткашларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб аҳамияти жиҳатидан шакллантириш, унинг иш қобилиятини ошириш.
6. Ўқувчиларнинг жисмоний ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.

7. Ирода, чидамлилик, қатъий интизом, дўстлик ва ўртоқлик ҳисси, камол топиш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун ҳаракат қилишни тарбиялаш.

8. Шахсий жисмоний қобилиятларини камол топтириш.

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни йетарли даражада кенгдир. Уларни амалга ошириш ёшларимизнинг турмуш тарзини, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмунли шаклланишини таъминлайди. Юқоридаги сифатлар, доимий машқлар асосида ҳар бир шахсда ўз баданига ва унинг гўзал бўлишига интилиш, шахсий соғлиғини жамият тараққиёти билан, халқ маданияти билан боғлаш сифатлари шаклланади. Жисмоний тарбия таълим мазмунида ҳам қарор топади. Унинг вазифасига ўқувчиларда танланган соҳага алоқадор кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш киради. Жисмоний тарбияга ҳарбий тайёргарлик элементлари ҳам киради. Жисмоний тарбияни бошқа фанлар орқали ҳам, хусусан, ишлаб чиқариш таълими орқали ҳам амалга оширилади: жисмоний соғлик, бадан гўзаллиги ва бошқалар қарор топади.

Илғор педагогик тажрибаларнинг кўрсатишича, жисмоний тарбия ўқувчи ва ўқитувчилар жамоаларининг турмуш тарзи ва дастурига айлангандир. Айниқса, жисмоний тарбия дақиқалари, спорт ва жисмоний тарбия тарғиботи, ишлаб чиқариш таълими технологияси ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги ютуқларни рағбатлантиришда, ўқувчиларнинг узок вақтгача иш қобилиятларини сақлаб туришда, ёшларимизнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб мазмунига боғлаш борасидаги дарс жараёнларида аҳамияти беқиёсдир.

Жисмоний тарбия синфдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ҳам амалга оширилади.

Жисмоний маданият-спорт ишлари ёки оддий спорт шўбалари, клублари, гуруҳли ёки оммавий мусобақалар ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний тарбия бўйича ўқувчилар билан алоҳида тарзда ишлаш натижасида аъзолари бўшашиб қолган, жисмоний камчилиги бор, дарсдан озод болаларнинг соғлиқларини тиклаш ишлари олиб борилади. Иккинчи маънода жисмоний қобилиятли болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олиб ҳам алоҳида машғулотлар йўлга қўйилади. Айрим қобилиятли болалар, мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқиш билан бирга оммавий спорт ишларида иштирок етиб, юксак натижаларни қўлга киритишлари, хатто, ўрта махсус ёки олий маълумот ҳам олишлари мумкин.

Мактаб ва касб-хунар коллежларида, лицейларда жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларнинг жинсий фарқларига асосланган ҳолда, шунингдек, касб турларига қараб турли вазифаларни ҳал етиш мумкинлигини инкор етмаслик керак. Масалан, ўқувчи ўғил бўлса унда еркаклик фазилатлари, кучлилиқ, аниқлик ҳаракатларини маромига сола

билиш, дангасаликни бартараф ета олиш, жинсий етуклик, яроқлилик шакллантирилади.

Қизларда еса ҳаракатларида мулойимлик, аниқлик, қизлик латофати, кўрқоқликни бартараф ета олиш каби сифатлар қарор топтирилади.

Жисмоний тарбия мазмунида «жисмоний меҳнат», «жисмоний таъсир», «жисмоний жазо» ва бошқа иборалар ҳам учраб туради. Жисмоний меҳнат-ақлий меҳнатдан фарқли ўлароқ инсоннинг жисмоний-кучи, мускул ҳаракатлари қисмлари ва бошқалар билан боғлангандир. Жисмоний меҳнат тўғри ёки нотўғри ташкил етилишига қараб ёшларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний меҳнат турларини жисмоний тарбия мазмунига киритилиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний таъсир- бу инсон баданига ё бирон-бир буюм билан, ёки инсонлар томонидан(қўл, оёқ, бадан орқали) таъсир кўрсатишдир. Яқин вақтларгача бу ҳақида жуда оз фикр билдирилган ва уни нопедагогик таъсир деб келинган еди. Педагогик тажрибада ўқувчиларни ақлий фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида жисмоний таъсир кўрсатишдан тез-тез фойдаландириш мумкинлиги исботланган. Масалан, болаларнинг бошини силаш, кўлини болалар елкасига юмшоқ қўйиш орқали руҳлантириш, партадаги болалар ёнига ўтириб ҳамкорлик билдириш ва ҳоказо ва шунга ўхшаш. Бундай бадан тарбия орқали таъсир кўрсатиш ўқувчиларнинг тарбиялаш даражалари самарадорлигини оширади, ўқитувчи ўртасидаги тўсиқ бартараф етилади ва осойишталик, бир-бирига ишонч қарор топади.

Жисмоний жазо-ўқувчидаги хулқий камчилик ёки бирон-бир ноахлоқий хатти-ҳаракатларни бартараф етиш мақсадида қўлланилади. Жисмоний жазога очлик еълон қилиш ҳам киради. Бизнинг мактабларимизда жисмоний жазо бекор қилинган.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия мазмуни юзасидан ягона «мудофаа ва меҳнатга тайёрлаш» комплекси ташкил етилган.

Мазкур комплекс 6 даражадан иборат.

- 1) Биринчи даража «Стартга бўл тайёр» (6-9 ёш)
- 2) Иккинчи даража «Жасурлар ва чаққонлар» (10-13 ёш)
  - 1) Учинчи даража «Спорт ўринбосарлари» (14-15 ёш)
  - 2) Тўртинчи даража «Кучлилик ва мардлик» (16-18 ёш)

Қолган 2 даражаси 18 ёшдан ортиқ бўлган болалар учун мўлжалланган. Агар мактаб ва билим юртининг спорт базаси ёмон, педагогик кадрлар билан яхши таъминланмаган бўлса, юқоридагиларни амалга ошириш мушкулдир. Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия ўз мазмуни ва қўйилишига кўра вазифаси кенгдир. У бошқа тармоқлар мазмунига кириб, турли вазифаларни ҳам бажаради. Бироқ, у мақсадга мувофиқ ва махсус шуғулланишни тақозо этади. Мактаб касб-ҳунар коллеж, академик лицейларда жисмоний тарбиялаш учун қуйидаги шартларни бажарилиши шарт:

1. Шахсининг жисмоний камолотини назарда тутган



- холда, тарбияланувчининг жисмоний маданияти бўйича турмуш тарзини қарор топтириш.
2. Жисмоний тарбияни педагогик жараёни ташкил етишда табиий, маданий уйғунлашиш ва инсонийликка асосланиб шакллантириш.
  3. Жисмоний тарбияни ақлий, ахлоқий тарбия билан, ўқувчиларнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқлигини таъминлаш.
  4. Моддий техника, кадрлар билан ва услубий жиҳатдан таъминлаш ва ҳоказо.

Жисмоний тарбияни таъбир жоиз бўлса, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш жараёнларининг таркибий қисми деб қараш лозим.

Ҳозирги кунимиз учун яъни оила ва мактабда ёшларнинг табиий ўсишларини таъминлаш зарур бўлган қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши ютуғимиз гаровидир.

1. Оила ва мактабда ҳамма ёшдаги ўқувчилар учун бир кеча кундузлик режим ўрнатиш ва уларга риоя қилинишини назорат қилиб бориш лозим. Меҳнат дам олишнинг, оғир машғулот билан йенгил машғулотнинг тўғри навбатланиб туриши, доимо маълум вақтда овқатланиш, маълум вақтда очиқ ҳавода бўлиш, ўз вақтида ухлаш ва ҳоказолар соғлом ўсишнинг муҳим шартидир.
2. Ташқи сезги аъзоларининг соғлом бўлиши учун ғамхўрлик қилиш керак.

Ёшларимизнинг ақлан баркамоллиги, меҳнат ва мудофаага тўла яроқли бўлишлари учун ташқи сезги аъзоларининг соғлом бўлиши жуда катта аҳамиятга егадир.

Ўқувчиларнинг кўзини чанг, тутун ва ҳаво ифлосликларидан сақлаш: ювиниб туришини маслаҳат бериш лозим. Дафтар ва китобни хаддан ташқари яқинлик билан ўқиш, ёзишлари уларнинг узоқни кўра олмайдиган бўлиб қолишларига олиб келишини тушунтириш, яхши ёритилмаган хоналарда китоб ўқимасликни маслаҳат бериш даркор.

Қулоқларни кирланишдан, шамоллашидан ва ичига ифлос нарсаларнинг кириб қолишидан сақланишини ўргатиш керак. Енг муҳим гигиеник қоидаларга риоя етиш, баданимизни тоза тутишимиз лозимлигини еринмай тушунтиришимиз шарт.

3. Ўқувчиларнинг умуртқа поғонаси, тос ва йелка суяклари егриланиб, кўкрак қафаси ўсишдан тўхтаб қолмаслиги, узоқни яхши кўролмайдиган бўлиб қолмасликлари учун ўқитувчи уларни синф машғулотлари вақтида партада тўғри ўтирғизишлари керак.

4. Ўқувчиларимизнинг соғлом ўсишларида йетарли овқатланиш- (хайвон, ўсимлик оқсиллари, хўл мева, суякнинг ўсиши учун йетарли тузлар) тартиби тўғри ва тартибли нафас олиш ҳақида (камида 2-3 соат очиқ ҳавода бўлиш) га ҳам ғамхўрлик қилишимиз даркор.

Бунинг учун оилада ва мактабда йенгил ишлар билан шуғулланиш, гимнастика машғулотларини бажариш кабиларни жорий этилиши мақсадга мувофиқдир ва ҳоказо.

Юқоридаги омилларнинг самарадорлиги ота-она ва ўқитувчиларнинг зийраклик ва моҳирлик билан тарбиявий ишларини ташкил этишларига боғлиқ.

## **XXIII боб. ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **Тарбия жараёнида ўқувчилар жамоасининг тутган ўрни**

Синф раҳбарининг тарбиявий ишларида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш-тарбия назариясининг йетакчи ғоясидир.

Жамоа дейилганда умумий мақсад сари интилган ва биргаликдаги фаолият учун жипслашган ўқувчиларнинг гуруҳлари тушунилади. Унинг умумий асослари қуйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув, меҳнат, ижтимоий- сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кучайтириш.

Жамоада бир-бирига ғамхўрлик қилиш, ўзаро ёрдам, фақат ўзи ҳақида емас, балки бошқалар ҳақида ҳам ўйлашга интилиш, жамоа манфаатини ўз кизиқишидан устун қўйиш кўникмалари ҳосил бўлади. Жамоада ўртоқлик ва дўстлик хисси таркиб топади. Ўқувчилар жамоасини тузаётиб, тарбиялаётиб мактаб ўқитувчилари унинг ҳар бир аъзосини шахсини шакллантиради. Жамоадаги ўқувчиларнинг ўзаро муносабати ўзаро жавобгарликни хис этиш, топшириқларни бажаришда барча аъзоларнинг тенглиги билан ажраб туради, Чунки унда ўқувчилар ўзаро яқин муомалада бўладилар, ҳамма вақт биргаликда ҳаракат қиладилар, бутун жамоа қўйган мақсадни ҳал этишда қатнашадилар.

Ҳар бир синф кичик жамоа бўлиб, ўз фаолларига ега бўлса-да, бу жамоа мақсадларнинг бирлиги ва умумий ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдаги жамоа муносабатларининг ривожланиш даражаси(босқичи, даври)ни аниқ белгилашдан бошлайди. Синф раҳбари жамоасининг ўз иш услуби билан ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги учун вақти-вақти билан жамоаининг ривожланиши даражасини аниқлаб туради.

Тарбия назарияси жамоа ривожланишининг уч даража билан белгилайди. Дастлаб педагогнинг куч-ғайрати натижасида синфда ўрнатилган муайян талаблар; тартиб, интизом билан ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган қисми синф раҳбарининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши билан изоҳланади. Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узоқ бўлиб, муайян қийинчиликларни

бартараф етиш билан кечади. Айни пайтда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар жуда қизиқарлидир.

Умуман ўқувчи тарбиясининг асосий натижалари бу иш қанчалик муваффақиятли ўтишига боғлиқ бўлади. Агар ўқувчилар жамоаси барпо етилмаган бўлса, ўқувчи мактабни ҳеч афсусланмай тарк этади. Хатто кейинчалик мактаб йилларини есламайди ҳам. Ўқувчиларни иноқ жамоага бирлаштирган моҳир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам бахтлидир. Улғаяётган киши, фуқаронинг ҳаётидаги мавқеини шакллантиришда, унинг ҳаёт йўлини белгилашда ўз вазифасини англаш синф раҳбарининг болалар жамоасини барпо етиш юзасидан олиб борадиган фаол ва қатъий фаолиятининг зарур шарт ҳисобланади.

### **Жамоани ривожланиш босқичлари**

Биринчи босқич. Ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки даври бўлиб, ҳали жамоа ташкил етилмаган, шахсга нисбатан жамоанинг педагогик талаби бўлмайди, ҳар бир ўқувчи ўзи учун ўзи жавоб беради. Бу босқичда болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбари таяниш мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бу босқичда салбий ҳодисалар очиқ муҳокама етилмайди.

Ривожланишнинг бу даврида ўқитувчининг талаби қатъий, жиддий, изчил бўлиши керак. Бу педагогик талаблар ижтимоий аҳамиятга ега бўлган мақсаднинг, педагоглар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собит қадам фаолиятининг, ўзаро маъсулиятли муносабатларнинг мавжудлиги билан муҳимдир.

Ўқитувчининг ўқувчилар олдида қўйган педагогик талаблари уларнинг ёши ва имкониятига мос, йетарлича жиддий бўлиши керак. У хушмуомала, меҳрибон бўлиш билан бирга, ўқувчиларнинг хулқ-атвор меъёрларига қатъий риоя етишларини жамоанинг мувоффақияти сифатида тушунишларига ғамхўрлик қилиши зарур. Ўқитувчи педагогик талабларни қўйиш асосида ўз атрофига фаолларни - жамоанинг енг яхши аъзоларини тўплаб боради.

Фаол ўқувчи-билим олишга қизиқувчи, синф, мактаб обрўсини ҳар доим сақлаб қолишга ҳаракат қилувчи, ўқитувчининг талабларини қўллаб-қувватловчи жамоа аъзоларидир.

Шундай қилиб, биринчи босқичда педагогнинг енг муҳим вазифаси синф жамоасининг ядроси бўлган фаолларни шакллантириш ва тарбиялаб улуғвор вазифаларга интилишдан иборат.

Иккинчи босқич. Фаоллар билан тарбиявий ишларни ташкил етиш учун астойдил ишлаш, уларни жинслаштириш ва ўзаро алоқада ишлашга ўргатиш билан тавсифланади. Жамоани бошқа аъзоларига кўра фаоллардан интизомга қатъий амал қилишни кўпроқ талаб етиш, уларни ўқишда ва интизомда, жамоатчилик ишида ҳам бошқа

Ўқувчиларга намуна кўрсатишга ўргатиш зарур. Бунинг учун фаолларни тез-тез йиғиш, муҳим масалалар бўйича маслаҳат йиғилишларини ўтказиш, ўз мактабининг ишлари ҳамда истиқболлари ҳақида суҳбатлашиш, улар билан биргаликда кундалик масалаларни ҳал етиш, фаоллар ичида раҳбарлик ишига лаёқатли болаларни танлаш вазифалари бажарилади. Фаолларга бериладиган имтиёзлар адолатли бўлиши ва у ўқувчилар томонидан қўллаб -қувватланиши, бу унинг жамоа олдидаги хизматлари натижаси эканлигини ўқувчилар ҳис етишлари кўзда тутилади. Фаолларга қўйиладиган талабларнинг сусайиши, ўринсиз мактовлар синфда ёмон вазиятни келтириб чиқаради.

Педагоглар фаоллар еътиборини жамоа тизимлари билан ишлашга қаратадилар. Фаол бошлангич жамоага таянган ҳолда мактаб ҳаётига кўплаб ўқувчиларни жалб етади. Фаоллар ривожланишнинг бу босқичида хали бўш ва беқарор бўлади, бироқ шундай бўлишига қарамай педагог тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда уларга таянади.

Бу босқичда синф раҳбарининг муҳим вазифаси фаол жамоа тизимлари билан ишлашга ўргатиш жамоани янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Иккинчи босқичда педагогнинг талаблари фаолларнинг жамоага билдирадиган талабларига қўшилади. Педагог фаоллардан барча ўқувчиларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб етиш воситаси сифатида фойдаланилади, жамоанинг бирлигини ривожлантиришга кўмаклашади; фаоллар ўқувчиларга топшириқлар беради, уларнинг ўзи назоратида амалга оширади ва топшириқларни бажаришни талаб етади.

Учинчи босқич. Жамоа ҳаётининг барқ уриши, жамоада ўзаро муносабатлар шаклланишн, жамоанинг шахсга таъсир доирасини кучайиши билан тавсифланади.

Фаоллар ҳамда ўз-ўзини бошқариш тизимлари томонидан таъсир етилган ижтимоий фаолиятнинг натижасида жамоа ривожланади. У ёки бу педагогик талабни бажариш жараёнида ўқувчилар жамоа бўлиб ишлаш тажрибасини орттирадилар.

Бу босқичда ўқувчилар қўллаб-қувватлайдилар. Педагогнинг фикри яширин шаклга кириб боради. Ўқитувчи шахсига синф жамоаси орқали таъсир етади. Бундай педагогик таъсирлар натижасида ўқувчи шахси ҳам, жамоа ҳам тарбияланиб боради.

Педагогнинг ҳар бир шахсга қўядиган педагогик талаби жамоага қўядиган вазифаларга қараганда таъсирлироқ, сезиларлироқ бўлади.

Учинчи босқичда ўзаро бир-бирига боғлиқ икки масала: жамоатчилик фикри ва анъаналарини юзага чиқариш ҳал етилади. Бу босқичда ўқувчилар ўртасида ўзаро дўстликни шакллантириш катта аҳамиятга ега. Педагогнинг ўқувчиларга муносабати ҳам ниҳоятда дўстона, самимий бўлиши керак. Бу даврга келиб синф раҳбари тарбияланувчиларнинг характери, қизиқиши, талаби билан таниш, руҳий ҳолатини яхшироқ биладиган бўлади.

Жамоани ривожланиши чинакам ўз-ўзини бошқариш, кўп қиррали жамоа фаолияти ва ахлоқий қимматга ега бўлган жамоа муносабатлари билан изоҳланади. Бундай жамоада шахсни тарбиялаш жараёни ирода, ўз-ўзини англаш, бурч ҳисси, шахсинг шунга ўхшаш ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш, камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида баҳолаш ва уларни тузатиши, ўз кадр-қимматини англаб йетиш (ўз-ўзини тарбиялаш режасини ишлаб чиқиш, ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини егаллаш, ўз-ўзига мажбурият қабул қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш), ижтимоий - фойдали фаолиятда ўз-ўзини тарбиялаш ишини амалга оширишга интилишни уйғотади. Бундай жамоада шахсинг ижобий фазилатлари тўла равишда рўёбга чиқади. Жамоанинг шахсга нисбатан юксак талабчанлиги кузатилади.

### **Ўқувчилар жамоасини тарбиялаш**

Ўқувчилар жамоасини тарбиялашнинг энг самарали йўли, уларнинг умумий қизиқишлари асосида талаблар қўйиш ва истиқболни белгилашдир. Талаблар педагогик жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган тақдирдагина ижобий натижа беради:

- 1) Ўқувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар ҳар бир жамоа аъзосини ҳурмат қилиш билан қўшилиши керак. Бу педагогик одобни муҳим қисми бўлиб, ҳар бир синф раҳбари ёддан чиқармаслиги шарт. Синфнинг яъни жамоанинг энг яхши ўқувчиларига кўпроқ талаблар қўйилади, бу билан уларга алоҳида ишонч ва ҳурмат билдирилади.
- 2) Педагоглар жамоаси талабларни муайян синфнинг аниқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қўяди. Ҳар йили ўқувчиларга маълум бир чоракда, ярим йилликда ёки ўқув йили давомида қандай талаблар қўйиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб олинади. Ўқувчилардан еришилган нарсани емас, балки вазифа қилиб қўйилган нарсани талаб қилиш керак.
- 3) Талаблар аниқ бўлиб, бажариш имкониятлари ҳисобга олинади. Ўқувчилар ўзларидан нима талаб қилинаётганлигини аниқ тушунишлари лозим.

Ўқувчиларни талаблар: мазмуни билан таништириб, уларнинг аҳамиятини мунтазам суратда назорат қилиб боришдан иборат. Ўқувчилар жамоасини тарбиялашда истиқболлар қўйишнинг аҳамияти жуда катта. Агар жамоа олдида қизиқарли, аниқ мақсад бўлмаса, уни ташкил етиш ва жипслаштириш усулини топиб бўлмайди. Истиқболларни белгилашнинг икки асосий усули бор:

1. Асосий педагогик талабни ўқитувчининг ўзи ўқувчилар олдида қўяди. Бунда у ана шу вазифаларни хал етиш йўллари кўрсатади ва жамоа аъзоларини қизиқтиришга интилади;

2. Жамоа аъзолари қизиқарли тадбирларни илгари сурадилар, синф раҳбари бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди, ҳамда амалга ошириш усулларини топишга ёрдам беради.

Биринчи усул ўқувчилар жамоасини таркиб топтиришнинг дастлабки босқичида қўйилиб- яқин кунларга мўлжалланган истиқбол дейилади. Иккинчиси анча юқорироқ босқичда синф фаоллари томонидан қўйилиб-

ўрта кунларга мўлжалланган истиқболлар дейлади. Агар белгиланган истиқболларни жамоани барча аъзолари қўйса- бу узоқ муддатли истиқболлар дейилиб, жамоани шаклланганлигини билдиради.

Ўқувчилар жамоаси ўсиб ва мустаҳкамланиб бориши билан жамоа олдига ўртача ва узоқ истиқболлар қўйилади. Масалан: оталиққа олинган боғча учун ўйинчоқлар яшаш, ҳосил байрамини ўтказиш, жонажон ўлка бўйлаб ёзги саёҳатни уюштириш ва бошқалар.

Жамоа доим фаолиятда олға интилишда бўлиши учун унинг олдига янги, қизиқарли истиқболлар қўйиш талаб етилади. Жамоа ҳаёти жўш уриб турмаса, кейин бу алоқаларни қайтадан тиклаш жуда қийин бўлади.

Ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутди. Жамоани ҳеч бир нарса анъаначалик мустаҳкамлай олмайди. Анъаналарни таркиб топтириш, уларни сақлаб қолиш- тарбия ишининг муҳим вазифасидир. Анъаналари бўлмаган мактаб яхши мактаб бўлиши мумкин эмас. Мавжуд анъаналарни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

А) кундалик турмуш анъаналари,

Б) байрам анъаналари

Кундалик турмуш анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бир-бирига ўзаро ёрдамнинг ҳар хил турлари, меҳнат фаолиятини- ёш мева кўчатларини парвариш қилиш, ҳайвонларни боқиш, ёлғиз яшовчи кексаларга ёрдамлашишни ва бошқа юмушларни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига Наврўз, Мустақиллик байрамлари, битирувчилар кечаси, «Саводхонлик байрам»лари киради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам байрамлар ёрқин, қизиқарли, қувнок, тантанавор ўтиши керак. Асосий мақсад ўқувчилар ўтказилаётган тадбирнинг ахлоқий мазмунини тушунсагина, уларга онгли муносабатда бўлсагина, унинг таъсири кучли бўлади.

Жамоани ривожланиш босқичларида, жамоа аъзоларини хилма-хил фаолияти жараёнида ҳар бир мактабда ўзига хос анъаналар юзага келади. Бу янги анъаналар шу мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишлар билан боғлиқ бўлади, унинг ҳаётини жонлантиради ва безайди. Шунинг учун янги анъананинг келиб чиқишида болаларнинг фаол иштирок етишига катта имкониятлар берилади.

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар ўқувчилар жамоасига у ёки бу ортиқча анъанани юкламасликлари, мажбуран сингдирмасликлари

керак. Уларнинг вазифаси жамоа аъзоларига сездирмай ва уларни ташаббусини бузмай, анъаналарни яраташ зарурлигини тушунтириш, анъаналарни тайёрлаш ҳамда ўтказишда биргаликда иш олиб бориш, ўқувчиларни ана шу анъаналарни давом еттиришга ўргатишдан иборат. Анъанага ҳар доим янги педагогик талабларни акс еттирувчи, унинг тарбиявий аҳамиятини оширувчи янгиликлар киритиб борилиши талаб етилади.

Анъаналар йилдан - йилга кўпайиб бориб, аста-секин мактабнинг ўзига хослигини таъмиилайди. Шундай қилиб, ўқув-билиш фаолияти билан боғлиқ истиқбол ва анъаналар жамоа ривожланишининг барча даражаларида муҳимдир. Ривожланишнинг юқори даражасида синфда обрўли фаоллар, соғлом ижтимоий фикр мавжуд бўлганида, бундай истиқбол ва анъаналар ўқувчиларнинг дарсадаги ва дарсдан ташқари фаолиятини қамраб олиши, хилма-хил, баъзан мураккаб шаклларга ега бўлиши мумкин. Бу истиқбол ва анъаналарни амалга ошириш ўқувчилар кўз ўнгида ҳам, бошқа синф ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар кўз ўнгида ҳам жамоа обрўсини оширади. Кўпгина мактабларда синф жамоалари ҳар йили билиш ва кўнгилочар дастурлари бўлган мавзули мактаб кечалари, фан ҳафталиклари тайёрлайдилар. Бу фақат бақувват жамоанигина кўлидан келади. Бу тадбирларни тайёрлашда одатда жамоанинг ҳар бир аъзоси банд бўлади. Бундай истиқбол ва анъаналарнинг алоҳида тарбияловчи таъсири шундан иборатки, синф жамоаси уни ёрдамида умуммактаб жамоалари билан боғланади.

## **XXIV-боб. ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ АСОСЛАРИ**

### **Ўқувчилар тарбиясида оиланинг ўрни**

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, инсон омилини вужудга келтириш давр талабига айланди.

Инсон ҳақида унинг меҳнати ва турмуш, маънавий тараққиёти тўғрисида ғамхўрлиги мустақил Ўзбекистоннинг олий мақсадидир. Маълумки, киши камолоти, унинг инсон сифатида ҳаётга, ижтимоий турмуш ва меҳнатга, маданий ва маънавий бойликларга бўлган муносабати асосан оилада шаклланади.

Мустақил Ўзбекистонимиз томонидан чиқарилган барча қарор ва йўл-йўриқ кўрсатмаларда меҳнаткашлар оммасининг ижтимоий-иқтисодий юксалишини таъминловчи тавсиялар берилдики, улар давлатимизнинг асоси оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолотларида муҳим аҳамият касб этади. Чунки таъбир жоиз бўлса, оилаларнинг камолоти давлатимизнинг юксалиши демакдир.

Худди шу маънода келажакимиз бўлмиш ёш авлод тарбияси ва унинг тараққиёти давлат аҳамиятига молик масала ҳамдир. Иккинчи томондан, мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг миллий тараққиёти йўлида

оила ва оилавий тарбияга бўлган объектив талаби кун сайин ошиб бормоқда. Ўтмишда қабул қилинган қонун ва қоидалардан фарқли ўлароқ Республикамиз Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида оила ва оиладаги таълимга асос солди (16-модда), таълим тизимининг йетакчи бўғинларидан бири сифатида еътироф етилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият йетим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар". Оилавий тарбия деганда ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида илмий дунёқараш асослари, маънавий ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига айланади. Бунда ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг ўзи ҳам жиддий янгилашиб бораётганини есдан чиқармаслик лозим.

Оилалар Республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг ягона ижтимоий-иқтисодий умумийлиги асосида ривожланмоқда. Айни пайтда оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига ҳам егадир. Бу еса ўз навбатида оилавий тарбия методлари ва мазмунининг умумий ва хусусий томонлари ривожига яқол кўзга ташланади.

Масаланинг мураккаблиги ва қимматли томони шундаки ўқитувчи-тарбиячи, халқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик оилавий тараққиёт, унинг ривожланиш оқибатларини олдиндин билиш, уларнинг ҳисобга олган ҳолда оилавий тарбиянинг назарий ва амалий асосларини педагогик жиҳатдан тўғри изохлаш ва тегишли методик тавсиялар беришлари лозим. Иккинчи томондан еса, янги мустақил давлатимизнинг киши шахси тараққиётига кўрсатаётган педагогик таъсирини аниқлаш, келгусида кутиладиган келажакларини олдиндан чамалаб олиш ҳам лозим. Айниқса, оила ва оилавий тарбияга бўлган еҳтиёж ва талабларни ҳисобга олган ҳолда тарбия берувчи бошқа бўғинлар билан муносабатини педагогик жиҳатдан аниқлаш, оилавий тарбия самарадорлигини оширувчи мақбул йўлларни тадқиқ етиш жамиятимиз олдидаги асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон шароитида оилавий тарбия, унинг мазмуни ва ташкил етилиши оила ва мактабнинг ўзаро алоқаси, шунингдек, таълим-тарбия муассасаларининг таъсир кўрсатувчи ўзига хос бир қанча ижтимоий, педагогик шароитлари мавжудки, уларни ҳисобга олишга мажбурмиз.

Республикамиз ўзининг демографик, етник миллий, шарт-шароитлари жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга ега, бу, айниқса, аҳолининг зич жойлашганлиги ва интенсив кўпайиши, қишлоқ ва шаҳар оилаларининг кўп фарзандлилигидир.

В. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент "Ўзбекистон" 1992 йил. 21-бет.



Республикамизнинг маънавий ҳаёти ва унинг ўзига хос томонлари муттасил ривожланмоқда, уларнинг оилавий тарбияга таъсири кўчаймоқда. Шаҳарларнинг кўпайиши, ўсиши, яшаш шароитининг яхшиланиши, маданий ва моддий томондан юксалиши оилаларнинг юксалишига ва болаларнинг ҳар томонлама йетук кишилар бўлиб камол топишларига сабаб бўлмоқда, ёрдам бермоқда. Кўп болалилик нисбатан камайиб бораётганига қарамай, хали ҳам бу кўрсаткич ўз кучини йўқотган эмас. Педагогик жиҳатдан олганда еса кўп болалилик оилаларда ота-оналар, болалар учун яққол намуна бўлиб хизмат қиладилар. Меҳнаткаш халқимиз "Болали уй бозор, боласиз уй мозор" деб бежиз айтишмаган. Ўзбекистонда бир суткада 1680 дан ортиқ ўғил ва қизларнинг туғилиши фикримизнинг гувоҳидир.

Халқимиз ўзидан кейин зурриёт қолдирмасликни қаттиқ қоралайди. Хатто "Еркак номига ега бўлиш учун уч қоидани: Уйланиш, фарзандли бўлиш ва уй қура олиш лозим", дейилган фикр ҳозир ҳам қимматини йўқотган эмас. Сир эмас, Марказий Осиё Республикасида жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўп болалиликдан 3-4 тага, кейин 1-2 тага ўтиш ва хатто кам болали оилалар сони йил сайин кўпаймоқда.

Педагогик жиҳатдан яққа болалилик тарбияни қийинлаштиради. Оилада туғилган яққа фарзанд катталарнинг жонли ўйинчоқлари, севги ва ғурурлари, еркалари бўлиб вояга йетади. Бунинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини таҳлил қилиб кўрайлик.

1. Ижтимоий ва руҳий нуқтаи назардан боласизлик ёки кам болалилик оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Республикамиздаги оилавий ажралишларнинг аксарияти ё боласи йўқ ёки кам болали оилаларга тўғри келади.

2. Тиббиёт борасидаги тадқиқотлар ва антрополог олимларнинг кўрсатишича ҳаётимиз ва унинг қийинчиликларини бартараф ета оладиган болалар деб оиладаги иккинчи ёки иккинчи бола белгиланган. Яққа бола билан чегараланиш келажакда дефектли одамларнинг кўпайишига олиб келади. Демак педагогик, руҳшунослик ва тиббиёт фанлари тавсиясига кўра оилада 3-4 фарзанд бўлиши маъқул ҳисобланади.

А.С.Макаренко таъкидлаганидек "қатъий айтиш мумкинки, ёлғиз ўғил ёки қиз тарбиялаш бир нечта болани тарбиялашга қараганда анча қийин иш. Хатто, агар моддий жиҳатдан бир мунча қийналган тақдирда ҳам ёлғиз бола билан кифояланиб қолиш ярамайди".

Агар оилада ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай оилада ростгўй, самимий, меҳрибон, ўртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ёшларда катталарнинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий фазилатларига танқидий муносабатда бўлиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан қараганда тинч-тотув яшайдиганларнинг оилаларидаги болалар ҳам шу оилада мавжуд бўлган ахлоқий ҳислатлар; хушмуомалалик, одоблилик, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик

килиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, айниқса аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик каби ижодий фазилатлардан намуна оладилар, вояга йетадилар.

### **Ота-оналарга педагогик билим бериш тизими**

Оила жамият ҳаётини олға сурувчи, унинг янада юксак босқичларга кўтариб, раванқ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб йетиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ғоят муҳим бошланғич гуруҳдир. Оила еркақлар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосида кўрилади.

Юқорида таъкидланганидек оиладаги даромадларнинг ошиши, бир томондан ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларининг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, оила аъзоларининг юқори маънавий еҳтиёжларининг ижобий шакилланишига, оилавий муносабатларнинг такомиллашувига, бойишига катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмиқда. Шу сабабли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичида ота-оналарнинг тарбиячилик маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни педагогик ютуқлари билан таништириш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш воситаларидан биридир. Иккинчи томондан еса, бу ўз навбатида, болаларнинг тарбиясида тегишли шакл ва методларни такомиллаштириш йўлларида бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-оналарни, оилаларни тарбияга оид билимлар, тарбия методлари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур. Гап шундаки, жамиятимиздаги ҳар бир тўлақонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатларда, шарт-шароитларда иштирок етиш лозим.

Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил етиш шарт-шароитларидан бири ота-оналарнинг саводхонлигида, деб ҳисоблаган едилар. Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий ёхуд Гулистон ахлоқ" номли асарида шундай дейди: "Тарбияни кимлар қилур? қаерда қилур?" деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, муддарис ва ҳукумат вазифасидур деб жавоб берсак, бу киши деюрки "қайси оилаларни айтурсиз билимсиз, боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар", дер. Отасига нима дерсиз, десак "қайси ота? –Тўйчи, улоқчи, базмчи, думбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмақ, тарбия қилмоқ лозимдир"

1899 йилдаёқ оилалар ва аёлларни тарбиячилик ишига тайёрлаш, уларни тарбиянинг мезони ва методлари юзасидан ўқитиш зарурати

кўтарилган еди. Ҳаётимизнинг кўрсатишича, тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш орқалигина оилавий тарбия билан ижтимоий тарбия уйғунлигини таъминлаш мумкин. Бу ишларни амалга оширишда маҳаллий шарт-шароит, ўлка материаллари ва нихоят, тарбияга оид ойнома, жаридалар ва уларда босилган тарбияга оид мавзулардаги мақолалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, оила ҳаётини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика фани орқали аҳолига ёрдам бериш, ота-оналарга тарбиявий билим бериш тизимини ишлаб чиқишлари лозим.

Педагогик-олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оилавий тарбияга доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, унинг самарадорлиги янада ошади.

1. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмуини оилавий тарбия жараёнига изчил йўналтира олса.

2. Ўқувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг этик-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил ета олсалар.

3. Халқ таълими бўлими ва муассасалар ташкилотчи ота-оналарни тарбиявий жараёнига олсалар.

4. Ўқувчилар томонидан оилавий тарбияга раҳбарлик болалар мактабга келмасдан олдин бошланса ва бу иш уларнинг барча ўқув йилларида давом еттирилса.

Ҳозирги кунда Республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларида тарбияга оид билимларни тарғиб қилишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аҳоли учун очилган тарбия маданиятини тарғиб қилувчи халқ университетларидан; халқ таълими томонидан ясли, боғча ва мактабларда бўлган ота-оналар университетларидан;

Жамоатчилик асосида ишловчи олий ўқув юртлари қошида очилган ота-оналар лекторийси; семинарлар; курслардан; тарбиявий ҳуқуқий билимлар мактабларидан; мактаб ёшидаги болаларни ота-оналари учун тарбиявий ва жиддий маслаҳатномаларидан; педагогика ва болалар тарақиётига доир масалаларни ўрганувчи тўғарақлар ва бошқалардан.

Бу ва шунга ўхшаш илмий-таълимий ишларни жамиятлар, руҳшунослар, педагоглар жамиятлари, мактаб ота-оналар кумитаси, оилага ёрдам берувчи кенгашлар, тахририятлари ва кўрсатувлари олиб боради.

Агар ота-оналарга умумий таълим-тарбия беришда олимларнинг тавсиялари, оилавий тарбияга доир халқ педагогикаси тажрибалари, шаҳар, туман, қишлоқ меҳнат жамоалари, шунингдек, меҳнат ва уруш фахрийларининг маслаҳатлари, учрашувларидаги тавсияларига таянилса, сўзсиз шу ишнинг самарадорлиги ошади.

Тарбиявий маданиятнинг самарадорлигини оширишда мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ва мунинг ўқитувчилари ота-оналар мажлисига пухта тайёргарлик қилишлари лозим. Мажлисдан олдин мактабни, синфларни тартибга солиш керак. Ўқувчиларнинг чорак, ярим йиллик ва ҳоказо иш натижаларига бағишлаб кўргазма осилса яхши бўлади. Агар ўқитувчилар ота-оналар мажлисига бағишлаб болаларнинг бир нечта номерлик бадийий ўйин ва томошаларини тайёрласалар ёмон бўлмайди. Мақсадга мувофиқ, мазмунли ташкил етилган синф мажлисларида тарбияга оид мунозаралар бўлади, ўзаро ёки жамоа таъсир кўрсатишнинг йўл ва услублари меҳнацеварлик, виждонли бўлиш, мустақиллик, яхшиликка меҳр-муҳаббат, дўстлик ва ҳоказолар ҳақида фикр юритилади. Ота-оналар мажлисига маълум даврдаги ишларни яқунловчи ва ўқув-тарбия ишларига доир умумий масалалар киритилиши лозим.

Ота-оналарнинг мажлисда тўла равишда ҳозир бўлишларини таъминловчи энг асосий шарт-бу мажлисларнинг қизиқарли, мазмунли қилиб усталик билан ўтказилишидир.

Ота-оналар мажлисида ота-оналарни ва ўқитувчиларни қизиқтира оладиган аниқ ва равшан масалалар қўйилиши ғоят даражада муҳимдир. Масалан, мактабга юборишда болани қандай кийинтириш, қандай нарсалар билан таъминлаш керак?

- Ўқувчининг кундалик иш тартибини қандай ташкил етиш керак?
- Уйда боланинг соғлигини қандай сақлаш керак?
- Ўқувчининг кундалик дафтари қандай назорат қилиш лозим?
- Болани қандай йўл билан гапга кирадиган қилиш мумкин?
- Болани бўш вақтини нима билан ва қандай банд ета билса бўлади?
- Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида болаларга қандай ҳикоя қилиш мумкин? энг муҳими ота-оналар ва ўқитувчи, тарбияларининг олиб борадиган тарбиявий ишлари умумий бир мақсадга йўналтирилиши лозим.

Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқан пок, маънавий йетук, меҳнацевар бўлиши учун барча тадбирлардан унумли фойдаланиш лозим.

### **Болалар тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги**

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиш даврида ҳам, асосан оилада тарбияланади. Оила боланинг дунёқараши, хулқи ва дидига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги энг биринчи вазифалари-болаларнинг соғлигини сақлашдир. Айниқса, ота-оналар ўзларининг меҳнат фаолиятлари, хулқ-атворлари орқали намуна бўлишлари лозим. Ўзаро оилавий жамоада яхши иборали сўзлашувни ташкил етиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Одатда ота-оналар мактаб ўқув вазифаларини яхши бажарилишини таъминлаш учун қуйидагиларга риоя есалар маъқул бўлади.

- Ўқувчиларнинг машғулотлардан кечикишларига ва дарсга кеч қолишларига йўл қўймаслик;

- боланинг машғулоти учун уйда унга қандай жой танлаб бериш, белгиланган соатларда ўқув иши билан банд бўлиш кўникмасини шакллантириш, уй вазифаларини шошилмай, аниқ бажариш имкониятини вужудга келтириш;

- болаларнинг уй вазифаларига халоллик билан қарашга ўргатиш, болаларни ғайрат ва чидамани ошириш;

- ўқувчиларни виждонли ва ростгўй бўлишига ҳамда ўз билмаган нарсасини яшириш, алдаш, мустақил ишлашдан бўйин товлаш, бошқалардан уй вазифасини кўчириб олиш каби ҳар қандай уринишларга нафрат билан қарашга ўргатиш лозим ва ҳоказо.

Оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг долзарб масаласидир. Чунки, биринчидан, оила тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар.

Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-уруғлар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ва ёру-дўстларининг маънавий ҳаётларида омилларни муҳофаза қиладилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оилавий мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай тоифа оилаларида тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар.

Учинчидан, ўзбек оилалари, уларнинг хат тарзи ижтимоий воқеалар натижасида сифат жиҳатидан ўзгаришлар қилиш учун янги самарали йўл ва методлар қидирилмоқда.

Ҳар бир ота-она фарзанди таълим олаётган мактаб жамоасининг аъзоси ҳисобланади. Ота-оналар орасида турли касб егалари ва жамоатчи кишилар кўп. Улар умумий мажбурий таълимни амалга оширишда ота-оналар ўртасида таълим-тарбия тарғиботини олиб боришда, мактабнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашда ёрдам берадилар.

Мактаб билан ота-оналарнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ота-оналар кўмитаси ташкил қилинади. Бу кўмигага мактаб директори раҳбарлик қилади. Бундан ташқари ҳар бир синфда ҳам синф ота-оналари кўмитаси тузилади. Уларнинг иш мазмуни ота-оналар кўмитаси тўғрисидаги Низомда белгиланган. Ҳамма ота-оналар кўмиталари ҳар бир ўқув йилининг бошида бутун ўқув йили учун тузилади. Синф ота-оналар кўмитаси ота-оналар йиғилишида 3-5 кишидан иборат қилиб сайланади. Синф ота-оналар кўмитасининг раиси мактаб ота-оналар кўмитасига аъзо қилиб ҳисобга олинади. Шу сабабли мактаб ота-оналар умумий йиғилишда синф ота-оналар мажлиси тавсия етган кишилардан сайланади. Мактаб ота-оналар кўмитаси аъзоларининг сони ҳар бир мактабнинг катта-кичиклиги, иш шароитига қараб ота-оналар

умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, лекин унинг тузилишида ҳар бир синф ота-оналар аъзоси бўлиши шарт. Мактаб ота-оналар кўмитаси аъзоларига мактабни оталикка олган ташкилотнинг вакиллари ҳам киритилади. Кундалик ишларни бажариш ҳамда ота-оналар кумитаси ва назорат ишларига раҳбарлик қилиш учун мактаб ота-оналар кўмитаси раиси ва унинг ўринбосари, котиби ва 5-7 аъзодан иборат хайъат сайланади.

Кўмита аъзолари умумий мажбурий таълимни амалга оширишда, мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олишда, уларни мактабга тортишда, мактабни тамомлагунга қадар муваффақиятли ўқишини тамомлашда мактабда ёрдам берадилар.

Иқтисодий аҳволи огир бўлган айрим болаларга умумий таълим жамғармаси ёки касаба уюшмаси томонидан ёрдам уюштирадилар. Болаларнинг таълим-тарбиясига еътибор бермаётган ота-оналар билан суҳбатлашадилар, зарурият бўлганда уларга ишлаб турган корхона ёки муассаса раҳбарияти орқали таъсир кўрсатадилар.

Кўмита аъзолари узоқдан қатнаб ўқийдиган болаларни транспорт воситалари билан таъминлаш ёки улар учун мактаб қошида интернат очиб иссиқ овқат билан таъминлашга ёрдам берадилар.

Ота-оналар кўмитаси мактабда "Ота-оналар" бурчаги ташкил қилиб, у ерга ўқувчиларнинг намунали кундалик иш режа ва тартибини, ота-оналар учун нашр етилган янги адабиётларни, ўқувчилар қоидасини, мактаб тарбиявий ишларининг истиқболли режасини осиб кўяди. Булардан ташқари мактаб ота-оналар билан суҳбатлар, мажлислар ва бошқа кўринишдаги ҳамкорликларни ташкил етади.

Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга кўйишда синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари нишоятда муҳимдир. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир оилага кириб бориши, шу оилага ва ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан биргаликда тарбиявий чора-тадбирларни белгилашлари, синф раҳбарининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан суҳбатлашишлари уларнинг тарбиясига таъсир кўрсатади. Хатто синф раҳбарининг уйига келишининг ўзи уларнинг қалбларини қувончга тўлдиради. Фақат синф раҳбарлари емас, балки фан ўқувчиларининг ҳам ота-оналар билан қилаётган ҳамкорликлари ўқувчилар ҳаётида сезиларли из қолдиради, бу билан хурсандчилигини оширади, янада куч-ғайрат сарфлашга илҳомлантиради. Синф раҳбарлари билдирилган хабар, танқидий фикрларнинг вазминлик билан тинглашлари, мулойимлик билан ешитишлари ва имконият доирасида ижобий ҳис етишлари жуда муҳимдир. Бола тарбиясида жамоатчиликнинг таъсири беқиёс еканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Қадимдан одамийликка, инсонийликка даъват етувчи жамият тарбияси мавжуд бўлганки, биз улардан кўз юма олмаймиз. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Масалан, биз халқимизда кўпчилик иштироки билан ўтадиган

тўйларида иштирок етувчи қоидаларига риоя қилиш, болаларнинг турли ўйинларида болалар ижоди, чойхона суҳбатлари, учрашувлар, мавсумий байрамлар, лола сайллар, "бойчечак" айтиши, қовун сайллари, "янги меҳмон" туғилишини нишонлаш, қизлар мажлиси, келинларни қайнона ва қайнота олдидаги "юз очдилари", "келин саломлари", сумалак, ечки ўйини, улок ўйини, кураш каби маросимларни назарда тутаяпмизки, уларнинг ҳаммаси ҳам халқ педагогикасининг дурдоналари сифатида авлодларни ўзбек халқига хос бўлган "Ўзбекона", "Шарқона" тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз ўзининг анъанавий тарбия методларида катталарга биринчи бўлиб салом бериш, катталар суҳбатига аралашмаслик, уйга меҳмонлардан сўнг кириш, лекин ешикни биринчи бўлиб очиб, ушлаб туриш, уларга ёрдам бериш каби одоб қоидаларига риоя этиши ҳар доим талаб қилинган ва ҳозир ҳам улар тарбия манбаи сифатида ўз қийматини йўқотмаган. Ҳозирги кунимизга келиб жамоатчиликнинг тарбия борасидаги методлари, шакллари мазмунан бойиб бормоқда, жумладан, мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида стипендия бериш ёки турмуш тарбияси оғир бўлган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам берувчи тадбиркор ташкилотларнинг ёрдами кучаймоқда. Бу борада "Болалар жамгармаси", "Соғлом авлод учун" жамгармасининг фаолияти мақтовга сазовордир.

Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўлган бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячиларнинг ташкилотчиликлари муаммони ижобий ҳал етувчи омил ҳисобланади.

### **XXV боб. СИНФ РАҲБАРИ**

Ўқувчиларга ҳар томонлама тарбия беришнинг негизида синф раҳбарининг олиб борадиган тарбиявий ишлари марказий ўринни егаллайди.

Синфда тарбиявий ишларни йўлга қўювчи, ўқувчиларнинг асосий тарбиячиси ва мураббийси синф раҳбаридир. Унга болалар ҳаётини йўлга қўйиш, жамоани уюштириш ва тарбиялаш масъулияти, синфдаги ўқув-тарбиявий ишларига жавобгарлик юкланади. У тарбиячи сифатида ўқувчиларни баркамол шахс бўлиб камол топиши тўғрисида, уларда ақлий теранлик, жисмоний бақувватлилик, руҳий тетикликни таркиб топтириш, илмга етиқод, билимдонлик ҳислатларини тарбиялаш тўғрисида ва синфда тартиб интизомни мустаҳкамлаш борасида ғамхўрлик қилади. Синф раҳбари бу ишларнинг барчасини кузатувчи сифатида емас, балки расмий, маъсул шахс сифатида бажаради, чунки у мактаб педагогик жамоаси олдида ўзига топширилган синфда ғоявий-сиёсий, маънавий – ахлоқий ишларнинг аҳволи учун, тарбиявий ишларнинг мазмуни ва йўлга қўйилиши учун жавобгардир.

Синф раҳбарининг асосий вазифаси ўқувчиларга тарбия бериш ва уларни дўстона жамоа қилиб жипслаштиришдан иборатдир. Албатта, ўз синфидаги ўқув ишлари, ўқувчилар билим, даражасини ошириш масалалари ҳам унинг етиборини жалб этади, аммо бу масалаларни ҳал этишга у аввало тарбиячи сифатида ёндошади.

У энг аввало тарбия бериш воситалари орқали (ўқувчиларда ўқув вазифасига нисбатан онгли ва маъсулият билан муносабатда бўлишни тарбиялаш, у дарсларда ўқувчиларнинг ўзаро ёрдамни йўлга қўйиш, уларни мактаб кун тартибига риоя қилишга ўргатиш ва шу кабилар) таълим бериш сифатини оширишда шу синфда дарс берадиган барча ўқитувчиларга ёрдам беради.

Ҳар бир синфда муайян ўқувчилар жамоаси иш олиб борадики, у жамоа ўқувчиларга қўйиладиган ягона талабга амал қилиш, улар билан индивидуал иш олиб боришни амалга ошириш керак. Одатда, бу жамоанинг ташкилотчис ва йетакчиси синф раҳбари бўлади. У синфида дарс берадиган ўқитувчилар олиб борадиган ўқув-тарбия ишларининг хусусиятларини ўрганади, уларнинг ўқувчиларга қўядиган талаблари ҳамда ўқувчилар билан ўзаро алоқаларини ўрганади, айрим ўқувчилар хулқ-атвори ҳақида, уларга таъсир кўрсатиш методлари ҳақида ўқитувчилар билан ўзаро фикр алмашиб туради. Унинг муҳим вазифаси ўқитувчиларнинг тарбиявий иш фаолиятларини бирлаштириб, йўналтириб боришдан иборат.

Синф раҳбари мактаб педагогик жамоаси ва педагогик кенгашининг аъзосидир. У барча ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни фақат ёлғиз ўзи емас, балки мактаб директори ва унинг ўринбосарлари раҳбарлигида, ўз синфида дарс берадиган бошқа ўқитувчилар билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб боради ва қуйидагиларга ўз еътиборини қаратади.

Синф раҳбарининг асосий вазифалари сирасига ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, ўқувчиларни ўқишга, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

- мактабда, синфда ўқувчиларни аҳил жамоага бирлаштириш ва ташаббускор ўқувчиларни тарбиялаш мақсадида ўқувчиларнинг талаб ва қизиқишлари, уларнинг синфдаги ва оиладаги ўзаро муносабатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш;

- ўқувчиларни ўзбек ва бошқа халқларнинг маданий, тарихий, миллий ва ҳудудий анъаналарини ҳисобга олиб, халқ педагогикаси асосида тарбиялаш;

- ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб боради, ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва қизиқишларини диагностик усулда аниқлаш;

- ўқувчилар дунёқарашини фан-техника ютуқлари, миллий маданият асоси бўлган мусиқа ва рақс, кино, театр, адабиёт, халқ ҳунармандчилиги каби воситалар орқали кенгайтириш;

- ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлаш ва буни бартараф етиш;

- ўқувчиларнинг оиласи, турар жойлари ва турмуш шароитлари билан танишиш;

- ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлиш;

- ўқувчилар ўзлаштиришини юқори даражага кўтариш, интизомни мустаҳкамлаш, улар томонидан мактаб Низоми ва ички тартиб қоидаларига риоя қилиш бўйича синф мажлисларини ўтказиш;

- ўқувчиларнинг бадий-ҳаваскорлик, спорт, ҳунармандчилик, миллий меросга оид тўғаракларга фаол қатнашишларини таъминлаш кабилар қиради.

Синф раҳбари ўз фаолиятини бошлар екан, «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси» (1999 й), «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси» (1999 й) талабларига мувофиқ синфда таълим-тарбия ишларини ташкил этади.



Ўзбекистон Республикаси «Таълим муассасалари синф раҳбари тўғрисида» ги Низомда синф раҳбари ишни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва умумий ривожланиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда тарбиянинг қуйидаги йўналишлари – мезонлари асосида ташкил етиши кўрсатиб ўтилган:

- ватан тушунчасини ўқувчилар қалбига сингдириш;
- миллий, ахлоқий, маданий ва маънавий тушунчаларни шакллантириш;
- миллий истиқлол мафқураси ва уни идрок етиш;
- иқтисодий саводхонликни ошириш;
- экологик саводхонликни ошириш;
- ҳуқуқий саводхонликни ошириш;
- жисмоний камолот;
- Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар уюшмаси фаолияти, асосий мазмуни, моҳияти ва жамиятдаги мавқеини тарғиб етиш;
- болалар ва ўсмирларучун чоп етиладиган газета ва журналларни тарғиб етиш;
- ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш, ота-оналар Кенгашлари фаолиятини жонлантириш;
- ўқувчининг оиласига бориб туриш;
- ота-оналарни мактабга таклиф етиш;
- ота –оанлар билан ёзишмалар орқали алоқа боғлаш;
- ота-оналар йиғилишлари;
- ота-оналар учун суҳбатлар ва маърузалар;
- маслаҳатлар ва савол жавоб кечалари;
- конференциялар, учрашувлар ташкил етиш;
- ота-оанларни педагогик адабиётлар билан таништириш;
- ота-оналар фаоллари билан ишлаш.

Тарбиявий иш - бўлажак педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай изланишни тақозо етади. Болалар жамоасини уюштириш, уни тарбияланган, уюшган, аҳил гуруҳга айлантириш, ўқувчиларнинг кўп қиррали, ижтимоий-фойдали фаолиятини тартибга солиш ишлари педагогдан ташкилотчилик маҳоратини қай даражада егаллашига боғлиқ. У барча ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни ёлғиз ўзи емас, балки мактаб директори ва унинг ўринбосарлари раҳбарлигида, ўз синфида дарс берадиган бошқа ўқитувчилар билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб боради. Синф раҳбари иш режасини тузиб чиқиб, директорга тасдиқлатади, ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия бирлигининг таъминлашнинг асосий йўллариини белгилаб олади. Директор ва унинг ўринбосари синф раҳбари иш фаолиятини бошқариб туради, ўқувчилар тарбияси фақатгина синф раҳбарига тааллуқли бўлмасдан мактаб маъмурияти ҳам бевосита ўқувчилар тарбияси билан Шуғулланади ва назорат қилиб туради. Синф раҳбарининг иш жараёни тарбиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган, ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган тарбиявий тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. Бу иш жараёни шахснинг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш мақсадида улар учун мақбул бўлган тарбиявий манбаларни танлаб олиб, уларга таъсир етишнинг янада самарали восита ва методларини мохирлик билан қўллашни кўзда тутати. Синф раҳбари олиб борадиган асосий тарбиявий ишлар бир неча қисмдан иборат бўлиб улар:

1. Ўқувчиларни ўрганиш.

Синфга раҳбарлик қилиш, одатда, синф ўқувчиларини алоҳида-алоҳида ўрганишдан бошланади. Синф раҳбари ўқувчиларни ўрганишда қуйидаги ишларни бажариши керак:

- раҳбар бўлиб тайинланган синф ўқувчиларининг шахсий делолари билан танишиш;
- ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларни аниқлаш;
- тарбияси қийн бўлган ўқувчиларни аниқлаш;
- ота-онаси бўлмаган, қариндош уруғларининг қарамоғидаги ўқувчиларни аниқлаш;
- синф ўқувчилари уй шароитлари билан танишиш.

Янги синфни қабул қилган ўқитувчи ўз синфидаги ўқувчиларнинг уй шароитлари билан танишиш ишларини ниҳоятда синчковлик билан ўтказиши зарур. Чунки бу давр енг масъулиятли давр бўлиб синф раҳбари ўтказадиган тарбиявий таъсирини ҳам белгилаши керак. Синф раҳбари уй шароитлари билан танишаётганда, Юқорида санаб ўтилган асосий вазифаларни бажаришни режалаштириб олади. Ота-оналар билан ўтказилган суҳбат натижалари алоҳида дафтарга қайд етилади. Синф раҳбари, шу билан бирга ўқувчига яратилган шароитни социологик анализ қилиши ҳам мумкин.

2. Синф ўқувчилари жамоасини ташкил етиш ва тарбиялаш. Синф раҳбари иноқ ва маълум мақсадни кўзлаган жамоага жипслаштирар экан, ўқув тарбия вазифаларини муваффақиятли ҳал етиш учун замин яратади. У айрим ўқувчиларга ва бутун синфга ўз обрў-еътиборини билангина емас, балки синф жамоасида жамоат фикрини таркиб топтириш юли билан таъсир етади.

3. Ўқувчилар билим сифатини ошириш ҳамда уларнинг тартиб инпизомини мустаҳкамлаш.

Синф раҳбари ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади, айрим ўқувчиларни кейинда қолишини ва ўз синфида икки йил ўтириб қолишини олдини олишга ҳаракат қилади.

4. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил етиш ва улар ўтказиш.

Дарсларда, таълим бериш жараёнида бериладиган тарбия дарсдан ташқари ишлар билан тўлдирилади. Синфдан ташқари тарбиявий ишлар синф раҳбаридан жуда кўп куч ва ғайрат сарфлашни талаб қилади. У дарсда асосан ўқитувчилик ишини бажаради синфга раҳбарлик вазифаси еса деярли дарсдан ташқари вақтларда бажарилади.

5. Ўзбекистон болалар ва ёшлар ташкилотларга ёрдам кўрсатиш, улар билан яқиндан алоқада бўлиш.

Болалар ва ёшларнинг ташаббускор ташкилотлари мактабда жуда муҳим тарбиявий вазифани адо етади. Улар бутун педагогик жамоа билан биргаликда ва енг аввало, синф раҳбари билан ҳамкорликда ўқувчиларда билимларга қизиқишнинг ва ижтимоиний фаолликни тарбиялашга ёрдам беради.

6. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб борадиган ишлари.

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқада бўлади. Мактабнинг оила билан янада мустаҳкамлаш алоқаси синф раҳбарлари орқали амалга оширилади. Синф раҳбари тарбиявий ишнинг асосий қисмлари мана шулардан иборат.

### **Дарсдан ташқари иш усуллари**

Педагогик адабиётда ёки тарбивий иш тажрибасида тарбия беришни йўлга қўйиш усуллари кўйидагича ажартиш енг кўп тарқалган.

1. Ялпи ёки ҳамма ўқувчилар билан иш олиб бориш;
2. Якка тартибда иш олиб бориш;
3. Гуруҳларга бўлиб иш олиб бориш ёки тўғарак ишлари.

Бу иш шаклларининг ҳаммаси, одатда синф раҳбарлари режасида ўз аксини топади. Дарсдан ташқари тарбиявий иш усуллари кўйидагича турлари ҳам мавжуд:

1. Оғзаки иш усуллари (сиёсий ахборотлар, мажлислар, лексиялар, докладлар, китобхонлар конференциялари, дастурлар, учрашувлар, радио журналлар).

2. Амалий иш олиб бориш усуллари. Саёҳат, спартакиадалар, олимпиада, мусобақалар, тўғараклар, Шунингдек шанбаликлар.

3. Кўргазмали иш олиб бориш усуллари. Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари музейлари, бадий ижод кўргазмалари, янги китоблар кўргазмалари ва бошқалар. Синф раҳбари ўз фаолиятида синф билан ялпи ишни ҳамма ўқувчилар билан бир вақтни ўзида амалга оширади. Базан тарбиявий ишни ташкил етишни бу усули «синф раҳбари соати», «тарбиявий соат» ёки «маънавий соати» деб аталади.

Синф билан ялписига олиб бориладиган тадбирлар, одатда ойига икки уч марта, базан еса ҳафтада бир маротаба ўтказилади. Ҳар бир синфдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий иш ўз олдига маълум мақсад қўймоғи лозим.

1) Ўтказиладиган синфдан ташқари иш таълим тарбия бирлигига асосланмоғи лозим.

2) Синф раҳбари синфдан ташқари ишларни олдиндан режалаштириб, ўз олдига аниқ мақсад қўйган ҳолда ташкил қилмоғи лозим.

3) Синфдан ташқари ишларни тарбия ишига ҳар томонлама ёндашган ҳолда олиб бориши керак. Ҳозирги замон педагогикаси ўқувчиларни тарбиялашда синф раҳбари олдига кўйидаги педагогик талабларни қўяди.

1. Ўқувчиларда мустақил дунёқараш куртаклари ва ижтимоий активликни таркиб топтириш. Бунинг учун кўйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

А) ўқувчиларда табиатдаги ўзгаришларнинг сабабларини тушуна билишни тарбиялаш;

Б) мустақилликдан кейинги йиллардаги ўзгаришларга нисбатан ўз мустақил фикрини билдира олишга ўргатиш;

В) ўқувчиларга Республикамизда ва чет елларда бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга қизиқишни шакллантириш;

Г) ёрдамга муҳтож кишиларга, кексаларга ёрдам кўрсатиш ҳислатларини тарбиялаш.

2. Ижтимоий фойдали ишга, меҳнатга, халқ- мулкига нисбатан ҳурмат еътиборни тарбиялаш.

Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши:

А) атрофдаги кишиларнинг меҳнати билан таништириш;

Б) ўз қишлоғидаги ёки шаҳридаги турли касбдаги меҳнаткашлар фаолиятининг ижтимоий аҳамияти ҳақида тасаввурни ҳосил қилиш:

Б) болаларда мактаб ва ундан ташқаридаги ижтимоий ҳаётда, меҳнатда фаол қатнашиш истагини тарбиялаш;

Г) Ўз меҳнати билан ўзгаларга фойда келтириш иштиёқини умумфойдаси учун ҳар қандай ишни бажаришда жавобгарликни ҳис қилишни тарбиялаш;

Д) жамоа меҳнатида иштирок етишни истамайдиган ўқувчиларга нисбатан салбий муносабатни тарбиялаш зарур.

3. Мустаҳкам ахлоқ ва хулқ маданиятини тарбиялаш.

Бй тарбия жараёнида ўқувчиларда қуйидаги ижобий ҳислатларни шакллантириш мумкин:

А) кишилар фаолиятидаги яхшилик ва ёмонликни фарқлай билишни ўргатиш;

Б) ҳақ ишни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш малакаларини шакллантириш;

Б) ўз сўзи, ваъдасини ҳар доим бажаришга одатлантирилиб бориш;

Г) ўз жамоасига ғамхўрлик қилиш, бошқаларга ёрдам беришга ошиқишни тарбиялаш;

Д) камтар, вазмин, интизомли, озода, тартибли бўлиш ҳислатларини тарбиялаш;

Е) ахлоқ маданияти қоидаларини бажариш, саҳийлик, ҳушмуомалалик, ота-ота, устоз ва дўстларини севиш ва ҳурмат қилишга одатлантириш;

Ж) доим тўғри гапириш, қари, касал, майиб кишиларга ва ёш болаларга ғамхўрлик қилиш ҳислатларини тарбиялаш;

З) жасур, чидамли, меҳнацевар бўлишга интилишни тарбиялаш;

И) Жамоа интизомини бузувчилар билан чиқишмаслик ва уларга ўз таъсирини ўтказиш ҳаракатларини шакллантириш. Ўқувчиларда мустақил дунёқараш ва ижтимоий активликни таркиб топтириш учун саёҳатларга бориш усуллари билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифани амалга ошириш учун ўқувчилар билан завод ва фабрикаларга, далаларга, боғларга, она табиатга саёҳатлар уюштириш яхши натижа бериши. Саёҳатга чиқишга олдиндан режа тузилади. Режада, ўқувчилар қайерга боради, нималарнаи томоша қилади, кимлар билан учрашади, ўқувчиларга нималар ҳақида ҳикоялар қилиб бериши кўрсатилади ва режа асосида иш олиб борилади. Болаларда ахлоқ ва хулқ маданиятини тарбиялаш учун ерталиклар

уюштириш, турли байрамларни жамоа бўлиб нишонлаш, ўқувчиларга тарбиявий таъсир етишнинг энг яхши усулидир.

Болалар байрамларни яхши кўрадилар, унга қувонч билан тайёрланадилар ва сабрсизлик билан кутадилар.

Турли байрамлар ўқувчиларни ижтимоий ва сиёсий билимларни оширишга, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Масалан, 8-декабр Конституция кунига атаб ерталик ташкил қилиш, ўқувчиларни сиёсий билимларини ошириш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, синф раҳбарининг диққат еътибори:

Мактабда олиб бориладиган таълим тарбиявий ишларнинг ҳамма шакл ва методларни синфдан ташқари олиб бориладиган ишларни мақсади, ўқувчиларни ахлоқ руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқарашни шакллантириш, келажакка етук кишиларни тарбиялашдан иборат бўлмоғи лозим.

## **XXVI боб. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР**

Ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш мактабда ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда анжуманлар, кечалар, ўткир зехнлилар мушоираси ва экскурсиялар ўтказиш, кино ва театрларга жамоа бўлиб бориш, завод ва фабрикаларда ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилиш, деворий газеталар чиқаришни йўлга қўйиш каби ишлар белгиланади.

Ўрта умумий таълим мактаблари ҳаётидаги бу кичик бўлимчанинг энг муҳим вазифаси умуммактаб тарбиявий ишлар жамоасини ташкил етиш системасини очиб беришдан иборатдир. Умуммактаб жамоаси синфларнинг шунчаки йиғиндисидан иборат бўлмай, балки бу жамоа бир неча ўқув йиллари давомида бутун педагогик жамоанинг катта куч-гайрат ишлатиши туфайли юзага келади. Мактабнинг иш режасидаги ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар, ўқитувчиларнинг ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг турли шакллари: ота-оналар мажлиси, ота-оналар билан гуруппа ва индивидуал тарзда суҳбат ва консультациялар, маҳалла ва аҳоли яшайдиган кишлоқларда, завод фабрика ва курилиш ташкилотларида олиб бориладиган турли тарбиявий мавзулардаги педагогик ташвиқот ва тарғибот ишлари ҳамда жамоатчилик ва ота-оналарнинг мактабга қачон ва қандай ёрдамини ташкил қилиш каби масалалар кўрсатилади.

Мактабнинг оталиқ ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари бўлимида мактаб биносини ремонт қилиш, ўқув кабинетларини жиҳозлаш ишига оталиқ ташкилотининг еътиборини жалб етиш, оталиқ ташкилотидаги ишчи ва хизматчилар учун турли тарбиявий темаларда суҳбатлар олиб бориш каби ишларни ўз ичига олади.

Шу жойнинг ўзида кенгаш йиғилишларининг ўтказиш муддати ва кун тартиби, кенгашнинг мактабдаги методик бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар билан алоқаси, бу бирлашмаларга раҳбарлик қилиш шакллари кўрсатиш ўринли бўлади. Ҳудди шунингдек, директор қошидаги йиғилишларнинг мавзуси, йиғилиш шакли, уни ўтказиш куни каби масалаларни ҳам мактаб директори мактаб иш режасининг шу бўлимида кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Иш режасининг-педагогик жараёни бошқариш ва назорат қилиш деб номланган бўлимида мактаб ишларини бошқариш ва педагогик жараёнда раҳбарлик қилишнинг асосий йетакчи принципи Н-демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш ақидаси асосида раҳбарлик қилиш тадбирлари белгиланади. Мактаб ички назоратини тўғри (аниқ мавзу ва мақсад асосида) амалга оширишга қаратилган ишлар, мактаб ички назоратининг шакл ва методлари, хусусан: ўқувчилар билимининг сифати ва ўқувчилар томонидан ўқув дастурларининг бажарилишини (дарсларга кириш ва таҳлил қилиш, лаборатория ва амалий ишлар, экскурсиялар: контроль ва ёзма ишлар, ишлаб чиқариш меҳнати, мактаб участкасидаги тажриба ишлари натижаларини таҳлил қилиш: ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг аҳволини аниқлаш, дафтар тутиш, синф журналларида ўқувчилар билан қайд этиш ва баҳолаш: ўқув фанлари бўйича ўқувчилар билими, уларнинг кўникма ва малакалар даражаси: мактаб маъмуриятининг назорат ишлари: дарслик ўқув жиҳозлари ва бошқаларнинг қандай ҳолатда эканлигини (текшириш).

Факультативлар ишини назорат қилиш. Методик бирлашмалар, ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, синф раҳбари, кутубхоначилар, лаборантлар фаолиятини кузатиш. Мактаб хужжатларининг қай тартибда ёритилаётганлигини назорат қилиб бориш каби қатор масалаларни белгилаш муҳим аҳамият касб етади.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогик жараёни бошқаришнинг муҳим объекти улгурмовчи ва икки йил бир синфда қолувчи ўқувчилар билан системали, аниқ мақсадга қаратилган иш олиб боришдир.

Режанинг мазкур бўлимида қуйидаги масалаларни ҳам кўрсатиш мумкин:

а) улгурмовчи, ёрдам талаб ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаб олиш:

б) ана шундай ўқувчиларнинг тайёргарликларидаги камчилик ёки етишмовчиликларнинг ҳарактери ва сабабларини ўрганиш.

в) бўш ўзлаштирувчи ва ўзлаштирмайдиган ўқувчиларнинг барча ёзма ишларини, фанлар бўйича берилган топшириқларни бажарилиши ва мазкур ўқувчиларнинг оғзаки жавобларини текшириб боришни таъминлаш:

г) улгурмовчи ва икки йил бир синфда қолувчи ўқувчилар билан гуруҳ ёки яккама-якка шаклда узлуксиз равишда ишлашни таъминлаш:

д) ана шундай ўқувчиларни ўзлаштирувчи ўқувчилар қаторига қўшиб олиб бориш борасида ота-оналар ва улар ишлаб турган корхоналар

билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг самарали шакли ва методларини кидириб топиш каби қатор масалаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иш режасининг-мактабнинг молия-хўжалик ишлари деб аталган бўлимида мактабни шу ўқув йилида ва ундан кейинги даврда ўқув моддий базасини янада мустаҳкамлаш, давлат томонидан ва оталик ташкилоти томонидан ажратилган маблағларни тўғри, мақсадга мувофиқ ҳолда сарфлаш, молиявий ҳисоб-китобларни тартибга солиш тадбирларини белгиланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мактабнинг иш режаларида ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишларининг долзарб масалаларига қаратилган турли мавзуларда семинарлар, анжуманлар ўтказиш, мактаб ўқитувчиларининг педагогик ўқишларини ташкил етиш каби масалаларни режалаштириш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан биридир.

## **ИВ БЎЛИМ** **БОШҚАРУВ ПЕДАГОГИКАСИ АСОСЛАРИ** **XXVII боб. ТАЪЛИМ ТИЗМИНИ БОШҚАРИШ, МАКТАБГА** **РАЎБАРЛИК**

Жамиятимизнинг муваффақият билан ривожланиши учун у юксак салоҳиятга ега бўлиши керак. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг онги, маънавий маданияти, қанчалик юқори бўлса, Республикамизда қайта қуриш ишлари Шунчалик муваффақият билан амалга оширилади. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маданий, маиший хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана Шундан келиб чиқади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқариш олдига қўйилган мақсад еса илм-маърифатни, маданиятни, ҳар томонлама камол топган юксак интеллектуал, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кишини тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Ҳар қандай миқёсидаги бевосита ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат-идора қилувчига маълум даражада мухтождир. Бу ибора қилувчи индивидуал ишларни бир-бирига мувофиқлаштиради ва ишлаб чиқариш организмининг мустақил органлари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Якка скрипкачи ўзини-ўзи идора қилади. Лекин, оркестр еса - дирижёрга мухтождир. Демак, тўғри бошқарувнинг муҳим шарти - бошқарувчи - раҳбарнинг бўлишидир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқариш олдига қўйилган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф етиш, жамиятнинг ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолида маиший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. Енг янги илмий техника инкилоби асарида маънавий ишлаб чиқаришнинг фан каби соҳасини бошқариш ғоят катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг ва унинг ҳар бир айрим аъзосининг маънавий ривожланишини бошқариш - умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими органлари, хунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Шунга кўра халқ таълими тизимини бошқариш, жумладан, умумий таълим мактабини бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисмидир.

### **Бошқариш омиллари**

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда - бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йўналишларини тушунмоқ керак. Бошқарув омилларига: режалаштириш, ташкил қилиш, сошлаш (кординация қилиш), назорат қилиш, ҳисоб-китоб қилиш киради.

Режалаштириш - бошқарилувчи объектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни, прогноз қилишни ҳам ўз ичига олади.

Ташкил қилиш - ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг тузилиши элементлари ўртасидаги муносабатларини ва уларнинг ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Нazorat қилиш - ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини ва тараққиётини режага қанчалик мувофиқлигини кузатиб ва текшириб туришдан иборатдир.

Ниҳоят, ҳисоб-китоб қилиш еса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига яқун яшашдир. Ҳисобга олиш, ахборотларни яқунлашга, уни тизимга солишга имкон беради. Шунингдек, у мазкур тизимнинг кейинги даврга мўлжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тўлиқ фойдаланишга имкон беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида санаб ўтилган бошқариш омилларини халқ хўжалигимизнинг ҳоҳлаган соҳасига, жумладан, мактаб-маориф соҳасига ҳам тўлиқ маънода тадбиқ қилиш мумкин. Лекин, мазкур омилларнинг конкрет мазмуни турли бошқарувчи тизимларга боғлиқ бўлади.

Демак, биз фикр юритаётган функциялар ижтимоий бошқарувнинг мазмунини ташкил қилади. Модомики, шундай екан, мактаб-маориф соҳасидаги ҳар бир раҳбар ходим ўзининг бошқарув иш тузимини мазкур бошқарув омиллари асосида ташкил қилса, бу борада сўзсиз яхши



натижаларга еришиши мумкин. Бунинг учун еса, мазкур бошқарув омиллари ва уларнинг моҳиятига тўлиқ тушуниб олмоқ лозим.

Мактабда бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (мактаб директори, директорнинг ўқув тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, маънавият бўйича ўринбосари, метод бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарув аппаратларини ташкил этади. Бошқаришнинг барча бўғин ва босқичларидаги ходимлар ҳам шу аппаратга мансубдирлар. Бошқарув аппаратининг бир қисмини кишиларни бошқарувчи шахслар (мактабдаги раҳбарлар) ташкил еса, иккинчи қисмини ижрочилар (ўқитувчи, тарбиячи, ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, метод бирлашмаларнинг аъзолари, техник ходимлар) ташкил этади.

Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни иккита асосий гуруҳларига:

а) мутахасисларига( ўқитувчи ва тарбиячиларга):

б) техник ходимларга( лаборант, фаррош, электрчи-монтёр, мактаб коровули кабиларга) бўлиш мумкин.

Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри танлаш ва уларни тўғри жойига қўйиш,- мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларини танлаш бобида қуйидаги қоидага риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг:

а) сиёсий билими жиҳатидан:

б) ҳалоллиги нуқтаи назаридан:

в) иш билиши жиҳатидан:

г) маъмурий қобилияти жиҳатидан ёндошиши ўринли бўлади. Бизнингча, идора қилиш учун ишни билиш керак, ҳамма нарсдан хабардор бўлмасдан туриб, тўла-тўқис билимга ега бўлмасдан туриб, идора қилиш илмини билмасдан туриб бошқариш мумкин емас.

Ишнинг кўзини билиш, уюшқоқликни бошқарув аппарати ишидаги асосий нарса деб ҳисоблаймиз.

### **Бошқариш қоидалари**

Мактаб маъорифни бошқариш шакллари ва методлари Республикамиз иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ ўзгариб ва такомиллашиб боради.

Мактаб ички бошқарувини бошқариш қоидалари асосида ташкил қилиш ҳозирги даврининг муҳим талабларидан биридир. Биз қуйида мана шу бошқариш қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Демократизм қоидаси.

Бу қоида ҳозирги даврда жамиятимиз янада демократлаштириш, халқнинг ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштириш бобида муҳим аҳамият касб етмоқда.

Демократизмни асоссиз равишда мустақиллиштириш оддий ходимлар ташаббусининг чекланишига, субъективизмга олиб бориши мумкин. Демократизм учун илмий асосланган пишиқ-пухта ташкилий тузилиш яратиб қўйилган бўлмаса, меҳнаткашларни жамоат ишларини бошқариш кўникмалари руҳида тарбиялаш соҳасидаги иш заиф бўлса, демократизмга зид бўлган анархия томонга "оғиш" содир бўлиши мумкин. Мана шу сабабларга кўра демократизм бобида жамият еришган ривожланиш даражасига мос келувчи тўғри нисбатни белгилаш ва давом еттириш ҳозирги бозор иқтисодиёти давридаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Демократик қоида вазифаларни хал етишдаги андозачиликка ҳам, шунингдек, кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини менсимасликка ҳам, маҳаллий органларни, меҳнат жамоаларини манфаатларига қарама-қарши қўйишга ҳам тоқат қила олмайди.

Демократик қоидани амалга оширилиши ташаббус ва изланишнинг жамият қонунлари ва нормаларига беками-кўст риоя етишга асосланган жуда ҳам мустаҳкам интизомлилик, намунали уюшқоқлик билан узвий бирлигини тақозо этади. Интизомсиз демократия, айрим ходимларнинг ҳисобот бермайдиган "чексиз қоллегиалчилиги" муқаррар равишда тартибсизлик ва бошбошдоқликни келтириб чиқаради. Шаблонлаштириш кам, юқоридан туриб бир хил андоза бичиб бериш ҳам, демократияга бутунлай ёт нарсадир.

Бизнингча демократик қоиданинг муҳимлигини уқтириш билан бирга, унинг характери якка бошчилиликни қоллегиаллик билан қўшиб олиб боришда намоён бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Гап шундаки, мактаб амалиётда педагогик меҳнатни илмий ташкил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий топшириқларини тартибга солишдан иборат деб қаралади. Булар, шубҳасиз, муҳим, албатта. Лекин педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил етиш мазмуни анча кенг бўлиб, унга, аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган методлар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнига техника воситаларини жорий етиш масалалари киради.

Унда педагогик иш режимини, мактабнинг кунлар, ҳафталар, ойлар ва чораклар бўйича иш тартибини такомиллаштириш, педагоглар кенгаши мажлислари, илмий-услубий педагогик характердаги конференциялар, йиғилишлар, кенгашлар каби тадбирларни ўтказиш ва бу ишни моҳирона режалаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш кўзда тутилган.

#### **Бошқаришнинг жамоатчилик ва шахсан масъуллиқ қоидаси**

Жамоа ва жамоа маслаҳати тўғри раҳбарликнинг гаровидир. Жамоа йўли билан хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, энг муҳим

қарорларни биргаликда, маслаҳатлашиб ишлаб чиқиш тўғри бошқарувни ташкил қилишнинг муҳим шартидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, умумий таълим мактабларида барча бошқариш масалаларини ўзаро муҳокама қилиш ва ҳал етиш, мактабдаги ҳар бир шахснинг муайян, аниқ ва қатъий белгиланган топшириқ ҳамда амалий ишларни бажариш учун жавобгар эканлигини қатъий белгилаш иши билан қўшиб олиб бориш, бу борада муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бу қондани яккабошчилик билан қўшиб олиб бориш, ниҳоятда муҳим вазифаларни жамоа бўлиб ҳал қилишни таъминлайди.

Яккабошчиликни мустақкамлаш ходимларни топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини оширади, раҳбарлик қилишда қатъий тартиб бўлишини ва мустақкам меҳнат интизомини таъминлайди. Мактабнинг тажрибаси шу нарсани яққол кўрсатмоқдаки: якка бошчилик жамоа бўлиб раҳбарлик билан бирга қўшиб олиб борилгандагина ўқувчиларимизга фан асосларидан чуқур билим бериш ва уларни ўзбек миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдек қийин ҳамда шарафли ишда яхши натижаларга ериша оламиз.

### **Бошқаришда ижрони текшириш қондаси**

Ижрони текширишдан кўзда тутилган асосий мақсад (текширишнинг асосий вазифаси)- белгиланган иш режаси ва тадбирларни амалга оширишни барбот етиш еҳтимолининг олдини олишдан, камчиликларни аниқлаш ва бартараф етишдан, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлашдан, ишни амалий ташкил қилишдан иборатдир. Ижрони текшириш юқори ташкилотлар кўрсатмаларининг ва ўз ҳужжатларининг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлайди. Бу еса, у ёки бу қарорга зарур тузатишлар киритиш, бундан буёнги вазифаларни аниқлаш, мақсадга еришишнинг шакли ва янги методларини белгилаш имконини беради.

Тўғри йўлга қўйилган ижрони текшириш-ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида, хусусан, ҳалқ таълими тизимини мактаб соҳасидаги барча вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартидир. қарор билан ижронинг бирлиги, тўғри раҳбарлик услубининг негизини ташкил этади. Ишнинг кўзини билиб ташкил етилган ижрони текшириш ана шундай бирликни шубҳасиз таъминлайди. У ходимларда, ўқитувчи ва тарбиячиларда ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан юксак талабчанлик ва принциполикни тарбиялайди, топширилган иш учун маъсулият ҳиссини кучайтиради, интизомни мустақкамлайди. Кишиларда қийинчиликларни йенгишда, сабот матонат, ташаббускорликни, муваффақиятга еришиш учун узлуксиз собит қадамлик билан ишлашга интилиш ҳисларини тарбиялайди.

### **Бошқаришнинг режалик қондаси**

Мактаб ичидаги бошқарув аппарати фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши муҳимдир. Бунинг маъноси аввало шундан иборатки, бу иш тасодифий бир-бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат

бўлмай, балки конкрет шароитни, вазиятнинг хусусиятларини ҳамда бутун педагоглар жамоаси олдидида, шунингдек, унинг айрим звенолари олдидида турган вазифаларнинг хусусиятини қатъий суръатда тартибга солинган, бир-бири билан боғланган ва чуқур ўйлаб кўрилган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

Бошқаришнинг режалилик қоидаси, халқ таълимига, жумладан, мактабга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш соҳасидаги режаларни ҳукуматимизнинг маориф соҳасидаги сиёсатини ва ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Ривожлантиришда ишнинг моҳиятини билиш, мақсадни маҳорат билан ҳал етишнинг асосий бўғини бўлиши лозим. Шунингдек, халқ таълими органларининг, жумладан, мактабнинг ҳам режасини аниқ тадбирлар мавзуси асосида мақсадга қаратилганлик, аниқ, мунтазам ва изчил иш олиб бориш каби хусусиятларга ега бўлиши, шунингдек, унда у ёки бу тадбирни бажариш учун жавобгар шахсларни аниқ кўрсатилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

### **Бошқаришнинг самарадорлик ва тежамкорлик қоидаси.**

Мазкур қоида асосида бошқариш ва раҳбарликнинг асосий мақсади ҳамда вазифаси хом-ашё материаллари, машина ва станоклар, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар, ўқитувчилар, техник ходим ва ишчилар, молия ресурслари ҳамда вақт бюджетидан тўғри ва ўринли фойдаланишни таъмин етишдан иборатдир.

Вақтни тежаш қонунининг моҳияти жамиятдаги ўсиб бораётган ижтимоий талабларни қондириш учун кетадиган сарфни камайиб боришида ва бутун жамият ва бутун унинг ҳар бир аъзосининг ҳар томонлама тараққий етиши учун зарур бўлган буш вақтни ортиб боришида кўринади.

Вақтни тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бобидаги мазкур қоида тўлиқ маънода мактабнинг ички бошқарув системасига ҳам тааллуқлидир. Мактаб раҳбарлари ўзларининг бошқариш иш системаларида ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларнинг вақтини тежаш масаласига алоҳида еътибор билан қарашлари лозим.

Шунинг учун ҳам мактаб ички бошқарувини ташкил қилиш ва уни амалга оширишда мазкур масалага еътиборни кучайтиришнинг педагогик аҳамияти жуда ҳам каттадир.

### **Мактаб ишини режалаштириш**

Мактабда тузилган иш режа мазкур мактаб педагоглар жамоаси ҳар бир аъзосининг фаолиятини тартибга солувчи қонун, кўрсаткичлар тизимида ифодаланган давлат топшириғидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай вазифани муваффақиятли равишда бажариш, ташкилий тадбирларни, шу жумладан, халқ таълим ва мактаб ишига оид бўлган тадбирларни амалга ошириш - тўғри режалаштириш маҳоратига боғлиқ бўлади. Халқ маорифи бўлимининг ишини, жумладан, мактаб ишини режалаштириш-аввало унинг вазифаларини, фаолият мазмуни ва методларини аниқлашдан иборатдир.

Тўғри тузилган иш режаси - хатога йўл қўишдан асраш билан бирга, илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишни ҳам таъминлайди. Тўғри тузилган режа раҳбарлари учунгина емас, айти вақтда муаллимлар жамоасининг ҳар бир аъзоси учун ҳам йўл кўрсатувчидир. Шунинг учун ҳам мактаб ишини режалаштириш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим ўринни егаллайди ва муҳим педагогик аҳамиятга молик бўлган масаладир.

### **Мактаб иш режасининг турлари**

Умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалари мавжуд.

Улар қуйидаги режалардир:

1. Мактабнинг маълум истиқболи даврга мўлжаллаб (бир беш йиллик учун) тузилган иш режаси. Бу мактабнинг **истиқбол иш режаси** деб аталади.

Бу иш режаси умуммактаб халқ хўжалик режа (кўрсаткичлари асосида тузилади. Бунда мактабнинг маълум даврга ривожини ўқув моддий ва техника базаси, мактаб қурилиши, ўқувчи ва ўқитувчилар сони, синфлар сони, ўқув кабинетларининг сони каби) турли рақамлар асосида кўрсатилади.

2. Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиладиган иш режаси.

Мазкур режа мактабнинг истиқбол иш режасининг шу ўқув йилига тегишли бўлган қисми ҳамда мактаб олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжалланган иш режаси мактаб иш турлари асосида ишланади. Мактабнинг мазкур иш режасининг мазмуни ва мундарижаси ҳусусида биз кейинроқ тўхтаймиз.

3. Мактабнинг жорий иш режаси. Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади. Бу режа туркумига:

-мактаб директори ва унинг ўринбосарининг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузадиган иш режалари:

-мактабда фанлар бўйича ташкил етилган методик бирлашмаларнинг иш режалари:

-синф раҳбарининг иш режалари:

-фан тўғараклари яқуни узайтирилган гуруппа раҳбарларининг иш режалари:

-мактаб кутубхонасининг иш режалари;

-мактаб устахонасининг иш режаси;

-мактабнинг ота-оналар комитетининг иш режаси;

-мактаб врач ва ҳамширасининг иш режаси;

-ҳар бир бошланғич ва фан ўқитувчисининг календарь ва кундалик дарсни ўтказиш режаси каби режалар мактабнинг жорий режалар тизимидан ўрин олади.

Шуни алоҳида ўқитиш лозимки, режани тўғри тузиш билан иш битмайди. Ишнинг муваффақияти шу режани қандай амалга оширишга, унда белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мактаб режасини амалга оширишда қуйидагилар муҳим педагогик аҳамият касб этади:

1. Мактабнинг юқори ташкилотлар, халқ таълими бўлимлари ва мактабга яқин бўлган турли муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлигига:

2. Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ўта халол, ишбилармон ва яхши маъмурий қобилиятга ега бўлган педагогик ходимлар жалб этилганлигига:

3. кадрлар ўртасида иш тақсимотининг тўғри ташкил этилганлигига:

4. Раҳбар ходимлардан тортиб енг қуйи ижрочиға умумий режадан келиб чиқадиган шахсий (жорий) иш режасини тузиб, шу асосда иш юритишиға:

5. Раҳбарнинг мактаб иш режаларининг бажарилиш юзасидан самарали ҳамда узлуксиз назоратни урнатганлигига.

Мактаб режаси устида ишлаш жараёнида ўсиб келаётган ёш авлод тақдири ҳақида, уларнинг маънавий ва жисмоний камол топтириш ҳақида ўйлаш керак. Мактаб ишини режалаштиришда ўқитувчилар жамоасининг ижодий тақдири ҳақида, зиёкорларни маънавий жиҳатдан ўстириш ва уларнинг илмий, методик ва умум педагогик маҳоратини ошириш ҳақида ўйлаш лозим, мактабда ўқув дастурларининг бажарилиши, ўқувчилар билимининг сифати, уларнинг тарбияланганлик даражаси, умуман олганда ўқув-тарбия ишининг ҳамма жиҳатлари ўқитувчиға унинг халол меҳнатига боғлиқ.

Ўқитувчи - мактабдаги бош сиймо. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мактабнинг иш режасида ўқитувчилар жамоасидаги кучларни шундай тақсимлаш керакки, уларнинг ҳар бири топшириқларни бажаришға бутун куч ва ғайратларини сафарбар этиш имкониятиға ега бўлсин. Шундай екан, мактабнинг ўқув-тарбия ишларини режалаштиришда қуйидаги учта шартға риоя қилиш мақсадға мувофиқдир:

1. Ишнинг бошланғич аҳволини чуқур педагогик таҳлил қилиш йўли билан, яъни иш режалаштирилаётган пайтда педагогик жараён тавсифини аниқ билиш.

2. Ишнинг режалаштирилиши охирида мактаб жамоаси томонидан ўқувчиларға берилган таълим ва тарбиянинг даражасини аниқ тасаввур қилиш.

3. Мактаб ишини ҳозирги кун талаблари даражасиға кўтармоқ учун, шунга имкон берадиган педагогик воситаларни енг мақбул тарзда танлаш.

### **Мактаб иш режасининг мазмуни ва мундарижаси**

Режалаштириш ўз шаклиға кўра матнли, график ва аралаш (матнли ва график) бўлиши мумкин. Режа қисқа, аниқ ва тушунарли, педагогик

мақсадларга мувофиқ тузилиб, ягона йўналишларни, қўйилган масалаларни бажариш тадбирларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Режанинг сифати режалаштириш қанчалик оқилона ва тўғри қўйилишига боғлиқдир. Одатда, мактаб иши режалаштириладиганда унинг тузилишини икки қисмдан иборат тузиш тавсия этилади: 1-қисм аналитик бўлиб, унда мактаб ишининг ўқув йилидаги яқунлари таҳлили ва янги ўқув йилидаги вазифалари ўз аксини топади; 2-қисм еса амалий характерда бўлиб; унда бу вазифаларни бажариш тадбирлари режалаштирилади.

### **Мактабнинг методик ишлари**

Мактаб иш режасининг ташкилий педагогик ишлар қисмида умумий таълим мактабида янги ўқув йилини уюшқоқлик билан бошлаш, ҳамда уни тугаллаш имконини берувчи тадбирлар, бу борадаги мактабнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлари белгиланади. Кўпинча бу ўринда иш участкалари тақсмоти ҳам аниқ кўрсатилади. Худди шунингдек, ўқитувчи кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, мактаб раҳбарлари, ходимлари ва ўқитувчилар ўртасидаги вазифалар ва топшириқларни тақсимлаш (масалан: ким синф раҳбари бўлади, мазкур мактабнинг микроучасткасига кимлар бириктирилади, ким тўғарак раҳбари бўлади, ким ўқув-тарбия ва синфдан, мактабдан ташқари ишларни бошқаради ва ҳ.к.) синфларни бутлаш каби масалалар кўрсатилади. Худди шу ўринда мактаб маъмурияти билан жамоатчилик ташкилотлари орасида бўладиган иш тақсмоти ҳам кўрсатилади.

Шундан кейин муайян бир иш учун (услубий бирлашмаларнинг йиғилиш кунлари, мактаб кенгаши мажлисларини, касаба уюшмаси ташкилоти мажлислари ва шу кабилар учун) ҳафтанинг кунларини аниқ кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Иш режасининг - "мактабни ўқув-моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаш" деб аталган қисмида:

а) мактаб учун ажратилган бюджет ва бошқа маблағлардан тўла, ўз вақтида унумли фойдаланиш;

б) ўқув қуроллари ва бошқа ўқув-хўжалик жиҳозлари ҳамда инвентарларни, кутубхона ва услубий хоналари учун мўлжалланган адабиётларни сотиб олиш; мебеллар, дарсликлар, ўқув хўжалик ашёларини ремонт қилиш ва сақланишини таъминлаш; ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кучи билан айрим ўқув кўргазмаларини тайёрлаш;

в) санитария-гигиена режими техника ҳафсизлиги ва ёнгинга қарши кураш тадбирлари, ўқувчиларнинг бу борада ўз-ўзига хизмат кўрсатиши;

г) мактабнинг ўқув хоналари, техника воситалари билан таъмин этиш каби масалалар белгиланади.

Мактаб иш режасининг мактабни педагогик кадрлар билан таъминлаш ва улар билан ишлаш деб аталган қисмида мактабни ҳозирги куннинг талаблари даражасидаги ўқитувчи ва тарбиячи кадрлар билан таъмин этишга қаратилган тадбирларни белгилаш билан бирга, мактаб

Ўқитувчисининг илмий методик, умумий педагогик ҳамда умумий психологик савиясини оширишга қаратилган қатор тадбирлар белгиланади.

Бундан ташқари мактаб иш режасини мазкур қисмида педагогик кадрлар билан ишлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга қаратилган ишлар ҳам аниқ белгиланади.

Бунда айниқса: а) мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг режа-графикини тuzатиш; б) ўқитувчиларни ўз устида мустақил ишлаб ўзларининг илмий методи жароҳатларини ошириш. Бунда ўз устида мустақил ишлаш бўйича консультацияларни, очик дарсларни ўтказиш ва уларга қатнашиш; в) малака ошириш ва методик ишлар. Бугунги кун талаблари асосида ўқитувчиларни янги дастур бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этиш, уларни ўқитувчилар малакасини ошириш шаҳар, вилоят, Республика институтларидаги курс машғулотларига қатнаштириш;

Кенгаш синф раҳбарларининг ҳамда фанлар бўйича методик бирлашмалари ишларини ташкил этиш. Мактаб кабинетини жиҳозлаш ва уни илмий-методий адабиётлар билан таъминлаш. Ўқитувчилар шуғулланаётган педагогик мавзулар асосида мактабда муаммоли семинарларни, илмий йўналишдаги анжуманларни ташкил этиш;

г) ўқитувчилар аттестацияси. Аттестация ўтказувчи гуруҳ ва унинг тадбирининг муддатини белгилаш, ўқитувчилар ҳақида аттестацияга доир ҳужжатларни тайёрлаш. Бу тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ тажрибаларни акс эттириш. Аттестацияни ўтказиш давомида, ўқитувчиларнинг дарсларига қатнашиш ва бошқа ишлари билан танишиш:

д) илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича аъзоларини белгилаш, муддати ва мавзусини аниқлаш, жавобгар кишиларни кўрсатиш. Тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришга доир кўргазма ва стендларни ташкил этиш. Шаҳар, ноҳия ва мактабдаги енг яхши ўқитувчилар дарсларига қатнашиш ҳамда уларнинг ибратли ишларини ўрганиш. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш бўйича семинар-практикум ўтказиш; е) мактаб доирасида педагогик ўқишлар ўтказиш каби масалаларга алоҳида еътибор берилади.

Мактаб иш режасини ўқув тарбия ишларини йўлга қўйиш-деб номланган қисмидан ўқув режасини ва дастурларининг ўз вақтида, юқори савияда, сифатли қилиб бажарилишини таъминловчи тадбирлар, мактабдаги таълимнинг асосини ташкил қилувчи дарснинг самарадорлигини ошириш, мактабдаги таълимни кабинет системасида олиб бориш, таълим-тарбия жараёнида техника воситалари ва ЕХТ дан фойдаланишни йўлга қўйиш каби масалалар кўрсатилади. Бундан ташқари, режанинг мазкур қисмида фанлар бўйича таълимий ва тарбиявий ишлар:



а) ўқувчиларни фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш; уларни мустақил ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатиш йўли билан уларнинг илмий дунёқарашини такомиллаштириб бориш. Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириб бориш.

б) ўқувчиларда билимга, фанга, таълим жараёнига қизиқишни ошириш бўйича тарбиявий ишлар. Уларни билимлар, мустаҳкам кўникма ва малакалар билан қуроллантириш. Мактабда ва уйда ўқув меҳнатини унумли ташкил етиш.

в) китоб билан ишлаш масаласини ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил етиш.

г) қобилиятли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш.

Имтихонларга ҳозирлик кўриш ва уларни ўтказиш, ёзда ўқиш учун топшириқлар олган ўқувчилар билан ишлашни ташкил етиш, кузги имтихонларни ўтказиб, билимларни ўзлаштирган ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш.

Мактабда китоб жамгармасини яратиш ва тулдириш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш.

Ўқитувчилар томонидан ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув ишларининг тематик ва ҳар бир дарсга планлар тузиш ва уларни ўрганиш, контроль ижодий, лаборатория ва амалий ишлар, ўқув экскурсияларини ўтказиш ҳамда машғулотларда техника воситаларидан фойдаланишга доир режаларни ишлаб чиқиш.

### **XXVIII боб: ПЕДАГОГИК ЖАРАЙОНДА МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ**

*"Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига еътибор берилмаса, келажак бой берилади..."*

И. А. Каримов

#### **Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги**

Тарбия жараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1993 йилда ишлаб чиқилган "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" концепсияси ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар етиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум дастуриламал бўлди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва мактаб нуфузини янада юқори поғонага кўтаришни тақозо этади.

Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислохотчидир. Президентимиз таъкидлаганидек, биринчидан, ёш авлодга ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган езгу орзуларини,

жамиятимиз олдига бугун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш;

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хурфикрликдан катъий назар ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, ел-юртимизни енг юксак мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

Учинчидан, ёшларни байналмилал жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистонга муносиб ҳурмат туғдириш учун интилиш руҳида тарбиялаш;

Тўртинчидан, ёш авлодни ватанпарварлик, ел-юртга садоқат, юксак одамийлик ва инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш;

Бешинчидан, ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари еканликлари, айни вақтда жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларини егаллаш руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг енг долзарб масаласидир.

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб берганидек, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар:

биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, умуман мамлакатдаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартиришга;

иккинчидан, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга;

учинчидан, жамиятда мустақил фикрловчи еркин шахсни шакллантиришга;

тўртинчидан, инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга;

бешинчидан, умумий ва махсус билимларга ега, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо етадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилган.

Мазкур концепсияда тараққиётимизнинг маънавий-ахлоқий негизи миллий ва умуман инсоний қадриятлар уйғунлиги еканлиги еътироф етилди, миллий ва умуминсоний тарбиянинг куйидаги ўзаро алоқалари, уйғун йўналишлари белгилаб олинди.

Миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб, фидойилик фазилатлари шакллантирилади.

Умуминсоний йўналишда ҳуқуқий, иқтисодий, жисмоний, ақлий, естетик, екологик, гигиёеник ва бошқа тарбия йўналишлари амалга оширилади. Бу концепсия миллий давлатчилик ва жамият қурилиши талаблари асослилигини таъминлайди.

Концепсияда оилага алоҳида еътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1998-йил "Оила йили" деб еълон қилиниши оиланинг тарбиявий ролини янада кучайтиради. Қайд етилган масалалар жамиятимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири ва унинг дунё миқёсидаги сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий салоҳиятини шакллантиришда ғоят катта аҳамиятга ега еканлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998- йил 26 мартда қабул қилинган "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида" ги 130-сонли қарори мисол бўла олади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонунининг 30-моддасида "Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар", деб белгилаб қўйилган.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 3.2 бандида еса таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга алоҳида еътибор берилган. Бу "Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги" бугунги, қуннинг маънавий, маърифий, мафкуравий, тарбиявий зарурати еканлигини билдиради. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш; умумий ҳамда миллий педагогик маданиятни ошириш; мамлакатимиз фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш "Оила, маҳалла, мактаб ҳам-корлиги" концепсиясининг асосий мақсадидир.

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" йўналишидаги бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

"Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" Концепциясини амалга ошириш жараёнида оиланинг вазифалари: "

- оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;

- оилада ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб этишларини ва уларга риоя қилишларини таъминлаш;

- фарзандларига чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб йетишиш;

- бозор муносабатларига мос бўлган касб-ҳунар ўргатиш, иқтисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;

- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;
  - болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
  - болаларнинг бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш;
  - фарзандларида мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш;
  - ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оилада масъулиятли бўлиш;
  - ота-оналар ўзларининг педагогик ва психологик билим савияларини доимо ошириб бориши;
  - болаларда тежамкорлик ва ишбилармонликнинг маънавий ахлоқий томонларини шакллантириш;
  - оилада миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишга масъулликни таъминлаш;
  - санитария-гигиенлик, экологик кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбияни амалга ошириш;
  - оила, мактаб ва маҳалла олдида ўз фарзандларининг барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир;
  - соғлигида ва ақлида нуқсонлари бўлган фарзандларига ҳаёт талабларига мос равишда билим ва касбкор ўргатишдан иборат.
- Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, ўзбекона таъбир билан айтганда, фарзандга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли қилиш, оилали ва уйли-жойли қилишдан иборатдир.
- Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида маҳалланинг вазифалари:
- "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақлдан келиб чиқиб, келажак авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида кичик Ватан бўлмиш маҳалланинг олдида қуйидаги вазифалар туради:
- маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиши ва оқилона йечимларини топишда фаоллик кўрсатилиши;
  - маҳалла ўз ҳудудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга мухтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаб ва фарзандларининг билим ҳамда тарбия олишларига бош-қош бўлиши;
  - маънан носоғлом оилаларни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;

- маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш;

- ота-оналар орқали болаларни ташаббускорлик, меҳнацеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмилаллик каби хислатларини сингдиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- ёшлар диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тўғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аجدодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

- маҳалла йиғинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура ғояларини, Республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда еришилган ютуқлар тарғиботини амалга ошириш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;

- "Маънавият ва маърифат", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Екосан", "Умид", "Улуғбек", "Нуроний", "Камолот" жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмаларни ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш ишига, муаммоли масалаларнинг йечимини топишга фаол жалб қилиш;

- маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга жалб қилиш;

- маҳалла ҳудудида ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш-турли йўналишда иқтидорли бўлган ўқувчи болаларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- илғор педагогик ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

- фарзандларига таълим ва тарбия беришда ижобий натижаларга еришаётган, намунали оилалар ҳаёт тажрибасини оммалаштириб, маҳалла ҳудудида "Оила сабоқлари" машғулотларини ташкил қилиш;

- маҳаллада истиқомат қилаётган халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижод аҳлининг имкониятларидан фойдаланиб, турли тўғарак ва "Уста-шогирд" русумида билим ва касб бериш фаолиятини ташкил қилиш;

- маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига еришиш;

- ҳар бир ёш фуқаро Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида мактабнинг вазифалари:

Болаларга таълим-тарбия беришда мактаб ва педагогларнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунининг, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Республика раҳбариятининг дастурий фикрлари мазмунидан келиб чиққан бўлиши керак, яъни:

- мактабда болага бирон-бир касб-корни егаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратиш;

- ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига ёрдам бериш, уларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш;

- болаларга таълим беришни илғор педагогик технологиялар, замонавий ўқув-услубий дастурлар асосида ташкил етиш, ўқув-тарбия жараёнларини жаҳон андозаларига мос равишда таъминлаш;

- ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари таҳлилидан, иқтисодий ва ижтимоий муҳитдан келиб чиқиб, уларни турли соҳа бўйича касб асосларига йўналтириш ва таълимда табақалаштирилган ёндашувни жорий етиш;

- ёш оилалар билан ишлаш, тиббий тарбиявий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун махсус тадбирларни амалга ошириш;

- ўз ҳудудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий мақсад йўлида мувофиқлаштириш;

- тарбияси "оғир", қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, оилаларга педагогик ёрдам бериш;

- бола тарбияси яхши йўлга қўйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;

- ўқишни ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган ўсмирларни ҳисобга олиб, уларга тегишли ташкилотлар билан биргаликда зарур чоралар кўриб, ота-оналар йиғинларида муҳокама қилиш;

- тарбия субъектлари бўлмиш ҳуқуқий, тиббий, ижодий уюшмалар, ёшлар, табиатни муҳофаза қилиш ва "Екосан", "Қизил ярим ой", барча жамғарма ва жамоатчилик марказлари, оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказлар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий бошқарув идораларининг бола тарбиясига бўлган масъулият ва жавобгарлигини мувофиқлаштириш;

- турар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази - мактаб бўлишига еришиш;

- ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мафқурани тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тарақиётимизга зарарли ғояларнинг кириб келишига қарши мурасасиз курашишни ташкил етиш;

- таълим муассасалари низомлари асосида ўқувчиларнинг мактабда жорий қилинган тартибга амал қилишларини ва низомда белгиланган ўқувчилар либосида таълим ва тарбия жараёнига қатнашишларини таъминлаш;

- маҳаллада, хотин-қизлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларнинг дунёвий билимларга бўлган интилишларини рағбатлантириш;

- мактаб негизида педагогик, ҳуқуқий, психологик, маънавий ва маърифий билимлар берувчи "Ота-оналар университетлари" фаолиятини ташкил қилиш.

### **Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш босқичлари**

Ёш авлодни яхши хулқли, давлат рамзларига садоқатли қилиб тарбиялашда уларнинг ёш жиҳатларига, ҳарактерига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки буларсиз тарбияда кўзланган мақсадга еришиб бўлмайди.

Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида қуйидаги тамойилларга ва босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

- таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги;

- тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;

- ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак масъулияти;

- фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги;

- ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги;

Биринчи босқич. Ёш оилалар билан ишлаш. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, обрўли хотин-қизларни, ота-оналарни жалб қилиб, "Ёш оналар ва оталар мактаблари" фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи босқич. Фарзанднинг мактабгача бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўзига-ўзи хизмат қилиш, ҳарф таниш, кўшиқ айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан мактабга тайёрлаш гуруҳлари, "Якшанбалик мактаблар" ишини ташкил қилиш.

Учинчи босқич. Кичик ёшдаги (6-11 ёш) мактаб даврида болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик хислатларини, шакллантириш,

Тўртинчи босқич. Ёсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ёсмирлар гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Бешинчи босқич. Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчларини адо етишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила куришга тайёрлаш.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 4-бўлим 6-бандида "Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув жамоат бошқаруви тизими жорий етилади" деб белгилаб берилган.

Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда ўз таркибига маҳаллалар фаоллари, обрўли ота-оналардан, ўқув-тарбия муассасаларининг тажрибали ходимларидан, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотларнинг ходимларидан иборат мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилиши керак. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига олган вазифалардан келиб чиқиб, ўз таркибида турли йўналишларда фаолият кўрсатадиган кичик ташаббускор гуруҳларни тузиши мумкин. Жамоатчилик кенгаши маълум бир муддатга мўлжалланган иш дастурини тузиш ва уни маҳалла йиғинида тасдиқлаб олиб, амалга ошириши зарур бўлади.

Қайд етилган тадбирлар давра суҳбатларидан, бирон бир мавзуга ёки муаммога қаратилган кенгаш ва мажлислардан, анжуманлардан, маҳалла аҳлини бирлаштирувчи, уларни соғлом турмуш тарзига йетакловчи кўрик-танловлар, мусобақалар, беллашувлар, учрашувлар ва турли саналарга бағишланган анжуман ва тантаналардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий қилинган жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўғрисида маҳалла аҳлига ҳар чоракда бир маротаба ҳисобот беради. Зарурат туғилганда ўқув-тарбия муассасалари, маҳалла фаоллари, маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона ва идораларнинг таълим-тарбия юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида ҳисоботларини тинглаб, уларга амалий ва назарий ёрдам бериши иш самарасига ва унинг изчиллигига ижобий таъсир кўрсатади.



Кенгаш маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, ўз фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналарга нисбатан давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда турли маъмурий чораларни қўллаши мумкин.

Кенгаш ташаббуси билан бирон-бир долзарб мавзуда фавқулодда маҳалла йиғинлари, ўқув-тарбия муассасаларининг педагогик кенгашлари ёки бошқа зарур тадбирлар ташкил қилиб ўтказилиши мумкин. Кенгаш маҳалла ҳудудида ўзбек миллий тарбия анъаналарини тиклаш, турли маданий тадбирлар ўтказиш, болалар ва катталарнинг бўш вақтларини ташкил етиш борасида мактаблар, ўйингоҳлар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари, ўсмирлар клублари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишини мувофиқлаштиради.

Кенгаш ўтказилган тадбирларни таҳлил қилади, бу борада услубий маслаҳатлар тайёрлайди ва бу тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритади. Кенгаш ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги тасарруфига кирган масала ва муаммоларни маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари, ташкилот ва идоралари иши режалаштирилиши ва амалиёт дастурларига киритилишида уларнинг баҳамжиҳатлигини таъминлайди. Ушбу кенгашлар мактаб, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ташкил қилиниши ва кенгаш аъзоларининг барча давлат ва нодавлат ташкилотларига, жамғармаларга, жамоатчилик марказларига ва турли ташкилотларга ўз ваколатлари доирасида мурожаат қилишларига имконият яратилиши кенгаш вазифаларини тезкорлик билан амалга ошириш имкониятини беради.

#### **Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш услублари**

Таълим ва тарбия соҳасига еътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, дидектив кўрсатмаларни самарали бажариш учун оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шаклларга ега бўлиши зарур.

Ўтказилган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўرғазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, естетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак олиши ҳамда уларнинг қизиқиш ва интилишларига мос бўлиши лозим. Ҳамкорлик тадбирларининг мавзулари "Соғлом авлод учун", "Ота-онангга ҳурмат", "Одобингга балли", "Соғ танда соғлом ақл", "Меҳр чашмаси", "Қизлар ибоси", "Бир йигитга қирқ хунар оз", "Ўғлим посбоним", "Ҳаёт-устоз, халқ - муаллим", "Ўзбекистон Ватаним маним!", "Миллий бурч ва масъулият", "Оила сабоқдари", "Оила етикаси", "Оила тинч - маҳалла тинч", "Мустақил ҳаёт бўсағасида", "Аскарлик - йигитлик мактаби", "Оила бахти- Ватан бахти", "Спортчи оила",

"Оиламиз оҳанглари", "Ватан остонадан бошланади", "Биз киммиз" каби тадбирлардан иборат бўлиши мумкин.

### АДАБИЙОТЛАР

1. Ислом Каримов. «Ўзбекистонниг ўз истиқлол ва тарақиёт йўли». Т.: «Ўзбекистон», 1994 йил.
2. Ислом Каримов. «Ижобий ишларимизни охирига йетказайлик». Т.: «Ўзбекистон» 1994 йил.
3. Ислом Каримов. «Ҳалоллик ва фидоийлик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин». –Т.: «Ўзбекистон» 1994 йил.
4. Ислом Каримов. «Истиқлол ва маънавият». – Т.: «Ўзбекистон».
5. Ислом Каримов. «Юксак малакали мутахассислар – тарақиёт омили». Т. «Ўзбекистон» 1995 йил.
6. Ислом Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». – Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил.
7. Ислом Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари». – Т.: «Ўзбекистон».
8. Ислом Каримов. «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т. Шарқ, 1997.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2000 йил.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». «Маърифат» газетаси. 15 сентябрь 1997 йил.
12. Юсуф Хос Хожиб. «қутадғу билиг» (сўз боши муаллифи Б.Тухлиев). Т. Юлдузча. 1990 йил.
13. А.Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Ўқитувчи» нашриёти., Т. 1993 йил.
14. Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шаҳри» «А.Қодирий» нашриёти. Т. 1993 йил.
15. А.Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб». Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти 1996 йил.
16. О.Мусулмонова. «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси». «Ўқитувчи» нашриёти.Т. 1996 йил.
17. Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» «Ўқитувчи» нашриёти. Т. 1995 йил.
18. З.Миртурсунов. «Халқ педагогикаси». Т.1994 йил.
19. А.қ. Мунавваров. «Педагогика». «Ўқитувчи» нашриёти. Т. 1996 й.
20. К.Хошимов, Сафо Очил. «Ўзбек педагогикаси антологияси». «Ўқитувчи» нашриёти. Т. 2000 йил.
21. О.Хасанбойева. «Педагогика тарихидан хрестоматия». «Ўқитувчи» нашриёти. Т. 1993 йил.

22. Б.Зиёмухаммедова, Ш.Абдуллаева. «Педагогика» «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти. Т. 2000 йил.
23. С.Турсунов, Б.Нишоналиев «Педагогика». «Ўқитувчи» нашриёти. Т.1996 йил.
24. М. Абдурасулов. «Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм маърифат ҳақида». Т. «Ўқитувчи» 1981 йил.
25. Ў.Алиқулов, Р.Омонбоев. Жомий ва давоний таълим тарбия ҳақида. Т. «Ўқитувчи» 1981 йил.
26. Имом Исмоил ал-Бухорий. «Ал-адаб, ал-муфрал». Одоб дурдоналари. Т. «Ўзбекистон». 1990 йил.
27. Р.Мавлонова ва бошқалар. «Педагогика» Т. «Ўқитувчи» 2001 йил.
28. Подласий И.П. «Педагогика». И-ИИ т. –М.: Владос, 1999 йил.
29. Н.Саидахмедов «Янги педагогик технологиялар». Т. Молия 2003 йил.
30. Фарберман Б. «Илғор педагогик технологиялар». Т. Фан. 2000 йил.
31. К.Хошимов, С.Нишонов ва бошқалар. «Педагогика тарихи». Т. «Ўқитувчи» 1996 йил.
32. Ж.Ғ. Йўлдошев. «Хорижда таълим». Шарқ – Матба консерни. 1995 йил.
33. М.Инамова. «Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси». Биринчи Тошкент босмаҳонаси. 1999 йил.
34. С.С.Ғуломов. «Олий таълим луғат маълумотнома». Т. Молия 2003 йил.
35. Ю.Н. Абдуллаев. «Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил». Ғ.Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» 2001 йил.
36. Ж.Ғ.Йўлдошев. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т. «Маърифат-мададкор» 2001 йил.
37. М. Очилов. «Муаллим қалб меъмори» Т. «Ўқитувчи» 2001 йил.
38. Бетти Радон. «Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам». «ЙУНЕСКО» 2002 йил.
39. Т.Т. Ризқиев умумий таҳрири остида «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепсияси». Т. «Шарқ» 2002 йил.
40. А.Зуннунов, А.У.Маҳкамов. «Дидактика». Т. «Шарқ» 2006 йил.
41. Ў.Асқарова. «Миллий ғурур». Т. «Ўқитувчи» 2003 йил.
42. Ў.Асқарова. «Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар». Т. «Истиклол» 2005 йил.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	1
И бўлим.	
Педагогиканинг умумий асослари.	
И боб. Педагогика предмети мақсад ва вазифалари илмий-тадқиқот методлари.....	3
Педагогика фанининг методологияси .....	6
Педагогиканинг асосий категориялари.....	9
Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси ва педагогик фанлар тизими .....	10
Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари.....	13
ИИ боб. Ўқитувчи шахсининг ривожланиши ва тарбия.....	19
Шахсининг камол топиш жараёни .....	19
Болаларнинг ёш давлари .....	25
ИИИ боб. Ўқитувчилик касбининг жамиятда тутган ўрни.....	26
Ўқитувчи касбини шакллантириш.....	26
Ўқитувчининг қобилиятлари .....	28
Ўқитувчининг педагогик маҳорати.....	31
Бўлажак ўқитувчининг профессиограммаси .....	36
ИВбоб. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизими .....	39
Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалрига тавсиф .....	43
ИИ бўлим. Дидактика.	
В боб. Дидактика-таълим назарияси.....	47
Дидактика, предмети, мақсад ва вазифалари .....	47
ВИ боб. Таълим мазмуни .....	52
Таълим мазмуни ҳақида тушунча.....	52
Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш.....	59
ВИИ боб. Таълим қонуниятлари ва қоидалари.....	65
ВИИИ боб. Ўқитиш методлари ва воситалари.....	73

ИХ	боб.Таълимни	ташкил	етиш	
шакллари.....				79
Дарс		турлари	ва	
типлари.....				80
Янги педагогик технологиялар .....				85
Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш.....				90
Ривожланган	хорижий	давлатларда	таълим	
тизими.....				92
ИИИ бўлим . Тарбия назарияси.				
Хбоб. Тарбия жараёни .....				97
Тарбия жараёни, унинг моҳияти ва қонуниятлари.....				97
ХИ боб.Тарбия қоидалари.....				108
ХИИ боб. Тарбиянинг умумий методлари ва воситалари.....				119
ХИИИ боб. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш.....				132
Ақл-дунёқараш мезони.....				132
ХИВ боб. Миллий истиқлол ғояси ва фуқаролик тарбияси.....				142
ХВ боб. Ахлоқий тарбия .....				157
Ахлоқ ҳақида тушунча.....				157
Ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш.....				159
Мактабда ахлоқий тарбияни амалга ошириш йўллари.....				162
ХВИ	боб.		Жинсий	
тарбия.....				164
Ўқувчиларнинг жинсий тарбияси.....				164
Жинсий	тарбия	бериш	йўллари	ва
методлари.....				166
ХВИИ боб. Ҳуқуқий тарбия .....				168
Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.....				170
Ҳуқуқий тарбиянинг амалга ошириш йўл ва воситалари.....				173
ХВИИИ	боб.		Естетик	
тарбия.....				178
Естетик тарбиянинг моҳияти.....				184
Естетик			тарбиянинг	
вазифалари.....				184
Естетик тарбия мазмуни.....				185
Естетик			тарбия	
воситалари.....				187
ХИХ боб. Иқтисодий тарбия.....				188
ХХ боб. Меҳнат тарбияси.....				195
ХХИ боб. Экологик тарбия.....				201
ХХИИ	боб.		Жисмоний	
тарбия.....				211
ХХИИИ	боб.	Ўқувчилар	жамоасини	
шакллантириш.....				219
Жамоанинг ривожланиш босқичлари.....				220

Ўқувчилар жамоасини тарбиялаш.....	223
XXIV боб. Оилавий тарбия асослари.....	226
Ўқувчилар тарбиясида оиланинг ўрни.....	226
Ота-оналарга педагогик билим бериш тизими.....	230
XXV боб. Синф раҳбари .....	238
XXVI боб. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.....	246
IV бўлим. Бошқарув педагогикаси асослари. XXVII боб. Таълим тизимни бошқариш ва мактабга раҳбарлик .....	249
Бошқариш омиллари.....	250
Бошқариш қоидалари .....	252
XXVIII боб. Педагогик жараёнда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги .....	264
Ўқувчиларни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини амалга ошириш босқичлари .....	272
Ўқувчиларни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини амалга ошириш услублари .....	275
Адабиётлар.....	276

## СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	1
И-раздел.	
Общие основы педагогики.	
И-глава. Цели и задачи, научно-педагогических методов исследования.....	3
Методология предмета педагогики .....	6
Основные категории педагогики .....	9
Связь педагогики с другими науками и система педагогических предметов .....	10
Научно – исследовательские методы педагогики.....	13
ИИ-глава. Развитие и воспитание личности учащегося.....	19
Процесс развития личности.....	19
Возрастные этапы учащегося.....	25
ИИИ-глава. Роль педагогической профессии в обществе.....	26
Формирование профессии учителя .....	26
Способности учителя.....	28
Педагогическое мастерство учителя.....	31
Профессиограмма будущего учителя .....	36
ИВ-глава. Система народного образования Республики Узбекистан.....	39
Характеристика учебное – воспитательных учреждений.....	43
ИИ-раздел. Дидактика – теория обучения.	
В-глава. Дидактика теория образования .....	47
Предмет, цель и задачи дидактики.....	47
ВИ-глава. Содержание образования.....	52
Понятие о содержании образования.....	52
Создание нового поколения учебной литературы.....	59
ВИИ-глава. Закономерности и принципы обучения.....	65
ВИИИ-глава. Методы и средства обучения .....	73
ИХ-глава. Формы организации обучения .....	79
Типы и виды урока.....	80
Новые педагогические технологии .....	85
Методы контроля и оценки обучения.....	90
Система образования развитых зарубежных стран.....	92
ИИИ- раздел. Теория воспитания.	
Х-глава. Процесс воспитания .....	97
Сущность и закономерности процесса воспитания.....	97
ХИ-глава. Принципы воспитания.....	108
ХИИ-глава. Основные методы и средства воспитания .....	119
ХИИИ-глава. Формирование научного мировоззрения и умственное воспитание .....	132

ХИВ-глава. Идея национальной независимости и воспитание гражданина.....	142
ХВ-глава. Нравственное воспитание .....	157
Понятие о нравственности.....	157
Воспитать в духе патриотизма к Родине .....	159
Патриотическое и интернациональное воспитание пути осуществления нравственного воспитания в школе.....	162
ХВИ-глава. Половое воспитание .....	164
Половое воспитание учащихся .....	164
Методы и пути полового воспитания .....	166
ХВИИ-глава. Правовое воспитание .....	168
Цели и задачи правового воспитания .....	170
Средства и пути осуществление правового воспитания .....	173
ХВИИИ-глава. Эстетическое воспитания .....	178
Сущность эстетического воспитания .....	179
Задачи эстетического воспитания .....	184
Содержание эстетического воспитания .....	185
Средства эстетического воспитания .....	187
ХИХ-глава. Экономическое воспитание .....	188
ХХ-глава. Трудовое воспитание .....	195
ХХИ-глава. Экологическое воспитание .....	201
ХХИИ-глава. Физическое воспитание .....	211
ХХИИИ-глава. Формирование ученического коллектива.....	219
Этапы развития ученического коллектива.....	220
Воспитание коллектива учащихся .....	223
ХХИВ-глава. Основы семейного воспитания.....	226
Роль семьи в воспитании учащихся .....	226
Система педагогического образования родителей .....	230
ХХВ-глава. Классный руководитель .....	238
ХХВИ-глава. Внеклассная и внешкольная воспитательная работа.....	246
ИВ-раздел. Основы педагогического управления.	
ХХВИИ-глава. Управление системой народного образования и школой .....	249
Факторы управления.....	250
Принципы управления.....	252
ХХВИИИ-глава. Совместная деятельность школы, семьи и общественности в педагогическом процессе.....	264
Этапы развития сотрудничества школы, семьи и махалли в воспитании учащихся .....	272
Методы развития сотрудничества школы, семьи и махалли в воспитании учащихся.....	275



## СОДЕРЖАНИЕ

Интродустион	1
Парт-И.	
Тхе генерал басис оф педагогисс.	
Чаптер-И.	
Тхе субжест анд абжест оф педагогисс, иц аимс, фунстионс анд ссиентифис – инвестиционал метходс.....3	
Тхе метходологй оф педагогисс .....	6
Тхе маин сатегорис оф педагогисс .....	9
Тхе соннестион оф педагогисс витх отхер субжесц анд иц сйстем ..	10
Тхе ссиентифис-инвестиционал метходс оф педагогисс .....	13
Чаптер-ИИ.	
Тхе девелопинг оф пупильс персоналитй анд траининг.....	19
Тхе просесс оф персонъс девелопинг.....	19
Тхе аге стагес оф чилдрен .....	25
Чаптер-ИИИ.	
Тхе роле оф теачерс ин сосиетй .....	26
То форм тхе профессион оф теачерс .....	26
Тхе теачеръс абилитиес .....	28
Тхе педагогисал талант оф а теачер .....	31
Тхе дирестион оф а теачер ин тхе футуре .....	36
Чаптер-ИВ.	
Тхе едусатионал сйстем оф тхе Републис оф Узбекистан.....	39
Тхе ресоммендатион то тхе Институтион ин тхе ин тхе национал едусатионал сйстем.....	43
Парт-ИИ.	
Дидастисс.	
Чаптер-В.	
Едусатионал тхеорй оф дидастисс .....	47
Дидастисс, иц обжест, аимс анд фунстионс .....	47
Чаптер-ВИ.	
Тхе меанинг оф едусатион .....	52
То форм new генератион оф теачинг литературес .....	52
Чаптер-ВИИ.	
Тхе лауэс анд рулес оф едусатион .....	65
Чаптер-ВИИИ.	
Теачинг метходс анд аидс .....	73
Чаптер-ИХ.	
Тхе шапес оф форминг едусатион.....	79

Тхе аспесц анд тйпе оф тхе лессон.....	80
New педагогисал течнологисе .....	85
Ческинг анд маркинг оф пупилс импровинг тхеир кноуледге.....	90
Тхе едусатионал сйстем ин девелопед фореиґн соунтриес.....	92
Парт-ИИИ.	
Тхе тхеорй оф траининг	
Чаптер-Х.	
Тхе просесс оф траининг .....	97
Тхе просесс оф траининг, иц аим анд лауе .....	97
Чаптер-ХИ.	
Тхе рулес оф траининг .....	108
Чаптер-ХИИ.	
Тхе генерал метходс анд аидс оф траининг .....	119
Чаптер-ХИИИ.	
То форм ссиентифис оуциде ин пупилс.....	132
Минд ис тхе ссале оф оуциде .....	132
Чаптер-ХИВ.	
Натионал идеа оф индепенденсе анд ситизенъс траининг .....	142
Чаптер-ХВ.	
Сондустве траининг .....	157
Тхе нотион абоут сондуств .....	157
То бринг уп ин тхе спирит оф патриотисм .....	159
Тхе вайс оф реализинг тхе сондустве траининг ин счоол .....	162
Чаптер-ХВИ.	
Сехуал траининг .....	164
Тхе сехуал траининг оф пупилс .....	164
Тхе вайс анд метходс оф сехуал траининг .....	166
Чаптер-ХВИИ.	
Ригхтфул траининг .....	168
Тхе аимс анд фунстион оф ригхтфул траининг .....	170
Тхе вайс анд аидс оф реализинг ригхтфул траининг .....	173
Чаптер-ХВИИИ.	
Аестхетис траининг .....	178
Тхе аим оф аестхетис траининг .....	179
Тхе фунстионс оф аестхетис траининг .....	184
Тхе меанинг оф аестхетис траининг .....	185
Тхе аидс оф аестхетис траининг .....	187
Чаптер-ХИХ.	
Есономисал траининг .....	188
Чаптер-ХХ.	
Траининг оф тхе лаб оур .....	195

Чаптер-XXI.	
Есологисал траининг .....	201
Чаптер-XXII.	
Пхйсисал .....	211
	траининг
Чаптер-XXIII.	
То форм пупильс унион.....	219
Тхе стагес оф унионъс девелопинг .....	220
То траин пупильс унион .....	223
Чаптер-XXIV.	
Тхе басис оф фамилий .....	226
	траининг
Тхе роле оф тхе фамилий ин траининг оф пупилс .....	226
Тхе сйстем оф педагогисал теачинг то паренц .....	230
Чаптер-XXV.	
Сласс лидер .....	238
Чаптер-XXVI.	
Тхе траининг воркс оут оф тхе сласс анд счоол .....	246
Парт-IV.	
Тхе басис оф леадинг педагогисс.	
Чаптер-XXVII.	
То манаге едусатионал сйстем анд леадинг то счоол .....	249
Тхе вайс оф леадинг .....	250
Тхе рулес оф леадинг .....	252
Чаптер-XXVIII.	
Тхе унион оф счоол, фамилий анд “макхалла” .....	264
ин тхе педагогисал просесс .....	264
Тхе стагес ин реализинг тхе унион оф счоол, фамилий анд .....	272
“макхалла” ин тхе педагогисал просесс .....	272
Тхе метходс ин реализинг тхе унион оф счоол, фамилий анд .....	275
“макхалла” ин тхе педагогисал просесс .....	275
Литературес .....	276

